

И. С. Тургенев

ОТЛАД  
ва  
БОЛАЛАР

Ўзбекистон ССР  
Давлат Насриётини,  
Тошкент  
1948

**М. РАҲМОН ва И. ИЛЁСОВ**  
**ТАРЖИМАСИ**



I

Ёши қирқлардан сал ошган, чанг босган пальто ва катак чолвор кийган бир бояр, 1859 йилнинг 20-май ойида\*\*\* деган тош йўл бўйидаги мусофирхонанинг зинапоясига бошланг чиқиб, узининг ёш, беги чўзинчоқ, нагига оқиш туклар чиққан, кўзлари кичик ва хира хизматкоридан:

— Хуш, Пётр, кўринмаяптими? — деб сўради.

Ҳар жиҳати: қулоғига таққан феруза исирғаси ҳам, бўялган сочи ҳам, сертавози ҳаракатлари ҳам, хуллас бутун қиёфаси энг сўнгги ва баркамол бўғинга мансуб бир киши э. анлигини кўрсатиб туручи бу хизматкор мурувват блан йўлга қараб:

— Йуқ, тақсир, кўринмаяпти, — деди.

— Кўринмаяпти дегин-а? — деди бояр яна.

— Ҳа, кўринмаяпти, — деб яна жавоб қайтарди хизматкор.

Бояр оғир хўрсинди-да, скамейкага ўтирди. У оёқларини букиб скамейканинг тагига тиқиб, ўйга толиб, теварак-атрофга назр ташлаб ўтираркан, биз китобхонларни у блан таништыриб чиқамиз.

Унинг номи Николай Петрович Кирсанов. Ўша мусофирхонадан ўнбеш чақирим нарида яхшигина бир қўрғончаси (имениеси<sup>1</sup>) блан икки юз нафар

---

<sup>1</sup> *Именце* — помешчикка қарашли ер-сув, ўрмон ва шу жойдаги ҳовли-кой.

деҳқони, ёки ўзининг айтишича, деҳқонлар билан ўз мулкнинг чегарасини аниқлаб, ферма<sup>1</sup> қурган кундан бешлаб, икки минг десятина ери бор эди. Унинг отаси 1812 йилнинг<sup>2</sup> шижоатли генералларидан, чаласавод, қўпол, лекин ўзи хушфелл бир рус бўлиб, умри меҳнатда ўтган, Сошда бригада, кейин дивизия қўмондонини бўлган, доим вилоятда (провинцияда) яшаб, ўз мартабаю-даражаси соясида анча обрўй қозонган киши эди.

Николай Петрович, акаси Павел сингаря (акаси тўғрисида кейинроқ ҳикоя қилинади), Русиянинг жанубида туғилиб, ўн тўрт ёшигача уйда, арсен-гаровга ишлайдиган мураббийлар (гувернёрлар), бетакаллуф, лекин хушомадгўй адъютантлар, полк ва штаб ахллари муҳитида тарбияланган эди. Унинг волидаси колязинлар наслдан бўлиб, қиз вақтида Agathe (Агафья) деб, генералга текканидан кейин эса Агафоклея Кузьминична деб юритилар ва „қўмондон ойим“лардан бўлиб, қимматбаҳо қалпоқ (чепчик<sup>3</sup>) билан яхши шойи кўйлак кияр, бутхонага борганида санам олдига эввал шу ўтёр, шанғиллаб ва кўп гапирар, болаларига ҳарқунини эрталаб қўлини ўпгани вжозат берар ва кечалари эса ётар олдида уларни дуо қилар — хуллас, роҳатда яшар эди. Николай Петрович ҳам, дов'юрак бўлиш бир ёқда турсин, ҳатто қўрқоқ деган ном олган бўлса-да, акаси Павелга ўхшаб хизматга кириши лозим эди-ю, лекин ўзининг ҳарбий мактабга олинигани ҳақидаги хабар келган кунидек оёғини майиб қилиб қўйиб икки ой тўшакда ётганидан кейин умрбод „чўлоқ“ бўлиб қолган эди. Кейин отаси үндан қўл сийтаб, уни гражданд хизматига қўйган эди. Ўғлига ўзи саккиз ёш тўлиши билан отаси уни Петербургга олиб бориб, университетга жойлаштириб қўйган эди.

<sup>1</sup> Ферма — именнинг айрим хўжалик шаклида ажратилган бир қисми. Крепостник муғосабатлар оброк шавлида бўлганда поёшчик ба'зи вақт ўз ерини иккига бўлиб, улардан бирида ўз „довлисига“ бириктирилган крепостнойлар ва иккинчисидеда ўзига қарашли бошқа деҳқонлар ишлайдиган бўлган.

<sup>2</sup> 1812-йил — Наполеон билан бўлган ватан уруши йили.

<sup>3</sup> Чепчик — кекса аёллар киядиган Сош кийими.

Худди ўша кезде унинг акаси ҳарбий мактабни битириб, гвардиячи полк офицери бўлиб чиққан эди. Ака-ука ўз тоғалари бўлмиш катта амалдор Илья Колязиннинг назорати остида бир хонада турар эдилар. Уларнинг отаси ўз дивизиясига ва ўз рафиқаси ёнига қайтиб кетиб, уғилларига ҳарзамон-ҳарзамонда катта кулранг қоғозга мирзаси томонидан бадхат қилиб ёзилган хат юбориб турар эди. Бу хатларнинг охирига ўз қўли билан жудд панжара гулчин қилиб „Генерал-майор Пётр Кирсенов“ деб имзо қўяр эди. 1835 йилида Николай Петрович университетни битириб, кандидатлик даражасини олди ва худди ўша йили аскарлари кўриқдан кўнгилсиз ўтгани учун хизматдан бўшатилган генерал Кирсонов ҳам хотини билан Петербургда кўчиб келиб қолди. У, Таврический боғи ёнидаги бир уйни ижарага олиб, илгил клубига<sup>1</sup> ёзилмоқчи бўлган эди-ю, ammo бирданга ўлиб қолди. Агафоклея Кузьминична ҳам ундан кейин узоқ яшамади; чунки у, пойтахтнинг карқулоқ ҳаётига кўникаолмади, истефодан кейинги ҳаёт руссаси уни гўрга тикди. Николай Петрович эса, ота-онаси борлик чоғидаёқ, уларнинг қаттиқ хафа бўлишларига қарамасдан, ўзининг собиқ уй хўжайини бўлмиш Преполовенский деган амалдорнинг кўҳликкина ва, айтишларича, ўқимшли, яъни журналларнинг „фэн“ бўлимидаги жиддий мақолаларни ўқиб турадиган бир қизни яхши кўриб қолган эди. Николай Петрович ота-онасига тутган мотам кунлари ўтиши баноқ шу қизга уйланди ва отаси ошно-оғайнигарчилик билан жойлаштириб қўйган ер ишлари министрлигидagi хизматини ташлаб, ўзининг Машаси билан бошда ўрмон институтига яқин бир боғда, кейин шаҳарда зинапояли ва совуқроқ меҳмонхоналик яхшигина бир уйда, ниҳоят, қишлоқда — буткул кўчиб келган жойида кайф-сафо қилиб умр кечирди ва тез орада фарзанд кўриб, отини Аркадий қўйишди. Эрухотини жуда яхши ва тинч умр кечарар эди. Булар бир-бирларидан деярлик ҳеч ажралишмас, бирга ка-

<sup>1</sup> Петербургда фақат зодагон ва бадавлат бояр халқини аъзоликка қабул қилуви клуб.

тоб ўқишар, бирга пиянно чалишар, лапар айтишарди. Хотини гул ўтқазиб ва перғанда Соқиб блян машгул бўлар, эри эса Са'зан овга чиқар ва хўжалик ишларига қарар эди. Аркадий ҳам бу тинч ва яхши ҳаётда кундан-кунга ўсарди. Ун йил худди шундай ўтиб кетди. 1847 йилда Кирсановнинг хотини вафот қилди. Николай Петровичга бу жудалик қаттиқ таъсир қилиб, бирнеча ҳафта ичида сочлари оқариб кетди; бироз бўлса-да, овуниб келмоқ учун чет элга бориб келмоқчи эди... лекин 1848 йил<sup>1</sup> бошлаиб қолди. У чор-исчор қишлоғига кетди ва алчагина бекор ётанидан кейин хўжаликни тузатиш ишларига киришди. 1855 йилда ўғлини университетга оқариб, Петербургда ўғли блян бирга уч қишни ўтказди. У Аркадийнинг ўртсақлари блян дўстлашиши истаб, ҳечқачқа ҳам чиқмади. Кейинги қишда у, Петербургда бераолмади,— ана энди биз уни 1859 йилнинг май ойида соч соқоллари оқарган, бирсз букчайган ва шилинқираган ҳолда кўриб турибмиз: у, бир замонлари ўзи ҳам кандидатлик унвонини олганидек кандидатлик унвонини олиб қайтаётган ўғлини кутиб турмоқда эди.

Хизматкор одсб кзасрданми ёки бояр кўз ўнгини да туришни ўнггайсиз деб билганиданми, дэрвога ичига кириб тамаки чекабошлади. Николай Петрович эса, бошини қуйи солиб, чирик зинапояга кўз ташлади. Каттакон чигор жўжа зинапоя босқичларида кўпол сариқ сёқлари блян тап-тап ётиб нағи-бери кривди. Зинапоянинг панжараси устида шумшайиб ўтирган ифлос бир мушук унга хўмрайиб қағаб турибди. Офтоб қиздирар, мўсофирхонанинг ярим қоронғи даҳлизидан иссиқ қора исн ҳиди келиб турарди. Николай Петрович хаёллар да'ёсига чўмди. Унинг миясига ҳадеб „Ўғлим... Ақша.. кандидат бўлиди-де...“ деган ўй келгани келган эди у, бошқа гарса тўғрисида ўйламоқчи бўлар эди-ю, лекин

<sup>1</sup> Фарбий Сврупода революция ҳаракатлари бошланган йил. Бу ҳаракатлар дастлаб Францияда бўлган фе. раль революцияси блян бошланган. Бу даврда чор ҳукумати революция юкумидан қўрқиб, рус табааларининг чет элларга боришига рухсат бермаган.

б шига яна шу йў келаберар эди. Марҳума хотини эсига тушарди... „Шу кунларни кўролмади-я!“ деб шивирларди у (з-ўзича, қайғириб... Шу онда йўлга катта сир кўк каптар учиб тушди ва сув ичмоқ учун қудуқ ёнидаги кўлмак сувга қараб йўрғалаб кетди. Николай Петрович каптарга қараганича қолди ва шу онда қулоғига, яқинлашиб келаётган гилдирик товушлари эшитила бошлади...

Хи-маткори дарвозадан чиқиб:

— Келишаётганга ўхшайди,— деди.

Николай Петрович юрғиб ўрнидан турди-да, йўлга кўз ташлади. Учта бекат отлари қўшилган соявон арава (таранта)<sup>1</sup> келаётгани кўрди. Аравада студент шапкасининг ҳошияси ва қадрдон кишининг таниш башараси кўзга чалинди.

— Аркашам! Аркашам!— деб кичқириб юбсрди Кирсанов ва қучоғини очиб чопди... Бироздан кейин унинг лаблари ёш кандидатнинг соқолсиз, чанг босган ва офтобда қорайган юзлридан ўп бошлади.

## II

Дадасининг эркалатишига вақти чоғ бўлиб кетган Аркадий узоқ йўл босиб келгани сабабли хириллаб қолган, лекин ёшларга хос жаранглаган своз блан:

— Уст-бошимни қоқиб олай, дада, бўлмаса ҳам-ма ёғингни кир қилиб қўяман—дерди.

Николай Петрович илжайиб:

— Зарағи йўқ, зарари йўқ, ўғлим,— деди ва ўглининг шигели ёқасини, пальтосини бир-икки марта қоқди. — Қани, менга қара, дурустроқ кўри ёчи,— деб орқага тисарилди га: „Мана бу ёққа, бу ёққа, отларни ҳам тезроқ олиб келинглар“ деган сўзларни такрорлаб, жадаллаганича мусофирхонага қараб юрди.

Николай Петрович ўглидан кўра ўзи кўпроқ ҳовлиққандай, ўзини бироз йўқотиб қўйгандай, бироз уялгандай кўринар эди. Аркадий уни тўхтатиб:

---

<sup>1</sup> Ёмон йўллардан юришга мосланган арава.

— Дада, жонажон ўртоғим Базаров блан танишиб қўй. Мен бу ўртоғим тўғрисида сенга кўп хат ёзган эдим. Ўртоғим илтифот қилиб бизникига меҳмон бўлиб келди, — деди.

Николай Петрович дарров орқасига қайрилиб, эндигина аравадан тушган, попуқла узун чопон (балахан) кийган новча йигитнинг олдига келди-да, унинг секин узатган яланғоч, қизил қўлини қағтиқ қисиб:

— Хуш келибсиз, бизникига ташриф буюрганнгиз учун жуда миннатдорман, умид қиламанки... исмиёнгиз ва отангизнинг исмларини билсак мумкин булармикан? — деб гап бошлади.

Базаров астагина, лекин дадиллик блан:

— Евгений Васильев, — деди-да, тўнининг ёқасини қайтарди. Николай Петрович унинг бутун юзини очиб кўрди. Чувак, пешонаси кенг, усти ялпоқ ва қирра бурузли, кўкка мойил катта кўзи, осилиб тушган ялтироқ чўка соқолли юзи мулойим табассум блан жонланиб, бу кишининг ўзига ишончи баланд ва ақлли бир киши эканлигини кўрсатиб турар эди. Николай Петрович сўзида давом қилиб:

— Иншоолло, мухтарам Евгений Васильевич, бизникида зерикиб қолмассиз, — деди.

Базаров, нозик лаблари сал-пал қим арладию, лекин ҳечқандай жавоб қайтармади, фақат шапкасини сал кўтариб қўйди. Унинг узу ва қуюқ, қорамгил-сарик сочи каттакон бошани буткул беркитмас эди.

Николай Петрович яна ўғлига мурожаат қилиб:

— Хуш, Аркадий, отларни ҳозир қўшишсинми ёки пича дам оласизларми? — деди.

— Уйда дам олармиз, дадэ, отларни қўшишга буюравер, — деди Аркадий.

Николай Петрович дарров:

— Ҳозир, ҳозир. Ҳой, Пётр, эшитаяпсанми? Айт, ука, чаққон бўл, — деди.

Камолга эришгач хизматкор сифатида Пётр, Аркадийнинг олдига яқин келмасдан, фақат узоқдан туриб таъзим қилди-да, яна дарвозага кириб кетди. Николай Петрович, ўғлига:

— Мен бу ерга ўзим ҳам соявон аравида келган эдим, лекин сенинг аравингга ҳам учта от бор, — де-



ди шошиб-пишиб; ўша пайтда Аркадий, мусофирхона бекаси обкелган мис чўмичдан сув ичарди. Базаров трубкасига тамаки солиб чекди-да, отларни чикараётган аравакаш ёнига келди.

— Броқ менинг аравам икки кишилик, холос. Ўртоғингни... — деб гап бошлаган эди Николай Петрович, Аркадий унинг сўзини бўлиб шивирлади:

— У биз келган аравада борар, унга ошиқча такаллуфнинг ҳожати йўқ. У жуда ажойиб, содда йигит, кейин билиб қоларсан.

Николай Петровичнинг аравакаши отларни етаклаб келди.

Базаров кучерга қараб:

— Қани тезроқ бўл, патаксоқол, — деди.

Унинг ёнида пўстинининг йиртиғига қўлини тикиб турган аравакаш, шеригига қараб:

— Ҳай, Митюха, хўжайин нима деяптилар, эшитаяпсанми? Ростдан ҳам патаксоқол экансан-ку, — деди.

Митюха эса, телпагини силкитдию, ўртадаги отнинг тизгинини тортди.

— Ҳой, йигитлар, чаққон-чаққон бўлсаларингчи, чойчақалиқ чиқиб қолади, ахир! — деди Николай Петрович.

Бир пасда отлар ҳам қўшилиб, тайёр бўлди. Ота-бола кичик аравага чиқишди. Пётр кучер ёнига чиқиб олди. Базаров соявон аравага ирғиб чиқиб олди-да, бошини тери ёстиққа қўйди. Иккала арава ҳам гириллаб жўнаб кетди.

### III

Николай Петрович ўглининг гоҳ елкасига, гоҳ тиззасига қоқиб:

— Шундай қилиб, ахири кандидат бўлиб қайтиб-санда, жуда соз, жуда соз! — дерди.

Аркадий ма'сумона хурсандлигига қарамасдан, ҳаяжонлантиручи гапларни тезроқ бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб:

— Амаким қалайлар? Соғ-саломат бормилар? — деди.

— Соғ-саломат. у, сени кутиб олиш учун мен блан бирга келмоқчи эди-ю, аммо нимагадир чиқмади,— деди Николай Петрович.

— Сен мени кўп кутиб қолдингми?— деб сўради Аркадий.

— Беш соатча бўлса керак.

— Ҳў, дадагинам!

Аркадий дадаси томон бурилди-да, унинг бетидан чўпиллатиб ўпиб олди. Николай Петрович эса, аста кулиб қўйди-да:

— Ҳали кўрасан, мен сенга ғалати бир от олиб қўйибман! Хужрангни ҳам жуда бошлаб, деворига гулдор қоғоз ёпиштирилди,— деди.

— Базаровг. чи? Унга ҳам хужра борми?

— Унга ҳам топилиб қолар.

— Жон дада, қўлингдан келганча уни ҳурмат қил. Уни нақадар қадрлашимни сенга айтиб битира олмайман.

— Сен у блан яқинда танишибмидинг?

— Ҳа, яқинда танишганман.

— Шунинг учун ўтган йил қишда мен уни кўрмаган эканман-да. Унинг машғулоти нима?

— Асосий мзшғулоти — табиатшунослик. Аммо ҳамма нарсани билади. Келаси йилда доктёрликка имтиҳон бермоқчи.

— Ҳа-ҳа! у медицина факультетида эканда,— деди Николай Петрович ва бироз жим қолди, кейин қўлини бир томонга чўзиб:— Пётр, анави кетаётганлар бизнинг деҳқонларимиз эмасми?— деб сўради.

Пётр, бояр кўрсатган томонга қаради. Отлари сулуқсиз қўшилган бирнечта арава қишлоқнинг тор йўлларида физиллаб кетмоқда эди. Ҳар қайси аравада узун пўстинларининг олди очиқ биттадан, кўп бўлганда иккитадан деҳқон ўтирарди.

— Ҳа, бизнинг деҳқонлар,— деди Пётр.

— Булар қаёққа кетаётибди экан, шаҳаргами дейман-а?

— Шаҳарга бўлса керак. Майхонагадир-да,— деб қўшимча қилди Пётр нафрат блан, кучерга қочирик қилгандай, унинг томонига сал қийшайиб. Броқ кучер пинагини ҳам бузмади, чунки бу одам эски за-

мон кишиси бўлиб, янги фикрларга сра тоби йўқ  
эди.

Николай Петрович ўғлига қараб яна гап бошлади:

— Бу йил деҳқонлар ташвишимни ортдириб қўйди.  
Ўлпов 1 ўлашмаяпти. Нима қилса бўлади?

— Ёллаган хизматкорларингдан розимисан?

— Улар-ку, оз-моз дуруст-а,— деди Николай  
Петрович гижиниб,— буюқ уларни бошқалар қутир-  
тиради, ана шуниси ёмон. Булар ҳали ҳам жон куй-  
дириб ишламайди. От-афзалларини ишдан чиқари-  
шади. Шундай бўлса ҳам ерларни тузук ҳайдашди.  
Майли, бу сардолар ҳам ўтиб кетади. Ҳозир сен  
хўжалик ишларига қизиқармидинг?

Аркадий дадасининг сўнги саволига жавоб қай-  
тармасдан туриб:

— Соя-салқин жой йўқ, шуниси ёмон,— деди.

— Мен болохонанинг шимол томонига парда тўсиб  
қўйдим. Энди очиқ ҳавода овқат қилинса ҳам бўла-  
ди,— деди Николай Петрович.

— Ундай бўлса жуда ҳам дачага ўхшаб қолар  
эканда... Хайр, буларнинг аҳамияти йўқ. Аммо бу  
ернинг ҳавоси жуда сода! Нақадар хушбўй-а! Ме-  
нингча, бу ерларнинг ҳавоси дунёнинг ҳеч қаерида  
бўлмаса керак дейман! Бу ернинг осмони ҳам...

Аркадий бирданига гапни тўхтатди, бурилиб  
орқасига бир кўз ташлади-да, жим бўлиб қолди.

— Албатта,— деди Николай Петрович,— сен ўзинг  
шу ерда туғилиб ўсгансан, шунинг учун ҳам бу ер-  
даги ҳамма нарса сенга ёқади...

— Йўқ, дада, киши қаерда туғилиб ўсмасин, бари-  
бир.

— Ҳарҳолда...

— Йўқ, бунинг ҳеч фарқи йўқ.

Николай Петрович ўғлига қиё боқиб қўйди, суҳ-  
бат яна бошланиб кетгунча арава ярим чақирим йўл  
босди. Николай Петрович гап бошлади:

— Ёдимда йўқ, сенга ёзимми, йўқми — энаганг  
Егоровна оламдан ўтди.

— А? Вой шўрляк кампирей! Прокофьич-чи, ти-  
рикми?

— Тирик, ҳеч ўзгаргани йўқ. Ҳамон ўша-пунғил-лаб юргани-юрган. Сен кетгандан бери Марьинода<sup>1</sup> унчалик катта ўзгаришлар бўлгани йўқ.

— Гумаштанг ҳали ҳам ўшами?

— Ҳа, айтгандек, бошқа гумашта олдим. Крепостнойликдан озод қилиб юборилган хизматкорларни минба'д сақламайдиган бўлдим, сақласам ҳам уларга бирор жавобгарлик иш топширмайдиган бўлдим. (Шу пайтда Аркадий кўзлари блан Пётрга ишора қилди) Il est libre, en effet<sup>2</sup>—деди Николай Петрович секин. — бу камердинер-ку<sup>3</sup>. Ҳозир гумаштам шаҳарлик йигит, жуда ишбиларманга ўхшайди. Мен унга бир йилга икки юз эллик сўм маош тайинладим. Айтгандек,— деб қўшимча қилди Николай Петрович пешонаси ва қошларини артиб, Николай Петрович ташвиш тортганида, ё бирор нарса демоқчи бўлганида ҳардоним шундай қилар эди. Мен ҳали сенга Марьинода унчалик ўзгаришлар бўлгани йўқ дедим-ку... бу гапим бироз нотўғри. Мен сенга шуни ҳам айтиб қўймоқчиманки, гарчи...

Николай Петрович бир пас дудуқланиб қолди-да, гапини французча давом қилдирди:

— Ахлоқ хусусида ўта кетган қаттиқ қўл киши менинг очиклигимни ножўя деб топар; лекин аввало, буни яшириб бўлмайди, сўнгра, отанинг ўғлига муносабати масаласига келганда менинг ҳардоним алоҳида йул тутиб келганлигимни ўзинг яхши биласан. Албатта, меним тўғримда ўзинг нима ҳукми чиқарсанг ҳақлисан. Менинг шу ёшимда... хуллас, ҳалиги... ўша қиз, эҳтимол, сен уни энди эшитган бўлсанг керак...

— Феничками?— деб сўради Аркадий. Мулоҳаза қилмасдан Николай Петрович бир қизарди-ю, сўзида давом этди:

— Унинг номини секинроқ айтгин... ҳа у... ўша қиз ҳозир бизникида турибди. Мен унга жавоб бер-

<sup>1</sup> Марьино — Николай Петрович Кирсановнинг турадиган қишлоғи—кўрғони.

<sup>2</sup> У ҳақиқатан озод (крепостнойлик қуллигидан) — деган маънода.

<sup>3</sup> Камердинер — уй эгасининг шахсий хизматкори.

дим.: Иккита кичик уйча бор эди. Албатта, лозим бўлар экан, буларнинг ҳаммасини ўзгартириш мумкин.

— Қўйсангчи, дада, нега энди?

— Уртоғинг бизникида меҳмон бўлиб туради-ку... унгайсиз.

— Базаров тўғрисида хотиржам бўлабер. У, бундай масалаларда жуда олижаноб.

— Шундайликка шундайкуя, лекин ёнхужра (флигельнинг)<sup>1</sup> мазаси йўқ, шуниси ёмон, — деди Николай Петрович.

— Вой, дада, сени қага, афв сўрамоқчимисан дейман! Уят эмасми?

Николай Петрович борган сари қизариб:

— Албатта, уят, — деди.

— Бўлди, дада, бўлди, бас! — деб Аркадий мулозим кулиб қўйди. Кейин „Нега афв сўраётинти“ деб ўйланиб қолди ва дилида қандайдир яширин, отасидан устунлик ҳисси туғилиб шафқатли дадасига раҳми келди. — Қўй энди, — деб яна такрорлади у, ўзининг камолга эришганлигидан беихтиёр ҳузурланиб.

Никслай Петрович, пешонасини артар экан, бармоқлари орасидан ўғлига қаради ва қандайдир бир нарса қалбига санчилгандай бўлди... Броқ ўша заҳотиёқ ўзини-ўзи айблади: авча сукут қилганидан кейин яна гап бошлади:

— Ана энди бизнинг ерларимиз бошланди, — деди у.

— Ҳу анави ўрмон ҳам бизники бўлса керак дейман? — деб сўради Аркадий.

— Ҳа, бизники. Лекин мен уни сотиб юбордим. Бу йил кесишади.

— Нега сотдинг, дада?

— Пул зарур бўлиб қолди. Ундан кейин, бу ер деҳқонларга ўтиб кетади.

— Сенга ўлпов тўламайдиган деҳқонларгами?

— Бу энди уларнинг иши, ҳар ҳолда қачон бўлса ҳам тўларлар ахир.

---

<sup>1</sup> Ҳовли ичига солинган айрим кичкина бир уй

— Эссиз-эссияз ўрмон! — деди Аркадий ва атрофга назар ташлай бошлади.

Булар кетиб бораётган жойларни хуш манзара деб ҳам бўлмасди. Уфуққача чўзилиб кетган бепоеъи дала паст-баланд бўлиб, ба'зан сийрак буталар қоплаган кичик урмонлар, ўз манзаралари билан Екатерина замонасида айнан ишланган қадимги планларни эслатучи пасқамликлар кўринар эди. Қирғоқлари ўпирилиб тушган анҳорлар, эскириб кетган тўғонлар билан бўғилган кичкина дамлар, томи похол билан ёпилган ва похоли қорайган, кўпинча томларининг ярмисини шамол учириб кетган пастак уйлардан ибрат қишлоқчалар, бўшаб қолган хирмонхоналар ёнидаги деворлари четандан қилинган қийшиқ ва дарвозалари катта очиқ қолган бостирмалар, унда-бунда шувоқлари кўчиб кетган гиштин бутхоналар ва ба'зан вайрон бўлган ёбристион билан бутн бир томонга қийшайиб кетган ёғоч бутхоналар ҳам учраб қолар эди. Аркадийнинг борган сари юраги сиқилабошлади. Худди аксига олгандай, усти-боши жулдур, орриқ от минган деҳқонлар учрар эди: йул бўйидаги пўстлоғи шилинган ва шохчалари синган толлар худди жулдурвоқа кийган гадойдек кўринарди. Гуё ғажиб ташлангандек мижғов сигирлар ариқ бўйларидаги ўтларни худди ютаққандай шапира-шупур ер эди. Булар гуё кимнингдир кўрқинчли ва ҳалокатли ланжаларидан ҳозиргича қутилиб чиққандай кўринар эди. Бу шўрлик жониворларнинг гўзал кўкким кўнларида шундай хунук кўриниши бўронли ва қорли, кўнгилсиз узоқ совуқ қиш кунларини эслатарди... „Йуқ, бу ўлка бой эмас, — деб ўйлади Аркадий, — бунда на фаровонликдан асар кўринади, на меҳнат роҳатидан: бу ўлка шундайича қолиши асло ярмайди, бўлмайди, уни ўзгартириш зирур... лекин буни қандай қилса бўларкан, нимадан бошласа бўларкан?..“

Аркадий ана шуни ўйлар эди... у ўйларкан, кўкким эса ўз ишини қиларди. Ҳаммаёқ кўмкўк, ҳамма нарса — дарахтлар, бугалар, ўтлар-аста эсган илиқ шабаҗада майин тўлқинланиб, ялтираб турар эди. Ҳар томонда тўрғайлар жаранглаб сайрагани сай-

раган. Қушлар гоҳ пастқам Ұтлоқлар устидан сайраб учишар, гоҳ тиниб тўнғакдан тўнғакка сакраб юришар, эндигина кўкариб келаётган майин буғдойлар орасида қорайиб қуёғунлар учар, булар эндигина оқариб келаётган қора буғдой ичига кириб кўздан йўқолар, гоҳо тугунсимон тўлқинлари орасида бошларигина кўриниб қолар эди. Буларга ҳадеб тикилаберган Аркадийнинг хаёллари аста-секин тарқалиб кетабошлади. У, устидаги шинелини ечиб ташлади ва ёш болаларча қувонч блан дадасига қаради. Дадаси уни яна бағрига босди-да:

— Ана энди яқин қолди. Ҳу анави тепаликка чиққандан кейин уйимиз ҳам кўриниб қолади. Биз, Аркаша, яйраб-яшнаб умр кечирамиз. Агар хўжалик ишлари зериктирмаса, бу ишда менга қарашасан. Энди икковимиз бир-биримиз блан яқин бўлишимиз, бир-биримизни яхши билишимиз керак, шундай эмасми, ўғлим?—деди.

— Албатта,— деди Аркадий. — Бугун кун мунча ҳам яхши-я!

— Сенинг келишинг шарафига-да, ўғлим. Ҳа, кўкламнинг энг яшнаган чоғи. Пушкиннинг, эсингдами, Евгений Онегинда тўғри айтган:

Келишинг на қилар ҳасрат бахш элар,  
Баҳор, баҳор! Сел эй селги мав:уми!  
Қандай...

Шу онда орқзда келаётган соявон аравадаги Базаровнинг:

— Аркадий! Гугуртингни бериб юбор, тамакини чекиб олай, — деган овози эшитилиб қолди.

Николай Петрович жим бўлди. Унинг гапларига бироз ажабланиб ва шу блан бирга фикрига қўшилиб қулоқ солаётган Аркадий дарров чўнтагидач кумуш қутичали гугуртини олиб, Пётрдан Базаровга бериб юборди. Базаров яна:

— Сигарка чекасанми? — деб қичқирди.

— Майли, бериб юбор! — деди Аркадий.

Пётр қайтиб Аркадийга гугурт блан бирга битта йўғон қора сигарка узатди. Аркадий, дарров уни тутатиб, атрофга аччиқ тамаки ҳиди тарқатди. Ум-

рида тамаки чекмаган Николай Петрович, ўглини ранжитмаслик учун, сездирмасдан беихтиёр бурнини четга ўгирди.

Чорак соатдан кейин иккала арава ҳам қизил тунука томли, кулранг бўёқ блан бўялган ёғоч уйнинг зинапоёси олдига келиб тўхтади. Янгиқўрғон, ёинки деҳқонлар тили блан айгганда, Қашшоққўрғон деб аталадиган Марьино қишлоғи худди мана шу эди.

#### IV

Меҳмонларни кутиб олгани хизматкорлар эшик олдига ёпирилиб чиқмади: фақат ўн икки ёшлар чамасидаги бир қиз чиқди, унинг кетидан худди Пётрга ўхшаган, оқ тамга (герб<sup>1</sup>) тугмали калта жийлан кийган бир йигит — Павел Петрович Кирсановнинг хизматкори кўринди. У, индамасдан келиб, соявон араванинг пардасини очди. Николай Петрович, ўгли блан Базаровни эргаштириб, қоронғироқ, бўм-бўшгина залдан ўтиб, янгича қилиб ясатилган меҳмонхонага кирди. Булар залдан ўтиб борганда унинг эшиги орқасидан ёшгина бир жувоннинг юзи кўриниб қолди.

Николай Петрович шапкасини бошидан олиб сочларини тузатар экан:

— Ана энди уйга ҳам етиб келдик, ҳозир энг муҳими овқат еб, дамолишимиз керак, — деди.

— Дарҳақиқат, ёмон бўлмас эди, — деб гапга қўшилди Базаров ва керилиб диванга ўтирди.

— Ҳа, ҳа, қани, овқатни об келинглар тезроқ, — деб бекордан-бекорга депсинди Николай Петрович:

— Ана Прокофьич ҳам келди.

Устига мис тугмали жигарранг фрак кийган, бўйнига пуштиранг рўмол ўраган олтимиз ёшлар чамасидаги оқ сочли, орриққина, қорамағиз бир одам эшикдан кириб келди. У, илжайганича, Аркадий блан келиб кўришди, кейин меҳмонга таъзим қилиб, эшик ёнига борди-да, қўлларини орқасига қилиб турди.

<sup>1</sup> Уруғ ёки давлат тамғаси.



Николай Петрович унга ўғлини кўрсатиб:

— Мана энди, Прокофьич, шундай қилиб, Аркадий келди... Қалай? Кўзингга қандай кўринапти?— деди.

— Жуда жойида, тақсир,— деди чол яна илжайиб, кейин дарров қалин қошларини паст тушириб, қовоғини солиптирган ҳолда,— Дастурхон ёзилсинми?— деб сўради салмоқлаб.

— Ҳа, ҳа, албатта,— деди Николай Петрович чолга, кейин Базаровга қаради,— Евгений Васильич, аввал уйингизни кўриб келасизми-а?

Базаров тўнини ечатуриб:

— Ташаккур, ҳожати йўқ, чемоданим билан мана бу кийимни уша ёққа обчиқиб қўйишни айтсалар бас,— деди.

— Хўп, хўп, Прокофьич, шинельларини олгин. (Прокофьич, ҳайрон бўлгансимон, Базаровнинг кийимини иккала қўли билан баланд кўтариб оёқ учи билан юриб чиқиб кетди). Сен-чи, Аркадий, ҳужрангга бир-ров чиқиб келасанми?

— Ҳа, ювиниб олиш керак эди,— деб Аркадий энди эшикка қараб юрмоқчи бўлган пайтда ўрта бўйли, инглизча қорамтил кастюм кийган, янги чиққан галстук таққан ва қисқа қўнжли амиркон этик кийган Павел Петрович Кирсанов кириб келди. Кўринишдан бу киши қирқ беш ёшларга борган эди, унинг оқарган ва калта қилиб қирқилган сочлари худди янги кумушдек ярқираб турарди. Унинг заҳил, аммо ажинсиз, ниҳоятда келишган ва тиниқ юзи илгари жуда ҳам чиройли йигит бўлганини кўрсатиб турарди. Айниқса унинг нузли ва чўзиқроқ қора кўзлари чиройли эди. Аркадийнинг гўзал ва насл-насабли амакиси ўзининг бутун қиёфаси билан ёшлик тароватини ва кўп кишиларда тахминан йигирма ёшлардан кейин йўқ бўлиб кетадиган уша ўсиш, ўзини ер-сув ишларидан четга тортиш ҳавасини сақлаб келган бир киши эди.

Павел Петрович узун, пуштиранг тирноқли чиройли қўлини шимининг чўнтагидан чиқариб жиянига чўзди, унинг қўли биттагина йирик тугмали оппоққина қўлқопида янада чиройлироқ кўринар

эди. Павел Петрович аввал европачасига жияни блан қўл беряб сўрашди, кейин русчасига жияни блан уч марта ўпишди, я'ни ўзининг хушбўй мўйлабини унинг юзига уч марта текизди-да, „хуш келдингиз“ деб қўйди.

Николай Петрович уни Базаров блан таништирди: Павел Петрович ўзининг ихчам гавдасини бироз энгаштириб табассум қилди-ю, лекин қўл бермади ва ҳатто қўлини яна чўнтагига тикди; кейин оппоқ тишларини ярқиратиб, кифтини қоқиб, назокат блан тебраниб, ёқимли бир товуш блан:

— Мен сизларни бугун келмассизлар деб ўйловдим ёки йўлда бирор воқиа бўлдими, — деди.

— Ҳечнима бўлгани йўқ, — деди Аркадий, — шундай, ўзимиз кўп ҳам шошилмасдан келдик. Шу сабабдан қорнимиз ҳам ўлгидек оч. Дада, Прокофьичга айт, тезроқ қимирласин, мен ҳозир келаман.

Аркадий шундай дейиши блан Базаров бирданига дивандан туриб:

— Шошма, менам сен блан бирга бораман, — деди, иккови чиқиб кетди.

— Бу ким? — деб сўради Павел Петрович укасидан.

— Аркадийнинг ўртоғи. Унинг айтишича, жуда ақлли йигит эмиш.

— Бизникида меҳмон бўларканми?

— Ҳа шундай.

— Шу пахмоқ-а?

— Ҳа.

Павел Петрович тирноғи блан столни чертди.

— Менимча Аркадий *s'est dégoûté*<sup>1</sup> қайтганига жуда хурсандман.

Овқат маҳалида кам гапиршилди. Айниқса Базаров ҳеч гапирмади деса бўлади; аммо овқатни кўп еди. Николай Петрович ўз ҳаёти, ўзи айтишича, фермирлик ҳаётида бўлиб ўтган турли ҳодисалар, яқинда ҳукумат томонидан амалга оширилган чоралар, комитетлар ва депутатлар, машиналар олиб ишлатиш ва бошқалар ҳақида гапирди. Павел

<sup>1</sup> Андишасиз бўлиб қолипти.

Петрович столовойда аста-секин уёқдан-буёққа юрар (у сра кечқурун овқат емасди), қизил вино қуйилган қадаҳдан ора-сира бир-икки қултум ҳўплаб қўяр ва ҳар замон бир гапирар, ённки; „ҳа! ҳа-ҳа! ҳим!“ деб қўяр эди. Аркадий Петербург янгиликларидан гапириб берди. Аммо у бироз уялар эди. Бошқалар уни бола деб одатланган жойга қайтиб келган ёш йигит доим шундай уятчан бўлади. У жўрттага гапини чўзар, „дада“ деб айтмасликка ҳаракат қилар ва ҳаттоки бир марта тил учнда „отам“ деган сўзни ҳам айтиб қўйди. Аркадий, ортиқча такаллуфсизлик блан пиёлага чамадан ошиқча вино қуйиб ҳаммасини ичиб юборди. Прокофьич ундан кўзнини олмасдан лабларинигина қимтиб қўяди. Кечки овқатдан кейиноқ ҳамма тарқалди.

Базаров, устида халат, Аркадийнинг каравоти ёнида калта трубкасини сўриб ўтирар экан:

— Амакинг қизиқ табиатли бир кишига ўхшайди. Қишлоқда ҳам шунақангги олиптагарчилик-а! Тирноқларига қара, тирноқларига, кўргазмага юборса ҳам бўладиган дейман! — деди.

— Ҳали сен уни билмайсан, ўз даврида арслондай<sup>1</sup> киши бўлган. Вақти блан мен сенга унинг ҳикоясини айтиб бераман. У, жуда чиройли бўлиб, кўп хотин-қизларни гаранг қилиб юрган, — деди Аркадий.

— Ҳали шундай дегин! Эски одати қўмсаепти дегин. Афсуски, бу ерда шайдо бўладиган жазман йўқда. Мен ҳаммаёғини кўрдим: ёқасини айтгин, худди тошдан қилинганга ўхшайди-я. Бақбақалари ҳам жуда силлиқ қирилибди. Аркадий Николаевич, дейман, бу кулги эмасми?

— Эҳтимол, лекин ўзи жуда яхши одам.

— Эскирган одат-да! Броқ даданг яхши киши экан. Аммо ше'р ўқиши ўзинга бироз келишмайди,

---

<sup>1</sup> Буржуазия жамиятида ўзининг ташқи гўзаллиги ва бой ёки отоқли кишиларга аралашиб юришга уста бўлиши орқасида алоҳида муваффақиятлар, айниқса аёллар орасида шуҳрат қозонган кишиларга шундай дейилади.

хўжалик ишларига ҳам уқуви бўлмаса керак дейман, лекин ўзи яхши одам экан.

— Дадам баҳоси йўқ одам.

— Бироз чўчияпти-а, фаҳмладингми?

Аркадий, гўёки ўзи чўчимагандек, бошини чайқаб қўйди.

— Бу кекса хаёлпарастлар ажиб одамлар-да! — деб давом этдирди Базаров. — Ўзларини асабийлаштиргунча ҳаракат қиладилар-да... мувозанат деган нарса ҳам дарров бузилиб қолади. Энди, хайр! Менинг хужрамда инглиз абдастаси турипти, лекин хужранинг эшигини қулфлаб бўлмайди. Ҳар ҳолда тақдир қилиш керак — инглиз абдастаси, я'ни маданият!

Базаров чиқиб кетди. Аркадийнинг вақти чор эди. Ўзи турилган уйда, эҳтимолки, энагасининг мулоим, ҳормас-толмас меҳрибон қўллари билан тикилган юмшоқ таниш кўрпа ичида уйқуга кетиш қандай ширин. Аркадий энагаси Егоровнани эслади, оғир хўрсиниб қўйди ва „жойинг жаннатда бўлсин“ деб қўйди... Ўзи худога илтижо қилмас эди.

Аркадий ҳам, Базаров ҳам тезда уйқуга кетишди, лекин уйдаги бошқа кишилар анчагача ухламади. Ўғлининг келганига Николай Петрович ўзида йўқ севинган эди. У, жойига ётди-ю шамни ўчирмади, қўлини бошига тираб узоқ ўйга толди. Акаси Павел Петрович эса, ярим кеча бўлишига қарамасдан, ўз уйда тошкўмир хиёл яшнаётган камин олдидаги катта юмшоқ курсида ўтирар эди. У, ечинмаган, фақат амиркон этигини ечиб, дастаксиз қизил хитой кавуш кийиб олган эди. Павел Петровичнинг қўлида „Gallg panі“<sup>1</sup> журналининг энг сўнгги сони, лекин у журнални ўқимасди. Камин ичидаги гоҳ яшнаб, гоҳ ўчаётган ҳаворанг алангага тикилиб турар эди... Унинг хаёли қаерларда учиб юрганини худо биледи, лекин унинг ўйлари ёлғиз ўтган замон тўғрисидагина эмас эди, чунки унинг чеҳраси чуқур ўйга толган ва қовоғи селинган эдики, ёлғиз ўтмишнигина ўрлаган кишининг чеҳраси бундай бўлмайди.

<sup>1</sup> Инглиз тилида чиқадиган журнал.

Орқадаги кичкина уйда, катта сандиқ устида эса ҳаворанг нимча кийган, қўнғир сочли бошига оқ рўмол ташлаган Феничка отли ёш бир жувон ўтирар эди. У, гоҳ нимагадир қулоқ солар, гоҳ уйқусираб мудрар, гоҳ очиқ эшикка қараб қўярди. Эшик орқасидан болалар каравоти кўринар ва унда ухлаб ётган чақалоқнинг бир зайлда нафас олгани эшитилиб турар эди.

## V

Эртасига Базаров ҳаммадан илгари уйғонди ва ташқарига чиқди. Атрофга бир назар солганидан кейин: „Бе, бу жойлар у айтгандай яхши жойлар эмас экан-ку!“ деб ўйлади. Николай Петрович ўз деҳқонлари билан ерининг чегарасини аниқлаб олганида янги қўрғон солиш учун тўрт десятина теп-текис, қуруқ ерни ажратиб олган эди. Шу ерда у бир уй, хизматкорлар ва мол-ҳол учун бошқа ёрдамчи иморатлар ва ферма иморатлари солдирган, боғ қилган, ҳовуз ва иккита қудуқ қавлатганди, броқ ёш дарахтлар яхши ўсмаган, ҳовузда сув кам бўлган ва қудуқларнинг суви шўр чиққан эди. Фақатгина шийпон атрофидаги сирень гул билан акас дарахтигина яхши ўсди. Бу шийпонда ба'зан чой ичишар, овқат ейишарди. Базаров бир пасда боғнинг ҳамма йулларидан айланиб чиқди, молхона билан отхонага ҳам кирди, кейин иккита хизматкор болани топиб олиб улар билан дарров танишиб олди, кейин учови қўрғондан бир чақирим наридаги кўлга бақа тутгани кетди. Болалардан бири:

— Бақани нима қиласиз?—деб сўради.

Ўзидан паст одамларни назар-писанд қилмай, улар билан доимо илтифотсиз муомала қиладиган бўлса ҳам, аммо уларни ўзига ром қилишга жуда уста бўлган Базаров, боланинг саволига жавоб берди:

— Қоринини ёриб унинг ичида нималар бўлаётганини қарайман. Сен билан бизам бақага ўхшаш жонивормиз, фарқимиз шукки, биз тикка туриб юрамиз;

бақанинг ичини билганимдан кейин ўзимизнинг ичимизда нималар бўлаётганини ҳам билиб оламан.

— Билиб нима қиласиз?

— Агар бетоб бўлиб қолсанг, сени даволайдиган бўлсам, ўшанда янглишмайман.

— Сиз доктормисиз?

— Ҳа.

— Васька, эшитаяпсанми, афандим айтадиларки, сен блан менам бақа эмишмиз. Қизиқ-а!

Етти яшар, пахта сингари оппоқ сочли, устига тик ёқали узун камзул кийган ва ялангоёқ Васька:

— Мен бақадан қўрқаман,—деди.

— Нимасидан қўрқасан, бақа еб қўярмиди?

— Қани, сувга тушингларчи, азаматлар,— деди Базаров уларга.

Бу орада Николай Петрович ҳам уйғониб, Аркадийнинг олдига кирди. Ўғли уст-бошини кийиб бўлган эди. Ота-ўғил айвонга чиқишди. Айвоннинг панжараси олдига қўйилган столда иккита қаттакап гулдаста орасида самовар қайнаб турар эди. Кеча меҳмонларни энг аввал кутиб олган ҳалиги қизча айвон олдига келди-да, ингичка овоз блан:

— Федосья Николаевнанинг тоблари йўқроқ, чойга чиқаолмайдилар. Сизлардан сўрашга буюрдилар: чойни ўзларингиз қуяверасизларми, ё бўлмаса Дуняшани юборсинларми?— деди.

— Ўзим қуяман, ўзим,— деди Николай Петрович шошиб — сен, Аркадий, чойни нима блан ичасан: қаймоқ бланми ё лимон блан?

— Қаймоқ блан,— деб жавоб қилди Аркадий ва бироздан кейин:— дада?— деди.

Николай Петрович жовдираб ўғлига қаради-да:

— Нима гап?— деди.

Аркадий пастга қараб:

— Агар саволим ноҳўя бўлса, кечирасан, дада,— деб гап бошлади— Кечаги очиқлигинг блан мени ҳам очиқ гапиришга мажбур қилаяпсан... хафа бўлмайсанми?..

— Гапиравер.

— Сен менинг бетлаб сўрашимга йўл қўйяп-

сан... нега Фен... нега у бу ерга келиб чой қуймайди ёки мен борлигим учунми?

Николай Петрович юзини сал четга ўгирди, кейин:

— Эҳтимол, шундайдир... У балки... уялаётгандир...

Аркадий дадасига бир қараб қўйди.

— Уялишнинг ҳожати йўқ. Аввало, менинг турмушга қандай қарашим ўзингга ма'лум. (Бу сўзларни Аркадий жуда ёқтириб айтарди), сўнгра, паники мен сенинг турмушинг, одатларинг ҳақида бирон нарса десам? Бунинг устига аминманки, сен ҳарқанақа хотинни ҳам хушлайбермайсан. Агар сен у блан бирга турмуш кечиришга жазм қилган бўлсанг, демак у шунга лойиқ экан-да. Ҳарҳолда ўғил отага, айниқса мендай ўғил ва айниқса менинг ҳечқандай райимни қайтармайдиган сендай отага қози бўлолмайди.

Бошда Аркадийнинг товуши титрарди, чунки у ўзини шу тобда олижаноб ҳис қиларди. Аммо шу блан бирга дадасига ва'з-насихат қилаётганини ҳам сезар эди. Кишининг ўз нутқи ўзига қаттиқ та'сир қилади. Шунинг учун Аркадий сўнги сўзларини шағдам ва ҳатто та'сирли қилиб гапирди.

Николай Петрович мулоим товуш блан:

— Раҳмат, Аркаша,— деди ва қўли блан қотларини, пешонасини артабошлади.— Ҳамма гапинг тўғри. Албатта, бу қиз лойиқ бўлмаганда эди... Ҳарҳолда бу иш дуруст ўйланмай қилинган иш эмас. Бу ҳақда сен блан сўзлашини менга ўнғайсиз. Сенинг олдингга чиқиш, хусусан уйга биринчи келган кунингоч чиқиб ўтириш унинг учун жуда қийин.

Аркадийнинг олижаноблик ҳислари яна қўзғолиб:

— Ундай бўлса унинг олдига мен ўзим борай,— деди-да, ўрнидан сапчиб турди,— мендан уялиб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини унга тушунтирай.

Николай Петрович ҳам ўрнидан турди.

— Аркадий,— деди у,— шошилма... қандай бўлади... уёқда... мен сенга айтганим йўқ...

Броқ Аркадий унинг гапига қулоқ солмади ва физиллаганча айвондан чиқиб кетди. Николай Петрович унинг орқасидан қараб қолди ва боши қотиб,

курсига ўтирди. Унинг юраги дуп-дуп ура бошлади... Шу топда у, келгусида ўғли билан ўзи ўртасида муқаррар ғалати муносабатлар туғилишини ўйлардими, бу ишларга бутунлай аралашмаганидан Аркадий балки унга кўпроқ ҳурмат кўрсатган бўлар эди деб иқрор этар эдими, ёки ўзининг заифлигидан ўзи койиб ўтирармиди — буни айтиш қийин эди. Бу хаёлларнинг бариси ҳам кўнглидан жой олган эди; лекин ҳаммаси фақат сезги шаклида бўлиб, у ҳам равшан эмас, юзи боягидек қизил ва юраги эса ҳамон тепмоқда эди.

Тез-тез юриб келаётган оёқ товуши эшитилди. Аркадий қайтиб келди. У юзида қандайдир мулоҳимат ва хурсандлик ифодаси билан:

— Ота, биз танишиб олдик! Федосья Николаевнанинг ростданам бугун сал товлари йўққа ўхшайди, кейинроқ чиқаман, дедилар. Ахир нега менга укам борлигини айтмадинг? Мен уни кеч кечқурун оқ, ҳозир ўпганимдай ўпиб-ўпиб олган бўлар эдим.

Николай Петрович нимадир айтмоқчи, ўрнидан туриб қучоғини очмоқчи бўлди... Аркадий унинг бўйнига ташланди.

Шу онда орқадан Павел Петровичнинг:

— Тагин нима гап? Яна қучоқлашяпсизларми? — деган товуши эшитилди.

Унинг шу тобда келиб қолганига ота-ўғил барабар севинишди. Ба'зан ҳолат та'сирли бўлса ҳамки, ундан тезроқ қутилишни истайсан киши. Николай Петрович вақти чоғ бўлиб:

— Нимага ҳайрон қолаяпсан? Аркашани қачондан буён кутаман, ахир... Кечадан бери унинг дийдорини кўриб тўйганим йўқ, — деди.

— Мен асло ҳайрон бўлаётганим йўқ, — деди Павел Петрович, — ҳатто мен ўзим ҳам у билан қучоқлашишга тайёрман.

Аркадий амакисининг олдага келди ва бетига яна унинг хушбўй мўйлаблари теккасини сезди. Павел Петрович стол ёнига ўтирди. Унинг устида янглизча ўзига жуда ярашган уйда кийиладиган костюм, бошида кичкинагина „ҳожидўппи“. Бу „ҳожидўппи“.



ни\* ва бўшгина бойланган галстукча қишлоқ ҳаёти-нинг эркинлигидан дарак бериб турар эди. Брок кўйлагининг тор ёқаси одатдагича қаттиқ қисиб, устара блан қирилган нягига тиралиб турар, кўйла-ги ҳам оқ эмас, балки чипорроқ бўлиб, эрталабки ясан-тусан қондасига мувофиқ эди.

Павел Петрович Аркадийга қараб:

— Ўртоғинг қани?— деди.

— Уйда йўқ. Одатда у эрталаб бирор жойга чи-қиб кетади. Энг муҳими шуки, унга э'тибор қилиш керак эмас. У такаллуфни ёмон кўради.

— Ҳа-ҳа, сезилиб турибди, — деди Павел Петро-вич ва нонга бамайлихотир мой суркарди:— —Бизни-кида узоқ турадимиз?

— Нон-насибга қараб. Отасининг олдига кетаёт-ган эди, йўлакай бизникига тушиб қолди.

— Отаси қаерда тураркан?

— Бизнинг губернамизда, бу ерга саксон чақи-римча келади. У ерда отасининг кичкинагина мулки бор. У киши илгари полкда доктор бўлган экан.

— Ҳа, ҳа, бўлди, бўлди. Базаров деган фамилия-ни қаерда эшитган эканман деб юрардим. Эсингда борми, Николай, отамизнинг дивизиясида Базаров деган табиб бўлар эди?

— Бор эди шекилли.

— Бор эди, бор эди, ана ўша унинг отаси экан-да,— деди Павел Петрович мўйлабини бураб ва би-роз сукут қилиб:— хўш, Базаров афандининг ўзи ким бўлади?— деб сўради.

Аркадий кулимсираб:

— Базаров ким бўлади дейсизми? Хоҳласангиз, ама-ки, мен унинг кимлигини сизга айтиб берай, — деди.

— Марҳамат, жиянгинам.

— У, нигилист<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Нигилист* — латинча nihil, я'ни ҳеч нима деган сўздан олинган. Нигилист — жамият ва оиладаги мавжуд турмуш ва ахлоқ асосларини инкор этуви, рад қилуви. Бу материализмга қизиққан ва асосан фактларга катта аҳамият берган зиёлилар вакили сифатида Базаровга берилган бир исм бўлиб, у вақтда-

— Нима?— деб сўради Николай Петрович. Павел Петрович эса мой олинган пичоқви юқорига кўтарганича турган жойида қотиб қолди.

— У ниглист,— деб такрорлади Аркадий яна.

Николай Петрович сўзга киришиб:

— Ниглист. Бу, лотинча nihil я'ни ҳеч нима деган сўздан олинган бўлса керак дейман. Бинобарин, ниглист деб ҳечнимани э'тироф этмайдиган кишига айтилар эканда?— деди.

Павел Петрович унинг сўзига қўшилиб:

— Ҳечнимани э'тироф қилмайдиган кишига айтилади дегин?— деди ва яна мой ейишга тутинди.

— Ҳар нарсага танқид нуқтаи назаридан қарайдиган кишига айтилади,— деб қўйди Аркадий.

— Барибир эмасми?— деди Павел Петрович.

— Йўқ, барибир эмас. Ниглист бўлган киши ҳеч қандай обрўйли зот олдида бош эгмайди, ҳар қандай ҳурматга сазовор бўлган принципини ҳам э'тиқод тарзида қабул қилмайди.

Павел Петрович унинг сўзини бўлиб:

— Хуш, шу яхшими эди?— деди.

— Ҳаркимга ҳархил, амаки. Бировларга яхши, бировларга ёмон.

— Шундоқ дегин. Броқ бизга тўғри келмайдиганга ўхшайди. Биз эски одамлармиз. Бизнинг фикримизча, принципсиз (Павел Петрович бу сўзни французлардай охирги ҳижога босиб „принцип“ деб, Аркадий эса, аксинча, „принцип“ деб биринчи ҳижога босиб талаффуз этар эди), сен айтмоқчи, э'тиқод тарзида қабул қилинган принциплардан бўлак бир қадам ҳам босиш ва нафас олиш мумкин эмас. Vous avez change tout cela<sup>1</sup> худо умрларингни узоқ қилсин, генераллик мансабинини берсин, биз бўлсак, сизларни кўриб завқланайлик... ҳалиги нима эди?

— Нигилистлар,— деди Аркадий равшан қилиб.

---

ги жаҳиятнинг ҳарбир янгилigidан қўрқиб,— „нигилистлар“ томонидан олға суринган назарлар, маъжуд бўлган турмуш тартибларига таҳдид қилади,— деб қараган реакцион элементларнинг муносабатини акс этдиради.

<sup>1</sup> Сизлар бунинг ҳаммасини ўзгартирдиларинг.

— Ҳа, ҳа. Илгари гегелчилар<sup>1</sup> бўлар эди, энди нигилистлар чиқибди-да. Кўрамиз, ҳамма нарсага мункир бўлиб қандай яшар экансизлар, энди, укам, Николай Петрович, бир жиринглатсанг, менинг какао ичадиган маҳалим бўлиб қолди.

Николай Петрович қўнғироқ чалди ва „Дуняша!“ деб чақирди, лекин Дуняша ўрнига айвонга Феничкининг ўзи чиқди. У оппоққина, юмшоққина, қорасоч ва шахло кўз, лаби болаларники сингари қипқизил бўртган, нозик қўлли, йигирма уч ёшлар чамасидаги ёш бир жувон эди. Унинг устида озодагина чит кўйлак, лўппигина елкаларига зангор дуррачаси тушиб турарди. У катта пиёлада какао олиб кириб Павел Петровичнинг олдига қўйди-да, жуда уялиб, мулойим юзи лоладай қизариб кетди. У ерга қараб, бармоқ учларини тираб стол ёнида тўхтаб қолди. У, бу ерга келганига хижолат чеккандай, шу блан бирга, келишга ҳақлидай кўринар эди.

Павел Петрович қошларини чимирди, Николай Петрович эса нима қилишини билмай:

— Яхшимсан, Феничка,— деб қўйди.

Феничка оҳистагина, лекин қўнғироқдай овоз блан:

— Ўзингиздан сўрасак,— деди ва дўстона жилмайиб ўтирган Аркадийга кўз қирини ташлади-да, секингина чиқиб кетди. Юрганда у бироз чайқалиб юрар, аммо бу одати ҳам ўзига ярашар эди.

Айвонда бир лаҳза жимлик ҳукм сурди. Павел Петрович какаога ичаётиб, бирданга бошини кўтарди-да, секин:

— Мана, нигилист ҳам ташриф буюраётиптилар,— деб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам Базаров боғдаги гул пушталари устидан юриб келмоқда эди. Унинг мовут пальтоси

<sup>1</sup> Машҳур немис файласуфи Георг-Вильям Гегель (1770—1831 йиллар) таълимотига эргашучи. Гегельнинг Маркс ва Энгельс томонидан идеалистик формадан қутилтирилган диалектик методи, улар томонидан пролетариатнинг буюк революцион назарияси — илмий социализм учун асос қилиб олинган. У даврдаги гегелчилар рус дворян интеллигариянинг олдинги унсурларига мансуб бўлганлар.

блан шими лой бўлиб кетибди. Унинг эски, думалоқ шляпаси тепасига ёпишқоқ бир ботқоқ ўсимлиги чирмашиб олган эди. Унинг ўнг қўлидаги халтада қандайдир бир жонивор қимирлар эди. У жадаллаб айвон олдига келди-да, бошини эгиб:

— Ассалому алайкум, кечирасизлар, афандилар, чойга бироз кечикиб қолдим. Ҳозир келаман, мана бу асирларни жойлаштириб қўяй,— деди.

— Нимаикан у, зулукми?— деб сўради Павел Петрович.

— Йўқ, бақа.

— Бақани ейсизми, ёинки асрайсизми?

— Тажриба учун,— деб бепарво жавоб берди Базаров ва уйга кириб кетди.

— Бақаларни ёриб кўради,— деди Павел Петрович,— принципларга ишонмайди-ю бақага ишонаркан-а.

Аркадий, афсусланиб, амакисига қаради. Николай Петрович сездирмасдангина кифтани учуриб қўйди. Павел Петровичнинг ўзи эса, ўринсиз қочирик қилганини фаҳмлаб қолиб, хўжалик ишлари тўғрисида, кунни кеча келиб, Фома деган хизматкор „жанжалкашлик қилади“ ва ўз билгича юради деб шикоят қилган янги саркор тўғрисида гап очиб қолди. Павел Петрович, Фома тўғрисида сўз орасида: „Ўзи ёмон одам экан“, „Ҳамма жойда ҳам ёмонлик блан ном чиқарган“, „ёшини яшаб, аҳмоқлигича дун'ёдан ўтиб жетар“ деб қўйди.

## VI

Базаров қайтиб келиб, стол ёнига ўтирди-да, шошиб-пишиб чой ичабошлади. Ака-ука индамасдан унга тикилишар, Аркадий бўлса билдирмай гоҳ отасига, гоҳ амакисига қарар эди. Ниҳоят Николай Петрович:

— Қаёққа бордингиз?— деб сўради.

— Шу ерда теракзор ёнида кичкина кўл бор экан, ўша ерга бордим. Бештача лойхўрак ҳуркиб учиб кетди. Сен отиб олсанг бўлади, Аркадий.

— Сиз ўзингиз овчи эмасмисиз?

— Иўқ.

Павел Петрович ҳам ўз навбатида гапга аралашиб:

— Сиз аслда физика блан шуғулланасизми?— деб сўради.

— Ҳа, физика блан. Умуман табиёт фанлари блан шуғулланаман.

— Сўнгги йилларда германлар бу соҳада кўп олға кетган дейишади.

Базаров э'тиборсизгина:

— Ҳа, шундоқ, немислар бу соҳада бизнинг устоимиз,— деб қўяқолди.

Павел Петрович „немислар“ дейиш ўрнига „германлар“ дейиши истихзоо бўлса ҳамки, буни ҳечким фаҳмламади. У камоли тавози' блан сўзини давом этдириб:

— Сиз немислар ҳақида шунчалик юқори фикр-дамисиз-а?— деди. Нимадир унинг ичини тирнай бошлади. Базаровнинг ибосизлиги унинг кибор табиатига озор берар эди. Бу табибвачча ҳайқмаслик бяр ёқда турсин, ҳатто чўрт кесиб гапирар, истар-истамас жавоб қайтарар ва овозида аллақандай дағаллик, ҳатто сурбетлик сезиларди.

— У ердаги олимлар ишбиларманд одамлар.

— Балли, баракалла. Рус олимлари тўғрисида сиз бунчалик баландпарвоз фикрда бўлмасангиз керак?

— Ҳа, шундоқ деса бўлади.

Павел Петрович, қадди-қоматини ростлаб, бошини орқага ташлаб:

— Бу таҳсинга лойиқ фидокорлик. Бўлмаса Аркадий Николаевич ҳозиргина бизга нима учун сизни ҳечқандай обрўйли зотни э'тироф этмайди деди? Сиз обрўйли зотларга ишонмайсизми?— деди.

— Ахир нима учун мен уларни э'тироф этай? Уларнинг нимасига ишонай? Менга тўғрисиани айтилса ўшанга қўшиламан, вассалом.

— Немисларнинг ҳаммасиям тўғри гапирар эканми?— деди Павел Петрович ва шу гапни айтганида афти шундай лоқайд бўлдики, гўё бу дун'ени қўйиб кўкларга учиб кетгандек эди. Сўз талашиб ўлтиришни мутлақо истамаган Базаров салгина ёснаб:

— Ҳаммаси эмас, — деди.

Павел Петрович:— „дўстинг жуда ҳам назокатли киши экан“ демоқчи бўлгандай Аркадийга бир қараб қўйди.

Павел Петрович яна чираниб гапира кетди:

— Менга қолса, айбга қўшмайсиз, немисларни тақдир этмайман. Рус немисларини бу ерда зикр қилиб ҳам ўтирмайман, чунки уларнинг қандай зот эканликлари ҳаммага маълум. Аммо немис немислари ҳам менинг табиатимга ўтирмайди. Илгарилари-ку, унча-мувча тузук эди. У вақтларда уларнинг, масалан, Шиллер<sup>1</sup>, ёхуд Гётте<sup>2</sup> сингари кишилари бор эди... Мана, укамиз уларни айниқса яхши эҳтиром қилади... Эндиликда эса аллақандай ким'ёгарлар блан материалистлар кўпайиб кетди...

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Яхши ким'ёгар ҳарқандай шоирдан юз марта фойдалироқ — деди.

— Шунақа денг-а, демак сиз сан'атни э'тироф этмас экансизда?— деди Павел Петрович ва уйқусираган каби қошларини сал кўтариб қўйди.

— Текинга пул топши сан'ати бўлмаса, бовосир ҳам бўлмайди<sup>3</sup>,— деди Базаров таҳқиромиз жилмайиб.

— Балли, балли, шунақанги ҳазиллашяпман денг-а. Демак сиз буларнинг ҳаммасини инкор этар экансиз-да? Хўп, шундай ҳам бўлсин. Бинобарин, сиз фақатгина фанга ишонар экансизда?

— Мен сизга, ўзимнинг ҳечнарсанга ишонмаганлигимни арз қилиб ўтган эдим. Фан, умуман фан нима демак? Ҳарқандай фан маълум бир ҳунар ёки билимдан иборат: умуман фан деган нарсанинг зотан ўзи йўқ.

— Жуда соз. Хўш, бўлмаса, одамлар қабул қил-

<sup>1</sup> Шиллер, Фридрих (1759—1805 йиллар) — машҳур немис шоири.

<sup>2</sup> Гётте, Вольфганг (1749—1832 йиллар) — буюк немис шоири.

<sup>3</sup> Бу ўринда Базаровнинг мазақ қилиб айтган сўзи, бовосир касалидан бутунлай қутилиш учун ҳечқа'ндай дори-дармон бўлмагани каби, сан'атга ҳам устунлик берилиши мумкин эмас, деган ма'нони англатади.

ган бошқа тартиб-қоидалар хусусига келганда нима дейсиз, уларни ҳам инкор этасизми!

— Нима бу, суроқ қилаётирсизми? — деди Базаров.

Павел Петровичнинг ранги хиёл оқарди... Николай Петрович гапга аралашини лозим топиб:

— Биз, марҳаматли Евгений Васильич, — деди бу масала ҳақида сиз билан қачон бўлсада муфассалроқ суҳбатлашамиз; ўшанда сизнинг фикрингизни билиб, уз фикримизни ҳам айтармиз. Мен сизнинг табиёт фанлари билан шуғулланаётганингизга жуда хурсандман. Ерларни ўғитлаш тўғрисида Либих<sup>1</sup> ажойиб нарсалар кашф қилибди, деб эшитдим. Сиз менга бирор фойдали маслаҳат бериб, менинг агрономия ишларимга ёрдам этишингиз мумкин.

— Бош устига, Николай Петрович. Лекин бизга ҳали Либихдай бўлиш қаёқда дейсиз! Аввало алифбе ўрганиш, кейин китоб ўқишга тутунишимиз керак, биз эсак ҳали алифни ҳам танимаймиз.

Николай Петрович, „ростданам янгилитнинг худди ўзи экансан-ку“ деб уйлади.

— Ҳар ҳолда, фурсати билан ўзингизга мурожаат қилишга рухсат этинг, — деди у ҳаммага эшитдириб, — энди, биродар, бориб гумашта билан гаплашадиган вақт ҳам бўлгандир.

Павел Петрович курсидан турди ва ҳечкимга қарамасдан деди:

— Шундоқ буюк доно кишилардан узоқлашиб, қишлоқда яшаш — ўзи бир балол! Ахмоқнинг худди ўзгинаси бўлиб қолсан киши. Ўқиган нарсаларингни унутмасликка тиришасанку, натижада — ҳеч! Ўқиган нарсаларинг ҳаммаси сафсата бўлиб қолади ва сенга йўлни таниган киши ҳозир бунақанги беҳуда нарсалар билан шуғулланмайди, сен орқада қолган кишисан, дейишади. Нима ҳам қиласан! Кўриниб турибдики, ёшлар бизлардан кўра ақллироқ, — деди.

<sup>1</sup> Либих, Юстус (1803—1873 йиллар) — ким'ё бобида катта кашфиётлар қилган машҳур немис ким'ёгари. Бу киши агрономия илмига асос солуни ҳисобланади.

Кейин Павел Петрович аста бурилди-да, секин айвондан чиқиб кетди. Унинг кетидан Николай Петрович ҳам жўнади.

Икки биродар кетидан эшик ёпилиши бланоқ Базаров Аркадийдан совуққонлик блан:

— Нима, амакинг доим шундайми? — деб сўради.

— Менга қара, Евгений, сен унга жуда дағал муомала қилдинг, уни таҳқир қилдинг, — деди Аркадий.

— Бе, бунақангги қишлоқ киборларига бўш келайми? Бунинг ҳаммаси худбинлик, қуруқ мақтанш, олифтарчилик эмасми! У шунақа... одам экан, ўз ишини Петербургда давом қилдирсин эди. Ҳа, майли, нима ишимиз бор... Айтгандек мен, жуда сийрак учрайдиган сув қўнғизларидан *Dytiscus marginatus* ни топиб олдим. Биласанми! Ҳали кўрсатаман.

— Мен сенга унинг тарихини сўзлаб беришни ва'да қилган эдим, — деди Аркадий.

— Қўнғизнинг тарихиними?

— Қўйсангчи қўнғизингни, Евгений. Амакимининг тарихини. Мана кўрарсан, у сен уйлагандай одам эмас. У мазах қилишга эмас, кўпроқ ачивишга лойиқ бир кишидир.

— Мен да'воин-достон қилишаётганим йўқ; лекин сен нима учун ҳадеб ўша тўғрида гапираверасан?

— Одил бўлиш керак-да, Евгений.

— Нега ундай деяпсан?

— Йўқ, сен қулоқ солгин...

Аркадий унга амакисининг тарихини сўзлаб берди. Китобхонлар уни қуйидаги бобдан топадилар.

## VII

Павел Петрович Кирсанов ҳам ўзининг укаси Николай сингари даставвал уйда ва кейин ҳарбий мактабда пажеский корпусда<sup>1</sup> тарбияланди. У, болалик чоғиданоқ жуда ҳам чиройли булган эди. Бунинг

---

<sup>1</sup> Иккилобдан бурун Русияда аристократик ҳарбий ўқув юрти. Бунга фақат катта тўра ва олий дворян болаларигина қабул қилинган.



Устига ўзига ишонган, бироз пичингчи ва, нучукдир, одамнинг кулгисини қистатадиган заҳар бир киши эди. Шунинг учун ҳамма уни ёқтирарди... У, офицер бўлиб чиқиши билан ҳар ерда ҳозир бўлабошлади. Уни ҳар ерда жуда иззат-ҳурмат қилишарди; ўзича тантиқланар, ҳатто тентакликлар қилар, қийшангланарди, лекин ҳамма қилиқлари ўзига ярашарди. Қиз-жувонлар уни кўрганда шайдо бўлишарди, эркаклар уни олифта дейишар ва ич-ичларидан куюнишарди. У, илгарни айтгандек, укаси билан бир уйда турар, тарчи укасига ҳечбир ўхшамаган бўлсада, укасини жуда яхши кўрарди. Николай Петрович бироз оқсарди, юзи кичкина, иссиқкина, лекин бироз ғамгин, кичкина кўзлари қопқора ва сочлари юмшоқ ва сийрак бир йиғит эди. У бироз ёлқов бўлса ҳам, лекин китоб ўқишга серҳавас, ёр-жураларга аралашидан кўрқар эди. Павел Петрович эса, бир кеча ҳам уйда ўтирмас, дадиллик ва абжирлик билан машҳур эди. (У, кибор ёшлар ўртасида гимнастикани ҳам расм қилган эди). У бор-йўғи беш-олтита французча китоб ўқиган, холос. Йигирма саккиз ёшга кирганида капитандик унвонига эришди. Келгусидан умиди зўр эди-ю, бирданга ҳаммаси ўзгариб кетди.

У вақтда Петербург киборлари ўртасида, ҳарзамон Р. деган княгиня пайдо бўлиб қоларди. Уни ҳозиргача ҳам унутмайдилар. Унинг яхши тарбия кўрган ва келишган, лекин бироз тентакроқ эри бўлиб, болалари йўқ эди. Бу хотин тўсатдан четэлга кетиб қолар, тўсатдан яна Русияга қайтиб келар ва умуман қизиқроқ бир ҳаёт кечирар эди. У халқ орасида енгилтак-сатанг деган ном олган, ҳархил кайф-сафота жуда ўч, ҳолдан тойгунча танца қилар, ёшлар билан кулишар, ҳазиллашар ва уларни обед олдидан қоронғи меҳмонхонада қабул қилар, кечалари эса, йиғлар ва ибодат қилар, ҳеч қаердан таскин тополмай, ғам билан қўлларини сиқиб, уй ичида саҳарга давр юриб чиқар, ёйинки ранги-қути ўчиб, жунжикиб Забурни ўқиб ўтирар эди. Тонг отиши билан яна кибор аёл қиёфасига кирар, яна кўчага чиқар, ўйинкулги қилар ва ўзига сал-пал ором берадиган ҳарбир нарсага ўзини ташлар эди. Қадди-қомати ажойиб бир

аёл эди. Унинг олтин ранг ва олтиндек салмоқли сочлари тиззасидан пастроққа тушган; лекин уни ҳечким чиройлик деб айтаолмас эди. Унинг бутун юзида фақат кўзларигина яхши эди. Ҳатто кўзларининг ҳам ўзи эмас, — кўзлари кичкина ва кулранг эди, — ҳаммадан унинг, ўткир, беҳод хотиржам, ғамгин ва уйчан қарашлари гўзал эди. Ҳатто тили ҳарқандай беҳуда гапларни гапириб турган маҳалда ҳам, кўз қарашлари ғалати порлар эди. У жуда яхши кийинарди. Павел Петрович уни бир зиёфатда учратиб қолди-да, мазуркага бирга танца қилди. Танца маҳалида у бир оғиз ҳам ма'носи сўз айтмади. Павел Петрович унга ошиқу беқарор бўлиб қолди. Муваффақият қозониб ўрганиб қолган Павел Петрович бу ерда ҳам тезда мақсадига эришди; аммо осонлик блан муддаога эришиш Павел Петровичнинг кўнглини сра совутмади. Аксинча, бу хотинга у янада бешбаттар қаттиқроқ боғланди; бу хотин ҳаттоки жон-дили блан таслим бўлганда ҳам, Павел Петровичнинг назарида бу хотинда қандайдир муқаддас ва ҳечким муяссар бўлаолмайдиган яна бир нарса қолгандай бўлар эди. Бу хотинда яна нималар бор — буни худо ўзи билади! Гўёки бу хотин ўзига ҳам нома'лум бўлган қандайдир сирли кучлар ихтиёрида эди. Бу сирли кучлар уни ҳар мақомга солиб уйнатар, унинг кичкинагина ақли эса бу кучларнинг орзусига қарши тураолмасди. Унинг фе'л-атвори унга ғалати эди. Эрининг ҳадиксираши жўяли бўладиган хотинларни у ўзига бутунлай деярли ёт бўлган одамга ёзар эди. Унинг муҳаббати ҳам рам-ғуссага айланади, чунки яхши кўрган кишиси блан ўйнаб-кулмас ва ҳазиллашмас, унинг гапини анграйиб тинглар ва унга анқайиб қарарди. Ба'зан, кўпинча тўсатдан, унинг бу анқайиши даҳшатга айланиб кетарди. Шундан кейин унинг башараси улякникидай оқарар ва ёввойи бир тус оларди. У ётоғига кириб эшикни беркитиб олар, оқсочи эса, калид тешигига қулогини қўйиб тингласа, унинг ўксиниб йиғлаган товушини эшитар эди. Павел Петрович Кирсанов бир мартаги ва эмас, балки кўп мартаба бўлган ширин учрашувлардан кейин уйига қайтаётиб, буткул муваффақият-

сизликка учрагандан кейингина юракда пайдо бўладиган аччиғ аламни ҳис қиларди. У ўз-ўзидан яна қандай нистагим бор экан деб сўрарди, юраги эса, ҳамон сиқиларди. У бир кунни хонимга сфинкс<sup>1</sup> сурати солинган бир узук ҳад'я қилди.

— Бу нима, сфинксми?— деб сўради хоним.

— Ҳа, шу сфинкс сиз бўласиз, — деди Кирсанов.

— Мен?— деб сўради хоним ва Кирсановга тушуниб бўлмайдиган бир назар ташлади. — Биласизми, бу мен учун ифтихорли, — деб қўшди, унинг қараши боягидек қандайдир ғалати эди.

Княгиня Р. ҳатто сезган чоғида ҳам Павел Петровичга огир эди. Лекин княгиня ундан совунгандан кейин у жинни бўлаёзди. У азобланар эди, қизғонар, унга тинчлик бермас ва доим унинг кетидан юргани-юрган эди. Унинг ҳеч ажралмай пайига тушиб юриши княгиняни безор қилди ва у четёлга кетиб қолди. Павел Петрович, ошна оғайниларининг илтимосига ва бошлиқларнинг ўғит-насиҳатларига қарамасдан хизматдан бўшади ва княгинянинг орқасидан четёлга жўнаб кетди. Павел Петрович гоҳ хонимнинг кетидан югуриб, гоҳ жўрттага уни кўз ўнгидан йўқотиб, тўрт йилча четёлларда умр кечирди. У ўз-ўзидан уялар, ўзининг жур'атсизлигига аччиғланарди... лекин бунинг ҳечқанча фойдаси йўқ эди. Ма'шуқасининг сра онглаб бўлмайдиган, деярли бема'ни, лекин жозибадор қиёфаси Павел Петровичнинг қалбида чуқур из қолдирган эди. Павел Петрович Баден шаҳарида нима бўлдию у блан яна боягича қалин бўлиб қолди: гўёки хоним унга илгаригидан ҳам зиёдароқ ошиқ бўлгандай туйилар эди... Аммо орадан бир ой ўтгандан сўнг иш пачава бўлди: аланга бир ловулладию, кейин бутунлай сўнди қўйди. Княгинядан ажралиш муқаррар эканлигига кўзи етгандан кейин, Павел Петрович гўёки шундай хо-

---

<sup>1</sup> Нима эканига тушуниб бўлмайдиган, билиб бўлмайдиган одам.

<sup>2</sup> Австрияда (ҳозир Чехословакияда) курорт жойи. Бу ерга рус бойлари даволаш учунгина эмас, балки кайф-сафо қилиш учун бориб юрганлар.

тин блан дўстлаш иш мумкин бўлгандай, ҳеч бўлмаганда унинг дўстигина бўлиб қолишга уриниб кўрди... Хоним эса Баден шаҳаридан секингина жўнаб кетди ва ўшандан кейин Кирсановдан қочиб юрди. Павел Петрович Русияга қайтиб келгач бурунгича давр суришга уриниб кўрдию, аммо энди илгариги пизига тушаолмади. У, худди заҳарланган кишидек, у ёқдан-буёққа тентираб юрди, сафар қилиб ҳам кўрди, ўзининг киборлик одатларини ҳам йўқотмади, икки-учта хотинни ўзига мойил қилганлиги блан мақтаниши мумкин эди; лекин у энди на ўзидан ва на бошқалардан ҳечқандай яхшилик кутмасди ва бунга уриниб ҳам кўрмасди. У қариди, сочлари ҳам оқарди; кечқурунлари клубда ўтириш, ўз-ўзидан диққат бўлиш, ўзи сингари сўққабашлар блан бўлмаган баҳслашувлар унга зарурат бўлиб қолди. Ма'лумки, булар яхши аломат эмас. Уйланишни у, албатта, хаёлига ҳам келтирмасди. Шундай қилиб, ўн йил кўнгилсиз, фойдасиз, тез, жуда тез ўтиб кетди. Ҳеч-бир жойда вақт Русиядагидек тез ўтмайди. Қамоқхонада эса, вақт янада тезроқ ўтади, деб айтадилар. Кунлардан бир кун клубда обед қилиб ўтирган чоғида, Павел Петрович княгиня Р. нинг ўлган хабарини эшитди. У, Парижда ярим жинни бўлиб қолай деган ҳолда вафот этибди. Шундан кейин Павел Петрович столдан турди-да, узоқ вақтгача клуб ичида уёқдан-буёққа юрди, ба'зан қартабозлар ёнига келиб ёўдайиб турди, лекин уйига одатдаги вақтдан олдин қайтмади. Бирқанча вақт ўтгандан кейин ўз номига ёзилган бир пакет олди. Шу пакетдан княгиняга ҳад'я қилган узуги чиқди. Княгиня узук қошидаги сфинкс устига крест чизиб қўйибди-да, Павел Петрович: сирнинг ма'носи ана шу деб айтишга амр қилибди.

Бу воқиа 43 йил бошида, я'ни Николай Петрович хотини ўлиб Петербургга келган вақтда воқи' бўлди. Павел Петрович қишлоққа кўчиб чиққандан бери деярли акаси блан кўришмаган эди, чунки Николай Петровичнинг тўйи Павел Петровичнинг княгиня блан эндигина танишган вақтига тўғри келган эди. Павел Петрович четёллардан қайтиб келгандан кейин, ука-

сеникида бир-икки ой меҳмон бўлиш ва унинг бахтли ҳаётини кўриш ниятида уникига келди-ю, лекин бир ҳафтадан ортиқ турмади. Ака-уканинг аҳволи бир-бириникидан катта фарқ қиларди. Аммо 48 йилда бу фарқ камайди, чунки Николай Петрович хотинидан ажралди. Павел Петрович эса ўзининг машуқаси ҳақидаги хотиралардан маҳрум бўлди. Княгиня ўлгандан кейин унинг ҳақида ўйламасликка тиришди. Аммо Николайда эса дуруст ўтказилган ҳаётнинг низи қолган, ўғли кўз олдида ўсиб борар эди. Павел эса, аксинча, сўққабошлигича ёшлик даври ўтиб, истиқболи хира, дудмол даврга, умидига ўхшаган таассуфлар, таассуфга ўхшаган умидлар бўладиган даврга, я'ни ёшлик ўтиб, қариллик ҳали келиб етмаган бир даврга қадам қўя бошлаган эди.

Бу давр ҳаммадан ҳам Павел Петрович учун оғирроқ эди, чунки у ўтмиши билан бирга бутун ҳаётини ҳам қўлдан бой берган эди.

Бир куни Николай Петрович акасига:

— Мен энди сени Марьинога таклиф қилмайман (у ўз қишлоғини бу ном билан хотинининг ҳурмати учун атаган эди), у ерда марҳума тириклик вақтида ҳам зерикар эдинг, энди бўлса диққатликдан ўласан,— деган эди.

Павел Петрович жавоб бериб:

— Мен у вақтларда ҳали тенгак ва ҳовлиқма эдим; энди, мабода ақллироқ бўлмаган бўлсам, анча босилиб қолдим; ҳозир, аксинча, агар сен хўп десаңг, бутунлай сеникига кўчиб боришга тайёрман, — деди.

Жавоб ўрнига Николай Петрович уни қучоқлаб олди. Аммо Павел Петрович ўзининг бу ниятини амалга оширгунча бир ярим йил вақт ўтиб кетди. Лекин қишлоққа кўчиб келганидан кейин, ҳатто Николай Петрович ўғли билан уч йил Петербургда туриб қолган вақтда ҳам қишлоқни ташлаб кетмади. У китоб ўқишга киришди, кўпроқ инглизча ўқирди; у умуман бутун ҳаётини инглизча тузган эди. Павел Петрович қўни-қўшнилари билан ҳам камдан-кам учрашар ва фақат сайловларгагина борар эди. Сайловларда эса аксари сукут қилар ва ба'зи вақтлар-

дагина эскилик тарафдори бўлган помешчикларни ўзининг либерал қилиқлари билан қўрқитар, дуқ қилар, аммо янги бўғин вакилларига яқинлашмас эди. Эскилик тарафдорлари ҳам, янгилик тарафдорлари ҳам уни мутакаббир киши дейишар, лекин унинг ажойиб киборлик одатлари учун ва унинг ғалабалари тўғрисидаги хабарлар учун, унинг жуда кийинганлиги учун, энг яхши мусофархонанинг энг яхши хонасига тушганлиги учун, унинг умуман яхши обод қилгани ва бир сафар ҳатто Людовик Филиппникида<sup>1</sup> Веллингтон<sup>2</sup> билан бирга обод қилгани учун, унинг безанув асбоблари солинган асл кумуш қутчаси билан сафар ваннасини ҳар доим ўзи билан олиб юргани учун, ундан қандайдир „ажойиб“ хушбўй атир ҳиди келиб тургани учун, қарга ўйинига уста бўлиб доим ютқизгани учун ҳурмат қилардилар ва, ниҳоят, уни ўтакетган номусли бир киши эканлиги учун ҳам ҳурмат қилардилар. Хонимлар уни ажойиб бир савдодой киши дейишарди, аммо унинг хотинлар билан иши йўқ эди...

Аркадий, ҳикоясини тамомлар экан:

— Ана, кўрдингми, Евгений, амакимдан хафа бўлишинг ҳеч тўғри эмас-да! Унинг отамни неча марта бабалардан қутқазганини, ўзининг бор-йўқ пулларини унга берганини ҳали мен сенга айтганимча йўқ. Сенинг хабаринг бўлмаса керак, уларнинг мулки тақсим қилинмаган, шундай бўлсаям, у ҳаммага ёрдам қилишга тайёр ва шу билан бирга доим деҳқонларнинг тарафини олади. Броқ шуниси борки, деҳқонлар билан сўзлашганида афтини буруштириб, атир искаб туради... — деди.

---

<sup>1</sup> *Людовик-Филипп* (1773—1850 йиллар) француз короли. Бу киши 1830 йилги июль инқилоби вақтида халқ енгандан сўнг буржуазия томонидан тахтга ўтказилган, 1848 йилги инқилобда тахтдан туширилгач, Англияга қочган ва ўша ерда ўлган.

<sup>2</sup> *Веллингтон, Артур* (1763—1850) йиллар — инглиз аскар бошлиғи (саркардаси) ва давлат ходими; бу киши Ватерлоо ёнида 1814 йилнинг 18 июнида бўлган урушда бирлашган союз армиясига қўмондонлик қилган; бу уруш натижасида француз подшо Наполеон аскарлари енгилиб, унинг бутунлай йиқилишига сабаб бўлган.

Базаров Аркадийнинг сўзини бўлиб:

— Турган гап, асабийда, — деди.

— Балки шундайдир, лекин унинг кўнгли бўш, раҳмдилу беақл ҳам эмас. У менга қандайни яхши маслаҳатлар берди. Айниқса... айниқса қиз-жувонлар билан бўладиган муносабатлар тўғрисида.

— Ҳа! Сутдан оғзи куйган, биров ичаётган қатиқни пуфлайди. Буни биз жуда яхши биламиз!

Аркадий сўзида давом қилиб:

— Хуллас, у жуда шўрпешона одам, менга ишонгин, уни таҳқирлаш гуноҳ, — деди.

Базаров унга э'тироз билан гапирокетди:

— Ким уни таҳқирлаяпми, ҳар ҳолда, — деди Базаров унга э'тироз қилиб, — ҳар ҳолда мен шуни айтаманки, ўзининг бутун умрини қиз-жувонлар ишқига сарф қилиб, бу йўлдаги ҳаракатлари чиппакка чиққач, кейин ҳаётидан айниб, руҳи тушиб ҳеч қандай ишга яроқсиз бўлиб қолган бундай киши эркак зотидан эмас. Сен уни шўрпешона деясан, албатта, бу нарса сенга ойдинроқ, бром унинг миясидан тентаклик батамом чиқиб кетгани йўқ. Менинг имоним комилки, у ўзини бекорга ишбиларман киши деб ўйламайди, чунки, Галиньяшкани<sup>1</sup> ўқийди ва ҳар ойда бир марта деҳқонни жазолашдан озод қилади.

— Ҳа, хўп, сен унинг тарбиясини, у яшаган даврни назарга олсангчи, — деди Аркадий.

— Тарбиями? — деди унинг сўзини илб олиб Базаров. — Ҳарбир киши ўз-ўзини тарбия қилмоғи лозим. Масалан, айтайлик, ақалли менинг каби... Энди давр масаласига келсак, нима учун мен даврга тоби' бўлай? Яхшиси — давр ўзи менга тоби' бўлсин. Йўқ, биродар, булар ҳаммаси бебошлик, ма'носизлик! Эрлар билан хотинлар ўртасида қандай сирли муносабат бўлиши мумкин? Биз физиологлар бу муносабатларнинг нима эканини биламиз. Сирли кўз қарашлар дегани ҳам беҳуда гап: кўз анатомиясини бир яхшилаб ўқиб кўрсанг, ўзинг ҳам бунинг беҳуда эканлигига яшонасан. Булар ҳаммаси романтизм,

---

<sup>1</sup> Французча журнал номи.

сафсата, чиринди — гўзаллик холос. Юр, яхшиси, қўнғизни тамоша қилайлик.

Шундан кейин иккала дўст Базаровнинг ҳужрасига киришди. Уйдан арзон тамаки ҳиди блан тиббий жарроҳлик ҳиди келиб турар эди.

### VIII

Павел Петрович укаси блан саркор ўртасида бўлаётган суҳбатга куп аралашмади. Ориққина ва новча, майингина сил овоз ва доғули кўз саркор Николай Петровичнинг ҳарбир гапига: „Кечирасиз, тақсир, шундай тақсир“ деб жавоб берар, деҳқонларни арақхўр ва ўғри қилиб кўрсатишга тиришар эди. Яқиндагина янги усулда қурилган хўжалик, ёғланмаган араванинг филдирагидек ғижирлар ва нам ёғочдан қўлда уқувсиз уста ясаган курсидай қирсиллаб турарди. Николай Петрович унга хўфа бўлмаса ҳам, лекин кўпинча оҳ тортар ва ўйга толар эди: унинг пулсиз олға бормаслигини сезар, броқ пулининг ҳаммаси еб бўлинган деса бўларди. Аркадий тўғри гапирган эди: Павел Петрович ўзининг укасига кўп ёрдам қилган. У, укасининг пулга муҳтож бўлиб, нима илож қилсам бўларкан, деб бош қотираётганини кўриб, астагина дераза олдига келардида, қўлини чўнтагига тиқиб: „*mais je puis vous donner de l'argent*“<sup>1</sup> деб ғурунглаб, укасига пул бериб кетар эди. Аммо бугун ўзида ҳам ҳемирсин йўқ эди, шунинг учун у ўзини бир четга тортишни ма'қул кўрди. Хўжалик ишларидаги жанжаллар уни ғамга соларди. Шу блан бирга, укаси ғайратли ва жонкуяр бўлишига қарамасдан, унга доим ишни нотўғрироқ юргизгандай бўлиб кўринар, лекин унинг хатосини кўрсатиб беришга қодир эмас эди. „Укам тажрибали эмас-да, уни алдашайпти“, — дерди ўзича. Николай Петрович эса, аксинча, акам жуда тажрибали деб уйларди ва доим ундан маслаҳат сўрарди. У укасига „Мен юмшоқ, бўш, бутун умримни қоронги бурчакда ўтказган одамман, сен эса кўп одамни кўргансан,

<sup>1</sup> — ундай бўлса мен сизга пул бероламан. (Французча).



уларни яхши танийсан, сенинг кўзинг дачиннинг кўзидай“ дер эди. Павел Петрович бу сўзларга жавоб сериш ўрнига тескари ўгирилар, аммо укасининг фикрини рад қилмасди.

Павел Петрович укасини хужрада қолдириб, ҳовлини еккига ажратиб турган йўлакдан юриб бориб, пастгина эшик ёнига келгач, ўйланиб тўхтаб қолди, мўйлабини бураб, эшикни тақиллатди.

Ичкаридан Феничканинг:

— Киму? Кираверинг, — деган товуши эшитилди.

— Мен, — деди Павел Петрович ва эшикни очди.

Феничка боласини ушлаб ўтирган курсисидан ирғиб турди ва уни ларров шу ерда турган оқсоч қизга бериб, шошиб-пишиб рўмолини тузатди. Оқсоч қиз эса, болани дарров уйдан олиб чиқиб кетди.

— Кечирасиз, халақит бердим шекилли, — деб гап бошлади Павел Петрович Феничкага қарамасдан, — сиздан бир илтимосим бор эди... бугун шаҳарга одам юбормоқчилар шекилли... менга кўксой олиб келишни буюрттирсангиз деб эдим...

— Хўп, қанча буюрадилар?— деб сўради Феничка...

— Ярим қадоқ бўлса етар деб ўйлайман, — деди Павел Петрович ва теваракка бир кўз ташлади. кўзи Феничканинг юзига ҳам тушди. — Уйингиз ўзгариб қолиптими?— деди ва Феничканинг бу гапни тушунмаганини сезиб, — мана бу пардалар, — деб пардаларга ишора қилиб қўйди.

— Ҳа, пардалар, Николай Петрович ни’ом қилдилар; осганимизга авча бўлди.

— Менам кўпдан беря кирганим йўқ. Энди уйингиз жуда яхши бўлибдики...

— Николай Петровичнинг марҳаматлари блан, — деб шивирлаб қўйди Феничка.

Павел Петрович мулойимгина лекни ҳеч ҳам жилмаймасдан:

— Илгариги ёнхужрадан кўра бу ер сиз учун яхшироқ бўлса керак-а? — деб сўради.

— Албатта, яхши.

— Сизнинг уйингизга кимни қўйибдилар?

— Ҳозир у ерда кирчи хотинлар туради.

— Шундайми.

Павел Петрович жим бўлди: „Энди кетар“ деб ўйлади Феничка, лекин у кетмади. Феничка Павел Петровичнинг олдида бармоқларини ўйнаб, қотиб қолгандай турар эди.

Ниҳоят, Павел Петрович:

— Нима учун чақалонгизни чиқариб юбордингиз? Мен болани яхши кўраман, уни менга бир кўрсатсанг,— деди яна.

Феничка уялганидан ва шодлигидан қипқизариб кетди. У, Павел Петровичдан кўрқарди, чунки Павел Петрович у билан ҳеч вақт сўзлашмас эди.

— Дуяша,— деб оқсочини чақирди-да Феничка,— Митяни буёққа обкелинг (у, уйдагиларнинг ҳаммасини ҳам сизларди). Ҳа, шошмай туринг, кўйлак кийдириш керак,— деб қўйди ва эшикка қараб юрди.

— Майли майли,— деди Павел Петрович.

— Мен ҳозир,— деб жавоб берди Феничка ва тезда чиқиб кетди.

Павел Петрович уйда ёлғиз ўзи қолди. Энди ҳаммаёққа бошқача назар ташлай бошлади. Ўзи ўғирган бу уй пастгина ва кичикроқ бўлса ҳам, лекин жуда озода ҳамда саранжомлик эди. Уйда газак ўт, лимон ва янги бўялган полдан буёқ ҳиди келиб турарди. Девор олдида тож шаклидаги курсилар тизилиб турипти. Бу курсилар марҳум генерал томонидан уруш маҳалида Польшадан сотиб олиб келинган эди. Уйнинг бир бурчагида пашшахона тутуғлик қаравотча, унинг ёнида қопқоғи юмалоқ тунука сандиқ турипти. Нариги бурчақда Николай Чудотварецнинг катта қорасурати олдида шам' чироғ ёнар эди. Авлиёнинг кўкрагидаги ёнғоқдай кичкинагина чинни тухумча қизил тасма билан осиб қўйилипти. Дераза тоқчаларида бултурги мураббоналар солинган оғзи маҳкам боғланган кўмкўк шиша идишлар тизилиб турипти, уларнинг қоғоз қопқоқлари устига Феничка ўзи йирик ҳарфлар билан „Қорағат“ деб ёзиб қўйган эди. Николай Петрович айниқса шу мураббони яхши кўрарди. Узун ип билан шипга осиб қўйилган қафас ичида ҳадеб жингарча чирқиллаб сайраб турарди, унинг ҳаракатидан қафас доим чайқалар ва ундан тик-тик этиб

канап уруги полга тўкилиб турар эди. Икки дераза орасидаги кичкина жавон устида Николай Петровичнинг ўткинчи бир рассом чизиб берган турли ҳолатдаги хуноқкина суратлари осиглик эди. Худди ўша ерда Феничканинг мутлақо беўхшов сурати ҳам осиглик эди: қора ром ичида қандайдир бир бекўз башара кулиб турар — бошқа ҳечнарсга кўринмас эди. Феничканинг сурати устида кавказча енгсиз чакман кийган, игналар қадаб қўйиш учун ипақдан қилинган ва пешонасига таша тушиб турган ёстиқчаси тагидан даҳшат блан қовоғини солиб, узоқ кавказ тоғларини тамоша қилиб турган генерал Ермоловнинг<sup>1</sup> сурати осиглик эди.

Орадан беш минутча вақт ўтди. Қўшни уйдан шитир-шитир ва шивир-шивир эшитилди. Павел Петрович жавондан Масальскийнинг Стрельцов<sup>2</sup> деган кирланиб кетган китобини олиб варақлади... Эшик очилди ва уйга Митяни кўтариб Феничка кириб келди. У Митяга ёқасига уқа тикилган қизил кўйлак кийгизган, сочларини тараган, бетларини артган эди. Бола ҳарсиллар, ҳамма соғ болаларга ўхшаш ҳадеб қўлларини ёзар ва бутун гавдаси блан олға толпинар эди. Чиройлик кўйлак унга ёққан бўлса керакки, момикдай бутун гавдасидан хурсандлик аломати кўриниб турарди. Феничка ўз сочларини ҳам тараб олган ва бошига бошқа яхшироқ рўмол ўраган эди. Лекин у бояги ҳолича турса ҳам бўларди. Дарвоқи, дун'ёда қўлига соғлом бола кўтариб турган ёш чиройли онадан ҳам жозибалироқ бир нарса бўлиши мумкинми? Павел Петрович мулоиймгина қилиб:

— Қандай дўндиқ бола-я, — деди ва кўрсаткич бармоғининг узун тирноқлари блан Митянинг бақбақасини қитиқлаб қўйди. Бола жингарчага қараб кулабошлади.

<sup>1</sup> Ермолов, Алексей Петрович (1777—1831 йиллар) — 1816 йилдан 1827 йилгача айрим Кавказ армиясига қўмондонлик қилган рус генерали. Тахтга Николай I ўтирганидан кейин, Ермолов декабристларга хайрихоҳ деб шубҳа қилингани учун Кавказдан қайтарилган ва умрини бекор ўтказган.

<sup>2</sup> Рус ёзучиларидан, Масальскийнинг (1802—1851 йиллар) реалистик романи.

Феничка юзини боласига яқин келтириб ва уни сал-пал силжиб қўйиб:

— Бу киши амакинг бўлади, — деди.

Шу пайтда Дуняша тамаки чекиш учун ёқилган шамни чақага ўрнатиб дераза тоқчасига қўйди.

— Неча ойлик бўлди? — деб сўради Павел Петрович.

— Олти ойлик; яқинда, ўн биринчи числода еттинчи ойга қадам қўяди.

— Саккизинчи ойга эмасми, Федосья Николевна? — деб гапга аралашди Дуняша уялиброқ.

— Йўқ, еттинчи ойга. Вой сени қара! — Бола яна кулди, кейин сандиққа тикилди-да, бирданига онасининг бурнига ва лабига чангал солди. Феничка унинг қўлини юзидан олмасдан:

— Ҳа, шўх-эй, — деб қўйди.

— Худди акамга ўхшайди, — деди Павел Петрович.

Феничка ичиди: „Бўлмаса кимга ўлшасин?“ деб қўйди.

Павел Петрович гўё ўз-ўзинга гапиргандай сўзини давом этдириб:

— Ҳа, баайни ўзи, — деди ва Феничкага диққат блан, қарийб ма'юсона назар ташлади.

Феничка шивирлаб:

— Бу киши амакинг бўлади, — деб такрорлади.

Шу пайт бирданига Николай Петровичнинг:

— Ийя, Павел! Шу ерда экансиз-ку! — деган товуши эшитилди.

Павел Петрович шошиб орқасига қаради ва қовғини солди; аммо укаси унга шу қадар хурсанд ва мулойим қарар эдики, унинг кулиб жавоб бермай иложи бўлмади:

— Ўғлинг жуда яхши, — деди ва соатига қараб қўйди. — Мен бу ерга чой тўғрисида кирган эдим.

Павел Петрович ҳечнарсасага э'тибор қилмагандай бўлиб, дарҳол уйдан чиқиб кетди.

Николай Петрович Феничкага қараб:

— Ўзи кирдими? — деб сўради.

— Ҳа, ўзлари, эшикни тақиллатиб кириб келдилар.

— Хўш, Аркаша-чи, яна сенинг олдинга киргани йўқми?

— Бошқа киргани йўқ. Ёнхужрага кўчиб чиқсам қандай бўлар экан, Николай Петрович?

— Сабаб?

— Ҳозирча яхшироқ бўлмасмикан дейман-да.

Николай Петрович бироз дудуқланиб:

— Йў... қ,— деди ва пешонасини артди,— илгарироқ шундай қилиш керак... Салом, пуфқча, ишлар қалай?— деди болага яқин келиб ва унинг бетидан ўпди, кейин сал эгилди-да, лабларини Феничканинг Митянинг қизил кўйлакчаси устида сутдек оқариб турган қўлига текизди.

Феничка:

— Николай Петрович! Сизга нима бўлди?— деди Феничка ерга қараб, сўнгра бошини аста кўтарди... унинг ер остидан қарагандай бўлиб, мулойим ва бироз анграйиб жилмайган чоғидаги кўз қарашлари жуда ажиб ва чиройли эди.

Николай Петрович Феничка билан мана бундоқ танишг эди. Бир куни, бундан уч йилча бурун, Николай Петрович узоқ уезд шахарларидан бирида мусофирхонада қўниб қолган эди. Хужравнинг озодалиги билан ундаги кўрпа-ёстиқнинг тозаллиги уни жуда ҳайратда қолдирди: унинг бошига „нима бало, мусофирхонанинг эгаси немис аёл эмасмикин?“ деган фикр келди. Броқ мусофирхона эгаси эллик ёшларга борган, яхши кийинган, юзи кўркам ва идрокли, гапи салмоқдор бир рус хотин экан. Николай Петрович чой маҳалида у билан гапиришиб ўтариб, уни жуда ёқтириб қолди. Бу чоқларда Николай Петрович эндигина янги қўрғонига кўчиб келган ва ўз ҳузурда крепостнойларни сақлашни истамай, ёлланиб ишловчиларни қидирар эди. Мусофирхона эгаси эса, шахарда мусофирларнинг камлигидан, замонанинг оғирлигидан зорланди. Николай Петрович унга, ўз уйида рўзгор ишларини бажаручи бўлиб хизмат қилишни таклиф этди. Хотин рози бўлди. Хотиннинг эри аллақачон ўлиб кетган бўлиб, ундан фақат Феничка деган бир қиз қолган эди. Орадан икки ҳафта ўтди деганда Арина Савишна (янги ходиманинг исми шундай эди) қизи билан Марьинога кўчиб келиб, ёнхужрага жойлашди. Николай Пет-

ровичнинг бу топган ходимаси жуда кўнгилдагидек бўлиб чиқди. Арина уйда тартиб ўрнатди. У чоқда эндигина ўнсаккиз ёшга чўққан Феничка тўғрисида ҳечким ҳеч нарса сўзламас ва у кўзга жуда кам кўринар эди: у жимгина, камсухун бўлиб яшар, Николай Петрович фиқат якшанба кунларигина маҳалла ибодатхонасида четроқ бир жойда унинг олпоқ ва нозик юзини ён томондан кўриб қолар эди. Шу ҳолда бир йилдан ошиқ вақт ўтди.

Бир кун эрта блан Арина, Николай Петровичнинг уйига келиб, одатдагича унга эгилиб салом бергандан кейин, қизининг кўзига печкадан чиққан ўт учқуни кирганини арз қилди ва унга Николай Петрович ёрдам қилмасмикинлар, деб илтимос қилди. Доим уйда ўтиручи ҳамма киши сингари, Николай Петрович ҳам касалларни даволаш блан шуғулланар, ҳатто гомеопат усулида даволани учун ишлатиладиган дори-дармонларни ҳам обкелтирган эди. У дарҳол Аринага қизини обкелишни буюрди. Феничка эса, бояр чақираётганини эшитиб, кўрқиб кетди, лекин онасига эргашиб борди. Николай Петрович уни дераза олдига обкелиб, яккала қўли блан унинг бошидан ушлади. Унинг қизариб ва шишиб турган кўзини яхшилаб қарагандан кейин, кўзини суюқ дори блан ҳўллаб туришини буюрди ва дорини ҳам дарров ўзи тайёрлаб, дастўмолини йиртиб, қандай ҳўллаш кераклигини Феничкага кўрсатди. Феничка унинг гапини уққандан кейин чиқиб кетмоқчи бўлди, лекин онаси унга: „Вой жинни, хўжайиннинг қўлларини ўпмайсанми“ деди. Николай Петрович унга қўлини бермади, аммо ўзи уялиб, Феничканинг энгашиб турган бошидан, сочининг фарқидан ўпди. Феничканинг кўзи тезда тузалди. Аммо Феничканинг Николай Петровичда қолдирган таассуроти тезда унутилмади. Унинг покиза, мулойим ва чўчигансимон юзи Николий Петровичнинг доим кўз олдидан кетмас эди. У Феничканинг юмшоқ сочларини қафтлари блан сийпалаётгандек ҳис қилар, унинг ма'сум, салгина очилиб турган лабларини ва улар орасидан офтоб нурида инжу каби ярқираб турган тишларини кўз олдига келтирар эди. Шундан кейин Николай

Петровиҷ ибодатхонада унга кўпроқ тикиладиган ва у блан гаплашишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолди. Бошда Феничка Николай Петровиҷдан тортинарди, бир куни кечқурун Николай Петровиҷни учратиб қолиб, унга кўринмай деб, бўтакўз блан шувоқ босган қалин бугдойпоя ичига кириб яширинади. Николай Петровиҷ унинг олтиндай бошоқлар орасидан кўйик боласи каби бошини чиқариб қараб турганини кўриб, мулоҳимгина қилиб:

— Эсонмисан, Феничка! Қўрқмагин, тишлаб олмаймав!— деди.

Феничка ўша ердан чиқмасдан секингина:

— Шукур, — деб жавоб берди.

У аста-секин Николай Петровиҷга ўрганабошлади. Лекин Николай Петровиҷ бор жойда ҳамон тортинарди; шу орада онаси Аринга вабо тегиб ўлиб қолди. Энди Феничка қаёққа борсин? У ўз онасидан тартиб севишни, ҳар ишда эҳтиёт ва вазмин бўлишни мерос қилиб олган эди; лекин у ҳали жуда ёш ва ёлғиз эди. Николай Петровиҷ эса жуда меҳрибон ва ёввош бир киши эди. Бўшқасини гапириб ултиришнинг ҳожати ҳам йўқ...

Николай Петровиҷ Феничкага қараб:

— Демак, акам сенинг олдинга ўзи кирипти-да. Эшикни тақиллатдию, очиб киравердимиз-а? — деб сўради.

— Ҳа, шундай.

— Хўп, жуда яхши. Қани, Митяни менга бергинчи, бир уйнатай.

Николай Петровиҷ болани худди шипгача етказиб иргитиб ўйнай бошлади, бунга бола жуда севинар, аммо онаси, болам йиқилиб кетмасин деб, қўриқиб, ҳарбир иргишида яланғоч оёқларидан ушламоқчи бўлиб, қўлларини чўзар эди.

Павел Петровиҷ деворларига чиройли кулранг қоғозлар ёпиштирилган, ола-чипор эрон гилами устига ҳархил яроғ-аслаҳалар осиб қўйилган, ёнғоқдан қилинган ва тўқ яшил бахмал қопланган мебеллар тизилган, жуда чиройли ёзув столи устига мис ҳайкалчалар қўйилган ва эски қора болут ёғочдан гена-

issance<sup>1</sup> кутубхонаси бўлган камин печкали кабинетига қайтиб келди... Павел Петрович дарров ўзини диванга ташлади-да, қўлларини бошининг орқасига қўйиб, умидсизликдан ожиз бир ҳолда шипга тикилиб, жим қотиб қолди. Юзида нималар содир бўлаётганини деворлардан яширмоқчи бўлибми, ёки бошқа бир сабабданми, нимагадир ўрнидан турди-да, деразаларнинг пардасини тушириб қўйиб, ўзини яна диванга ташлади.

## IX

Ўша кунни Базаров ҳам Феничка билан танишди. У, Аркадий билан бирга боғчага чиқиб, унга ба'зи дарахтларнинг, айниқса болут дарахтларининг нима учун кўкармаётганини тушунтириб юрди.

— Бу ерга қора тупроқ аралаштириб кўпроқ террак, арча ҳамда жука (липа) дарахтларидан ўтқазмиш керак; кўраяпсанми, шийпон ёнидаги дарахтлар қандай яхши кўкарган, чунки акация билан сирень беор ҳисобланади, — деб қўшимча қилди Базаров. — Йиле, бу ерда одам борга ўхшайди, — деди.

Шийпонда Феничка Дуняшка ва Митя билан бирга ўтирар эди. Базаров тўхтади, Аркадий эса эски таниш бўлганидан, Феничкага бош силкиди.

Улар шийпон олдидан ўтгандан кейин, Базаров дарров:

— Ким экан бу? — деб сўради ва: — қандай нозанин-а! — деб қўйди.

— Кимни айтаяпсан?

— Кимни айтардим, нозанин фақат битта.

Довдираброқ қолган Аркадий бирнеча оғиз сўз билан Феничканинг ким эканлигини унга тушунтириб берди.

— Ҳа! — деди Базаров, — Отангнинг диди жойида кўринади, лекин отанг менга ёқади, азбаройи худо! Боллапти! Танишиб қўйишимиз керак, — деди-да, шийпонга қайтди.

---

<sup>1</sup> *Renaissance* (французча) — уйғониш, деб, Фарбий Оврупо элларинда алоҳида равишда юмон-рум адабиётинга, сан'атига, фалсафасига аҳамият берилган даврга, я'ни XIV—XVI асрларга айтлади.



Аркадий бирданига кўрқиб, унинг орқасидан:

— Евгений! Худо ҳақи, эҳтиёт бўлгин,— деб қичқирди.

— Ҳовлиқмасангчи, кўпни кўрган одаммиз, озмоз шаҳар кўрган кишимиз,— деди Базаров.

У, Феничкага яқин келиб шапкасини олди ва таъзим қилиб салом берди.

— Рухсат этсангиз, танишсак. Аркадий Николаевичнинг ўртоғи буламан, ўзим ёввош бир одамман,— деди.

Феничка скамейкадан турди ва индамасдан унга қараб қолди.

— Мунча ҳам яхши болангиз бор экан!— деб давом қилди Базаров,— хотиржам бўлинг, менинг ҳали ҳечкимга кўзим теккани йўқ, нега бетлари бунча қизил! Ё тиши чиқаяптими?

— Ҳа, тўртта тиши чиқди, ҳозир милки яна шишиб турибди,— деди Феничка.

— Қани, кўрсатингчи... кўрқманг, мен докторман.

Базаров болани қўлига олди; бола онаси блай Дуняшани ҳайрон қолдириб, ундан ҳеч тортинмади ва кўрқмади.

— Ҳа, ҳа, тиши чиқаётпти... Зарари йўқ, жойида, тиши ўткир бўлади. Бирор гап бўлиб қолса менга айтинг. Ўзингиз соғмисиз?

— Худога шукур.

— Жуда яхши,— деди Базаров, кейин Дуняшага қараб:— Сизчи?— деб сўради.

Дуняша, уй ичида ўзини жуда одобли тутиб, кўча-кўйда ҳадеб кулиб юрадиган бир қиз бўлганидан Базаровнинг саволига фақат пишқириб қўйди.

— Жуда соз. Мана, бўлмаса, полвонингизни олинг? Феничка боласини қўлига олди-да, сенингина:

— Сизнинг қўлингизда қандай жим турди-я,— деди.

— Менинг қўлимда ҳамма болалар жим туради. Мен буни биламан,— деди Базаров.

— Болалар яхши кўрган одамни билишади,— деди Дуняша.

Феничка унга қўшвилиб:

— Рост, мана бу Митя ҳам ба'зи одамга сра бормайди,— деди.

Бироз нарида турган Аркадий шийпонга яқин келиб:

— Менга келармикан?— деб сўради.

У Митяни ўзига имлади, лекин Митя бошини орқага ташлаб, йиглаб юборди. Феничка жуда уялиб кетди.

— Майли, ўргансин, кейин келар,— деди Аркадий мулойимгина. Кейин иккала дўст йўлларига кетишди.

— Оти нима эди унинг?— деди Базаров.

— Феничка... Федосья,— деди Аркадий.

— Отасининг оти нима экан? Буниям билиб қўйиш керак.

— Николаевна.

— Вене,<sup>1</sup> унинг уятчан эмаслиги менга ёқди. Бошқа биров, эҳтимол, буни айб қилар эди. Бўлмаган гап, уялишнинг нима кераги бор? Ўзи туққан бола-да.

— Бу гапинг тўғрику-я,— деди Аркадий,— лекин отам...

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Отанг ҳам дуруст қилипти,— деди.

— Йўқ, мен уни дуруст қилди деяолмайман.

— Яна бир меросхўрча ортгани ёқмаётинти шекилли?

Аркадий Базаровнинг бу сўзига жуда қизишиб:

— Мен шундай деб ўйлармишманми, уят эмасми сенга! Мен отамни бунинг учун айблаётганим йўқ, менинчга, отам унга уйланишлари керак эди,— деди.

— Ўхў,— деди Базаров,— биз шунақа олийжаноб кишилармиз дегин! Сен ҳам никоҳга аҳамият бериб юрар экансанда, буни сендан сра кутмаган эдим-а,— деди.

Икки дўст сукут ичида яна бирнеча қадам бошишди.

Базаров яна гап бошлаб:

---

<sup>1</sup> Вене (лотинча) — яхши.

— Мен отаннинг бутун хўжалигини кўриб чиқдим, моллари ёмон, оғлари ҳам пачақ, иморатлари бўлса йиқилай деб турибди, хизматкорлари ҳам утакетган ёлқов, сарқори ё ахлоқ, ё алдоқчи — ҳали яхши пайқалмадим, — деди.

— Бугун жуда жиддийсан, Евгений Васильевич.

— Яхши деҳқонлар ҳам отангни муқаррар алдайдилар. „Рус деҳқони худони ҳам алдайди“ деган мақолни биласанми?

— Мен амакимнинг фикрига қўшилабошладам, сен руслар ҳақида жуда ёмон фикрдасан, — деди Аркадий.

— Нима қипти Рус кишисиниң фақат бир яхши томони борки, у ҳам бўлса ўзи ўз тўғрисида ёмон фикрда бўлади. Муҳими шуки, икки карра икки — тўрт, бошқа ҳаммаси бекорчи нарса.

Аркадий уйга толиб, паст тушган офтоб нурида чиройли ва майин бўлиб ярқираб турган олинсадаги ранг-баранг экинзорларга кўз ташлаб:

— Табиат ҳам бекорчи нарсами? — деди.

— Сен тушунган ма'нода табиат ҳам бекорчи нарса. Табиат ибодатхона эмас, балки ишхона ва ундаги одамлар ишчилардир, — деди.

Худди шу онда, уй томонидан виолончели (катта скрипка)нинг чўзиб чалинаётган товуши эшитилди. Кимдир, маҳорат билан бўлмаса ҳамки, лекин, Шубертнинг<sup>1</sup> Куттиш деган асарини тўсирли қилиб чалар ва ҳавога мунгли садола тарқалмоқда эди.

Базаров ажабланиб:

— Бу нима? — деб сўради.

— Отам чалапти.

— Отанг виолончели чаладими?

— Ҳа.

— Неча ёшга кирган?

— Қирқ тўртга.

Базаров бирдан ҳоҳлаб кулиб юборди.

— Нимага кулаясан?

---

<sup>1</sup> Романлар ёзиб шуҳрат қозongan немис композитори (1797—1828 йиллар)

— Товба! Фалон қишлоқда *pater familias*<sup>1</sup> бўлган қирқ тўртга кирган бир киши... Виолончели чалади! Базаров қотиб кулаверди, аммо Аркадий ўз муаллимни қанча ҳурмат қилса ҳам, бу сафар жилмайиб ҳам қўймади.

## Х

Икки ҳафтача ўтди. Марьинода ҳаёт бир зайлда ўтар эди. Аркадий кайф-сафо қилар, Базаров эса ишлар эди. Уйдагиларнинг ҳаммаси Базаровга, унинг бетакаллуфлигига, қисқа-қисқа ва чўрт кесиб гапирिशларига кўнгикиб қолишди. Айниқса Феничка унга шундай эл бўлиб қолдики, ҳатто бир куни кечаси, Митя шайтонлаб қолганда уни уйғотишга буюрди.

Базаров келиб, одатдагича, сал-пал ҳазиллашиб, эснай-эснай унинг олдида икки соатча ўтирди-да, боласига қаради. Аммо Павел Петрович ўзининг бутун вужуди билан Базаровни ёмон кўриб қолди. У Базаровни такаббур, сурбет, ҳаёсиз ва паст одам дерди, Павел Петрович, Базаров мени ҳурмат қилмайди, ҳатто мени — Павел Кирсановни! Ёмон кўради, деб гумон қилар эди. Николай Петрович эса, ёш „нигилистдан“ бироз қўрқар ва Аркадийга ёмон таъсир қилса керак, деб ўйларди. Аммо Николай Петрович Базаровнинг гапларини мароқ билан тинглар, унинг физикадан ҳамда кимёдан қилган тажрибаларига жон деб қатнашар эди. Базаров микроскоп обкелган, шу билан овора бўлгини бўлган эди. Уй ичидаги хизматкорлар ҳам, гарчи Базаров уларни масхара қилиб ҳазиллашса ҳамки, уни яхши кўришар, чунки улар Базаровни ҳарҳолда киборлардан эмас, балки ўзларига яқин одам, деб билешар эди. Дунияша у билан жон деб қиқиллашар, унинг олдида „бедана юриш“ қилиб ўтган чоқларида қийшанглаб, унга кўз қирини ташлаб қўяр эди. Ўтакетган худбин ва нодон, доим пешонасини тириштириб юрчи, бирдан-бир фазилати соъдаб қарашдан, ҳижжа-лаб ўқшидан, жийланини чўтка билан ҳадеб тозалаб туришдан иборат бўлган хизматкор Пётр ҳам, Ба-

<sup>1</sup> — она отаси, она бошлиғи. (Лотинча).

заров э'тибор қилган вақтда жи.маяр ва чеҳраси очилар эди; хизматкорларнинг бола-чақалари эса, „доктор“ кетидан кучукчадай югуришгани-югуришган. Флқат мўйсафид Прокофьичгина уни ёмон кўрар, унга овқат обкелганида қовоғини солар, уни „қурумсоқ“ ва „мутгаҳам“ деб атар, ўзининг чакка-соқоли блан худди бута орасида ётган чўчқзга ўхшайди, дер эди. Прокофьич ўзича Павел Петровичдан сра қолишмайдиган аристократ эди.

Йилнинг энг яхши кунлари,— июнь ойининг биринчи кунлари келиб етди. Ҳаво жуда яхши эди. Узоқдан яна вабо касали таҳдид қилар эди, лекин \*\*\* губернасининг аҳолиси бу офатга ўрганиб қолган эди. Базаров уйқудан эрта турарди-да, ҳархил ўтлар ва ҳашаротлар йиғиш учун икки-уч чақирим нарига кетарди. Аммо у айлангани чиқмасди, чунки бекор айланиб юришни ёмон кўрарди. Ба'зан Аркадийни ҳам бирга олиб чиқар эди. Қайтиб келзётганларида улар ўртасида бирор нарса тўғрисида доим мунозара бошланар ва Аркадий ўртоғига қараганда кўпроқ гапирса ҳам, натижада ҳарвақт енгиларди.

Бир кун иккови анчагина кечикиб қолди; Николай Петрович уларни қарши олмоқ учун боғчага чиқди ва шийпон ёнига етганида бирданга уларнинг тез юраётган оёқ товуши ва гаплашган овозларини эшитиб қолди. Иккови шийпоннинг нариги томонидан келар ва шунинг учун Николай Петровични кўрмасди.

— Сен отамни ҳали яхши билмайсан,— деди Аркадий.

Николай Петрович дарров яширляди.

— Отэнг яхши киши, лекин қатордан чиқиб қолган, унинг бозори ўтган,— деди Базаров.

Николай Петрович тивглаб қулоқ солди... Аркадий ҳечнимэ деб жавоб қайтармади.

„Қатордан чиқиб қолган киши“ турган жойида бир паст қотиб қолди-да, кейин секи.гина уйга қараб кетди.

Базаров сўзини давом этдирди:

— Ўтган кунни қарасам, Пушкиннинг китобини ўқияпти, бу ишнинг ҳечбир ярамаслигини унга ту-

шунтирсанг-чи. У ёш бола эмас-ку, ахир, бунақанги бўлмағур нарсаларни аллақачон ташлаши керак эди. Ҳозирги замонда романтик бўлиш нима деган гап! Унга бирор фойдали китоб бергинда.— деди.

— Нима берсам бўлар экан?— деб сўради Аркадий.

— Менингча, энг аввал унга Бюхнернинг *Stoff und Kraft*<sup>1</sup> деган китобини бериш керак.

Аркадий Базаровнинг сўзини ма'қуллаб:

— Узим ҳам шундай деб уйловдим. *Stoff und Kraft* содда тил блан ёзилган... — деди.

Николай Петрович ўша куннёқ акасининг кабинетида ўтириб:

— Мана, ака,— деди,— сиз блан биз қатордан чиқиб қолган киши бўлиб қолибмиз, бозоримиз ҳам ўтиб қолипти, на чора? Базаровнинг гапи тўғри бўлиши ҳам мумкин, лекин тўғрисини айтиш керакки, мен фақат бир нарсага ачинаман, у ҳам бўлса — мен худди мана шу пайтда Аркадий блан яқин дўст бўлмоқчи эдим, лекин мен орқада қолиб кетган эканман, у бўлса олдин кетибди, биз бир-биримизни тушувмасмишмиз,— деди.

Павел Петровичнинг тоқати тоқ бўлди.

— Нега энди у олдин кетипти? Нима учун энди у биздан шунчалик катта фарқ қилармиш? Унинг миясини ўша нигилист жанрлари айниган бўлса керак. Жуда ёмон кўраманда ўша табибнусахани Менингча у, тўппа-тўғри товламачи. Мен ўйлайман-ки, ўзининг бақалари блан у физикада ҳам унчалик узоққа кетмагандир.

— Йўқ, ака, ундай деманг. Базаров ақлли ва донишманд йигит.

Павел Петрович яна Николай Петровичнинг сўзини бўлиб:

— Худбинлиги ҳам одамни жиркантиради,— деди.

— Ҳа, у худбин, — деди Николай Петрович, — эҳти- мол шундай бўлмаса ҳам тўғри келмас. Лекин мен

<sup>1</sup> Немис табиётчиларидан Бюхнернинг „Куч ва материя“ деган китоби. Бунда унинг материалистик назарлари баён этилган.

бир нарсага тушунаолмайман. Замондан орқада қолмаслик учун мен ҳамма нарсани қилаяпман шекилли: деҳқонларни жойлаштирдим, ферма қурдим, ҳатто бутун губернада мени қизи<sup>1</sup> деб айтадилар. Уқияпман, уни-буни ўрганишга ҳаракат қилаяпман, умуман савиям ҳозирги замон талабларига жавоб берарлик бўлсин деб тиришяпман, улар эса мени бозори ўтган, дейишади. Шундай, ака, мен ўзим ҳам, дарҳақиқат бозорим ўтиб кетибдимкин, деган ўйга келиб қолдим.

— Сабаб?

— Сабаби шундай. Бугун Пушкиннинг Лўлилар деган китобини ўқиб ўтирувдим, бирданга Аркадий олдимга келди-да, юзида қандайдир мулоим ачиниш блан, худди болалар қўлидан тортиб олгандек, ҳечбир сўзсиз-несиз, уқийётган китобимни секингина қўлимдан тортиб олди ва олдимга бошқа бир немисча... китобни қўйиб, бир жилмайди-да, Пушкиннинг китобини обқиқиб кетди.

— Шундайми ҳали! Сенга қандай китоб берди?

— Мана шу китобни.

Николай Петрович жийланининг орқа чўнтагидан Бюхнернинг тўққизинчи марта нашр қилинган машҳур китобини олиб берди.

Павел Петрович уни қўлга олиб, бирнеча марта айлантириб кўрди ва:

— Ҳим! Аркадий Николаевич сенинг тарбиянг ҳақида ҳам ейди. Хуш, ўқиб кўрдингми?— деди.

— Ўқиб кўрдим.

— Хуш, қалай экан?

— Ё мен ақлсиз, ё эса бунинг ҳаммаси сафсата. Мен ақлсиз бўлсам керак.

— Немисчани унутганинг йўқми ахир?— деб сўради Павел Петрович.

— Немисчани тушунаман.

Павел Петрович китобни яна бир марта айлантириб кўрди ва ер остидан укасига қараб қўйди. Иккови жим қолди.

---

<sup>1</sup> Тараққийпарвар ма'носида.

Николай Петрович гапни бошқа ёққа буриб юбориш мақсади блан бўлса керак:

— Айтгандай, Колязиндан хат олдим,— деди.

— Матвей Ильичданми?

— Ҳа, ушандан. У, губернани тафтиш қилиш учун \*\*\* га келибди. Жуда в'тиборли киши бўлиб кетибди. Қардошларча бизни кўриш орзусида эканини ёзиб, сиз блан мени, Аркадийни шаҳарга таклиф қилипти.

— Борасанми?— деб сўради Павел Петрович.

— Йўқ, сиз-чи?

— Мен ҳам бормайман. Кисель ейман, деб эллик чақирим ерга судралиб боришнинг нима кераги бор. Mathieu<sup>1</sup> бизга ўзининг савлатини кўрсатмоқчи бўлади, афти қурсин! Губернада мақташганиям унинг учун кифоя қилиб турар, биз мақтамасак ҳеч бокиси йўқ. Тайний советник бўлса яима бўлибди! Агар мен ўша бема'ни хизматимни давом қилдираб берганимда шу маҳалгача аллақачон генерал-адъютант<sup>2</sup> бўлардим. Ундан кейин сен блан биз қатордан чиқиб қолган кишилармиз.

— Шундай, ака, товут буюртириб, қўлларимизни кўрагимизга чалкаштириб қўйиш вақти етган бўлса керак,— деди Николай Петрович хўрсиниб.

— Йўқ, мен ҳали-бери ўлмайман. Мен ҳали бу табиб блан кўп олишаман, мен буни сезиб турибман,— деди Павел Петрович гўлдураниб.

Жанжал ўша кунгёқ кечки чой маҳалида бошланди. Павел Петрович меҳмонхонага уришишга тайёр, аччиғи чиққани ҳолда шахдам кириб келди. У, кушандасига ҳужум қилиш учун бирон баҳона излар, броқ баҳона топилмасди. Базаров эса, „кекса Кирсановлар“ ҳузурда умуман оз гапирарди. (У ҳар „иккала биродарни“ шундай деб атарди). Бунинг устига ўша кечаси кайфи ҳам жойида эмасди, шунинг учун индамасдан ҳадеб чой ичарди. Павел Петрович бетоқат бўларди, ниҳоят унинг истагани бўлди.

<sup>1</sup> Матвей.

<sup>2</sup> Ишончли шахс сифатида подшо хизматини қилган генералларнинг фазрий унвони.



Қўшни помещиклардан бирови тўғрисида сўз очилди. Базаров у билан Петербургда учрашиб юрган экан. У безпарвогина сўзга аралашиб:

— Ифлос киши, аристократишко<sup>1</sup>,— деб қўйди.

Павел Петровичнинг бу сўзга жаҳли чиқиб, даблари қалтирай бошлади.

— Афв этасиз, сизнингча „ифлос“ сўзи билан „аристократ“ сўзи иккови бир ма’нодами?—деди.

Базаров чойдан тилар-тиламас бир ҳўплаб:

— Мен „аристократишко“ деб айгдим,—деди.

— Тўғри, лекин мен аристократишколар тўғрисида қандай фикрда бўлсангиз, аристократлар тўғрисида ҳам худди шундай фикрда бўлсангиз керак, деб уйлайман. Мен бундэй фикрга қўшилаолмайман ва шуни сизга билдириб қўйишни лозим деб топаман. Мени ҳарким либерал ва тараққийпарвар бир киши деб билади, дейишга жур’ат этаоламан. Шу сабабдан аристократларни, чин аристократларни ҳўрмат қиламан. Инглиз аристократларини эсинизга туширинг, муҳтарам афандим, тақсирим (бу сўздан кейин Базаров Павел Петровичга кўз ташлади), инглиз аристократларини эсингизга туширинг, муҳтарам афандим,—деб такрорлади Павел Петрович қизишиб кегиб,—улар ўз ҳўқуқларининг зарчасиниям бировга бермайдилар ва шунинг учун улар бошқаларнинг ҳўқуқларини эҳтиром этадилар. Улар ўзларига нисбатан бошқаларнинг вазифа ўғашини талаб қиладилар ва шунинг учун ҳам улар ўзларининг вазифаларини ўтайдилар. Аристократия Англияга ҳўррият берди ва уни ёқлаб келди.

Базаров Павел Петровичга э’тироз билдириб:

— Бунақангги гапларни кўп эшитганмиз, бу билан сиз нимани исбот қилмоқчи бўласиз?—деди.

— Мен, муҳтарам афандим, бу билан шуни исбот қилмоқчиманки, ўз қадрингни билмасдан, ўз-ўзингни ҳўрмат қилмасдан (аристократларда бу туйғулар кучли тараққий этган) ижтимоий... bien public<sup>2</sup> ...,

<sup>1</sup> Аристократишко — „аристократ“ сўзининг камситилиб айтилган шакли.

<sup>2</sup> — ижтимоий саодат. Французча).

ижтимоий бино учун ҳечқандай мустақкам бир пойдевор бўлиши мумкин эмас. Энг муҳим нарса — шахсиятдир, муҳтарам афандим; кишилик шахсияти қоядай мустақкам бўлиши лозим, чунки ҳамма нарса ўшанга асосланиб қурилади. Мен, масалан, жуда яхши биламанки, сиз менинг одатларимни, яسانيш-тусанишларимни ва ниҳоят покизалигимни кулгига оласиз, ваҳоланки булар ҳаммаси одамнинг ўз-ўзини ҳурмат қилиш туйғусидан, бурч, тақсир, бурч туйғусидан келиб чиқадиған нарсалардир. Мен қишлоқда, қоронғи гўшада тураман, лекин ўз эътиборимни туширмайман, мен ўзимни киши деб ҳурмат қиламан.

— Кечирасиз, Павел Петрович, — деди Базаров: — мана сиз ўзингизни ҳурмат қиласиз, лекин бекор ўтирасиз, энди *bien public* учун бундан нима фойда? Ўзингизни ҳурмат қилмасангиз ҳам шундай қилар эдингиз, — деди.

Павел Петрович бузариб кетди.

— Бу бутунлай бошқа масала. Ҳозир мен, марҳамат қилиб айтганингиздай, бекор ўтиришимнинг сабабини сизга баён этишим асло тўғри келмайди. Мен фақат шуни айтмоқ бўламан: аристократизм — принцип демакдир. Бизнинг замонимизда эса фақат ахлоқсиз ва қуруқ одамларгина принципсиз яшай олади. Мен бунини Аркадийга келган кунини эртасинёқ айтган эдим, энди бўлса сизга такрорляяпман. Шундай эмасми, Николай? — деди у.

Николай Петрович бош иргитди.

— Аристократизм, либерализм, прогресс, принцип, — деди Базаров, — ўйлаб кўрсанг, қанча бефойда, ажнабий сўзлар-а; рус халқи учун бу сўзлар текянга ҳам керак эмас.

— Бўлмаса, сизнингча унга нима керак? Сизнинг гапингизга қараганда, биз инсониятдан ҳамда унинг қонунларидан ташқарида яшар эканмизда? Кечирасиз, тарихий мантиқ шуни талаб қиладики...

— Бизга бу мантиқнинг нима ҳожати бор? Усиз ҳам ишимиз битади.

— Қандай қилиб?

— Қандай қилиб булар эди. Қорнингиз оч маҳалда бир бурда нонни оғзингизга солиш учун бунақангги мантиққа муҳтож бўлмасангиз керак, деб ўйлайман. Биз ҳам бундай мавҳум тушунчалардан узоқдамиз!

Павел Петрович кўл силтаб:

— Бас, шундан кейин мен сизга тушинмайман, — деди, — Сиз рус халқини ҳақорат қилаяпсиз, мен ҳайронманки, принципларни, қондаларни қандай қилиб э'тироф этмаслик мумкин? Сиз ахир нимага асосланиб иш тутасиз?

Аркадий сўзга аралашиб:

— Мен сизга, амак, биз ҳечқанақа му'табар зотни э'тироф этмаймиз деб айтиб эдим, — деди.

— Биз ўзимиз фойдали деб ҳисоблаган нарсалар асосида иш тутамиз, — деди Базаров, — ҳозирги вақтда энг яхшиси инкор этиш, шунинг учун биз инкор этамиз.

— Ҳамма нарсани-я?

— Ҳаммасини.

— Нечун? Фақат сан'атнигина, поэзиянигина эмас... балки яна ҳаттоки... айтишга одамнинг оғзи бормайди...

Базаров пинагини бузмай:

— Ҳамма нарсани, — деди.

Павел Петрович унга тикилиб қолди. У Базаровдан буни кутмаган эди. Аркадий завқи келганидан қизариб кетди.

Николай Петрович гап бошлаб:

— Бу қандай гап, сиз ҳамма нарсани инкор этасиз, ёки, аниқроқ қилиб айтганда, ҳамма нарсани вайрон қиласиз... Қуриш ҳам керак-ку, ахир.

— Бу бизнинг ишимиз эмас... Аввал замин тайёрлаш керак.

Аркадий кибр блан Базаровнинг сўзига қўшилиб:

— Халқнинг ҳозирги аҳволи шуни талаб қилади. Биз бу талабларни бажаришимиз керак, шахсий манфаатга берилишга ҳақимиз йўқ.

Аркадийнинг бу гапи Базаровга ёқмади шекилли; бу гапдан фалсафа, я'ни романтизм ҳиди келарди, чунки Базаров фалсафани ҳам романтизм дер эди; броқ ёш шоғирдининг гапини рад қилишни лозим топмади.

— Йўқ, йўқ!— деб бирданига қизишиб кетди Павел Петрович,— мен сиз жанобларнинг рус халқини яхши билишларингизга, унинг талаб ва тилакларини бажо келтиручи эканлиқларингизга сра ишонгим келмайди! Йўқ, рус халқи сиз тасаввур қилгандек эмас. Рус халқи ўз ота-бобосидан қолган ривоятларни, ўғит-насиҳатларни муқаддас кўради. У қадимий урф-одатга содиқ халқ, э'тиқодсиз яшайолмайман... — деди.

Базаров Павел Петровичнинг сўзини бўлиб:

— Бунга қарши э'тирозим йўқ, ҳатто бу сўзингиз тўғри деб айтишга ҳам тайёрман,— деди.

— Агар сўзим тўғри бўлса...

— Шундай бўлса ҳам, бу ҳечнарсани исбот қилмайди.

Аркадий ҳарифининг хатарли юриш қилишини олдиндан билиб турган ва шу сабабдан асло ажабга қолмаган уста шахматчи сингари дадил бўлиб:

— Ҳақиқатан ҳеч нимани исбот қилмайди,— деб такрорлади.

Павел Петрович бу сўзга ҳайрон қолиб, деди:

— Нечук ҳечнимани исбот қилмайди? Демак, сиз ўз халқингизга қарши борасиз эканда?

Базаров унга қарши қизишиб:

— Борингки шундақ бўлсин! Момоқалдироқ бўлганда халқ Ил'ёс пайғамбар осмонди арави чоптириб юрипти деб ўйлайди, хўш, мен шунга қўшилишим керакми? Мана шу халқ — рус, мен ўзим рус эмасми?

— Йўқ, ҳозирги сўзларингиздан кейин сиз рус эмассиз! Сизни рус деб айтолмайман.

Базаров ифтихор блан жавоб бериб:

— Менинг бувам қўш ҳайдаган,— деди,— истаган деҳқонингиздан сўраб кўринг, у қайсимизни—сизники ёки мени—тезроқ ўз ватавдоши деб айтар экан. Сиз у блан гапириша ҳам билмайсиз.

— Сиз гаплаша биласизу, лекин айни замонда ундан ҳазар қиласиз.

— Ўзи шунга сазовор бўлса нима қилай! Сиз менинг тутган йўлимни қоралайсиз, аммо менинг бу тутган йўлимни тасодифий деб сизга ким айтди,

бу йўл худди сиз жон куйдираётган халқ руҳидан келиб чиқмаган деб сизга ким айтган, ахир?

— Нигилистларнинг жуда кераги бор-да!

— Уларнинг кераги борми, йўқми, буни бошқалар ҳал қилади. Сиз ҳам ўзингизни фойдасиз бир киши деб ўйламайсиз-ку.

Николай Петрович ўрнидан туриб:

— Жаноблар, жаноблар, зинҳор шахсиятга кетманглари!—деди.

Павел Петрович жилмайиб қўйди ва қўлини укасиянг елкасига қўйиб, уни яна жойига ўтқизди.

— Хотиржам бўл, иззати нафс деган сўздан жаноб... жаноб доктор қаттиқ кулсалар ҳам, мен худди шу иззати нафс туфайли ўзимни йўқотмайман,—деди Павел Петрович ва Базаровга мурожаат қилди,— кечирасиз, сиз аҳтимол, ўз та'лимотингизни янги бирнарсга деб ўйлаётгандирсиз? Бундай хаёл қилишингиз беҳуда. Сиз тарғиб қилаётган материализм бундан илгари ҳам бирнеча карра майдонга чиққан эди-ю, лекин ҳечқачон барқарор бўлолган эмас.

— Яна ажнабий сўз-а!—деди Базаров унинг сўзини бўлиб. Унинг жаҳли чиқабoshлади ва юзлари нучукдир кўкариб кетди,— биринчидан, биз ҳечнимани тарғиб қилаётганимиз йўқ; бизда бундай одат йўқ...

— Булмаса нима қилаяпсиз?

— Мана бундай қилаяпмиз. Илгарилари, яқин орада, амалдорларимиз пора ейдилар, на яхши йўлларимиз, на савдо-сотик ва одил судларимиз бор дердик...

— Ҳа, шундай, сизлар фош қилучиларсиз, буни шундай деб айтишарди шекилли. Фош қилган айбларингиздан кўпларини мен ҳам тан оламану, лекин...

— Кейин қуруқ гаплардан, ҳадеб жароҳатларимиз тўғрисидагина вайсаб юришдан ҳечнима чиқмаганини, бу фақат қабоҳат ва муҳофазакорликка олиб боришини онгладик; биз олдинги сафдаги ва фош қилучи деб оталадиган билармандларимизнинг ҳечнимаса арзимаганини кўрдик; олдимизда кундалик тирикчилик масаласи турган бир пайтда, ўтакетган хурофот бизни бўғиб турган бир вақтда, бутун

шеркатларимиз ишончли кишиларимиз камлиги орқасида барбод бўлаётган бир вақтда, деҳқонларимиз қовоқхонага кириб арақ ичгани ўз-ўзини талашдан ҳам тортинмагани ҳолда ҳукуматимиз ҳаракат қилаётган озодликнинг бизга наф'и тегишига ҳали кўзимиз етмаган бир замонда аллақандай сан'ат, фалсафа билан шуғулланганимизни, я'ни бекордан-бекорга аллақандай сан'ат, онгсиз ижодчилик, парламентаризм, адвокатчилик ва, худо билсин, қандай балою-баттарлар тўғрисида қуруқ гап сотиб юрганимизни пайқадик.

Павел Петрович унинг сўзини бўлиб:

— Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа, сиз буларнинг ҳаммасига ишонч ҳосил қилдингиз ва, демак, ҳечнарсга жиддий киришмасликка қарор қилдингизми?— деди.

Базаров Павел Петровичнинг сўзини жаҳд билан такрорлаб:

— Ҳечнарсга жиддий киришмасликка қарор қилдик,— деди. Бу жаноб олдида шунча фикр баён қилиб ўтириши бирданига Базаровнинг ўзига алам қилди.

— Фақатгина сўкишишга жиддий киришасизларми?

— Ҳам сўкишишга.

— Нигилизм дегани шу экан-да?

Базаров Павел Петровичнинг сўзини бу сафар янада дағалроқ қилиб такрорлади.

— Ҳа, нигилизм дегани шу бўлади,— деди.

Павел Петрович кўзларини сал ҳисиб қўйди ва ғалати бир босиқ товуш билан гапирди:

— Шунақа денг ҳали! Нигилизм ҳамма дарлга даво бўлиши керак, сизлар бизнинг халоскоримиз ва қаҳрамонларимиз бўласизлар, шундайми? Хўп, бўлмаса нима учун сиз бошқаларни, мисалан, айтайлик, ўша фэш қилучиларни ёмонлаб гапирасиз? Сиз ҳам бошқалар сингари қуруқ гап сотаётганингиз йўқми?— деди.

— Бошқа айбимиз бўлса бордир, лекин бунақа айбимиз йўқ,— деб зарда билан жавоб қайтарди Базаров.

— Йўқса нима? амалий ишга киришдингизми? Ёинки киришмоқчимисиз?

Базаров жавоб бермади, Павел Петрович қалгирайбошлади, лекин дарров ўзини тутиб олди ва сўзини давом этдириб:

— Ҳим! Амалий ишга киришмоқ — вайрон қилмоқ... Ахир нима учун эканлиғини билмай туриб, қандай вайрон қилади киши?— деди.

— Биз вайрон қиламиз, чунки биз кучмиз,— деб қўйди Аркадий.

Павел Петрович жиянига қараб, заҳарханда қилди.

Аркадий яна сўзида давом қилиб:

— Ҳа, куч деган нарса уйлаб утирмайди,— деди ва қоматини ростлади.

Шундан кейин Павел Петровичнинг асло тоқати қолмади ва баланд овоз блан:

— Вой бечораей!— деди.— Сен ахир булмағур маслагинг блан Русияда нимага ёрдам қилаётганингни бир ўйлаб кўрганингда бўларди! Йўқ, бу ҳол фаришгани ҳам ғазабга келтириши мумкин! Куч эмиш! Ваҳший қалмоқда ҳам, мўғулда ҳам куч бор, лекин бунинг бизга нима кераги бор? Биз учун маданият қиммат. Ҳа, ҳа, мухтарам афандим, биз учун унинг самаралари қиммат. Яна сиз бу самаралар ҳечнимага арзймайди деманг менга: энг ёмон ген вагвоиллеур<sup>1</sup> рассом ҳам, бир кечалик меҳнати учун беш тийин оладиган машшоқ ҳам сизлардан фойдалироқ, чунки улар, дағал ваҳший кучнинг вакиллари эмас, балки маданият вакиллари дир! Сизлар ўзларингизни пешқадам кишилар деб хаёл қиласизлар, ҳолбуки фақат қалмоқ ўтовига муносиб одамларсизлар! Куч эмиш - а! Ахир ўйлаб қаранглар, сиздай кучли жаноблардан ниҳоят тўртта-тўрт яримтагина бордир, ҳолбуки ўзларининг муқаддас имонини оёқости қилгани сизларга йўл қўймайдиганлар миллион-миллионларча. Улар сизларни янчиб ташлайди!

— Яксон бўлсак бўлдик-да,— деди. Аммо, лекин бувимнинг гапи ҳали қат'ий эмас. Бизлар, сиз ўйлаганча, унчалик оз эмасмиз.

---

<sup>1</sup> — Бўёқчи, ёмон. (Французча).

— Нечук, сиз ҳали чиндан ҳам бутун бошлик халқни енгмоқчи бўласизми?

Базаров бунга жавобан:

— Бир чақалик шамдан бутун Москва ёниб кетганини олласизку,<sup>1</sup>— деди.

— Хўш, хўш. Бошда аллақандай моҳовотлару, кейин мазақ. Мана, ёшлар нима блан шуғулланадю, ёш болаларнинг тажрибасиз юраги нималарга алдапади. Мана кўринг, шундайлардан биттаси сизнинг ёнингизда ўтирипти, сизга топинай дейишга тайёр туради, тамоша қилинг. (Шу пайтда Аркадий тескари қараб, қовоғини солди). Бу офат озмунча тарқалган эмас. Менга айтишлики, Румога борган рассомларимиз папанинг саройига қадам босмас эмишлар. Улар, машҳур италян рассоми Рафаэлни обрўйли ҳисоблаб тентак дейишга тайёр эмишлар-а. Ўзлари эса ҳадсиз заиф ва самарасизлар, қанча уринсалар ҳам ҳаёллари „фонтан ёнидаги қиз“ дан нарига етмайди. Қизнинг сурати ҳам жуда хунук солинган. Сизнингча, улар азамат йигитлар бўлса керак-а?

Базаров бунга э'тироз қилиб:

— Менингча, Рафаэль сариқ чақага ҳам арзимайди, аммо сиз айтган рассомлар ҳам Рафаэльдан ортиқ эмас.

— Офарин! Офарин! Эшитиб қўй, Аркадий... Ҳозирги ёшлар гапни ана шундай гапириши керак экан-а! Энди қандай қилиб улар сизга эргашмасяни! Илгари ёшларга уқиш тўғри келарди, улар нодон қолишни истамас эдилар, шунинг учун мажбуран меҳнат сарф қилар эдилар. Ҳозир эса уларга „дун'ёда ҳамма нарса сафсата!“ дейилса бас, ҳамма иш жойида. Ёшлар хурсанд бўлишади. Дарвоқи' илгари улар сўтак эдилар, ҳозирда-чи, бирдан ниғизлест бўлиб қолдилар.

Базаров бушанггича жавоб берди:

---

<sup>1</sup> Француз армияси Москвага кирган пайтда (1812 йил сентябрь ойида) вақин (ўлган ва Москвага ёндириб битирган тарихий ёнига асосланган) мақолдир. Ма'носи — жуда кичкина бир сабаб — катта вазиятга олаб бориши мумкин.



— Мана, иззати нафс деган мағрурона туйғунгиз чиппакка чиқди, — деб қўйди. Аркадий эса, қизишиб кўзлари чақнаб кетди.

Базаров утирган жойидан тураётиб:

— Мунозарамиз жуда газак олиб кетди... Тутасак яхшироқ бўларди. Аммо мен, ҳозирги оилавий ёки ижтимоий турмушимизда батамом ва раҳмсиз суратда рад қилишни талаб қилмайдиган бирорта одат борлигини кўрсатиб бермагунингизча фикрингизга қўшила олмайман, — деди.

— Мен сизга бундай одатларнинг миллионтасини кўрсатиб бераман, миллионтасини! — деди Павел Петрович, — мана, масалан, жумладан бири жамоа (община) ни олэйлик.

Базаров совуқ бир табассум блан деди:

— Жамоа тўғрисида мендан кўра укунгиз блан суҳбатлашсангиз тузукроқ бўларди. Ҳозир энди у, жамов, ўртоқ кафиллик<sup>1</sup>, ойиқлик ва шунга ўхшаш нарсаларнинг нима эканини ўз тажрибасида синаб кўрганга ўхшайди.

— Ойла масаласини, деҳқонларимизнинг ҳозирги шаклдаги оилавий ҳаётини олайлик, — деди Павел Петрович бақириб.

— Менимча, бу масалани ҳам сиз батафсил текширмасангиз яхшироқ бўлар. Келинбоз қайиноталарни эшитган бўлсангиз керак? Менга қаранг, Павел Петрович, сиз бир-икки кун дам олинг, йўқса дарров бир нарса дейишингиз қийин бўлар. Сиз бутун табақаларни текшириб чиқинг, уларнинг ҳарбири устида яхшилаб мулоҳаза юритинг. Биз эсак унгача Аркадий блан...

Павел Петрович унинг гапига гап қўшиб:

— Унгача ҳаммани мазақ қилиб ўтирайлик денг, — деди.

— Йўқ, бақаларни ёриб кўрайлик, юр, Аркадий, хайр жаноблар!

---

<sup>1</sup> Солиқ масаласидаги ўртоқ кафиллик — помешчикка қарашли бутун деҳқон хўжаликлари коллективининг ва ҳарбир крепостнойнинг ҳамма учун ва ҳарбир айрим киши учун жавобгар бўлишидан иборатдир.

Икки дўст чиқиб кетишди. Ака-ука ёлғиз қолиб, бошда фақат бир-бирларига қараб ўтирди.

Ниҳоят, Павел Петрович гап бошлади:

— Мана, мана ҳозирги ёшлар! Ана бизнинг ворисларимиз!

— Ворислар,— деб такрорлади Николай Петрович. У бутун баҳс давомида чуғ устида ўтиргандек сабр-сизланиб ўтирди ва фақат юраги ачиниб, ҳарзамон Аркадийга кўз қирини ташлаб қўяр эди.— Биласизми, ака, менинг эсимга нима келди? Бир куни марҳума онамиз блан жънжаллашиб қолдим: у қичқирарди, гапимга қулоқ солгуси келмасди... Ахир бўлмади, мен унга: „сиз, онажон, менинг гапимни тушунмаяпсиз, биз иккаламиз бошқа-бошқа бўғинга мансуб кишимиз“ дедим. У жуда хафа бўлди, мен эса: „нима қилсам? дори аччиқ, лекин уни ютмай илож йўқ“ деб ўйладим. Ана энди бизнинг навбатимиз келди, бизнинг ворисларимиз ҳам: „сизлар бизнинг бўғинга мансуб кишилар эмассизлар, дорини юта-беринглар“ деб айтишлари мумкин.

Павел Петрович унга э'тироз қилди:

— Сен ҳаддан зиёда хуштабиат ва камтар кишисан. Гарчи бирмунча эскириб исте'молдан чиқиб қолган тилда гапирсак ва мутакаббир бўлмасак ҳам бизнинг гапимиз бу бойваччаларникидан анча тўғри деб биладан... Ҳозирги ёшлар нақадар гердайган-а! Борди-ю бирортасидан сиз қандақасидан ичасиз — оқиданми ёки қизилиданми, деб сўрасанг, шу тобда гўё бутун олам унга қараб тургандек гердайиб, йўғон товуш блан: „Мен кўпроқ қизил винони афзалроқ кўришга одат қилганман!“ деб жавоб беради...

Шу чоқ Феничка эшикдан бошини суқиб:

— Яна чой керакми?— деб сўради. У меҳмонхонада баҳс-мунозара бўлаётгани учун киришга тортиниб турган эди.

— Йўқ, ичмаймиз, айт, самоварни олиб чиқиб кетсин,— деди Николай Петрович ва уни қаршилаб ўрнидан турди. Павел Петрович укасига *bon soir*<sup>1</sup> деди-да, кабинетига чиқиб кетди.

<sup>1</sup> Оқшом хайрли бўлсин.

Ярим соатдан кейин Николай Петрович боғдаги ўзининг яхши кўрадиган шийпончасига чиқиб кетди. Унинг бошига қайғули ўйлар келди. У ўз угли блан фикри тўғри келмаганини биринчи марта равшан англади ва бу мухтифат кундан-кун чуқурлаша борганини сезди. Демак, Петербургда қишлаган чоғида кун бўйи янги асарлар мутолаа қилгани, ёшларнинг суҳбатларига қулоқ солиб утиргани, уларнинг қизгин суҳбатларига араллашиб, ўз томонидан бирор сўз қистириб қўйган маҳалида хурсанд бўлгани беҳуда бўлган экан. У „Акам бизнинг гапимиз тўғри“ деб айтади, мен ҳам ҳарқандай иззат нафсни бир чеккага йиғиштириб қўйиб ўйласам, назаримга улар бизга қараганда ҳақиқатдан узоқроқ кўринади, лекин, шу блан бирга, уларда қандайдир бизда бўлмаган нарса борлигини, улар нимаси бландир биздан юқори турганни сезаман... Ёшлиқмикан? Йўқ, ёлғиз ёшлиқкина эмас. Уларнинг биздан юқори туришига сабаб, уларда киборлик асари биздан кўра озроқ бўлиши-дамикан?“ деб ўйлади.

Николай Петрович бошини қўйи солиб, бетини сийшаб қўйди.

„Лекин поэзияни инкор этиш?— деди яна ўзига ўзи, — сан’атга, табиатга илтифот этмаслик“...

У қандай қилиб табиатга илтифот этмаслик мумкин бўлишини англашни истагандай, теварак-атрофга назар ташлади. Кечкирай деб қолган, қуёш боғчадан ярим чақирим наридаги кичкинагина теракзор орқасига кириб яширинган: теракзорнинг сояси кенг ва сокин дала устидан аллақаерларгача чўзилиб кетган эди. Худди дарахтзор бўйлаб қоронғи ва тор йўл блан бир деҳқон оқ отини елдириб борар эди. У, соядан кетаётган бўлса-да, кўзга жуда равшан, ҳатто елкасидаги ямоғигача оп-очиқ кўриниб турарди, отнинг кетма-кет босган қадамлари ҳам кўзга чиройли бўлиб чалиниб турарди. Дарахтзор нинга тушган қуёш нурлари теракзорчи шу даражада илтиқ ёритардики, улар баайни қиял қарагайга ўхшаб кўринар, уларнинг барглари ҳаворанг тусга кирган эди,

дарахтзор устида шафақ нури блан сал-пал қизарган оқсил-зангор осмон кўришиб турар эди. Осмонда қалдирғочлар баланд учиб юрарди; шамол тиниб жимжит бўлиб қолган эди; кечикиб қолган асаларилар сирень гуллар орасида ялқовлик блан ва уйқусираб гулғиллашар эди, баландга диккайиб турган ёлғиз ва узун шох тепасида туркум-туркум искаптопарлар қайнашарди. Николай Петрович „ё раббим, қандай яхши-я!“ деб ўйлади ва тилининг учига яхши кўрган шеърлари келди, лекин айтаолмади, эсига Аркадий, Stoff und Kraft тушиб жим қолди, лекин бошига яна ҳархил қайғули ва хурсандлик ўйлари келиб ўтираберди, у ширии хаёл суришни яхши кўрарди, қишлоқ ҳаёти унда хаёл суриш истеъдодини ўстирганди. Яқиндагина у мусофирхона олдида ўғлини кутиб, ҳозиргидек хаёл суриб ўтирмагани эди, аммо шундан буён қанча ўзгарилар бўлди, у чоқда ҳали равшан бўлмаган... муносабатлар ҳозир энди аниқланиб қолди... аниқланганда яна қандай дегди! Унинг кўз олдига яна марҳума хотини келди, аммо хотинининг кўп йиллардан бери ўзи кўриб юрган, доим уйда бўлчи меҳрибон уй бекаси бўлиб турган вақти эмас, балки хипчабел, маъсумона диққат блан боқадиган ва соч ўрминия қаттиқ ўраб, болаларники сингари нозик бўйнига ташлаб юрган ёш қиз вақти кўз олдига келди. Николай Петрович уни биринчи марта студент бўлиб юрган вақтида кўриб қолганини эслади. Николай Петрович уни қвартирининг зинапоясида учратиб, ногоҳон уни туртиб юборган, орқасига бурвилиб афв сўрамоқчи бўлиб, „*pardou monsieur*“<sup>1</sup> деган эди, қиз бошини эгиб, мулойимгина жилмайди ва бирдан, чўчигандай бўлиб, қочиб кетди. Зинапоянинг қайрилиш жойига бориб унга бир қараб қўйдю, жиддий тусга кириб, қизариб кетди. Ана шу биринчи учрашувдан сўнг Николай Петрович қўрқа-писа қизининг олдига кирадиган бўлди; орада бир-икки оғиз гап, табассум, ҳайронлик, ғусса, ҳаяжон, ниҳоят мана бу энтяктирадиган саодат... Қани энди у замонлар? Қиз Николай Петровичга тегди, Николай Пет-

<sup>1</sup> Афв этиш, азизим.

рович оламда камдан-кам одамларга муяссар бўладиган бахтга эришди... У „ўша ширин биринчи дамлар абздий ҳаёт блан мангу турса бўлмасмиди?“ деб уйларди.

Николай Петрович ўз фикрини ўзи равшан англашга тиришмади, лекин ўзининг роҳатда кечирган ўша умрини фақат хотирда сақлаш блангина қаноатланмас, Мариясини яна ўз ёнида куришни, унинг иссиқ баданини ва нафас олишини ҳис қилиб туришни истаганини англади ва шу хаёллар ичида хотини гўё тепасида туриб...

Шу чоқ яқиндан Феничканинг:

— Николай Петрович, қаердасиз?— деган товуши эшитилди.

Николай Петрович чўчиб тушди. У хафа ҳам бўлмади, хижолат ҳам тортмади. У хотинини Феничка блан таққослашни хаёлига ҳам келтирмас эди, аммо қидириб келгани учун Феничкага ичи ачиди. Феничканинг товуши бирдан унга сочлари оқарганини, қариб қолганини, ҳозирги аҳволини эслатди..

Ҳозир энди ўзи кириб бораётган, ўтмишнинг туманли тўлқанлари орасидан пайдо бўлиб келаётган ажойиб олам бир қимирлади-ю, кўздан ғойиб бўлди кетди.

— Мен шу ердан, ҳозир бораман, кетабер,— деб жавоб берди-да Николай Петрович ва унинг бошига: „Мана киборлик асарлари“ деган фикр келиб кетди. Феничка индамасдан шийпонга қараб қўйди ва дарҳол кўздан ғойиб бўлди. Николай Петрович хаёлга чўмиб ўтирганича кечкириб қолганига ҳайрон бўлди. Атроф бутунлай қоронғилашиб, жим-жит бўлиб қолган эди. Феничканинг юзи кичкинагина, оппоқ бўлиб кўз олдидан лип этиб ўтди. Ўтирган жойидан туриб, уйга қайтмоқчи бўлди, лекин унинг кўксига юмшариб қолган қалби тинчланаолмасди; у, ўйга толиб, гоҳо оёқ остига, гоҳ кўкда ярқираб турган юлдузларга қараб, боғчада секин-аста қадам ташлаб юрабошлади. У жуда кўп, қарийб чарчагунча юрди, аммо юрагида қандайдир бир нарса қидирган, номаълум, ғамгин ташвиш ҳануз босилмас эди. Ўша пайтда унинг кўнглидан нималар ўтаётганини билса

Базаров тоза кулган бўлар эди! Ўгли Аркадий ҳам айб қилар эди. Қирқ тўрт ёшга кирган, агроном ва хўжайин номини олган бу кишининг кўзларидан ёш, ҳечқандай сабабсиз ёш келарди; бу эса катта скрипка (виолончели) чалишдан ҳам кўз карра ёмон эди.

Николай Петрович ҳамон юрар ва уйга, чарағон деразалари билан ёқимли кўриниб турган тинч ва роҳатбахш уйга киришга жур'ат қилолмасди; қоронги кеча, боғча, юзларини силаб-сийпаятган соф ҳаво, кечираётган қайғу ва ҳаяжонни ташлаб кетишга куч етмас эди...

Муйиллишда унга Павел Петрович дуч келиб қолди.

— Сенга нима бўлди?— деб сўради ундан Павел Петрович,— Арвоҳдай оқариб кетибсан; тобинг йўқ экан-ку, нега ётмайсан?

Николай Петрович якки калима сўз билан ўзининг руҳий аҳволини унга баён қилиб берди-да, ўз йўлига кириб кетди. Павел Петрович боғнинг нариги чека-сига бориб, у ҳам хаёлга чўмди, у ҳам бошини кўтариб кўкка қаради. Аммо унинг шахло кўзларида юлдузлар нуридан бўлак нарсанинг асари ҳам кўринмасди. У романтик эмасди, унинг оляфтанамо, французларникига ўхшаш одам суймас, қизғин руҳи хаёл суришни билмас эди...

Ўша кечаси Базаров Аркадий билан сўзлашиб ўтириб:

— Биласанми нима? Менда жуда ажойиб бир фикр туғилди. Бугун отанг, ўша машҳур қариндошларингдан хат олганини, унинг меҳмонга чақираётганини айтган эди. Отанг барибир бормаиди, инқовимиз \*\*\* шаҳарига борсакчи, ўша жаноб сени ҳам таклиф қилган экан. Ҳавонинг яхшилигини қарагин, бир айланиб, шаҳарни тамоша қилиб келамиз. Беш-олти кун ўйнаб қайтамиз, вассалом,— деди.

— Ундан кейин шу ерга қайтиб келасанми?

— Йўқ, отамнинг олдига боришим керак, \*\*\* шаҳаридан уникига ўттиз чақирим келади. Мен уни анчадан бери кўрганам йўқ, онамни ҳам кўриб ке-

тай. Кексаларнинг кўнглини кўтариш керак, улар яхши одамлар, айниқса отам ажойиб одам да. Уларнинг мендан бўлак боласи ҳам йўқ.

— У ерда узоқ турасанми?

— Йўқ, зеркиб қоларман дейман.

— Қайтишда бизникига кирасанми?

— Билмадим... кўраман-да. Хўш, бўлмаса, шундайми? Кетдикми?

— Майли,— деб тилар-тиламас жавоб берди Аркадий.

Аркадий дўстининг таклифига жуда хурсанд бўлди, лекин бунингга сездиргиси келмади. У бекорга ниғилист бўлмаган-да, ахир!

Эртасига у Базаров билан \*\*\* шаҳарига жўнаб кетди. Марьинодаги ёшлар уларнинг кетишига хафа бўлдилар. Дуняша ҳатто йиғлаб ҳам олди... Аммо кексалар яйраб қолишди.

## XII

Бизнинг дўстларимиз жўнаб кетган \*\*\* шаҳари, Русиянинг жуда кўп жойида учрагани сингаря, ёшлардан чиққан, тараққийпарвар, мустабид бир губернаторнинг қўлотида эди. Бу зот, ўзи ҳукм сурган дастлабки йилдйёқ, исте'фо берган гвардия штабс-ротмистри, от заводчиси, меҳмондўст бир киши ҳисобланган губерна оқсоқоли билангина эмас, ҳатто ўз қўлотидаги амалдорлар билан ҳам уришақолган эди. Шу муносабат билан пайдо бўлган ўзаро низо'лар шу қадар кучайиб кетган эдики, Петербургдаги министрлик бу низо'ларни текшириш учун ишончли бир вакил юборишни лозим топган эди. Министрлик юборган бу вакил бир вақтлар Павел Петрович билан Николай Петрович Кирсановларни ўз қаноти остига олган. Колязиннинг ўғли Матвей Ильич Колязин эди. Бу одам ҳам „ёшлардан“, я'ни эндигина қирқдан ошган, лекин, шундай бўлса ҳам, ҳозир энди давлат ходимлари сафига кираётган ва кўкрагининг ҳар икки томонига биттадан юлдуз тақиб олган бир киши эди. Тўғри, юлдузларнинг биттаси четелдан олинган бўлиб, даражаси унча катта эмас эди. Бу

киши ҳам, ишнини текширгани келган губернатор сингарни, тараққийпарвар ҳисобланар ва кузурлардан булгани ҳолда, уларнинг кўпига ўхшамас эди. У ўзини жуда катта киши ҳисоблар; ҳаддан ташқари шуҳратпараст булса ҳам ўзини камтар тутар, ҳаммага очиқ чеҳра блан қарар, бировнинг сўзини илтифот блан тинглар ва шундай самимий кулар эдики, биринчи кўрган киши „ажойиб йигит“ деб қўяр эди. Аммо муҳим пайтларда, халқ айтгандек, бошқаларнинг чагинни чиқариш ҳам қўлидан келар эди. Бундай вақтларда у: „Энергия зарур нарса“, „L'energie est la premiere qualite de un homme d'etal“<sup>1</sup> дерди. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, ўзи доим алданар ва бироз тажрибаси бор амалдор унинг елкасига миниб оларди. Матвей Ильич Гизо<sup>2</sup> ҳақида жуда эҳтиром блан сўзлар ва ҳаркимга ўзининг эскилик тарафдори блан қолоқ тўраларга мансуб булмаганини ва ижтимоий ҳаётда содир бўладиган муҳим ҳодисалардан ҳечбирини эʼтиборсиз қолдирмаслигини тушунтиришга тиришар эди... Шунақа сўзларга у жуда уста эди. У, катта киши кўчада ёш болаларнинг ўйинини кўриб баʼзан унга қўшилгандай, гарчи менсимаса ҳам, ўз замонасининг адабиёти ривожини кузатиб турарди. Зотан Матвей Ильич ҳам, Александр замонасининг, ўша вақтда Петербургда яшаб турган Свечинь<sup>3</sup> хонимникига зиёфат кечасига бориш учун тайёргарчилик кўраётганда эрталаб Кондильяк<sup>4</sup> асаридан бирор саҳифасини ўқиб олишни одат қилган давлат ходимларидан узоқ кетган эмас, унинг одатлари сал бошқача ва замонасига мувофиқроқ эди. У жуда уста ва айёр сарой ходимларидан эди, холос. У каллаварам бўлса ҳам, лекин ўз ишига пишиқ, бу бобда уни ҳечким ҳам қўлга туширолмас эди. Энг муҳими ҳам шу.

Матвей Ильич Аркадийни зиёли амалдорларга хос софдиллик, ҳатто ҳазил-мутойиба блан қарши

<sup>1</sup> Энергия,—давлат ходимининг асосий хислатидир.

<sup>2</sup> Француз сиёсий арбоби ва тарихчиси (1782—1847 йиллар).

<sup>3</sup> Ёзучи хотин, католик динига кириб, Русиядан кўчиб кетган (1782—1859 йиллар).

<sup>4</sup> 1715—1780 йиллардаги француз файласуфи.



олди. Аммо таклиф этилган қариндошлари келмаганини кўриб, жуда ҳайрон бўлди. У, устига кийган бахмал авратунининг попукчаларини ўйнаб: „Отанг азалдан қизиқ табиатли одам эди“ деб қўйди-ю, бирданига, ўзига яраша тантана маросимларида киядиган чопонининг тугмаларини қадаб ўтирган ёш амалдорга қараб, бирор нарса тўғрисида ташвиш тортгандай: „Хуш?“ деди. Узоқ жим-жит ўтирганидан лаблари ёпишиб қолган ёш йигит ўрнидан турди-да, ҳайрон бўлиб хўжайинига қаради. Аммо Матвей Ильич ўз ходимини бир карра эсанкиратганидан кейин, унга ҳечбир э’тибор қилмай қўйди. Мансабдорларимиз ўз ходимларини эсанкиратишни умуман яхши кўрадилар: уларнинг бу мақсадга эришиш учун ишлатадиган усуллари жуда кўп. Жумладан қуйидаги усул жуда кўп қўлланилади, инглизлар айтгандай, „is quite a favourite“<sup>1</sup>: мансабдор бирданига энг оддий сўзларни ҳам англамайдиган бўлиб қолади, қулоғини карликка солади. Масалан, у: „бугун қандай кун?“ деб сўрайди.

Унга камоли эҳтаром блан: „бугун жума куни, жаноб олийлари“ деб ма’лумот берадилар.

Мансабдор зўр бериб:

— А? Нима? Нима, нима? Нима дейсиз?— деб яна такрорлайди.

— Бугун жума, тақсир.

— А? Нима? Жуманг нимаси? Қандақа жума?

— Жума, тақсир, ҳафтанинг еттинчи куни.

— Эҳа, сен менга ўргатмоқчи буласанми?

Матвей Ильич, либерал ҳисобланса ҳам, ҳарҳолда мансабдор бир киши эди.

У Аркадийга:

— Сен, азизим, губернаторникига зиёратга бор,— деди,— лекин шунинг англаганики, мен буни ҳукуматдорнинг олдига бориб салом қилиш зарур деган эски тушунчаларга эргашиб маслаҳат бераётганим йўқ, балки губернатор ўзи яхши одам бўлгани учун айтаяпман; ундан кейин сен, албатта, бу ердаги одамлар блан ҳам танишмоқчидирсан... Сен айиқ

<sup>1</sup> жуда яхши кўрилади. (Инглизча),

эмассан, ахир? Губернатор индинига катта бал беради.

— Бу балга сиз ҳам борасизми?— деб сўради Аркадий.

Матвей Ильич деярлик таассуф блан:

— Губернатор бу бални мен учунгина берапти. Танца қиласизми?— деди.

— Танца қиламану, лекин яхши билмайман.

— Мана буниси чакки. Бу ерда яхши-яхши но-занинлар бор, ёш йигитнинг танцани билмаслиги айб. Буни ҳам мен эски тушунчалар юзасидан айт-майман: мен ақл оёқда бўлиши керак, деб асло ўйламайман. Лекин байронизм<sup>1</sup> кулгили бир нарса, ila fait son tem<sub>ps</sub><sup>2</sup>.

— Йўқ-эй, тоғажон, мен асло байрончилардан эмасман...

Матвей Ильич Аркадийнинг сўзини бўлиб:

— Мен сени бу ернинг хонимлари блан таниш-тираман, ўз қанотим остига оламан, кайф қиласан-а?— деди ва мамнун бўлиб, кулиб юборди.

Шу орада хизматкор кириб, казенная плата<sup>3</sup> раиси келганлигини хабар қилди. Бу киши лаби буришган, хумор кўз бир чол бўлиб, табиатни жуда яхши кўрар, айниқса у ёзни кўп суяр эди. Бу чол ёзни мақтаб чарчаганида: „ёзда ҳарбир асалари ҳам ҳар гулдан ўз тегишини олади...“ дер эди. Аркадий эшикка чиқиб кетди.

Базаров ўзлари тушган қўшхонада ўтирган эди, Аркадий уни губернаторникига боришга узоқ вақт ташвиқ қилди. Ниҳоят, Базаров: „Бошқа чора йўқ. Шатакка олма, олгандан кейин кучим етмайди, дема.

---

<sup>1</sup> XIX аср бошида оврупо адабиётида ҳукм сурган бир оқим. Бу — машхур инглиз, шоири Байрон исми блан юради. Бу оқим учун характерли сифат: шу замон жамиятига гоят тескари қараш, турмушдан иҳлос қайтиш ва кўнгил овутиш учун жамиятдан ажралиб, оврупо маданиятининг таъсири блан ўзгармаган элларга кетиб туриш бўлган.

<sup>2</sup> У ўз даврини кечирган.

<sup>3</sup> Инқилобдан бунин Русияда губернанинг маъмурий бир органи бўлиб, вазифаси солиқлар тўплаш, солиқ тақсим қилиб солиш ва бошқа шунинг каби ишлар устидан назорат қилишдан иборат бўлган.

Помешчикларни кўришга келган эканмиз, кўрайлик!<sup>1</sup> деди. Губернатор ёшларни очиқ чехра блан қарши олди, лекин уларни ўтқизмади ва ўзи ҳам ўтирмади. У жуда ҳовлиқма, шошқолоқ бир киши эди: у эрталаб тор мундир кийиб, галстукни жуда тортиб боғлар, овқатни чала-чулпа еб, чойни ҳам чала ичиб, доим буйруқ бериш блан машғул бўларди. Губернада унга Бурдалу<sup>2</sup> деган лақаб қўйиншганди, аммо Бурдалу отли машҳур француз воизига киноя қилиб эмас, балки бемаза аталага<sup>3</sup> киноя қилиб берилган лақаб эди. У, Кирсанов блан Базаровни ўзиникига балга таклиф этди, икки минутдан кейин, уларни ака-ука деб ҳисоблаб ва фамилияларини Кайсаровлар деб атаб, яна иккинчи марта таклиф қилди.

Аркадий блан Базаров губернаторниқидан қайтиб, кучада кетаётганда аравадан мажорча чопон кийган паканароқ бир киши бирданига сакраб тушди-да, „Евгений Васильич!“ деб Базаровга қараб отилди.

Базаров тротуардан кетиб борар экан:

— Э! Сизмисиз, Ситников жанобларя, қандай шамол учирди? — деди, — ҳеч кутилмаганда, тасодифий равишда, — деди Базаровга жавобан ва орқасига бурилиб, беш-олти марта аравадига қўл силтагандан кейин, бақириб: орқамиздан юрабер, орқамиздан! — деди. — Бу ерда отамнинг бир иши чиқиб қолди, — деб давом этди ариқчадан сакраб ўтаётиб, — шунинг учун дадам мендан илтимос қилди... келганларингизни бугун эшитдим ва тушган жойларингизга ҳам бордим... (ҳақиқатан ҳам икки ўртоқ мусофирхонага келгандан кейин бурчаклари букланган, бир томонига французча, иккинчи томонига славянча шикаст хат блан Ситников деб ёзилган визит карточкасини олдилар). Губернаторниқидан қайтаётгандир-сизлар деб ўйлайман? — деди.

— Ўйлаб ўтир. аяғ, биз худди ўша кишиникидан келаяпмиз.

<sup>1</sup> Машҳур француз гонзи.

<sup>2</sup> Бурда — русча бемаза атала.

— Ия! Ундай бўлса менам у кишиникига боришим керак... Евгений Васильич, мени шеригингиз блан таништирсангиз...

Базаров йўлидан тўхтамай борар экан:

— Ситников, Кирсанов, — деб дингиллаб иккови-ни таништирди.

Ситников, ён томондан юриб келиб ва жилмайиб, эъг олипта қилиб тўқилган қўлқопни секин-аста ечабошлаб:

— Жуда миннатдорман, жуда кўп эшитганман... Мен Евгений Васильичнинг эски танишларидан бўламан ва ҳатто шоғирдлариман десам ҳам бўлади. У киши менга бугунлай бошқача тарбия берганлар...

Аркадий Базаровнинг шоғирдига қараб қўйди. Унинг кичкинагина, лекин ёқимли чехрасида ташвиш ва ҳайронлик асари сезилар эди; кичкинагина, ичга ботгансимон кўзлари тикилиб ва жовдираб қарар, кулганда ҳам қандайдир ташвиш аралаш, гайри табиий, кулар эди.

Ситников гапини давом этдирди:

— Ишонасизми, Евгений Васильевич менинг олдимда биринчи марта „ҳечқандай обрўли зотни э’тироф этиш керак эмас“ деганида мен ғоят зўр шодлик ҳис қилдим... Гуё кўзларим эндигина очилгандай бўлди! Мана энди топдим қидирган кишимни, деб ўйладим. Айтгандек, Евгений Васильич, сиз бу ерлик бир хонимникига албатта боришингиз зарур. Бу хоним сизнинг бутун гапларингизга тушунади ва боришингиз унинг учун катта бир байрам бўлади. Сиз, дейман, унинг тўғрисида эшитган бўлсангиз керак?

— Ким экан ўзи?— деб сўради Базаров истаристамас.

— Кукшина, Eudoxie, Евдокия Кукшина. Ажойиб бир зот. Том ма’носи блан ётапсיעе<sup>1</sup> олдинги аёллардан. Биласизми, юринглар, ҳозир ҳаммамиз ўшаникига бораёлик. У хоним худди шу ерда туради. Ўша ерда ноништа қиламиз. Ҳали ноништа қилмаган бўлсаларинг керак.

<sup>1</sup> Эркин, хуро|отдан озод.

— Йўқ ҳали.

— Жуда соз. Билсангиз, у хоним эридан ажралган, боши очиқ.

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Узи тузуккинами? — деди.

— Йў... йўқ, чиройлик деб бўлмайди...

— Бўлмаса, нимага ҳадеб бизни уникига боргани қистаяпсиз?

— Шўхлик қилманг... Олдимизга бир шиша шампанский кўяли.

— Шундай денг! Тажрибали киши эканлигингиз ма'лум бўлиб турибди. Айтмоқчи, отангиз ҳали ҳам откуп<sup>1</sup> блан шуғулланадиларми?

Ситников шошиб:

— Ҳа, откуп блан, — деди ва чийиллаб кулиб юборди.

— Қани, борамизми?

— Билмадим энди.

Аркадий секингина:

— Бу ернинг одамларини кўрмоқчи эдингку, боргинда энди, — деди.

— Ўзларичи, Кирсанов жаноблари, — деди Ситников, — ўзлари ҳам марҳамат қилсинлар, ўзларисиз бўлмайди-да.

— Ҳаммамиз бирдан борсак қандай бўлар экан?

— Ҳеч бокиса йўқ, Кукшина жуда яхши хотин.

— Шампанскийдан бирон шиша бўладими, ахир? — деб сўради Базаров.

— Бир эмас, уч шиша бўлади! Бунга мен жавоб бераман, — деди Ситников.

— Нима блан жавоб берасиз?

— Бошим блан.

— Ундан кўра отангизнинг ҳам'ёни блан жавоб берсангиз тузукроқ бўлар эди. Хайр, майли, борайликчи.

### XIII

Авдотья Никитишна (ёки Евдоксия) Кукшина \*\*\* шаҳарининг яқиндагина ёниб кетган (ма'лумки биз-

<sup>1</sup> Откуп-Давлатга тўланадирган солиқ ва тўлавларни ҳукуматдан ўлпон қилиб солиб, уларни ўзи ундириб олиш ҳуқуқи.

нинг губернадаги шаҳарларимиз ҳар беш йилда бир марта ёниб туради) кўчаларидан бирида, Москва уйлари тахлитиди солинган кичкина бир дворян уйида турар эди. Эшикдаги қийшиқ қоқиб қўйилган визит карточкаси<sup>1</sup> устида кўнғироқчанинг дастаси кўриниб турарди. Меҳмонларни даҳлизда хонимнинг оқсочими, ёинки дугонасими қарши олди: у бошига қалпоқча (чепец) кийган эди, бу эса уй эгасининг очиқдан-очиқ тараққийпарвар бир киши эканини кўрсатиб турар эди... Ситников, Авдотья Никитшна уйдаи, деб сўради. Нариги бўлмадан:

— Victor<sup>2</sup> сизмисиз? Кираверинг, — деган ингичка товуш эшитилди.

Чепец кийган хотин дарҳол ғойиб бўлди.

Ситников камзул устидан кийиб олган венгеркасини чаққон ечаётиб, Аркадий блан Базаровга бир қарадио:

— Мен ёлғиз эмасман, — деди.

— Майли, entrez<sup>3</sup>, — деб жавоб қилди ҳалиги овоз.

Ингитлар ичкарига кирдилар, улар кирган уй меҳмонхонадан кўра кўпроқ иш кабинетига ўхшар эди. Чанг босган стол устида ҳархил қоғозлар, хатлар, ҳали аксариси қирқилмаган қалин-қалин русча журналлар ётар эди: ҳаржойда чекиб ташланган лапирос найчалари оқариб турарди. Оч-сариқ сочлари тўзиган, устига бирозғижимланган шойи кўйлак кийган, калтагина қўлларига катта-катта билакузук таққан, бошига тўр рўмол ўраган ёшгина хоним чарм диванда ёнбошлаб ётар эди. У, дивандан турдида, сарғайиб кетган, астари оқ сичқон терисидан қилинган бахмал пўстинини ҳавсаласизлик блан елкасига ташлаб, эринчаклик блан: „саломатмисиз Victor“ деди ва Ситников блан кўришди.

Ситников, Базаровга тақлидан, узиб-узиб гапириб:

— Базаров, Кирсанов, — деб уларни хонимга тақдим қилди.

<sup>1</sup> Визит карточкаси — исм ва фамилия ёзилган кичик чарчак.

<sup>2</sup> Виктор.

<sup>3</sup> Киришиз (французча).

— Хуш келибсизлар, — деди Кукшина ва кичкинагина, қизарган бурнини кўтариб ва дум-думалоқ кўзларини Базаровга тикиб. — Мен сизчи танийман, — деб қўшимча қилди ва у блан ҳам кўришди.

Базаров чиройини бузди. Эркинликка чиққан хонимнинг кичкинагина, савлатсиз жуссасида ҳечқандай хунуклик йўқ эди-ю, аммо унинг чеҳраси бошқаларга аллақандай ёмси таъсир қилар эди. Ихтиёрсиз равишда ундан: „Сенга нима бўлди, қорнинг очми? Ё зерикаялсанми? Ёинки қўрқаялсанми? Нега бунча чиранаялсан?“ деб сўраганиг келар эди. Ситниковга ўхшаш унинг ҳам ичини доим бирнарсга тўрнаб турар эди. У гапирганида ва юрганида ўзини жуда эркин, бетакаллуф тутса ҳам, ҳамма ҳаракати ўзига ёпишмас эди; у ўзини оқ кўнгил ва содда киши деб ҳисобласа керак. Лекин нима қилмасин, назарингизга, мажбуран қилаётгандай бўлиб кўринар эди. Унинг ҳамма ҳаракатлари, болалар айтгандай, журтгага қилинганлар, гайри оддий ва гайри табиийдай туйиларди.

— Ҳа, ҳа, мен сизни танийман, Базаров, — деб такрорлади у яна (кўпгина вилоят ва Москва хонимлари сингари у ҳам эркак блан биринчи танишгандаёқ унинг фамилиясини айтар эди), кейин:

— Сигара чекасимми? — деди.

— Сигарка ўз йўли блан, — деди аллақачон креслога ўзини ташлаб оёғини юқори кўтарган Ситников. — Бизни нияшта қилдинг. Қорнимиз жуда оч; бир шиша шампанский ҳам буюринг.

— Танпарварсиз-а, — деди Евдоксия ва кулиб юборди. (У кулганда устки милки кўришиб турарди). Кейин: — Тўғри эмасми, Базаров, танпарвар-а?

— Мен машаққатни яхши кўрман, — деди гердайиб Ситников, — бу менинг либерал бўлишимга ҳалал бермайди.

— Йўқ, ҳалал беради, ҳалал беради! — деб хитоб қилди Евдоксия, аммо ўша онда оқсочига ноништа ва шампанский тўғрисида буйруқ берди. Кейин Базаровга мурожаат қилиб: — Сиз бу ҳақда қандай деб ўйлайсиз? Менинг фикримга қўшилсангиз эркак дедман, — деди.

— Йўқ-э, — деб э'тироз қилди Базаров, — ҳатто ким'ёвий нуқтайи назардан ҳам, бир бурда вондан кўра бир парча гўшт афзал.

— Сиз ким'ё блан шуғулланасизми? Бу менинг энг севган ишим-ку. Мен ҳатто ўзим бир хил мой (мастика) ўйлаб чиқардим.

— Мой дейсизми? Сиз-э?

— Ҳа, мен ўзим. Биласизми, қандай мақсад блан? Қўғирчоқ қилиш учун, калласи синмасив деб. Менам тажрибакор бир кишиман. Лекин ҳозирча тайёр эмас. Ҳали Либихнинг китобини пича ўқиб кўриш керак. Айтгандай, сиз Кисляковнинг Москва газетасида<sup>1</sup> хотин-қизлар меҳната тўғрисидаги мақоласини ўқидингизми? Ўқимаган бўлсангиз ўқиб кўринг. Хотин-қизлар масаласи<sup>2</sup> га қизиқасиз-ку? Мактаблар ҳамми? Уртоғингиз нима иш блан шуғулланади? Оти нима?

Кукшина хоним, жавобни ҳам кутмасдан, возли илтифотсизлик блан, эрка болалар ўз мураббийлари блан гаплашгандай кетма-кет савол берган эди:

Аркадий ўзи жавоб бериб:

— Менинг исмиим Аркадий Николаевич Кирсанов, мен ҳечнарсга блан шуғулланмайман, — деди.

Евдоксия хохолаб кулиб юборди.

— Мана бу ишингиз жойида! Сиз нега чекмаяпсиз? Виктор, биласизми, мен сиздан хафаман.

— Сабаб?

— Сиз яна Жорж Санд<sup>3</sup> ни мақтайбошлагенсиз, деб эшитдим. Орқада қолган бир хотин-да, бошқа

<sup>1</sup> „Московский Ведомости“ („Москва газетаси“) — 1756 йилда та'сис этилган реакция газети.

<sup>2</sup> Хотин-қизларни эрлар блан тенгҳуқуқли қилиш масаласи. Бу масала буржуа мамлакатларда кенг хотин-қизлар ҳаракатини туғдирган, унинг мақсади — хотин-қизларнинг ижтимоий тенгҳуқуқсизлигига сабаб бўлган синфларни йўқотиш эмас, балки хотин-қизларга буржуа тузум доирасида яшовчи ҳоким синфларнинг эрлари фойдаланатурган имтиёзларни бериш эди.

<sup>3</sup> 1801—1876 йиллардаги машҳур француз мусавифаси. Ўзининг биринчи романларида никоҳ ва оила масалаларида мешчанлик-черков асосларига қарши чиқиб, эркин никоҳ блан эркин муҳаббатни ҳимоя қилган. Бу кишининг асарлари Русияда ҳам яхши қарши олинган ва 60 йилларга унинг тарафдорлари кўп бўлган.



нима бўлар эди! Қандай қилиб уни Эмерсон<sup>1</sup> хоним блан тенглаштириб бўлади! У на тарбия, на физиология ва на бошқа тўғриларда ҳечқандай фикр эгаси эмас. Менинг имоним комилки, у ҳали эмбриология тўғрисида эшитганича ҳам йўқ. Бизнинг давримизда буни билмасдан бўладими, қандай дейсиз? Оҳ, Елисевич, бу ҳақда қандай ажойиб мақола ёзибди-я! Буюк бир ж. ноб экан-да! (Евдоксия „киши“ дейиш ўрнига доим „жансб“ сўзини ишлатарди) Базаров, менинг ёнимга — диванга ўтирсангизчи, эҳтимол, билмассиз, мен сиздан жуда қўрқаман.

— Нега энди? Бизгаям айтинг-да.

— Сиз хавфли жанобсиз: сиз шафқатсиз танқидчисиз. Ё раббим! Қизиқмана, худди қишлоқи помещик хотиндай гапираяпман-а. Айтгандек, мен ростданам помещик хотинман. Мулкимни ўзим идора қиламан. Биласизми, оқсоқолим Ерофей ажойиб бир зот, худди Купер Патфайндернинг<sup>2</sup> ўзгинаси-я: жуда дангал одамда! Мен бу ерга бутунлай кўчиб келдим, лекин шаҳарнинг мазиси йўқ экан, шундй эмасми? Аммо нима ҳам қилаолардим?

Базаров совуққонлик блан:

— Шаҳар шаҳарда, — деб қўйди.

— Бутун турмуш майда манфаатпазрастликдан иборат—ана шуниси ёмон! Мен илгарилари кишини Москвада ўтказардим... Лекин ҳозир у ерда менинг содиқ Кукшин афандим туради. Эяли Москванинг ўзиям... нима десам бўлади—илгариги Москва эмас. Мен четёлларга бориб келсам дейман; ўтган йил тайёрлик кўриб эдим, лекин боролмай қолдим.

— Парижга бўлса керак?—деди Базаров.

— Ҳа, Парижга, Гейдельбергга ҳам<sup>3</sup>.

— Гейдельбергга бориб нима қиласиз?

<sup>1</sup> 1803—1863 йиллардаги Америка ёзучиси ва файласуфи. Бу киши ўз асарларида асосан шахс талабларига ва унинг кишилик тарихидаги аҳамиятига кўп диққат этган.

<sup>2</sup> 1785—1851 йиллардаги Шимолий Америка ёзучиси. Бу киши Шимолий Америка шаҳарлари турмушидан олиб ёзилган романлари блан шўҳрат қозонган.

<sup>3</sup> Германия шаҳарларидан бири. Бу шаҳар ўз замонасида кўп рус олимлари ўқиб чиққан университети блан машҳур бўлган.

— Кечирасиз, у ерда Бунзен<sup>1</sup> бор!  
 Бунга Базаров ҳечқандай жавоб қайтараолмади.  
 — Сапожников жанобларини... биларсиз?  
 — Йўқ, билмайман.  
 — Кечирасиз, Сапожников жаноблари... доим Лидия Хостатова хонимникида ҳам бўлади.  
 — Мен бу кишиниям билмайман.  
 — Хуллас, Сапожников жаноблари мени узатиб бормоқчи бўлди. Худога шукур, мен озодликка чиқдим, менинг бола-чақам йўқ... Нима дедим: худога шукур? Майли, барибир.

Шу пайтда Евдоксия ўзининг тамаки тутунидан сарғайган бармоқлари блан тамаки ўрадя-да, уни тили блан ёпиштирди ва чекди. Худди шу орада патнис кўтариб оқсочи кирди.

— Мана, ноништаям тайёр! Бироз тановул қилиб олсак нима дейсиз? Виктор, шисхани очинг, бу сизнинг вазифангиз.

— Ҳа, менинг вазифам, менинг, — деди Ситников тўнғиллаб, яна чийиллаб кулиб юборди.

— Бу ерда нозанинлардан борми? — деб сўради Базаров учинчи қадаҳни ичаркан.

Евдоксия унга жавобан:

— Бору, ҳаммасиям жуда пуч одамлар. Масалан, топ отиё<sup>2</sup> Одинцова дегани— ёмон эмас. Шуниси борки, у ғалатироқ ном чиқарган... Униси ҳам майли-ю, ундан ҳечқандай эркин фикр қилиш, ҳечқандай кенг муҳокама йўқ, унинг бутун тарбиясини бошдан-оёқ ўзгартириш керак бўлади. Мен бу тўғрида ўйловдим, хотин-қизларимиз тарбияси жуда ёмон, — деди.

— Уларни сиз ҳечнима қилаолмайсиз, — деб гапга аралашди Ситников, — улардан нафратланиш керак, мен улардан мутлақо нафратлачаман. (Бировни ёмон кўриш ва уни ҳаммага эшитдириб айтиш мумкин бўлган жойда Ситников жуда хурсанд бўлар эди. У айниқса хотин-қизларга қаттиқ ёпишар, аммо бирнеча ойдан кейин хотини олдида, хотини князь Дурдолеосовлар наслидан бўлгани учун, унинг олдида

<sup>1</sup> XIX асрнинг энг буюк ким'ёгарларидан бири.

<sup>2</sup> Менинг дўстим.

тиз чўкиш тўғри келажакдан беҳабар эди). Уларнинг биттасиям бизларнинг суҳбатимизга тушуна олмайди; биттасиям бизнинг, биз жиддий эркакларнинг, тилга олиб сўзлашимизга арзимайди.

— Ҳа, улар бизларнинг суҳбатимизга тушунмаса ҳам булаверади,— деб қўйди Базаров.

Евдоксия сўзга аралашиб:

— Ким ҳақида гапираяпсиз?— деб сўради.

— Нозанин аёллар ҳақида.

— Нучук? Демак, сиз Прудоннинг<sup>1</sup> фикрига қўшиллар экансиз-да?

Базаров, гурур блан қадди-қоматини ростлаб олди-да:

— Мен ҳечкимнинг фикрига қўшилмайман, менинг ўз фикрим бор,— деди.

Ситников, хушомад кўрсатадиган кишиси ҳузурида шартта гапириш фурсати келганидан шодланиб:

— Йўқолсин обрўли зотлар!— деб қичқириб юборди.

— Аммо Макалей<sup>2</sup> ўзи...— деб Кукшина гап бошлаган эди.

— Йўқолсин Макалей!— деб ундан ҳам баттароқ қичқирди Ситников.— Сиз ҳали ўша бўлмағур хотинларни ёқламоқчи бўласизми?— деди.

— Бўлмағур хотинларни эмас, хотин-қизлар ҳуқуқини ёқлайман, бу ҳуқуқни танимда бир томчи қоним қолгунча ёқлашга онт ичганман.

— Йўқолсин!— деди-ю Ситников, кейин тўхтаб қолди-да, сўнгра:— Мен уларни инкор этмайман,— деб қўйди.

---

<sup>1</sup> Француз социалист-утописти, анархизм бошлиғи. Прудон ишчилар синфининг озодлигини, ҳарбир ишчини ишлабчиқариш қурооларига ва унинг меҳнат муҳсулотига шахсан ўзини эга қилиш йўли блан вужудга чиқаришни, келажакдаги социалистик жамиятга кўчишни эса,— ишлабчиқариш қурооларини йирик мулкдорлар қўлидан сотиб олиш йўли блан вужудга чиқаришни ўйлаган.

<sup>2</sup> 1800—1859 йилларда буржуа-демократик йўл блан ёзган инглиз тарихчиси. Бу ўз тарихий асарларида воқналарни асосан баддий жиҳатдан тасвир этишга тиришган ва фақат тарихий ҳодимларнинг ҳаракатларини ёзиш блан чекланган. Унинг „Англия тарихи“ номи асари ўз вақтида катта шухрат қозонган.

— Йўқ, менимча, сиз славянпарастсиз!  
— Йўқ, мен славянпараст эмасман, гарчи албатта...  
— Йўқ, йўқ, йўқ! Бекор гап, сиз славянпараст-  
сиз. Сиз Домостройнинг<sup>1</sup> шогирдларидансиз.  
Сиз қўлингизга қамчин ушлаганингизда ҳам бўларди!  
— Қамчин-ку яхши нарса-я, аммо, — деди Базаров, — энг сўнгги томчига қараб қолдиқ...

Евдоксия унинг сўзини бўлиб:

— Нима дедингиз?—деб сўради.

— Шампанскийнинг томчисига, муҳтарам Авдотья Никитишна, шампанскийнинг деяпмиз, сизнинг қонингиз томчисига эмас.

Евдоксия сўзини давом этдириб:

— Бировлар хотин-қизларга ҳужум қилиб гапирганда мен бепарво қулоқ солиб тураолмайман, бу—яхши эмас, яхши эмас, уларга ҳужум қилгандан кўра Мишленинг *De l'amour*<sup>2</sup> деган китобини ўқиб чиқинглар. Бу ажойиб бир асар! Ажойиб!— деди. Кейин жуда ғалати бир ноз блан қўлини диваннинг рижимланган ёстиғига ташлаб:— Афандилар, энди ишқ-муҳаббат тўғрисида гапирайлик,—деб қўйди.

Бирданига ҳамма жим бўлиб қолди.

— Йўқ, ишқ-муҳаббат тўғрисида гаплашишнинг нима кераги бор,— деди Базаров,— сиз ҳали Одицова тўғрисида гап очган эдингиз шекилли... Унинг отини шундай деб атадингиз шекилли? Бу хоним ким бўлади?

— Жонон! Жонон!-- деди Сятников чийяллаб, — мен ҳали сизни таништирарман. Жуда ақллик, бой хотин, ўзи тул. Афсуски у ҳам унчалик маълумот эгаси эмас: у бизнинг Евдоксиямиз блан яқинроқ танишганда яхши бўларди. Сизнинг саломатлигингизга ичмаман, Евдоксия! Уриштирайлик! „Et toc, et toc, et tin-tin! Et toc, et tok et tin-tin-tin!!“<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ойлавий ҳаёт қондалари тўғрисида қадимги рус шажмуаси. Бунга мувофиқ, оила ичида унинг бошлиғи ҳоким бўлиб, аёл киши жуда камситилиши керак бўлган.

<sup>2</sup> Француз тарихчиси ва публицисти. Бу киши ўзининг бирқанча тарихий асарларида либерал гояларини тарғиб қилган. „De l'amour“— „Муҳаббат тўғрисида“ деган асар.

<sup>3</sup> Қазахлар жаранглашига тақлид қилиб айтилган ашула.

— Victor. Сиз жуда шўхсиз.

Ноништа узоққа чўзилди. Дастлабки шиша шампанский кетидан иккинчиси, учинчиси ва ҳатто тўртинчиси келди... Евдоксия тинмай шақиллаб гапираверди. Ситников ҳам ундан қолишмади. Иккови никоҳ нима—хурофотми, ённки жиноят; одамлар қандай туғилади—бир хилдами, ёки йўқ; шахсият зотан нимадан иборат, деган масалалар тўғрисида жуда кўп гапиришди. Ниҳоят, иш шунга бориб етдики, ичган виноси та'сирв блан тамом қизариб кетган Евдоксия, созланмаган пианинони ялпоқ тирноқлари блан чашиб, бўғиқ товуш блан аввал лўлича ашула, кейин эса Сеймур-Шиффнинг: „Мудрайди уйқуда Гранада“ деган романсини (ишқий қўшиғини) айтди. Ситников эса, бошини шарф блан боғлаб олиб, ашула

„Лабларичиз жипслашди  
Ширин ўпишмоқ учун“.

деган бандга келганда эс-ҳушини йўқотган ошнққа тақлид қилиб ўтирди.

Ниҳоят, Аркадий чидаб тураолмади. У ҳаммага эшитдириб:

— Жаноблар, энди буниси жинниликка айлашиб кетди,—деди.

Кўпроқ шампанский блан овора бўлиб, суҳбатга ора-сирагина кулги гаплар қистириб ўтирган Базаров, қаттиқ бир эснадч-да, ўрнидан туриб, уй эгаси блан хайрлашмасданоқ Аркадий блан бирга чиқиб кетди. Уларнинг кетидан Ситников югуриб чиқди.

У гоҳ Аркадийнинг, гоҳ Базаровнинг олдига югуриб ўтиб:

— Хуш, қалай? Нима дейсиз? Мен сизга айтмадимми: ажойиб зот деб! Кошки бизда мана шундақа аёллар кўпроқ бўлса эди! Евдоксия ахлоқдан ўрнак бўладиган аёлда,—деди.

Шу топда улар қовоқхона олдидан ўтиб борар эдилар. Базаров қовоқхонани қўли блан кўрсатиб:

— Сенинг отаннинг мана бу жойи ҳам ахлоққа ўрнак бўладиган жойми?—деб қўйди

Ситников яна чийиллаб кулди. У ўзининг наслмансабидан жуда хижолатда қолди ва Базаровнинг

қўққисдан сенсирашидан хурсанд бўлишини ҳам билмади, хафа бўлишини ҳам.

#### XIV

Бирнеча кундан кейин губернаторникида бал бўлди. Матвей Ильич балнинг „ҳақиқий қаҳрамони“ эди. Губерна оқсоқоли (предводители) ўзининг фақат Матвей Ильичнинг ҳурмати учунгина келганини ҳаммага ва ҳаркимга айтиб юрарди. Губернатор эса, ҳатто балда ҳам, бир жойда қотиб туриб бўлса ҳам, „буруқ бериш“ блан овора эди. Матвей Ильичнинг хуш муомаласини фақат унинг улуғворлигига бараварлаштира мумкин эди. У ҳарбир кимсани—ба’зиларни ёлғондан, ба’зиларини эса ҳурмат қилиб аркаларди; хонимларга „en vrai chevalier français“<sup>1</sup> деб хушомад қилар ва мансабдорларга хос тўхтовсиз, жараглаган овоз блан, қаҳ-қаҳлаб қулгани-кулган эди. У, Аркадийнинг орқасига қоқиб, уни баланд овоз блан „жиянгинам“ деб атади, эскирган жийлан кийиб келган Базаровга юзакигина, лекин лутфан кўз ташлаб, тушуниб бўлмайдиган, лекин ёқимли қилиб тўнғиллаб, унга бир-ikki сўз қилди, унинг сўзларидан фақат „мен...“ ва „жа“ деган нарсаларни англаш мумкин эди, холос. Ситниковга эса қўлини чўзди-ю, лекин тескари ўтирилиб кулиб қўйди. Ҳатто балда ҳеч ясан-тусансиз кўр қўлқоп кийиб, аммо сочига жаннат қуши қадаб келган Кушкинага ҳам *enchante*<sup>2</sup> деб қўйди. Балда одам кўп, йигитлар ҳам сероб эди. Оддий одамлар деворга қапишиб туришар, ҳарбийлар эса зўр бериб танца қилар эдилар. Ҳарбийлардан айниқса биттаси жуда тиришиб танца қиларди, бу киши олти ҳафтача Парижда туриб, „Zut“, „Ah nichttrre“ *psst, psst, msn, vivé*<sup>3</sup> ва бошқа шу сингари гапларни ўрганиб келган ва бу сўзларни жуда келиштириб, чинакам парижча олиптагарчилик блан талаффуз этар га шу блан бирга „*si j'aurais*“ дейиш ўрнига „*si j'avrais*“ деб айтар, „*absolument*“ сўзини

<sup>1</sup> Чин француз кавалеридек.

<sup>2</sup> Мафтун бўлдим.

<sup>3</sup> Мутлақо деган сўздир.

албатта ма'носида исте'мол қилар эди. Хуллас, французчани великорус-француз шеvasи блан, я'ни французлар бизларга: бизнинг тилимизда фаришта сингари, „*comme des ongles*“<sup>1</sup> гапирасиз, деб айтишга эҳтиёж йўқлигини билганларида улар биздан куладиган шева блан гапирар эди.

Аркадий, ўзимизга ма'лум, тандага уста эмас эди. Базаров эса бутунлай танца қилмас эди: улар иккови ҳам бир бурчакка кириб олган эдилар, улар ёнига Ситников ҳам келиб қўшилди. Ситников ўтган ҳарбир кишига нафрат блан қараб ва заҳарханда пачинглар отиб, беибо уёққа-буёққа қарар ва шундан роса ҳузур қилаётгандай кўринар эди. Шу пайтда бирданига унинг чеҳраси ўзгарди ва Аркадийга бурилиб, гўё довдираб қолган кишидек, „Одинцова келди“ деди.

Аркадий бурилиб қараб эди, зал эшиги ёнида турган қора кўйлакли, новча аёлни кўрди. Бу хоним ўзининг келишган қадди-қомати блан Аркадийни ҳайрон қолдирди. Унинг яланғоч қўллари бениҳоят келишган гавдаси бўйлаб осилиниб турарди; ярқираб турган сочларидан елкалари устига чиройли бўлиб фукция<sup>2</sup> гулининг новдачалари солиниб тушган эди. Унинг бироз дўнг, оппоқ пешонаси тагидан нузли кўзлари ўйчан эмас, осойишта, ма'ноли қараб турар, лабларида эса хиёл табассум қилиш бор эди. Унинг юзида қандайдир мулойимгина, юмшоққибна куч борлиги сезилиб туради.

Аркадий Ситниковга қараб:

— Сиз у блан танишмисиз?—деб сўради.

— Юзакигина. Истасангиз мен сизни таништирай?

— Майли... шу ўйин тамом бўлгандан кейин.

Базаров ҳам Одинцовага диққат қилди.

— Бу қандай қадди-қомат-а? — деди у. — Бошқа хотинларникига сра ўхшамайди.

Ўйин тамом бўлгандан кейин Ситников Аркадийни Одинцова олдига бошлаб борди; лекин Одинцова блан ўзи ҳам яқин таниш бўлмаса керак, гапи-

<sup>1</sup> Фаришта каби, я'ни жуда тўғри.

<sup>2</sup> Уйда ўстириладиган чиройли гул.

дан адашиб қолди. Одинцова ҳам унга бироз тааж-жубланиб қаради. Аркадийнинг фамилиясини эшитганидан кейин Одинцованинг юзида қандайдир шодлик асари пайдо бўлди. У, Аркадийдан „сиз Николай Петровичнинг ўгли эмасмисиз?“ деб сўради.

— Ҳа, худди шундай.

Одинцова сўзида давом қилиб:

— Мен отангизни икки марта кўрганман, лекин у киши тўғрисида кўп эшитганман. Сиз блан танишувимга жуда хурсандман,— деди.

Шу орада қандайдир бир адъютант Одинцованинг слдига югуриб келиб, танцага таклиф қилди. Одинцова розилик билдирди.

Аркадий эҳтиром блан:

— Сиз ҳам танца қиласизми?— деб сўради.

— Ҳа, танца қилман. Сиз мени танца қилмайди деб ўйловдингизми? Ёинки қариб қолган деб билдингизми?

— Кечирасиз, ҳеч-да... Ундай бўлса ижозат беринг, мен сизни мазуркага таклиф қилай.

Одинцова мулоимгина кулди-дэ, марҳамат, деди ва Аркадийга кибр блан эмас, эрга теккан қизлар ёш укаларига қандай қарасалар, шундай қараб қўйди. Одинцова Аркадийдан озгина каттароқ бўлиб, йигирма тўққиз ёшга кирган эди, лекин Аркадий, улар ўртасида бўлган ёш тафовути анча катта бўлгандай, унинг олдида ўзини мактаб талабаси ёки оддий студент деб ҳис қилар эди.

Шу орада Одинцова олдида совлатли бир қиёфа блан Матвей Ильич келиб қолди ва унга бирнеча қалима хушомад гап қилди. Аркадий ўзини бир четга тортдию, лекин Одинцовадан ҳеч кўзини олмасди, танца вақтида ҳам ундан кўзини узмасди. Одинцова мансабдор блан қандоқ тортинмай гаплашган бўлса, ўзи блан бирга танца қилучи ҳарифи блан ҳам шундоқ тортинмай гаплашар эди. У бирнеча марта секингина четга бурилиб қаради ва бир-икки марта секингина кулиб қўйди. Унинг б, рни ҳамма русларнинг бурнига ўхшаш, сал катта ва терисининг туси ҳам жуда тоза эмас эди. Шунга қарамасдан, Аркадий бундай гўзал хотинни шу дамгача ҳечқачон кўр-



ганим йўқ эди, деган фикрга келди. Унинг товуши Аркадийнинг қулоғидан ҳеч нари кетмас эди; унинг кўйлак бурмалари ҳам Аркадийнинг кўзига қандайдир бошқача, бошқа хотинларникидан кўра хушбичимроқ ва кенгроқ бўлиб, айтии замонда унинг тан ҳаракатлари ҳам жуда майин, табиий бўлиб кўринар эди.

Аркадий, мазурка бошланиши бланок, хонимнинг ёнига келиб ўтиришида юрагида қандайдир жасоратсизлик сезар ва гап бошламоқчи бўлиб, қўли блан сочларини тузатиб қўяр ва ҳечбир сўз тополмас эди. Лекин у узоқ торғиниб ва ҳаяжонланиб ўтирмади. Одицованинг осойишталиги унга ҳам та'сир қилди: орадан чорак соат ҳам ўтмасдан отаси, амакиси, Петербург ва қишлоқ ҳаёти тўғрисида бемалол ҳикоя қилиб берабошлади. Одицова эса, қўлидаги елпигичини гоҳо сал очиб, гоҳо ёпиб унинг гапига астойдил қулоқ солар; бўлак йигитлар келиб Одицовани танцага таклиф қилгандагина Аркадийнинг гапи узилиб қоларди. Ситников ҳам уни икки марта танцага таклиф қилди. Одицова танца қилиб бўлиб яна Аркадийнинг ёнига келиб ўтирар, яна елпигичини қўлига олар ва яна боягидек аста нафас отар эди. Аркадий эса, унинг ёнида ўтиришни, унинг кўзларига, гўзал манглайига, мулойим, жиддий ва ақлли юзига қараб гаплашишни ўзи учун катта бахт деб санаб, яна гапини давом қилдирар эди.

Одицова ўзи кам гапирар, лекин унинг сўзларидан турмушни яхши билганлиги англашилб турар эди. Унинг ба'зибир сўзларидан Аркадий, бу ёш аёл кўп ишларни бошидан кечирган экан, деган хулосага келди...

Одицова Аркадийдан:

— Ситников афанди сизни меннинг олдимга олиб келган вақтда ким блан гапирришиб турган эдингиз?— деб сўради.

Аркадий ҳам:

— Сиз уни кўрибмидингиз?— деб сўради. Кейин:— истараси иссиқ йигит-э, шундэй эмасми? Бу киши Базаров дегач одам, меннинг дўстим бўлади,— деди.

Аркадий „ўз дўсти“ тўғрисида сўзлайбошлади.

У, Базаров тўғрисида шунча муфассал ва шу даражада завқ блан сўзладик, Одинцова унинг томонига бурилиб олиб, диққат блан унга тикилди. Мазурка ҳам тугай деб қолган эди. Аркадий эса, хонимдан ажралгиси келмасди: у бир соатча умрини шундай яхши ўтказдик, тўғри, Аркадий бутун шу вақт ичида гўё Одинцова унга лутф қилгандай, гўё Одинцовага миннатдорлик билдириши керак бўлгандай ҳис қилди. . . Лекин ёш юраклар бундай туйғудан озор топмайдилар.

Музыка товуши тинди. Одинцова ўрнидан тураётди:

— Merci<sup>1</sup>, сиз меникига қадам ранжида қилишни ва да қилувдингиз, дўстингизни ҳам бирга оскелинг. Ҳечбир нарсага ишонмасликка жур'ат этадиган киши блан кўришиб суҳбатлашиш мен учун жуда мароқли бўлади.

Губернатор Одинцованинг олдига келиб, унинг тайёр бўлганини билдирди ва ғамхўрлик блан унга қўлини узатди. Губернатор блан кетаётди, Одинцова орқасига бурулиб, сўнгги марта Аркадийга бош силкиди ва жилмайиб қўйди. Аркадий та'зим блан унга бош эгиб, орқасидан қараб қолди (хонимнинг кулранг тус бериб, ярқираб турган қора шойига ўралган қадди-қомати Аркадийга жудаям хушбичим бўлиб кўринди!) ва „шу онда у энди менинг дун'ёда борлигимни ҳам эсидан чиқариб қўйган бўлса керак“ деб ўйлаб, кўнглида қандайдир кўникиш ҳисси борлигини сезд.

Аркадий бурчакка қайтиб келиши блан Базаров:

— Хўш, қалай? Маза қилдингми? Мана ҳозиргина битта жаноб бу хоним ҳай-ҳай-ҳай деб ўтирган эди, лекин у жаноб ҳам ахмоққа ўхшайди. Хўш, сенингча ҳам, ҳақиқатан ҳай-ҳай-ҳай эканми?— деди.

Аркадий унга жавоб бериб:

— Мен бу гапни унча тушунолмадим,— деди.

— Ана холос! Нақадар ма'сумлик-а!

— Ундай бўлса мен сенинг жанобингга тушунмадим. Одинцова — шубҳасиз жуда мулойим, лекин у

<sup>1</sup> Раҳмат.

Ўзини шу қадар совуқ ва шу қадар сипоҳ тутадики...

— Писмиқ одам... биласанми!—деб унинг сўзини бўлди Базаров,—сен уни совуқ деяпсан. Маза деганинг ҳам уша совуқликда бўлади-да. Морозноени яхши кўрасанми ўзинг?

— Эҳтимол,—деди Аркадий,—бу тўғрида мен ҳечнима деяолмайман. У сен билан танишмоқчи, менадан сени ўзиникига оборишни илтимос қилди.

— Менинг тўғримда унга нималар деганингни биламан! Ҳарҳолда, яхши қилибсан. Мени олиб бор. У ким бўлса ҳам — губерваннинг фариштасими, ёхуд Кукшина сингари „эркин яшовчи“ бир кишими, майли, аммо мен унинг кифтидек кифтни анчадан бери кўрганам йўқ.

Базаровнинг ҳаёсизлиги Аркадийни ранжитди. Аммо у, кўп дўстлардек, дўстининг ўзига ёқмаган одати учун та’на қилмади... У секин гапириб:

— Сен нима учун аёлларда эркин фикр бўлиши мумкин эмас, дейсан?—деди.

— Чунки, биродар, менинг тажрибаларимга кўра, аёллар ўртасида фақат майиб кишиларгина эркин фикр қилади.

Шу билан суҳбат тугади. Иккала ёш йигит узини тамом бўлиши бланоқ дарров жўнаб кетишди. Кукшина эса асабий қаҳр билан, бироз ҳайиққани ҳолда, улар кетидан кулиб қолди: на Базаров ва на Аркадий унга э’тибор қилмаганлиги ўзига жуда алам қилди. У, балда ҳаммадан кейин қолиб, тунги соат тўртларгача Сятников билан парижчасига полька-мазуркага танца қилди. Шу ибратли тамоша билан губернаторнинг байрами тамом ҳам бўлди.

## XV

Эртасига Базаров билан Аркадий Одинцова тушган мусофирхонанинг зинапоясидан чиқаётиб, Базаров Аркадийга:

— Кўрайликчи, бу зот сутэмарларнинг қайбир туркумига мансуб экан. Кўнглим бу ерда бирор нома’қул иш борлигини сезаётипти,— деди Аркадий.

— Мен сенга ҳайронман! Нега дегин. Сен Базаров бўлатуриб ҳалиги тор ахлоққа эргашган, ҳолбуки буни...

Базаров э'тиборсиз равишда унинг сўзини булиб:

— Қизяқсан-а! Биз ва бизга ўхшаш одамлар учун „нома'қул“ сўзи „ма'қул“ деган ма'нони англатганини билмайсанми? Демак, бир нарса бор. Бугун ўзинг айтмадингми: Одицова жуда ғалати эрга тегибди деб. Менимча, бой чолга тегиш — ғалати иш эмас, балки, аксинча, оқилона иш. Мен шаҳардаги миш-миш гапларга ишонмайман, лекин мен, ма'рифатли губернаторимиз айтгандек, бу гаплар рост деб ўйлашни яхши кўраман,—деди.

Аркадий, ҳечнима деб жавоб бермади ва бўлманинг эшигини тақиллатди. Ливрея<sup>1</sup> кийган ёш бир хизматкор иккаласини ҳам катта бўлмага олиб кирди. Бўлма, рус мусофирхоналарининг ҳамма бўлмалари сингари, яхши ясалмаган, аммо гуллар қўйилган эди. Тезда эрталабки оддий кийимда Одицованинг ўзи чиқди. У баҳорги офтоб нурида яна ҳам ёшроқ бўлиб кўринар эди. Аркадий Базаровни унга таништирди ва Базаровнинг гўё бироз уялиқираб турганига жуда ҳайрон бўлди. Одицова эса, худди кечагидек хотиржам эди. Ўзининг уялганини Базаров ўзи ҳам сездди ва бу нарса унга алам қилди. „Ана холос! Хотин кишидан уял эмиш!“ деб ўйлади ва диванга ялпайиб ўтириб, Ситниковдан ҳечбир қолишмасдан, муболаға блан такаллуфсиз сўзга кирди. Одицова эса, ўзининг равшан кўзларини ундан узмай қараб турди.

Анна Сергеевна Одицова машҳур чиройлик, фрийбгар ва қиморвоз Сергей Николаевич Локтевнинг қизи эди. Бу одэм Петербург блан Москва шаҳарларида ўнбеш йилча тўс-тўполон қилиб, даврдэврон суриб донг чиқазиб, пировардида бор-йўгини қартага ютқизиб қўйгандан кейин қишлоққа кўчиб боришга мажбур бўлди ва тез орада шу ерда вафот қилди. Ундан жуда озгина мерос блан иккита қизи:

<sup>1</sup> Дворян ва буржуа оилаларида уй хизматкорларига хос кийим.

Йигирма яшар Анна блан ўн икки яшар Катерина қолди. Уларнинг, камбағаллашиб қолган князьлардан Х. . . . . уруғига мансуб бўлган оналари, оталари ҳали бардам вақтидаёқ Петербургда ўлиб кетган эди. Отаси ўлгандан кейин Аннанинг аҳволи жуда сғир бўлди. Унинг Петербургда олган гоят гўзал тарбияси уни қоронғи қишлоқ ҳаётидаги уй-рўзгор ишларининг машаққатларига яроқли қилган эмас эди. У бутун теварак-атрофда ҳечкимни танимас, маслаҳат сўрарлик ҳечкимни йўқ эди. Отаси қўни-қўшнилари блан ҳеч алоқа қилмасди, у кўшниларини, қўшнилари эса уни, ҳарқайси ўзича ёмон кўрар эди. Шундай бўлса ҳам Анна ақлини йўқотмади: холаси княжна Авдотья Степановна Х-ни дарҳол олди чақириб олди. Бу кампир жуда баджаҳл ва такаббур бўлиб, жияниникига кўчиб келгандан кейин уйдаги энг яхши бўлмаларни ўзи олиб, эрталабдан кечгача гиди биди қилиб, ҳаммани безор қилар ва ҳатто боғчага сайр қилишга чиққан вақтларида ҳам ўзи ёлғиз чиқмай, бирдан-бир крепостной кишиси бўлган бадқовоқ ва устига зангор позумент тақилган малларанг эски ливрея блан учбурчак қалпоқ кийган лакейни эргаштириб чиқаради. Анна эса, холасининг бутун қилиқларига сабр блан чидаш бериб, синглисини тарбиялаш блан шуғулланар ва шу қоронғи бурчакда умр кечиришга кўнигиб қолгандай кўринарди. . . . Аммо унинг тақдири бошқача экан. Иттифоқо уни Одинцов деган қирқ олти ёшлар чамасидаги жуда бой бир киши кўриб қолди, бу одам табиасти қизиқ, васвас, семиз, вазмин ва серқовоқ бўлса-да, лекин ақли ва ёввош бир киши эди. У, Аннага хуштор бўлиб, унинг қўлини сўради. Анна унга рози бўлиб, якковни олти йилча бирга туришди. Одинцов ўлаётганида бутун бойлигини Аннага васият қилиб қолдирди. Анна Сергеевна Одинцов ўлгандан кейин бир йилгача қишлоқдан чиқмади. Кейин синглиси блан чет элларга кетди, лекин Германиядан бошқа ерда бўлмади. Унда ҳам зерикиб,\*\*\* шаҳаридан қирқ чақиримча наридаги ўзининг яхши кўрган Никольский қишлоғига қайтиб келди. Бу ерда унинг яхши ясалган чиройли уйи, ажойиб боғчаси, гул-

хонаси бор эди: марҳум Одинцов, тирик вақтида, ўздан ҳечнарсани аямасди. Анна Сергеевна шаҳарга кам борарди, кўпинча иш билан бориб, тезда қайтиб келар эди. Губернада уни ёмон кўришарди, унинг Одинцовга тегиши ҳақида кўп гап-сўзлар бўлиб, унинг тўғрисида ҳархил бўлмағур гаплар тарқатишди: у отасининг фрибгарлик ишларига ёрдам қилар эди; четэлларга ҳам бекордан-бекорга борган эмас, балки бахтсизлик оқибатларини яшириш зарур бўлгани учун борган... дейишар эди дарғазаб бўлган кишилар. „Биласизми, тегирмондан ҳам бутун чиқади“ дердилар унинг ҳақида. Губернанинг машҳур аскиячиси эса: „игнанинг тешигидан ҳам ўтади“ деб қўшимча қиларди. Бу гапларнинг ҳаммаси унга етиб турса ҳамки, бу гапларга сра қулоқ солмас, чунки у табиатан анча эркин ва жасур эди.

Одинцова креслога суяниб, қўлларини чалмаштириб, Базаровнинг гапини тинглаб ўтирар эди. Базаров эса, одатдагидан кўра кўпроқ гапириб, суҳбатдошини ўзига жалб этишга тиришар эди. Бу эса Аркадийни яна ҳайрон қолдирди. У, Базаров ўз мақсадига эришиш-эришмаслигини ҳам англай олмасди. Базаровнинг сўзларидан Анна Сергеевна қандай таассурот олганини юзидан билиш қийин эди: унинг юзи ҳамон мулойим ва нозик ифодасини ҳеч ўзгартмас эди. Унинг гўзал кўзлари диққат билан, лекин жуда осойишта боқиб турарди. Базаровнинг дастлаб келишдаёқ бундай қийпанглаши, унга бадбўй ҳид ёки хунук овоз сийгарди ёмон таъсир этган эди. Лекин Одинцова, Базаровнинг уялганини дарров сезиб қолган ва ҳатто бундан кайфланган эди. У фақат ҳаёсизликни ёмон кўрар, аммо Базаровни ҳаёсиз бир киши деб ҳечким ҳам айтаолмас эди. Ўша куни Аркадий бирнеча мартаба таажжубда қолди. У Базаров Одинцова каби ақлли бир аёл билан ўз маслағи ва назарлари тўғрисида сўзлашар деб ўйлаган эди, чунки Одинцова „ҳеч нимага ишонмайдиган киши билан“ сўзлашмоқни ўзи ҳам истарди. Лекин Базаров ўз маслак ва назарлари ўрнига м. дицина, гомеопатия ва ботаника ҳақида гап сотиб ўтирди. Одинцова эса, ўзининг ёлғиз яшаган даврини бекор ўтказмаган экан:

у, бирнеча яхши китобларни ўқиган ва русчани тўғри гапирар эди. У бошда музика тўғрисида сўз очди, аммо Базаровнинг сая'атни инкор этганини фаҳмлаб, Аркадий халқ оҳангларининг аҳамияти тўғрисида гап очишига қарамасдан, аста-секин гапни ботаникага буриб юборди. Одинцова Аркадий блан худди ўзининг укаси сингари муомала қиларди: я'ни унинг фақатгина содда ва ма'сум ёшлигини ҳурмат қилгандай кўринарди, холос. Уларнинг турли масалалар тўғрисида аста-секин қилган суҳбатлари уч соатдан ошиқ давом қилди.

Ниҳоят, дўстлар ўринларидан турдилар ва хайрлаша бошладилар. Анна Сергеевна, уларга мулойимгина қараб, иккаласига ҳам ўзининг чиройли оппоқ қўлини чўзди, сўнгра, бир пас ўйлаб турганидан кейин, иккиланиброқ, лекин яхшигина табассум блан.

— Жаноблар, агар зеркиб қоламиз демасаларнингиз, бизникига, Никольскийга марҳамат қилингллар,—деди.

— Кечирасиз, Анна Сергеевна,—деди Аркадий,— аксинча, сизникида бўлишнинг ўзи бир бахт...

— Сиз-чи, Базаров афанди?

Базаров фақат та'зим қилди ва Аркадий яна бир марта тазжжубланди, чунки у, дўстининг қизарганини пайқади. Кўчага чиққандан кейин Аркадий Базаровга:

— Қалай, сен уни ҳали ҳам ҳай, ҳай, ҳай, деб ўйлаяпсанми?—деди.

Базаров унга э'тироз қилиб:

— Ким билади дейсан! Кўрдингми, ўзини қандай тутади!—деди Базаров бироз сукут қилганидан кейин:— герцогина, хонимлардан экан-да. Орқа этагини узун қилиб, бошига тож кийса бас,—деб қўшимча қилди.

— Бизнинг герцогиналаримиз русчани бундай гапирмайдилар,—деди Аркадий.

— Дун'ё кўрган, оғайни, бизларнинг понимиздан татяган.

— Шундай бўлса ҳам ўзи жуда соз,—деди Аркадий.

— Заб гавдаси бор экан-да! — деди Базаров, — жуда анатомичка<sup>1</sup> боп экан.

— Қўйсангчи, Евгений, азбаройи худо! Шу ҳам гап бўлдим.

— Аччиғинг келмасин, нозли йигит. Иш қилиб биринчи сорт. Уйига бориш керак.

— Қачон?

— Менга деса индинга. Бу ерда нима ҳам қилдик! Ёянки Кукшина блан шампанский ичишамизми? Ё бўлмаса сенинг қариндошинг бўлган либерал мансабдорнинг гапларини эшитиб ўтирамизми?.. Индинга албатта борамиз. Айтгандек, отамнинг қўрғисни ҳам у ердан узоқ эмас. Никольское\*\*\* йўли устида-ку, ахир?

— Шундайми?

— Optime,<sup>2</sup> уйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат аҳмоқлар ва биларманларгина уйлениб ўтиради. Мен сенга яна айтаманки: заб гавдаси бор экан!

Уч кундан кейин иккала дўст Никольскийга қараб йўл олди. Кун очиқ бўлиб, ҳаво унча иссиқ эмас эди ва семиз извош отлари, ўриб тугилган думларини сал-пал силкитиб, баравар чопар эди. Аркадий йўлга қараб жилмайиб борар, нимага жилмайганини ўзи ҳам билмасди.

— Мени муборакбод қил, — деди Базаров, бугун 22 июнь, менинг фариштам куни<sup>3</sup>. Қани, фариштанинг шарофатини кўрамиз, — кейин товушини пасайтириб: — бугун мени уйда кутишадил.. майли, кутишса кутишаверсин, ҳечқисн йўқ!

## XVI

Анна Сергеевнанинг қўрғони яланглик ва нишоб бир адр устига жойлашган эди. Унга яқин жойда олпоқ устунли, яшил тулука томли, ғиштдан солинган сариқ бутхона кўриниб турарди. Бутхонанинг

<sup>1</sup> Тажриба учун ўлик ёриладиган жой.

<sup>2</sup> Optime (лотинча) — жуда соз.

<sup>3</sup> Фаришта куни (день ангела) — диндор христианларда бировнинг исми черков томонидан байрам қилинадиган бирор авлиё ёки фаришта исмига тўғри келган кун.



жатта эшиги тепасига италянчасига — Исонинг тирилиши<sup>1</sup>ни ифода қиладиган *al fresco* расми ясалган эди. Айниқса энг олдинда қучоғини очиб турган мис қалпоқли қорамағиз жангчининг сурати чиройли кўринарди. Бутхонанинг орқасида узоқ-узоқларга чўзилиб кетган икки қатор қишлоқ уйлари бўлиб, ба'зибир уйлارнинг похол томи тепасида муриларни кўришиб турар эди. Боёнлар уйи бутхона блан бяр усулда, я'ни бизда Александр услуби деб машҳур бўлган услубда солинган эди. Бу уй ҳам сариқ ва томи яшил ранга бўялган, оқ устунлари ва равоқида герб расми солинган фронтони<sup>2</sup> бор эди. Ҳар иккала бинони марҳум Одинцовнинг ма'қуллаши блан губерна архитектори<sup>3</sup> солган эди.

Одинцов иморатга ҳархил янгиликлар кирйтишни ҳеч ёқтирмас, уларни ўзбошимчалик ва бема'ни гаплар деб айтар эди. Уйнинг ҳар иккала томонида қадимги боғнинг дарахтлари ўсиб ётар, тепаларни қирқилган арчали хиёбон тўғри уйнинг эшигига элтар эди.

Базаров блан Аркадийни даҳлизда устларига ливрея кийган иккита новча хизматкор қарши олди, уларнинг биттаси дарҳол дворецкий<sup>4</sup>га хабар қилиш учун чолиб кетди. Дворецкий — устига қора фрак кийган йўғон бир киши — дарров ҳозир бўлди, меҳмонларни гиламлар ёзилган зинапоя блан алоҳида бир уйга олиб чиқди, бу уйда улар учун иккита каравот ва зарур бўладиган ҳамма безак асбоблар олдиндан тайёрлаб қўйилган эди. Уйда яхши тартиб борлиги сезилиб турар эди: ҳамма ер озода, худди министрлар қабулхонасидаги сингаря, ҳамма жойдан қандайдир яхши ҳидлар келиб турар эди.

Дворецкий меҳмонларга мурожаат қилиб:

— Анна Сергеевна сизларни ярим соатдан кейин ўз олдиларига марҳамат қилишларингизни сўрайди-

<sup>1</sup> Афсонавий расм.

<sup>2</sup> Фронтон — бинонинг равоқида уч бурчак қилиб ясалган безак.

<sup>3</sup> Губерна доирасида солиннадиган иморатларнинг планларини тасдиқловчи иморат устаси.

<sup>4</sup> Уй хизматкорларининг каттаси.

лар, унгача ўзлари томонидан бирор амр-фармоив буларми? — деди.

Базаров унга жавобан:

— Ҳозирча йўқ, мухтарам оқсоқол, марҳамат қилиб бир рюмка арақ келтирсангиз бас, — деди.

— Ҳўп бўлади, тақсир, — деб бироз ажабланиб жавоб қайтарди-да дворецкий ва этикларини ғарчиллатиб эшикка чиқиб кетди.

— Қандай назокат-а! — деди Базаров. — Герцогинянинг худди ўзгинаси-я.

— Герцогиня эмиш-а, — деб э'тироз қилди Аркадий унга, — герцогиня бўлганида сен блан мен сингари киборларни биринчи кўришдаёқ уйига чақириб бўпти.

— Хусусан келгусида табиб бўлишга ҳозирлик кўручи, табиб боласи, дьячок<sup>1</sup> набираси мени айтсанг-чи... Менинг дьячок набираси эканлигимни ўзинг ҳам биласан-ку?..

Базаров, бироз сукутдан кейин, лабларини қийшайтириб:

— Сперанский<sup>2</sup> сингари, — деб қўшиб қўйди, — ҳар ҳолда у ўзини анчагина эркалатиб қўйибди: бу хонимнинг назокатлигией! Ҳали фрак ҳам киярмиз дейман-а?

Аркадий фақат кифт қоқиб қўйди... Аммо у ҳам бир қадар тортинар эди.

Ярим соатдан кейин Базаров блан Аркадий меҳмонхонага киришди. Меҳмонхона кенг ва баланд, анча музайян бўлса ҳам, лекин дидга унча ўтирмас эди. Қямматбаҳо вазмин мебельлар зарҳал югуртирилган қорамтил қоғоз ёпиштирилган девор тагига одатдагича қатор қилиб тизиб қўйилган эди, марҳум Одинов бу қоғозларни бир вақтлар Москвадан,

<sup>1</sup> Пои Ердамчиси, бутхона қўнғироқчиси.

<sup>2</sup> Сперанский, Михаил Михайлович (1772—1839 йиллар) — Александр I замонидagi давлат ходими. Бу киши Русиянинг капиталистик тараққисини енгиллатиш мақсади блан давлат тузумини ислоҳ қилиш тўғрисида лойиҳа тузган. Бу лойиҳа, катта ер эгаларининг қаршилик кўрсатиши орқасида амалга ошмаган. Сперанский поп ўгли бўлиб, семинарияда (ўрта диний мактабдз), кейин диний академияда ўқиган. Бу ўринда Базаров, дьячок набираси бўлгани учун, ўзини шу кишига ўхшатиб гапирди.

ўзининг бир майфуруш савдогар ошнаси орқали ёздириб олдирган эди. Тўрдаги диван тепасида буртиқ юзли, сариқ сочли бир эркакнинг сурати осиглик бўлиб, гўё меҳмонларга қандайдир хўмрайиб қараб тургандай эди. „Ўзи бўлса керак“ деб шивирлади Базаров Аркадийга ва бурнини буриштириб илова қилди: „ё қочамизми?“ Лекин шу онда хоним кириб келди. Унинг устида юпка атлас кўйлак, қулоқ орқасига тушириб текис қилиб таралган сочлари тиниқ ва тоза юзига ёш қизлар тусини бериб турар эди.

— Ва’дангизда турганингиз учун ташаккур,— деб гап бошлади у,— марҳамат қилиб менга меҳмон бўлингиз; жойимиз ёмон эмас. Мен сизларни синглим блан таништираман. У пианинони яхши чалади. Сиз учун, Базаров афанди, бунинг аҳамияти бўлмаса керак; аммо сиз, Кирсанов афанди, музикави яхши кўрасиз шекилли. Синглимдан бошқа бу ерда кампир холам ҳам туради. Ҳа, айтгандай, гой маҳал қарта ўйнаш учун кўшнимиз ҳам кириб туради. Улфатларимиз ана шулардан иборат. Қани энди ўтирайляк.

Одинцова ўзининг бу кичкина нутқини, худди ёдлаб олгандек, чертиб-чертиб гапирди; кейин Аркадийга мурожаат қилди. Унинг онаси Аркадийнинг онасини билар экан ва ҳатто Николай Петровични яхши кўриб қолган чоғида сирдоши ҳам бўлган экан. Аркадий марҳума онаси ҳақида берилиб гапирарди; Базаров эса, суратларни тамоша қилиб ўтирди. У ичида: „Қандай қобил бўлиб қолдим-а“ деб ўйларди.

Бўғинига кўк қорғи тақилган чиройли бир този, тирноқлари блан полни тикирлатиб югурганича меҳмонхонага кириб келди. Унинг кетидан қора сочли ва қорамағиз, бироз думалоқ, аммо юзи ёқимли, кичикроқ қорамтид кўзли ўн саккиз яшар бир қиз ҳам кириб келди. Унинг қўлида тула гул солинган сават бор эди. „Мана, менинг Катям ҳам келди“ деди Одинцова, боши блан унга ишора қилиб.

Катя, секингина тиз чўкиб опаси ёнига келиб ўтирди-да, гулларни саралай бошлади. Фифи отли този қўйруғини ўйнатиб, навбатма-навбат меҳмон-

ларнинг олдига келди-да, совуқ тумшугини уларнинг қўлига суркади.

— Ҳаммасини ўзинг уздингми? — деб сўради Одинцова.

— Ҳа, ўзим, — деди Катя.

— Холам чойга келадиларми?

— Келадилар.

Катя гапирган маҳалда жуда мулоим, уялиб ва самимий жилмаяр, қандайдир қизиқ қилиб пастдан юқорига қарар эди. У ҳали жуда ёш: тозуши ҳам, юзидаги майин туклари ҳам, пуштиранг қўллари ҳам, хиёл қисилган елкалари ҳам... У ҳадеб қизаринар ва тез-тез нафас оларди.

Одинцова Базаровга мурожаат қилиб:

— Евгений Васильич, сиз менинг кўнглим учун сурат қараясиз. Суратга қизиқмайсиз-ку, ундан кўра бери келинг, бирор нарса тўғрисида баҳслашайлик, — деди.

Базаров яқинроқ келиб ўтирди-да:

— Нима тўғрисида? — деб сўради.

— Ихтиёр ўзингизда. Айтиб қўяйки, мен жуда ўжар баҳскашманда.

— Сиз-а?

— Ҳа, мен. Ҳайрон бўлаяпсиз шекилли. Нега?

— Чунки сиз, менинг билишимча, жуда совуққон бир кишисиз, ҳолбуки баҳслашиш учун қизиққон бўлиш керак.

— Қандай қилиб сиз менинг табиатимни шунақа тез билиб олдингиз? Аввало, мен жуда сабрсиз ва ўжарман, энг яхшиси буни Катядан сўранг? Ундан кейин, ҳарбир масалага мен жуда тез қизиқаман.

Базаров Анна Сергеевнага қараб қўйди:

— Эҳтимол, буни мендан кўра ўзингиз яхшироқ биласиз, демак, баҳслашмоқчи бўласиз, марҳамат қилинг. Мен альбомингиздаги Саксония Швейцариясининг<sup>1</sup> манзараларини тамоша қилдим, сиз мени суратга қизиқмайсан дейсиз. Сиз бу гапни менда сан'аткорлик ҳаваси йўқ деб гумон қилганингиз учун айтдингиз. Тўғри, ҳақиқатан менда у нарса йўқ,

<sup>1</sup> Германияда Елга дарёси бошидаги гўзл тоғли бир жой.

лекин бу манзралар мени геология<sup>1</sup> нуқтаий назаридан, масалан, тоғларнинг тузилиши жиҳатидан қизиқтириши мумкин.

— Кечирасиз, геолог бўлсангиз расмлардан кўра геологияга оид махсус асарларга мурожаат қилардингиз.

— Китобда ўн сәҳифа блан баён қилинган нарсани расм менга осонгина, айнан кўрсатиб бериши мумкин.

Анна Сергеевна бироз сукут қилиб турди, кейин столга тирсаклашиб ва шу блан юзини Базаровга яқинлаштириб:

— Демак, sizда ҳечқандай сан'аткорлик ҳаваси йўқ экан-да? Бу қандоқ бўлди?

— Менга унинг нима кераги бор?

— Ҳеч бўлмаганда одамларни таниш, билиш учун. Базаров кулиб қўйди.

— Биринчидан, бунинг учун турмуш тажрибаси деган нарсa бор; иккинчидан, sizга арз қилай, айрим шахсларни билиш қийин эмас. Ҳамма одамлар, жисмоний жиҳатдан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам бир-бирларига ўхшайдилар. Ҳарбиримизда ҳам мия, талоқ, юрак ва ўпка бир хилда тузилган. Ма'навий хусусиятлари деган нарсa ҳам шундай: ба'зи бировларда буладиган жуз'ий фарқнинг ҳечбир аҳамияти йўқ. Одамларнинг нима эканини билиш учун бир нафар одам кифоя қилади. Одамлар ўрмонзорда ўсиб турган дарахтлар сингирдир, ҳечбир наботот олими ҳарбир қайин дарахти блан алоҳида шуғулланиб ўтирмайди.

Шошмасдан гул саралаб утирган Катя ҳайрон бўлиб Базаровга қаради ва унинг э'тиборсиз кўз қарашига тўқнаш келиб, қулоқларигача қизариб кетди. Анна Сергеевна эса бош чайқаб қўйди.

— Ўрмонзордаги дарахтлар денг-а, — деб такрорлади у, — демак, sizнингча, аҳмоқ киши блан ақлли киши ўртасида, яхши блан ёмон ўртасида фарқ йўқ экан-да?

<sup>1</sup> Ернинг пайдо бўлиши ва тузилишини баҳс этадиган фан.

— Йуқ эмас, фарқ бор: касал киши блан соғ киши ўртасида қандай фарқ бўлса, шундай фарқ бор. Сил касали блан оғриган кишининг ўпкаси, тузиллиши жиҳатдан бизларники сингари бўлса ҳам, лекин бошқача бўлади. Биз а'зодаги касалликларнинг нимадан келиб чиқишини тахминан бўлсаям биламиз. Ма'навий касалликлар эса, ёмон тарбияланишдан, одамнинг ёшлигиданоқ миясига сингдирилган ҳархил нуқсонлардан, қисқаси, жамиятнинг ярамас аҳволдалигидан келиб чиқади. Жамиятни тўзатсангиз касалликлар ҳам бўлмайди.

Базаров бу гапларни „ишонсанг ҳам, ишонмасанг ҳам — менга барибир!“ дегандай қиёфа блан гапирарди. У ўзининг узун бармоқлари блан чакка соқолини сийпаб, ҳадеб бурчакларга кўз югуртирар эди.

Анна Сергеевна:

— Демак сиз, жамият тўзатилгандан кейин аҳмоқлар ҳам, ёмонлар ҳам бўлмайди деб ўйласизми? — деди.

— Ҳарҳолда, жамият тўғри тўзилган бўлса одам аҳмоқми, ақллими, яхшими, ёмонми — ҳеч фарқи бўлмайди.

— Ҳа, тушундим, тушундим... ҳамманинг талоғи бир хилда бўларкан.

— Худди шундай, хоним.

Одинцова Аркадийга мурожаат қилиб:

— Сиз нима дейсиз, Аркадий Николаевич? — деб сўради.

— Мен Евгенийнинг фикрига қўшиламан.

Катя Аркадийга ер остидан қараб қўйди.

— Сизлар мени ҳайратда қолдираяпсизлар, афандилар, — деди Одинцова, — лекин биз ҳали бу тўғрида сизлар блан гаплашармиз. Ҳозир холамиз чой ичгани келаяптиларкан, бечорани тинч қўйишимиз керак.

Анна Сергеевнанинг холаси, княжна Х... ая меҳмонхонага кириб келди. Бу киши жуда арриқ ва пакана, юзи муштдай кичкина, оплоқ улама сочлари тагидан қараб турган кўзлари эзҳар ва ҳаракатсиз бир кампир эканлигини кўрсатиб турар эди. У, эшикдан кириши блан меҳмонларга бош эгар-эгмас, кенг бахмал курсига ўтирди. Бу курсига ундан бўлак

кишининг ўтиришга ҳаққи йўқ эди. Катя унинг оёқлари тагига кичкина курсича обкелиб қўйди, кампир унга раҳмат ҳам демади, ҳатто қарамадиям, ўзининг бутун нимжон гавдасини ўраб турган қалин сариқ рўмоли тагидаги қўлларини қимирлатибгина қўйди. Княжна сариқ рангни яхши кўрарди: унинг чепчи-гидаги лентаси ҳам оч сариқ эди.

— Яхши ухладингизми, холажон? — деб сўради Одинцова.

Унга жавоб бериш ўрнига:

— Бу ла'нати ит яна шу ерда экан-ку, — деб мингиллади кампир ва Фифанинг ўз томонига қўрқа-писа икки қадам қўйганини кўриб: — қоч, йўқол! — деб қичқирди.

Катя Фифини чақириб, эшикни очиб қўйди. Фифи эса, айлантиргани обкетишаяпти деб ўйлаб, чолиб ташқарига чиқди, аммо эшик орқасида ёлғиз қолганини кўриб, эшикни тирнамоққа ва увламоққа бошлади. Кампир қовоғини солинтирди. Катя чиқмоқчи бўлди...

— Чой тайёр бўлса керак, — деди Одинцова. — Қани, жаноблар, холажон, чойга марҳамат қилинг.

Княжна индамасдан ўрнидан турди-да, ҳаммадан бурун меҳмонхонадан чиқди. Унинг кетидан ҳамма столовойга чиқди. Столовойда ливрея кийган ёш хизматкор бола кампирнинг ёстиқлар қўйилган ўзига хос курсини тақир-туқур қилиб жойига обкелиб қўйди, кампир келиб ўтирди. Чой қуяётган Катя герб гулли пиёладаги чойни дастлаб кампирга узатди. Кампир эса, пиёласига асал солди (кампир ўзи ҳечнарсанга пул сарф қилмасаям, чойни қанд блан ичиш ҳам қиммат, ҳам гуноҳ деяр эди), бирдан хириллаган овоз блан:

— Кнесь<sup>1</sup> Иван нима деб ёзипти? — деб сўради.

Унга ҳечким жавоб қайтармади. Тездан Базаров блан Аркадий бу ердагилар кампирни ҳурмат қилишса ҳам, унга э'тибор қилмаганликларини сездилар. Базаров: „бу киши князь авлодидан, шунинг учун совлатга асраётган эканлар“ деб ўйлади...

<sup>1</sup> Князь сўзининг бузиб айтилган шакли.

Чойдан кейин Анна Сергеевна сайр қилиб келишни таклиф қилди, лекин ёмғир томчилаб тургани сабабдан, кампирдан бошқа ҳамма меҳмонхонага қайтиб келди. Анна Сергеевнанинг қарта ўйинини яхши кўрадиган қўшниси Парфирий Платонич деган киши ҳам келиб қолди. Бу киши йўғонгина, оёқлари қисқагина ўзи йўниб ясалган каби хипча, жуда боадаб ва кулонғич бир мўйсафид эди. Кўпроқ Базаров блан гаплашиб ўтирган Анна Сергеевна ундан:— Парфирий Платонич блан эскича преферанс ўйнамайсизми?— деб сўради. Базаров эса, келгусида район доктори бўлиш учун ўзининг шу мансабга олдинда-ноқ ҳозиргарлик кўриши кераклигини гапириб, рози бўлди.

Анна Сергеевна:

— Эҳтиёт бўлинг, Парфирий Платонич блан бизсизни енгамиз,— деб қўйди. Кейин Катяга қараб:— Сен, Катя, Аркадий Николаевичга бирор нарса чалиб бер; у музикани яхши кўради, бизлар ҳам эшитиб ўтирамиз,— деди.

Катя истар-истамасгина пианино олдига борди; Аркадий ҳам, гарчи музикани яхши кўрса-да, мажбуран унинг кетидан кетди: Аркадий „Одинцова мени атайлаб жўрттага турғизди“ деб ўйлади, чунки унинг кўнглида, ўз ёшида бўлган ҳарбир ёш йигитникига ўхшаш, қандайдир туманли ва кишини эзучи ишқ-муҳаббат туйғуси сингари бир нарса жўш урган эди. Катя пианинонинг қопқоғини очди-да, Аркадийга қарамасдангина, паст овоз блан:

— Нима чалиб берай?— деб сўради.

— Ихтиёр ўзингизда,— деб жавоб қайтарди Аркадий лоқайдгина.

Катя ўз вазиятини ўзгартирмасдан:

— Сиз қандай музикани яхшироқ кўрасиз?— деб қайта сўради.

— Классик музикани,— деб худди боягича жавоб қилди Аркадий.

— Моцартни<sup>1</sup> яхши кўрасизми??

— Ҳа.

<sup>1</sup> Машҳур немис композитори.



Катя Моцарт асарларидан це-моль соната фантазиясини ахтариб топти. У, бироз оғирроқ ва руҳсиз чалса-да, лекин жуда яхши чаларди. Катя, лабларини маҳкам қисиб, нотадан кўзини олмасдан, қимирламай, тўппа-тўғри ўтирар эди ва фақат сонатанинг охирига келгандагина юзи ўт каби ёниб, парижон сочининг бир-бирнеча толаси қора қоши устига тушди.

Аркадийни хусусан сонатанинг сўнгги қисми жуда ҳайратда қолдирди, унда қандайдир беғам ва кишини мафтун этадиган кўнгилли бир куй орасида тўсатдан қайғули ва фожияли бир оҳанг пайдо бўлиб қолди... Брок Моцарт садолари блан унинг бошида қўзғолган хаёлларнинг Катяга алоқаси йўқ эди. У Катяга қарар экан: „бу қиз ёмон чалмайди, ўзи ҳам чакки эмас“ деб ўйлади, холос.

Сонатани тамомлагандан кейин, Катя, қўлини пизинодан олмасдан туриб „Басми?“ деб сўради. Аркадий эса, сизни ортиқ машаққат чектиришга ҳаддим сизмайди, деди ва у блан Моцарт тўғрисида гаплаша кетди. Аркадий ундан бу сонатани ўзингиз танладингизми, ёнки сизга биров тавсия қилдимиз? — деб сўради. Лекин Катя унга қисқагина жавоб бердию, хаёлга чўмди. У, ўзида шундай ҳол воқи' бўлиб қолган чоқларда узоқ вақт гапирмай, жим туриб қолар эди, унинг чеҳраси ҳам ўжар, қарийб анқов тусига кирар эди. У, қўрқоқ ҳам эмас, салки бировга ишонмайдиган ва ўзини тарсия қилган опаси томонидан бироз чўчитиб қўйилган бир қиз эди, опаси эса бундан мутлақо беҳабар эди. Аркадий бу ҳолни кўриб, шу орада уйга қайтиб ки ган Фифини чақириб олди-да, беларво бир ҳолат ҳосил қилмоқ учун, мулойим жилмайиб, итнинг бошини сийпалайбошлади. Катя эса, яна гул саралашга киришди.

Базаровнинг эса жарима тўлашдан боши чиқмасди. Анна Сергеевна қартага жуда уста. Пэрфирий Платонич ҳам бўш келмасди. Базаров ютқазиб қўйди, ютқазган пули кўп бўлмаса ҳам, лекин анчагина алам қилди. Кечки овқат маҳалида Анна Сергеевна яна наботот ҳақида сўз очди.

— Эртага эрталаб сайрга чиқайлик,— дейди у Базаровга,— мен сиздан дала ўсимликларининг лотинча номлари блан хусусиятларини билиб олмоқчиман.

— Лотинча номларининг сизга нима кераги бор?— деб сўради Базаров.

— Ҳамма нарсада тартиб бўлиши керак-да,— деб жавоб қайтарди Одинцова.

Аркадий, ўзлари учун ажратилган уйда дўсти блан ёлғиз қолгандан кейин:

— Анна Сергеевна нақадар ажойиб аёл-да,— деди Аркадий.

Базаров унга жавоб бериб:

— Ҳа, мияли хотин, кўпни кўрган, — деди, — сен буни, Евгений Васильич, қай ма'нода айтаяпсан?

— Яхши ма'нода, яхши ма'нода, жоним, Аркадий Николаич! Мен унинг ўз ер-сувини ҳам жуда яхши идора қилишига кўзим етади. Аммо ажойиб деганинг у эмас, балки унинг синглиси.

— Нучук? Ўша қорамағиздан келган қиз-а?

— Ҳа, ўша қорамағиз қиз. Мана бу онаси ўпмаган ҳуркак, индамас, хуллас, нимайки истасанг — ҳаммаси унда бор. Ана унинг пайдан бўлсанг бўлади. Уни истасанг йўлингга солаоласан, каттаси бўлса ҳўл обориб қуруқ обкелади.

Аркадий Базаровга ҳечнима деб жавоб ҳам қайтармади ва ҳар иккаласи ўз ўй-хаёли блан уклашга ётди.

Анна Сергеевна ҳам ўша куни кечаси ўз меҳмонлари тўғрисида ўйланиб ётди. Базаровнинг қўполлиги ва фикрларининг қат'ийлиги унга жуда ёқиб қолди. Анна Сергеевна Базаровда илгари ўзи учратмаган қандайдир янгиликни кўрди ва бунга жуда қизиқиб қарар эди.

Анна Сергеевна жуда ғалати бир зот эди. Ҳар қандай бид'атдан ва кучли диний э'тиқоддан холи бўлиб, ҳеч ён бермас ва ҳечқандай йўлга юрмас эди. Кўп нарсалар унга аён, кўп нарсага ҳаваскор ва ҳечнарсанга уни тўла қаноатлантирмас эди; тўла

қаноат ҳосил этиш ҳам гумонли эди. У ҳарнарсани билишга тиришар ва айни замонда ҳамма нарсага лоқайд қарар эди; унинг шубҳалари ҳечқачон тугамас, лекин унинг шубҳалари унитиш ва ҳаяжон даражасига етмас, агар у бой ва мустақил бир киши бўлмаганида эди, эҳтимол, ўзини уёқ-буёққа ташлаб эҳтирос нима эканини билар эди... У, ба'зан зерикса ҳам, лекин яхши яшарди, ҳеч шошилмасдан ва ба'зи-ба'зидагина ҳаяжонга тушар эди. Ба'зан унда эҳтирос туйғулари пайдо бўлар, аммо у бу туйғулар сўнгандан кейин ором олар ва уларнинг тез сўнганига афсусланмас эди. Унинг хаёли ҳатто оддий ахлоқий қонунлар жониз кўрган чегаралардан ҳам ўтиб кетар эди; аммо бундай пайтларда ҳам унинг қони ўзининг жозибадор, келишган ва осойишта баданидан боягидек секин оқа берар эди. Хушбўй ваннага тушиб бутун бадани иссиқ ва латиф бўлиб чиққан вақтларида, у, ҳаётининг пучлиги, қайғу-ҳасратлари, машаққат ва ташвишлари тўғрисида хаёлга чўмар эди... Руҳида бирданига дадиллик, яхши ниятлар туғиларди, лекин шу орада ярим очиқ деразадан шамол эсса, Анна Сергеевна бужмайиб олар, зорланар, ҳатто жаҳли чиқар ва шу тобда унга ёлғиз бир нарсани: ўша бадбахт шамолнинг тегмаслигинигина истар эди.

Ҳечкимни умрида яхши кўролмаган ҳарбир аёл сингари, у нимадир истар, лекин нима истаганини ўзи ҳам билмас эди. У алланималарни орзу қилаётгандай бўлса ҳам, лекин ҳақиқатда ҳечнимани истамасди. Анна Сергеевна марҳум Одинцовни сра суймас эди. (У Одинцовга давлати учунгина теккан эди, лекин шу билан бирга уни яхши киши деб ҳисобламаганида, эҳтимол, унга тегмаган ҳам бўлар эди). Умуман ҳамма эркаклардан ҳам пинҳона жирканар, уларни бадбашара, вазмин, ланж ва эзма зотлар деб тасаввур этар эди. У бир вақтлар чет элда, қаердadir, бир ёш ва чиройли, кенг пешонали, кўк кўзли бир шведни учратган, бу кимса унинг кўнглига жуда ёқиб қолган, лекин бу воқиа унинг Русияга қайтиб келишига монидир бўлмаган эди.

У ўзининг ажойиб тўшагида, тўр ёстиқларга бош қўйиб ва енгил шойи кўрпаси остида ётаркан: „Бу табиб ғалати бир киши экан-а!“ деб ўйларди. Анна Сергеевна ўз отасидан бир қадар зиннатпарастлик майлини мерос қилиб олган эди. У ўзининг гуноҳкор, лекин меҳрибон отасини жуда яхши кўрар эди, отаси эса уни жуда ҳам яхши кўрар, у блан тенгдошидек, дўстона ҳазиллашар, унга батамом ишонар ва у блан доимо маслаҳатлашар эди. Онасини эса унча эслалмас эди.

„Бу табиб жуда ғалати одам!“ деб такрорлади у ичида. У, бир керишди, кулимсиради, қўлларини бош остига қўйиб олди; кейин қандайдир бемаъни бир француз романини олиб, бир-икки саҳифасини кўздан кечирди, сўнгра китобни қўлидан тушириб юбориб, озода ва хушбўй ички кийимида пок ва муздаккиналигича ухлаб кетди.

Эртасига эрталаб Анна Сергеевна ноништадан кейин Базаров блан наботот машғулотига чиқиб кетди ва уйга фақат обед маҳалидагина қайтиб келди; Аркадий ҳеч қаерга чиқмади ва бир соатча вақтини Катя блан бирга ўтказди. Аркадий Катя блан бўлганида зерикмасди, Катя кечаги сонатани яна чалиб бермоқчи бўлди. Лекин Одицова қайтиб келгач, уни кўрган Аркадийнинг юраги бирдан увишиб кетди... Одицова боғчада бир қадар ҳоригандай қадам ташлаб келар эди. Унинг бетлари қизарган ва кўзлари похол шляпа тагида, одатдагидан кўра нурлироқ бўлиб ярқирар эди. У, ингичка бир дала гулининг чўпидан ушлаб қўлида айлантларар, елкасига ташлаган енгил камзули (мантилия) тирсақларига, шляпасининг кенг ва кулранг ленталари кўкрагига тушиб турар эди. Базаров, одатдагидай шағдам қадам ташлаб, унга эътибор қилмасдан унинг орқасидан келар эди, лекин унинг чеҳраси хушчақчақ ва ҳатто мулойим бўлса ҳам, Аркадийга ёқмади. Базаров тил учигагина: „Салом!“ деди-да, ўз хужрасига қараб кетди. Одицова ҳам, паришон бир суратда, Аркадийнинг қўлини қисди-да, у ҳам ўтиб кетди.

Аркадий: „саломмиш, бугув кўришмовдикми“ деб кўйди.

## XVII

Вақт (турган гап) ба'зан қушдай тез учади, ба'зан тошбақадай судралади, броқ инсон учун вақтнинг тезми ёхуд секунми, сезилмай ўтгани кўпроқ ёқади. Аркадий блан Базаров Одинцованинг уйида худди ана шу тарзда ўн беш кунча вақт ўтказдилар. Бунга Одинцованинг уйида ва машаатида жорий қилинган тартиб ҳам қисман сабабчи бўлди. Одинцова бу тартибга маҳкам риоя қилар ва бошқаларни ҳам бу тартибга итоат этишга мажбур қиларди. Эртадан кечгача ҳарбир иш ўз вақтида бажариларди. Эрта-лаб, худди соат саккизда, ҳамма чойга ҳозир бўлар, чойдан кейин тушликкача ҳарким ўз истаган иши блан машғул бўларди. Хонимнинг ўзи эса прикашчик (деҳқонлар оброк тўлаб турарди), дворецкий ва бош омборчи хотин блан шуғулланарди. Обед олдидан ҳамма бир жойга йиғилиб китоб ўқишар ёки суҳбат қилишарди. Кечани сайр-тамоша, қарта ўйини, музыка блан ўтказилар эди. Соат ўн яримда Анна Сергеевна ўз бўлмасига кириб кетар ва эртанги кун учун буйруқлар бериб, кейин ухлашга ётарди. Кундалик ҳаётининг бундай ўлчовли, бирмунча тантанали равишда ўтиши Базаровнинг кўнглига ёқмас эди. У: „худди темир йўл изидан юргандай бўласан киши“ деб айттарди. Ливрея кийиб юрган лакийлар, вқорли дворецкийлар унинг демократик туйғуларини ҳақорат қиларди. У бундай йўлга киргандан кейин, обедни ҳам энди инглизчасига оқ жийлан кийиб, оқ галстук тақиб қилиш керак, дерди. У бир кун бу тўғрида Анна Сергеевнага ҳам очиқ айтди. Анна Сергеевна ўзини шундай тутар эдики, ҳарбир киши унинг олдида ўз фикрини ҳечбир киноясиз, тўппа-тўғри айтаоларди. У, Базаровнинг гапини тинглагандан кейин: „ўз нуқтавий назарингизда сиз ҳақлисиз, бу масалада мен, аҳтимол, баринадурман, лекин қишлоқ ерида бетартиб туриб бўлмайди, зериктириши мумкин“ деди ва ўз тартибини давом қилдираверди. База-

ров пингиллаб, порозилик билдириб юрар эди. Лекин унинг ҳам, Аркадийнинг ҳам Одинцованикида яхши турганларига сабаб—бу ерда ҳамма нарса „темир йул изидан юргандай“ бўлишида эди. Шу ўртада, я'ни Никольскийга келган кунларидан бошлаб, ҳар иккала ёш йигитда катта ўзгариш содир бўлди. Базаровда (Анна Сергеевна унинг фикрларига камдан-кам қўшилса ҳам, лекин унга бироз ён берарди шекилли) илгари бўлмаган ташвиш сезила бошлади: у дарров жаҳли чиқадиган, суҳбат ёқтирмайдиган, ҳаммага ўқрайиб қарайдиган ва бир жойда тинч ўтираолмайдиган, гўё уни бир нарса оқизиб кетаётгандай бўлиб қолди. Аркадий эса, Одинцовага бутунлай шайдо бўлиб қолдим деб ўйлаб, аста-секин ма'юсликка туша бошлади. Шундай бўлса ҳамки, бу ма'юслик унинг Катя блан дўстлашувига халақит бермади ва ҳатто бу ма'юслик Катя блан мулоҳим, дўстона муносабатлар боғлашга ёрдам берди. Аркадий: „Опаси менинг қадримга етмайди-я! Майли!.. лекин мана бу меҳрибон зот ундай эмас, мендан юз ўғирмайди“ деб ўйларди ва шундан кейин унинг қалби яна ширин туйғуларни татирди. Катя эса ўз суҳбатидан Аркадийнинг қандайдир тасалли қидирганини сал-пал бўлса-да, тушунар ва бу ма'сумона дўстликдан уни ҳам, ўзини ҳам маҳрум қилмас эди. Анна Сергеевна борида улар бир-бирлари блан гаплашмасдилар: Катя опасининг сергак қарашидан доим сиқилиб ўтирарди, Аркадий эса, ҳарбир ошиқ бўлган кишидай, ўз ёри бор жойда бошқа ҳеч нарсага э'тибор қилаолмас эди. Аммо Катя блан ёлғиз қолганда айни муддао бўлар эди. У, Одинцовани суҳбатга тортиш қўлидан келмаслигини фаҳмларди. У, Одинцова блан хилватда қолганида уялар, ўзини йўқотиб қўярди. Одинцова ҳам унга нима дейишни билмасди: унинг учун Аркадий жуда ёш кўринар эди. Аксинча, Катя блан ёлғиз қолганида, Аркадий ўзини худди ўз уйидагидек ҳис қиларди. У, Катя блан яхши муомала қиларди, унинг музикадан, ҳикоя ва ше'р ўқишдан ва шу каби бошқа аҳамиятсиз нарсалардан олган таассуротини эркин равишда айтиб беришига мониқ бўлмас эди, аммо ўша аҳамиятсиз нарсалар айни

замонда ўзини ҳам қизиқтирганини сезмас ёки англамас эди. Ўз навбатида Катя ҳам унинг ма'юс ўтиришига мони' бўлмас эди. Аркадий учун доим Катя блан, Базаров учун эса Одинцова блан бирга булиш. яхши эди, шунинг учун улэр одатда, хусусан сайр-тамоша қилиб юрган вақтда шундай қилишар эдилар: ҳар иккала жуфт бир пас бирга юргандан кейин, ҳарқайси жуфт ўз йулига ажралиб кетар эди. Катя табиатни жуда яхши кўрар эди. Аркадий ҳам табиатни суярди, лекин буни иқрор этгуси келмас эди. Одинцова эса, табиатга Базаров сингари лоқайд қарар эди. Базаров блан Аркадийнинг доимо бир-бирларидан ажралиб юришлари оқибатсиз қолмади: уларнинг муносабатлари ўзгара бошлади. Базаров Одинцова тўғрисида Аркадий блан гаплашмайдиган бўлиб қолди. Ҳатто Одинцованинг „аристократик одатларини“ ҳам танқид қилишдан тўхтади, Катяни эса илгаригича мақтар ва фақат унинг ҳиссиётини бироз юмшатиш керак деб маслаҳат берар, лекин унинг мақтовлари шошилишч, маслаҳатлари қуруқ ва умуман Аркадий блан ҳозир илгаригидан анча кам гаплашар эди... Аркадийдан қочгандек, ундан худди уялгандек бўлиб кўринар эди...

Аркадий буниг ҳаммасини сезар, лекин пинҳона сақларди.

Бу „янгиликларнинг“ асл сабаби: Одинцова Базаровга шундай бир туйғу талқин этганида эдики, бу туйғу Базаровни қийнар ва ғазаблантирар эди. Башарти бирор киши, узоқ кяноя блангина бўлса ҳам, Базаровда шундай туйғу пайдо бўлганини айтақолса, Базаров бу тўғридан дарҳол жирканч қаҳқаҳа ва беҳаёлик блан сўкиниб воз кечган бўлур эди. Базаров ўтакетган хотинбоз ва чиройлик хотинларни жуда яхши кўрар эди. Лекин ҳақиқий ишқини, ёки, ўзича айтганча, романтик муҳаббатни сафсата, кечариб бўлмайдиган тентаклик деб, рицарлик туйғуларни эса аллақандай телбалик ёки касаллик деб билар ва нима учун миннезэнгер ҳам трубадурлар<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Урта асрларда рицарлар табақасига мансуб бўлган ва аёлларни мадҳлаб ёзган шoirлар (Миннезингерлар — жанубий Францияда, трубадурлар — Германияда бўлганлар.

Блан бирга Тоггенбургни<sup>1</sup> сариқ уйга қамаб қўймаган эканлар?—деб доим ажабланиб сўзлар эди. У: „Сенга бир аёл ёққан бўлса ундан бирор иш чиқаришга ҳаракат қил, иложи йўқ экан, майли кераги йўқ, тескари қараб кетабер, бошқаси топилиб қолар“ дер эди. Одинцова унга ёқиб қолди; Одинцова тўғрисидаги миш-миш гаплар, унинг эркин ва мустақил фикр юргизишлари, унинг Базаровга ҳеч шаксиз кўнгли қўйганлиги — булар ҳаммаси Базаров фойдасига гапиргандай бўлиб кўринар эди. Броқ у „Одинцовадан ҳеч иш чиқмаслигини“ тезда фаҳмлаб қолди, аммо Одинцовадан ўзини четга тортишга ожиз ва бунга ўзи ҳам ҳайрон эди. Одинцовани эслаган вақтда унинг қони қайнаб кетарди, у ўз қонини осон енгаолар, лекин унинг кўнглига бошқа, ўзида бўлишини ҳеч қачон кутмагани ва ҳамавақт ўзи кулиб юргани бир нарса ўрнашиб қолган эди ва бу нарса унинг нафсига тегар эди. Анна Сергеевна блан гаплашиб ўтирган вақтларида у ҳарқандай романтикани илгаригидан ҳам баттар танқид қилар эди, аммо ёлғиз қолган чоқларида ўзига-ўзи ҳайрон бўлиб, ўзи романтик бўлиб кетганини сезар эди. Шундай вақтларда у, ўрмонга чиқиб кетар ва унда катта-катта қадам ташлаб юрар, дуч келган новдаларни сивдирар, шивирлаб, ўзини ҳам, Анна Сергеевнани ҳам сўқиб юрар эди, ённки саройдаги бедахонага кириб ётиб олар ва кўзларини юмиб, ухлашга тиришар эди, аммо кўпинча, шубҳасиз, ухлайолмасди. Бирдан Базаровнинг миясига турли хаёллар келарди: Одинцованинг уша ма'сум қўллари қачон бўлса ҳам унинг бўйнини қучоқлаб олар, уша мағрур лаблар унинг бўсасига жавоб берар, уша ақлли кўзлар

<sup>1</sup> Немис шоирларидан Шиллернинг, рус тилида В. Жуковский томонидан таржима қилинган „Рицар Тоггенбург“ деган асаринда, рицар Тоггенбургнинг бир хотинга ошиқ бўлиб, мақсадига эришаолмаганидан кейин нечук урушга кетгани тўғрисида дикоя қилнади. Урушдан қайтиб келиб ўз ма'шукасининг монастырга кетганини билгандан кейин, Тоггенбург ўзи ҳам ма'шукасига қўшни бир монастырга жойлашиб, хилватга қолган ва кеча-кундуз ма'шукасини хотирлаб, умрини ширин кайл блан кечирган.



унинг кўзларига мулойим тикилиб қараб қолар ва шунда боши айланиб, яна ўзига келиб ҳайратда қолгунича бир лаҳза ўз-ўзини унутиб қўяди. У худди шайтон васваса қилгандай бошига ҳархил „уят“ фикрлар келганини фаҳмлар эди. Ба'зан унга Одиновада ҳам қандайдир ўзгариш содир бўлаётгандай, унинг чеҳраси қандайдир алоҳида бир тус олгандай бўлиб кўринар эди, ким билсин, эҳтимол... Брок бошига шундай фикрлар келганда Базаров одатда ер тепинар ёнги тишларини гижирлатиб, мушти блан ўз-ўзига таҳдид қилар эди.

Ҳарҳолда Базаров кўп ҳам янглишмади. У, чиндан ҳам Одинованинг юрагини жароҳатлаган эди. У Одинованинг ақлини банд қилган. Одинова унинг ҳақида кўп ўйлар эди. Базаров йўқлигида Одинова гарчи зерикмас ва уни кутмаса ҳам, лекин унинг пайдо бўлиши Одиновани дарҳол жонлангирар эди; Одинова Базаров блан жон деб ёлғиз қолар ва у блан жон деб суҳбатлашар, ҳатто Базаров жаҳлига тегса ҳам, ёки унинг дидини, гўзал одатларини таҳқир этса ҳам, ундан қочмас эди. Гўё у ўзини ҳам, Базаровни ҳам синаб кўрмоқчи бўлар эди.

Бир куни Одинова блан боғда айланиб юрганда тўсатдан Базаров хафа бўлган овоз блан, яқинда қишлоққа, отамнинг олдига кетишим керак, деб қўйди... Одинованинг юрагига гўё бир нарса санчилгандай юзлари оқариб кетди, шу қадар қаттиқ санчилгандай бўлдики, „бу нима экан“ деб ҳайрон бўлиб қолди. Базаров ўзининг жунаши тўғрисидаги хабарни уни синаш ва нима бўларкан, деб айтгани йўқ: у ҳечвақт „ёлғоч тўқимас“ эди. У ўша куни эрталаб отасининг прикашчиги, ўзининг собиқ амакиси<sup>1</sup> Тимофеич блан кўришган эди. Бу Тимофеич кўпни кўрган ва чаққон, ранги ўчган, сариқ соч, бетини шамол ялаб қизартирган, кўзлари қисик ва сал ёшланиб турган бир чол эди. Бу чол устига кулранг кўкимтил қалин мовутдан калта чакман

<sup>1</sup> Амаки—помещик боласи ёнига қўйилган ва унинг ҳархил ишларини ба карадиган крепостной хизматкор.

кийган, белига узилган эски камар боғлаган ва оёғига солдāt этиги кийган ҳолда тўсатдан Базаров ҳузурида пайдо бўлиб қолди. Базагов уни кўриб:

— Ҳа, бобой, саломат бормисан!—деди.

— Шукур, Евгений Васильич афанди,— деди чол ва хурсанд бўлиб кулимсиради ва кулимсирашдан бирданига юзлари буришиб кетди.

— Нега келдинг? Ё мени обкетгани юбордиларми?

— Йўғе, тақсир, ундай эмас!— деди Тимофеич (йўлга чиқяшда хўжайини тайинлаган гапни эслаб),— жаноб хўжайинларнинг иши блан шаҳарга кетаётган эдик, сизнинг бу ерда эканлигингизни эшитиб йўлакай кирдик, я'ни сиз жанобларини кўриб чиқайлик дедик... йўқса, сизни безовта қилиш мумкинми, ахир!

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Ёлғон гапираяпсан, чол. Шаҳарга бу ёқдан йўл йўқ-ку?

Тимофеич тарадудланиб қолди ва ҳечқандай жавоб қайтармади.

— Ота соғ-саломат бормилар?

— Худога шукур.

— Волидамиз-чи?

— Арина Васильевна ҳам, худога шукур, соғ-саломат борлар.

— Мени кутишаётгандир-а?

Чол ўзининг муштдек бошини бир ёққа қийшайтириб:

— Вой, Евгений Васильевичей, ноҳот кутишмаса! Худога ишонсангиз, ота-онангиз сизни соғиниб-саргайиб бўлишди.

— Жуда яхши! Кўп сайрайверма. Уларга айт, тезда бориб қоларман.

Тимофеич оҳ тортиб:

— Хўп, тақсир,— деди.

Уйдан чиққандан кейин у иккала қўли блан шапкасини бошига кийди ва дарвоза олдида қолдириб кирган жуда эски аравасига минди-да, отини йўртдириб йўлга тушди. Лекин кетаётган йўли шаҳар томонга эмас эди.

Ўша куни кечқурун Одинцова ўзининг бўлмасида Базаров блан суҳбатлашиб ўлтирарди. Аркадий эса, залда уёқдан-буёққа юриб, Катянинг музика чалганини тинглар эди. Княжна уз бўлмасига, юқорига чиқиб кетган эди. Унинг умуман меҳмонларга тоби йўқ, айниқса, ўзи айтганича, „янги беҳаёллар“га тоби йўқ эди. Меҳмон қабул қиладиган хоналарда у фақат қовоғини солинтириб утирарди, аммо уз бўлмасида, ўзининг оқсочи олдида ба'зан шундай ифлос сўзлар блан сўкивар эдики, ҳатто уламэ сочи блан чепеци титраб турарди. Одинцова унинг бу одатларини яхши билар эди.

— Нега эди кетаман деяпсиз, ва'дангиз қани?— деб гап бошлади Одинцова.

Базаров сесканиб кетди.

— Қандай ва'да?

— Эсингизда йўқми? Сиз менга ким'ёдан бирнеча дарс бермоқчи бўлган эдингиз.

— Нима қилай! Отам тўрт кўз блан кутаётган эмишлар, буздан ортиқ кечикишимнинг сра иложи йўқ. Айтгандек, сиз *relause et Fremy. Notions gènérales de Chine*<sup>1</sup> деган китобни уқиб чиқсангиз бўлади, бу китоб яхши ва содда ёзилган. Ўзингизга керак бўлган ҳамма нарсани ўша китобдан топишингиз мумкин.

— Эсингиздами, сиз менга, китоб... эсимдан ҳам чиқиб қолипти, ниманингдир урнига утаолмайди деган эдингиз, мелинг нима демоқчи эканлигимни билиб турган бўлсангиз керак... Эсингиздами?

— Нима қилай! — деб такрорлади Базаров.

— Кетиб нима қиласиз? — деди Одинцова, товушини пасайтириб.

У Одинцовага қараб қўйди. Одинцова, боши блан курсига суяниб, тирсагигача яланғоч қўлларини чалмаштириб кўкрагига қўйди. Қўздан тўр қилиб тўсилган чироғнинг хира шу'ласида унинг юзлари яна ҳам оқроқ бўлиб кўрилар эди. Кенг оқ кўйлагини ўзининг юмшоқ бурмалари блан унинг бугун гавда-

<sup>1</sup> „Ким'ё тўғрисида умумий ма'лумот“.

снни бекятиб турар, чалиштвриб олган оёғининг учларигина этақ остидан салгина кўришиб турарди.

Базаров унга жавоб бериб:

— Қолиб нима қиламан?— деди.

Одинцова бошини биров четга бурди.

— Нима қилар эдингиз? Бизникида ё зеркиб қолдингизми? Ё кетишингизга ҳечким афсус қилмайди деб уйлайсизми?

— Ҳа, бўлмаса-чи.

Одинцова биров жим бўлиб қолди.

— Хато қиласиз, лекин бу сўзингизга ишонмайман. Сиз чин кўнгилдан шундай деялмайсиз,—Базаров жим утираверди.— Евгений Васильевич, нега индамайсиз?

— Нима десам бўлади сизга? Одамлар тўғрисида умуман афсус қилиш арзймайди, айниқса, хусусан менинг тўғрида.

— Сабаб?

— Мен ижобий кишиман, бундай киши одамларга ёқмайди. Гапга ҳам уста эмасман.

— Сиз иззат талабга ўхшайсиз, Евгений Васильевич.

— Менда бундай одат йўқ. Ҳаётнинг сиз яхши кўрган гўзал томонларига бизнинг қўлимиз етмаслигини ўзингиз ҳам билсангиз керак?

Одинцова даструмолининг учини бирнеча марта тгшлади.

— Нима десангиз денг-у, лекин сиз кетгандан кейин мен зеркиб қоламан.

— Аркадий қолади-ку,—деб қўйди Базаров.

Одинцова енгилгина кифтини қисиб қўйди ва сўзини такрорлаб:

— Зеркиб қоламан,— деди.

— Ростдан айтаяпсизми? Ҳар ҳолда узоқ зерикмассиз.

— Нега бундай деб уйлэйсиз?

— Чунки сиз ўзингиз, уйимда тартиб бузилган вақтдагина зеркиб қоламан, деб айтган эдингиз. Сиз турмушингизни шундай бекаму-кўст тўғри қургансизки, бундай турмушда на зеркиш, на ғусса, на бошқа бирор оғир ҳисга ўрин бўлмаслиги керак...

— Энди сиз мени бекам-кўст... я'ни турмушни тўғри изга солган деб ўйлайсизми?

— Бўлмасачи! Мана, масалан: бирнеча минутдан кейин соат ўн бўлади ва мен олдиндан биламанки, сиз мени ҳайдаб чиқазасиз.

— Йўқ, йўқ, ҳайдамайман, Евгений Васильевич, қолишингиз мумкин. Уша деразани очиб қўйсангиз... жуда бўғилиб кетаяпман.

Базаров ўрнидан туриб, деразани итариб юборувди, дераза қарсиллаб очилиб кетди... У, деразанинг бундай осон очилишини билмаган эди, бунинг устига қўллари қалтираб турган эди. Дераза очилиши билан қопқора осмон, шовуллаб турган дарахтлар кўринди ва уйга соф ҳаво кирди.

Одинцова Базаровга мурожаат қилиб:

— Пардани тушириб қўйинг-да, утиринг! Кетишингиз олдиндан сиз билан бироз суҳбатлашгим келади. Сиз менга ўз тўғрингизда бирор нарса ҳикоя қилиб берсангиз, сиз ҳечқачон ўз тўғрингизда гапирмайсиз,— деди.

— Мен сиз билан фойдали нарсалар тўғрисида суҳбатлашишга ҳаракат қиламан, Анна Сергеевна.

— Сиз жуда камтар кишисиз... Лекин мен ўз тўғрингизда, оилангиз тўғрисида, бизни ташлаб, олдига кетаётганингиз отангиз тўғрисида бирор нарса билмоқчи бўлар эдим.

Базаров: „Нима учун бу бунақа гапларни гапираяпти-я?“ деб ўйлади ва эшитдириб:

— Буларнинг ҳеч қизиги йўқ, хусусан сиз учун, биз қора халқмиз...— деди.

— Мен-чи, сизнингча киборларданми?

Базаров Одинцовага қаради-да, шартта кесиб:

— Ҳа,— деди.

Одинцова кулиб қўйди.

— Менингча, гарчи сиз ҳамма одамлар бир-бирига ўхшайди ва уларни айрим ўрганишнинг ҳожати йўқ десангиз ҳам, сиз мени яхши билмас экансиз, вақти келиб мен сизга ўз турмушимни гапириб берарман... лекин аввало сиз менга ўз ҳаётингизни гапириб беринг.

— Мен сизни яхши билмайман,— деди Базаров яна,— эҳтимол, сизнинг сўзингиз тўғридир. Эҳтимол, ҳақиқатан ҳам ҳарбир киши муаммодир. Масалан, сизнинг ўзингизни олайлик: сиз ўзингизни жамиятдан четга тортасиз, ундан қочасиз ва уйингизга яқинда студентни олиб келиб ўтирибсиз. Нима учун сиз шундай ақлингиз ва шундай ҳуснингиз билан қишлоқда яшайсиз?

Одинцова чаққон унинг сўзини олиб олиб:

— Нима? Қандай дедингиз? Менинг... ҳусним билан?— деди.

Базаров қовоғини солди.

— Бунисяку барибир-а, мен, сизнинг қишлоқда туриб қолишингизнинг сабабини яхши тушунаолмайман деб айтмоқчи эдим.

— Сиз бунга тушунмайсиз... Лекин ўзингизча бирон хулоса чиқаргандирсиз?

— Ҳа... менингча, сизнинг доимо бир жойда туриб қолишингизнинг сабаби— сиз ўзингизни эркалатиб қўйибсиз, чунки, бекам-кўст ҳаёт кечирishing жуда яхши кўрасизу бошқаси билан ишингиз йўқ.

Одинцова яна кулимсираб қўйди.

— Сиз шунга қат'иян ишонганми?

Базаров унга еростидан қараб қўйди.

— Ишингиз бўлган тақдирда ҳам шундайки би-лиш учунгина, вассалом.

— Ростдан шундай деб уйлайсизми? Ундай бўлса, гапимиз тўғри келганининг сабабини энди билдим, сиз ҳам худди менга ўхшайсиз-ку.

Базаров гурунглаб:

— Ҳа, гапимиз тўғри келиб қолди...— деб қўйди.

— Айтгандек, сизнинг кетмоқчи бўлганингизни эсимдан чиқариб қўйибман.

Базаров ўрнидан турди, қоронғилашиб қолган, хушбўй, хўлат уй ўртасидаги чироғ хира нур сочиб турар эди, ҳарзамон ҳилпиллаб турган парда орқали уйга кишини қитқловчи соф ҳаво кириб, қулоққа туннинг сирли шивирлаши эшитиларди. Одинцова қимирламасдан жим ўтирарди. Лекин секин-аста бутув вужудини аллақандай сирли ҳаяжон чулғаб олмақда эди... Бу ҳол Базаровга ҳам ўтди. У бирда-

нига ўзининг ёш ва чиройли аёл блан хилватда қолганини сезди.

Одинцова секин:

— Қаёққа?— деб сўради.

Базаров ҳечнима демасдан курсига ўтирди.

Одинцова кўзини деразадан узмай, бояғи товуш блан гапини давом этди:

— Демак, сиз мени оғир, эрка ва нозанингина бир зот деб ўйлаётган экансизда? Аммо мен ўзимни бахтсиз бир киши деб ҳисоблайман,— деди.

— Сиз бахтсиз? Сабаб? Ноҳотки сиз бе'мани ғийбатларга аҳамият берсангиз-а?

Одинцова қовоғини солди. Базаров гапини бундоқ тушунганлигига афсусланди.

— Бу ғийбатларга мен э'тибор ҳам қилмайман, Евгений Васильевич, мен бу гаплардан хийла юқори тураман. Менинг бахтсиз бўлишимнинг сабаби манда яшаш ҳаваси йўқлиги. Сиз менга ишонмай қарайсиз-а, сиз бу гапларни бошдан-оёқ шойига ўралиб, бахмал курсига суяниб ўтирган бир „аристократка“ гапираяпти, деб ўйлайсиз. Мен буни яширмайман ҳам: мен сизнинг яхши ҳаёт деб атаган нарсангизни яхши кўраман ва шу блан бирга дун'ёда яшашга унча тобим ҳам йўқ. Бу қарама-қаршилиқни қандай тушунасиз шундай тушунаверинг. Айтгандек, сизнинг назарингизда булар ҳаммаси романтизмдан бўлак нарса эмас.

Базаров бошини чайқаб қўйди.

— Сиз соғ-саломатсиз, ўзингизга хон, ўзингизга бексиз, давлатмандсиз, тагин нима? Яна нима истайсиз?

Одинцова Базаровнинг сўзини такрорлаб:

— Нима истайманми?— деди ва оғир нафас олди.— Мен жуда чарчадим, қариб қолдим, жуда узоқ умр кўргандай кўринаман.— Одинцова мантильясининг учларини яланғоч қўллари устига секингина тортиб қўйиб, яна.— ҳа, қариб қолдим,— деди. Унинг кўзлари Базаровнинг кўзлари блан тўқнашди. У салгина қизарди, — ўтмишим хотирларга жуда бой: Петербургда туришим, бойлик, кейин камбағаллик, ундан кейин. отамнинг вафот этиши, эрга тегишим, кейин

четэлга боришим... хотиралар кўп-ку, лекин хотирга оладиган ҳечнарсга йўқ; олдда, олдимда узоқ йўл, лекин мақсад деган нарсга йўқ... шунинг учун бу йўлдан боргим ҳам келмайди.

— Шундай ноумидмисиз?— деди Базаров.

— Йўқ,— деди чўзиб Одинцова,— лекин мен қа-ноат ҳосил этган эмасман. Агар бирон нарсгага астой-дил боғланаолсам эди, эҳтимол...

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Сиз яхши кўришни истайсиз-ку, лекин яхши кўриш қўлингиздан келмайди. Бахтсиз бўлишингиз-нинг сабаби ҳам ана шу,— деди.

Одинцова мантильясининг енг учларини тимиски-лай бошлади.

— Мен яхши кўралмас эканманми?— деди у.

— Мушкул нарсга! Лекин мен буни бахтсизлик дейишим чакки бўлди. Аксинча, бу нарсгага грифтор кишини қизганиш керак.

— Нимага грифтор кишини?

— Ошиқлик балосига.

— Сиз буни қаёқдан биласиз?

— Бировлардан эшитдим-да,— деди жаҳл блан Базаров.

„Ноз-карашма қилаяпсан-да, ўзинг зерикаяпса-ну, зерикканингдан мени майна қилаяпсан, менга эса...“ деб уйларди Базаров. Базаровнинг юраги, ҳақиқатан ҳам, қинидан чиқиб кетгундай бўлиб ту-рар эди.

— Ундан кейин сизнинг талабингиз жуда каттага ўхшайди,— деди у бутун гавдаси блан олдинга эги-либ ва қўли блан курсининг попуклэрини ўйнаб.

— Эҳтимол. Менингча, бўлса ҳамма нарсга бўл-син ёки ҳеч биттаси бўлмасин. Жонга—жон. Мени-кини олдинги, ўзингникини бер, бергандан кейин ўкинма ва қайғириб ҳам юрма. Шундай бўлмаса кераги ҳам йўқ.

— Мана бу шарт тўғри, лекин истаган нарсангизни қандай қилиб шу кунгача... топмаганингизга ҳайрон қоламан.

— Сизнингча бирон нарсгага бутунлай берилиш осон эканда?



— Кўп ўйлаб, кутиб ўтираберсанг, бунинг устига ўзингга бино қўйиб, қадр-қимматим деб ўтираберсанг, албатта қийин бўлади, лекин ўйламасанг, берилиш жуда осон.

— Қандай қилиб ўзингни қадрлайсан киши? Қадр-қимматим бўлмаса садоқатимнинг кимга кераги бор?

— Буниси менинг ишим эмас; менинг қадр-қимматимни бошқалар текшириб кўришсан. Энг муҳими—берилабилыш керак.

Одинцова қоматини сал ростлади.

— Сиз бу нарсаларни худди синаб кўргандай гапирасиз.

— Гапнинг омади келиб қолди, Авна Сергеевна: ўзингиз биласиз, буларнинг менга даҳли йўқ.

— Ўзингиз-чи, берилаолармидингиз?

— Билмайман, мақтангим келмайди.

Одинцова ҳечнарсга демади. Базаров ҳам жим бўлиб қолди. Меҳмонхонадан пианино товуши эшитилиб турар эди.

— Нима гап ўзи, Катя шундай кеч бўлсаям чалаяптими дейман-а,—деди Одинцова.

Базаров ўрнидан турди-да:

— Ҳа, энди ростдан ҳам кеч бўлиб қолди, энди ухласангиз ҳам бўлар,—деди.

— Сабр қилинг, қаёққа шошяпсиз... сизга бир гапим бор эди.

— Қанақа гап?

— Сабр қилинг,—деб шивирлади Одинцова, унинг кўзлари Базаровга тикилиб қолди; гўё Базаровга диққат блан қараётгандай кўринар эди.

Базаров, ўрнидан туриб, уйда бир айланч-да, кейин бирдан Одинцованинг олдига келди ва шошилинч бир суратда „хайр“ деди ва унинг қўлини шу қадар қаттиқ қисдики, додлаб юборишга сал қолди, кейин дарров уйдан чиқиб кетди. Одинцова ёпишиб қолган бармоқларини лабига яқин олиб келиб озгина пуфлади-да, кейин бирданга ўрнидан туриб Базаровни қайтармоқчи бўлгандай, эшикка қараб чопди... Шу орада уйга графин қўйилган кумуш патнисни кўтариб оқсоч хотин кириб келди. Одинцова тўхтаб

қолди ва уни чиқариб юбориб, яна ўз жойига келиб утирди-да, уйга чўмди. Сочи ечилиб кетиб қора илондай елкасига келиб тушди. Анна Сергеевнанинг уйида чироғ анчагача ёниб турди ва у узоқ вақт ўтириб қолди. У тунги салқиндан увишган қўлларини онда-сонда бармоқлари билан сийпалаб қўярди, холос.

Базаров эса, икки соатча ўтгандан кейин, шудрингда ҳўллашган этиклари билан, чочлари паймайган ва ўзи қовоғи солиқ ҳолда ўз ётоқхонасига қайтиб келди... Базаров келиб кирганда Аркадий, чопонининг ҳамма тугмаларини солиб, ёзув столи ёнида китоб ўқиб ўтирар эди.

Базаров иттанг дегандай бир оҳангда унга:

— Ҳалиям ётганинг йўқми?—деди.

Аркадий унинг саволига жавоб бермасдан:

— Сен бугун Анна Сергеевна билан узоқ ўтириб қолдинг,—деди.

— Ҳа, шундоқ, Катерина Сергеевна билан сизлар пианино чалиб ўтирганларингда, мен у билан ўтирган эдим.

— Мен чалганим йўқ,—деб Аркадий гап бошлаган эди-ю, лекин дарров жим бўлиб қолди. У кўзларига ёш келаётганини сезар, лекин ҳазилқаш дусти олдида йиғлашни ўзига эп кўрмасди.

## XVIII

Эртасига, Одинцова чойга чиққанда, Базаров қўлидаги пилёлага қараб анчагача бош эгиб ўтирди, кейин бирдан Одинцовага қаради... Одинцова эса, гўё Базаров уни туртгандай, бурилиб қаради. Базаровнинг кўзига Одинцованинг юзи кечаси билан салгина оқариб қолгандай бўлиб кўринди. Одинцова узоқ ўтирмасдан ўз уйига чиқиб кетди ва фақат тушки овқат маҳалида келди. Эрталабдан бери ёмғир ёққанидан айланиб келишнинг иложи йўқ эди. Ҳамма меҳмонхонага йиғилиб олди. Аркадий журналнинг энг сўнгги сонини олиб ўқий бошлади. Княжна, гўё Аркадий бирор номақул иш қилаётгандай, ўз одати бўйича, бошда чехрасини бузиб, кейин ач-

чигланиб унга тикилди. Лекин Аркадий унга э'тибор қилмади.

Анна Сергеевна Базаровга мурожаат қилиб:

— Евгений Васильич, юринг, менинг бўлмамага... мен сиздан бир нарса сўрамоқчиман... сиз кеча бир қўлланма тўғрисида гапириб эдингиз...

Анна Сергеевна ўридан туриб, эшикка қараб юрди. Княжна теварак-атрофга худди „қаранглар, қаранглар, ҳайрон қолаяпман!“ дегандай бир тус блан назар ташлади, кейин Аркадийга тикилди. Аммо Аркадий, ўз ёнида ўтирган Катя блан бир кўз уриштириб олди-да, янада баландроқ овоз блан ўқий берди.

Одинцова тез-тез қадам ташлаб, ўз бўлмасига кирди. Базаров эса, бошини юқори кўтармасдан ва фақат ўз олдида судралиб кетаётган шо'ли кўйлакнинг шалдираган овозига қулоқ сола-сола, унинг кетидин бўлмага кирди. Одинцова яна ўша кеча ўтирган курсисига ўтирди, Базаров ҳам кечаги жойига ўтирди.

Одинцова бироз жим турганидан кейин сўзга киришиб:

— Кечаги айтган китобингиз қандақа китоб эди?— деди.

Базаров унга жавобан деди: *Pelouse et Frémy, Notins gé né rales...*

— Айтгандек, сизга *Ganot, Traité élé mentaire de physigue expérimentale*<sup>1</sup> деган китобни ҳам тавсия қилиш мумкин. Бу китобнинг расмлари аниқроқ ва умуман дарслик...

Одинцова қўлини чўзди.

— Евгений Васильич, кечирасиз, мен сизни бу ерга дарсликлар тўғрисида муҳокама қилиш учун чақирганим йўқ, мен сиз блан кечаги суҳбатимизни давом қилдирмоқчи эдим. Сиз кеча тўсатдан кетиб қолдингиз... зерикиб қолмайсизми?

— Бош устига, Анна Сергеевна. Лекин хотиримда йўқ, сиз блан кеча нима тўғрисида суҳбатлашган эдик?

<sup>1</sup> „Амалий физикадан бошланғич курс“.

Одинцова Базаровга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Биз кеча сиз билан бахт тўғрисида сўзлашган эдик шекилли. Мен сизга ўз тўғримда гапириб берган эдим. Айтгандек, мен ҳозир „бахт“ сўзини эвкр қилдим. Айтингчи, нима сабабдан биз, масалан, музикадан, вақтичоғлик бир кечадан, дилкаш одамлар билан суҳбатлашиб ўтиришдан лаззат олсак ҳам, буларнинг ҳечбири бизга ҳақиқий, я'ни ўзимиз моллик бўлган бахт каби туйилмайди, балки кўпроқ қандайдир чексиз, қандайдир нома'лум бир бахтнинг ишораси бўлибгина туйилади? Нима сабабдан шундай? Ёхуд сиз, эҳтимол, бундай ҳолни ҳис қилмайсизми?

— „Биз йўқ жойда ҳамма иш жойида“ деган мақолни билсангиз керак, шу билан бирга сиз кеча ўзингиз, қаноат ҳосил этганим йўқ, деган эдингиз. Аммо менинг хаёлимга, бундай фикрлар келмайди,— деди Базаров.

— Эҳтимол бу фикрлар сизга галати туйилса?

— Йўқ, ундай эмас-ку, лекин бундай фикрлар менинг хаёлимга келмайди.

— Ростдан ҳам шундайми? Биласизми, мен сизнинг нима тўғрисида ўйлаётганингизни билгим келади?

— Нима деяпсиз? Гапингизни тушунмаяпман.

— Евгений Васильевич, менга қаранг, мен сиз билан кўпдан бери очиқ гаплашмоқчи эдим. Сизнинг айтадиган гапингиз ҳам йўқ,— буни ўзингиз ҳам яхши биласизки, сиз оддий бир киши эмассиз, ҳали ёшсиз ва бутун ҳаётингиз олда. Нимага тайёргарлик кўраяпсиз? Келажакда сизни нималар кутади? Сиз қандай мақсадга эришмоқчисиз, қаёққа бораётирсиз, кўнглингизда нималар бор? Хуллас, сиз кимсиз ва нимасиз? Шунини билмоқчиман.

— Мен сизга ҳайрон қолаяпман. Анна Сергеевна, сизга ма'лумки, мен табиий фанлар билан шуғулланапман. Менинг ким эканлигим...

— Ҳа, сиз кимсиз?

— Мен сизга ўзининг уезд табиби бўлажагимни айтувдим шекилли.

Анна Сергеевна бетоқат бўлиб, қимирлаб қўйди-да:

— Нега ундай дейсиз? Бунга ўзингиз ҳам ишонамайсиз-ку, сиз эмас, менга Аркадий шундай жавоб берса бўлар эди,—деди.

— Н-га энди Аркадий...

— Қўйинг-а! Ўзингиз шундай кичкина фаолият билан қаноатланишингиз мумкинми ва сиз ўзингиз ҳар доим, медицина деган гап мен учун йўқ бир нарса демасдингиз, ахир? Сиз шунчалик иззат нафс билан уезд табиби бўлар эмишсиз! Сиз менга жўрттага, мендан қутилиш учун шундай жавоб бераяпсиз, чуқри сиз менга сра ҳам ишонмайсиз, лекин мен, Евгений Васильич, сизнинг гапингизга тушунаолар эдим: мен ўзим ҳам, худди сиздай, камбағал ва иззат нафсли эдим; сиз бошингиздан қандай оғирликлар кечирган бўлсангиз, мен ҳам, эҳтимол, шундай оғирликларни кечиргандирман.

— Бу гаплар ҳаммаси соз-у, Анна Сергеевна, лекин мени кечирасиз.. мен умуман ўз кўнглимда бўлган нарсаларни айтиб беришни одат қилган эмасман, ундан кейин, сиз билан менинг ўртамда бўлган масофа шундай узоқки...

— Қанақа масофа? Сиз мени яна аристократка демоқчи бўласизми? Бас ахир, Евгений Васильевич, мен сизга ўзимни исбот қилдим шекилли...

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Ундан кейин, бизнинг келажакимиз кўпинча ўз ихтиёримизга боғлиқ эмас, шунинг учун бу тўғрида гапириш ва ўйлаш ўтиришнинг нима фойдаси бор? Бирор ишнинг уддасидан чиқар эканмиз жуда соз, борди-ю уддасидан чиқмас эканмиз, бу ҳақда олдиноқ сафсата сотмаганимизга хурсанд бўлаверайлик,—деди.

— Дўстона суҳбатлашиб ўтиришни сиз сафсата сотиш деяпсиз... балки хотин киши деб, менга ишонишни ўзингиз учун эп кўрмаётгандирсиз. Сиз умуман хотинларни ёмон кўрасиз-ку, ахир.

— Мен сизни ёмон кўрмаганлигимни, Анна Сергеевна, ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку.

— Йўқ, мен ҳеч нарсани билмайман... Хайр, майли, келажакнингиз тўғрисида нима учун гапирishingизни ястаманнингизни билман; лекин ҳозир ичингизда содир бўлаётган...

— Содир бўлаётган! — деди Базаров. — Гўё мен бирор давлат ёки жамият! Ҳар ҳолда бу гап бировни қизиқтирадиган гап эмас; ундан кейин, ҳар бир кимса ўз ичида „нималар содир бўлаётгани“ни ҳар доим овоза қилаоладими, ахир?

— Ҳар бир кимса ўз кўнглида кулгили бўлиб кўринар?

— Мен тушунаолмайман, киши нега кўнглидаги гапни айталмас экан?

— Ўзингиз-чи, айтиб бераол: сизми? — деб сўради Базаров.

Анна Сергеевна бироз иккиланиб турганидан кейин:

— Ҳа, — деди.

Базаров бошини эгиб:

— Сиз мендан бахтлироқ экансиз, — деди.

Анна Сергеевна унга савол назари билан қаради.

— Нима десангиз денг-у, аммо ҳар ҳолда гапимизга гапимизга тўғри келганлиги бежиз эмас, бир-биримиз билан яхши дўст бўладиган кўринамиз. Мен ўйлайманки, сизнинг бу, нечук деб айтсамикин, бу чиранишларингиз ва бардошингиз бориб-бориб тарк бўлиб кетар.

— Сиз менда бардош... Яна нима ҳам дедингиз... Чираниш сездингизми?

— Ҳа.

Базаров, ўрнидан туриб дераза олдига келди.

— Демак сиз бардош қилишимнинг сабабини, ботинимда нималар содир бўлаётганини билмоқчисизда-а?

Одинцова ўз сўзини аллақандай, ҳали ўзи ҳам англаб етмаган бир қўрқув билан такрорлаб:

— Ҳа, — деди.

— Айтсам хафа бўлмайсизми?

— Йўқ. Йўқми? — деди Базаров унга орқа ўгириб деразага қарагани ҳолда, — ундай бўлса билиб олинг,

мен сизни жон-дилымдан севаман... Ана энди мақсадингизга эришдингиз.

Одинцова қўлларини олдинга чўзди, Базаров эса, пешонасини дераза ойнасига тираб турарди, унинг нафаси бўғилар, а'зойя-бадани титрар эди. Лекин бу титроқ ёшлик қўркоқлиги ёки биринчи марта муҳаббат изҳор этишдан ҳосил бўладиган ширин бир даҳшат эмас эди, унинг ичида эҳтирос, ғазабга ўхшаган кучли ва оғир бир эҳтирос мавж урмоқда эди... Одинцовани ваҳима босди ва Базаровга ачинди ҳам.

У, қандайдир ихтиёрсиз мулойим бир товуш блан:  
— Евгений Васильич,—деди.

Базаров дарров орқасига бурилиб, унга еб қўйгудай бўлиб тикилди-да, якки қўлидан ушлаб, бағрига босди.

Одинцова унинг қучоғидан дарров бўшалолмади, лекин бир пасдан кейин ўзини нариги бурчакка олиб, ўша ердан Базаровга қараб қолди. Базаров яна унга қараб отилди...

Одинцова капалаги учган ҳолда шошиб-пишиб-шивирлаб:

— Сиз менинг гапимга тушунмадингиз,—деди.

Агар Базаров яна бир қадам босса гўё додлаб юборадиганга ўхшарди... Базаров лабини тишлаб, ёшикка чиқиб кетди.

Орадан ярим соат ўтгач, ходима, Анна Сергеевнага Базаровдан хат келтириб берди, хат фақат бир сатрдан иборат бўлиб, унда: „Бугун кетишим керакми, ёки ортагача қолсам бўладими?“ деб ёзилган эди. Анна Сергеевна унга: „Кетиб нима қиласиз, мен сизни англамабман, сиз ҳам мени англамадингиз“ деб жавоб қайтарди. Аммо ўзи „мен ўзимни ҳам тушунаолмадим“ деб хаёлидан ўтказди.

Анна Сергеевна обед вақтигача ҳечкимга кўринмади, қўлларини орқасига қилиб, гоҳ дераза олдида, гоҳ кўзги олдида тўхтаб, вақтини ўз уйида уёқдан-бу ёққа юриб ўтказди, бўйнида иссиқ бир доғ бордай туйилиб дастрўмоли блан секингина бўйинини артиб қўяр эди. У ўз-ўзига савол бериб.—Базаров айтгандай, нега мен унинг сирини „билишга тириш-

дим, ёки бирор гумоним бормиди" деб сўрар эди. У ўз-ўзига гапириб: „айб ўзимда, лекин бундай бўлишини кутмаган эдим" деб қўйди. У Базаров қучоқламоқчи бўлган пайтида унинг юзи қандайдир ваҳшиёна тус олганини кўз олдига келтириб, хаёлга чўмар ва қизарар эди...

У бирданига „ёки?" деди-ю, тўхтаб, жингалак сочларини силкиб қўйди... У ўзини кўзгиде кўрди, унинг ярим очиқ лаблари билан кўзларида ўйнаб турган аллақандай сирли табассум, орқага ташланган боши, шу онда унга шундай бир нарсани гапиргандай бўлиб кўринар эдики, бу нарсадан ўзи ҳам чўчиб кетди...

Ниҳоят, у: „Йўқ, худо билсин, бу ишнинг оқибати нима бўлишини, бу билан ҳазиллашини ярамайди, дунёда ҳарҳолда тинчликдан яхши нарса йўқ" деб жазм қилди.

Унинг тинчлиги бузилган эмас эди, лекин у хафа бўлди ва ҳатто бир марта йиглаб ҳам олди, бунинг сабабини ўзи ҳам билмасди, броқ Базаров ҳақорат қилганидан эмасди. У ўзини ҳақоратланган деб ҳис қилмас, балки ўзини айбдор деб ҳис қилар эди. Ҳархил туманли хаёллар та'сири остида, умрнинг ўтиб боришини англаш ва бирор янгиликни ҳавас қилиш та'сири остида у ўзини ма'лум бир чегарага бориб етишга ва бу чегаранинг у томонида бир назар солишга ва бу чегаранинг у томонида тагсиз жарликкина эмас, балки бўшлик ёки бема'нилик борлигини кўришга мажбур қилди.

## XIX

Одвинцова ўзини яхши тутадиган ҳарқандай хурофотлардан ҳарқанча юқори турадиган хотинлардан бўлса ҳам, обед қилиш учун столовойга келган пайтда бироз ўнғайсиз аҳволга тушди. Шундай бўлса-да, обед анча яхши ўтди. Шаҳардан эндигина қайтиб келган Парфирий Платонич ҳархил латифалар айтиб бериб ўтирди. У, шаҳар янгиликларидан гапириб, губернатор Бурдалу, мабодо бирон жойга шошилинч сурагда отлик юборишга тўғри келиб қолса



деб, ўзининг махсус ишларни бажарадиган амалдорларига шпор тақиб кришни буюрганни сўзлаб берди. Аркадий бўлса Катя билан секин гапиришиб ўтирарди ва шу орада усталик билан княжнага ўзини жуда мўмин қилиб кўрсатишга тиришар эди. Базаров ҳеч гапга аралашмасдан, қовоғини солиб жим ўтирди. Одинцова унинг жиддий ва заҳар, қовоғи солиқ юзига бир-икки марта ер остидан эмас, тўп-тўғри қараб қўйди ва ичида: „Йўқ... Йўқ... Йўқ...“ деб қўйди. Обеддан сўнг Одинцова бутун улфатлари билан боғчага чиқди ва Базаровнинг, ўзи билан сўзлашмоқчи бўлганини сезиб, йулдан бирнеча қадам четда тўхтади. Базаров унга яқин келиб, лекин шунда ҳам кўзларини ердан узмасдан, секингина:

— Анна Сергеевна, мен сиздан узр сўрашим керак. Сиз, албатта, мендан қаттиқ хафадирсиз,— деди.

Одинцова унга жавоб бериб:

— Йўқ, мен сиздан ҳафа эмасман, Евгений Васильич, ўзим ранжиб турибман,— деди.

— Бу қайтага ёмонроқ. Ҳарҳолда, мен етарли даражада жазомни тортдим. Мен, ўзингиз ҳам билсангиз керак, жуда хунук бир аҳволда қолдим. Сиз менга, кетиб нима қиласиз, деб ёзибсиз, аммо мен бу ерда қололмайман ва қолишни истамайман ҳам. Эртага мени бу ердан тополмайсиз.

— Евгений Васильич, нега сиз...

— Нега кетаяпсан дейсизми?

— Йўқ, мен бошқа нарса айтмоқчи эдим.

— Ўтган ишга салават, Анна Сергеевна... Бугунми, эртами, барибир кетишим керак эди, демак, кегим керак. Мен фақат бир шарт билан қолишим мумкин бўлар эди, лекин бу шарт ҳечқачон бўлмайди. Сурбетлик қилганим учун мени кечиринг, сиз мени севмайсиз ва ҳечқачон севмаяжаксиз.

Базаровнинг қора қошлари остидаги кўзлари ялт этиб кетди.

Анна Сергеевна унга ҳечнима деб жавоб қайтармади. Унинг бошига: „Мен бу одамдан қўрқаяпман“ дегян фикр келиб кетди.

Базаров унинг фикрини билиб олгандай бўлиб:

— Хайр, яхши қолинг,— деди-да, уйга томон кетди.

Базаров кетгандан кейин Анна Сергеевна Катяга томон борди ва уни чақириб, қўлтиқлаб олди. У кечгача Катядан ажралмади. У қарта уйнашга унамади, лекин ҳадеб кулгани-кулган бўлди, броқ кулги унинг оқарган ва хижолат тортган юзига сра ярашмасди. Буни кўрган Аркадий ҳайрон қолиб, ёшларга хос одат блан доим уни кузатар, ҳадеб: ўзи нима гап, нима ҳодиса бўлди экан, деб ўз-ўзидан сўрарди. Базаров ўз бўлмасига кириб кетганича чойгача чиқмади. Анна Сергеевна унга бирор ёкимлисўз айтмоқчи бўлар, лекин гапни нимадан бошлашни билмас эди...

Унинг бу қийин аҳволдан қутулишига кутилмаган бир ҳодиса сабаб бўлди: дворецкий кириб, Ситниковнинг келганидан хабар берди.

Бу ёш тараққийпарварнинг уйга бедана сингари йўргалаб кирганини сўз блан та'риф этиш қийин. Бу киши ўзига хос шилқимлиги блан қишлоққа, ўзига тузуккина таниш ҳам бўлмаган ва ўзини ҳечқачон уйига таклиф ҳам этмаган бир аёлникига келишга жазм қилган ва эшитилишига кўра бу ерда шундай ақлли вэ ўзига яқин кишилар меҳмон бўлиб турганини билиб келган бўлса ҳам, ҳарқалай жуда қизариб кетди ва олдин ёдлаб олган сўзлари блан сўз сўраш, салом бериш ўрнига, бир балолар деб чулдирарди. Евдоксия Кукшина Анна Сергеевнанинг сиҳат-саломатлигини билиб келиш учун юборди, Аркадий Николаевичдан та'риф-тавсифларини кўд эшитган эдим, деди. Ситников шу сўзларини гапираётганида тутилиб ва шу қадар довдираб қолдики, ҳатто шляпаси устига ўтирганини ҳам сезмади. Уни ҳечким ҳайдаб чиқазмагани, ҳатто Анна Сергеевна холаси ва сянглиси блан таништиргани учун у дарров ўзини тутиб олди ва бетўхтов дилдирай бошлади. Турмушда қабих бир нарсанинг пайдо бўлиб қолиши кўпинча фойдаси тегади: жуда тараиғ бўлиб кетган торларни бўшаштиради, ўзининг уларга ҳамжис эканлигини эслатиб, гурур ёки ўзидан кетиш туйғуларини уйғотади. Ситников келиши блан ўтган

гаплар аллақачонлар бўлиб ўтгандай, эсдан чиқаёзгандай—ҳеч нарса бўлмагандай бўлди; овқат кундагидан кўпроқ ейилди, ухлашга кундагидан ярим соат илгари тарқалишди.

Аркадий кўрпада ётган жойида, ечинаётган Базаровга қараб.

— Бир маҳал менга айтган сўзларингни энди ўзингга қайтариб айтсам бўлади: „Нега мунча ғамгинсан? Бирор муқаддас бурч адо этганга ўхшайсан-а?“—деди. Кейинги вақтларда икки дўст ҳазил аралаш пичинг гаплар билан бир-бирларига тегилмайдиган бўлиб қолган эдилар, бу эса улар ўртасида яшрини бир норозилик ёки шубҳа борлигини кўрсатарди.

— Эртага мен отамникига жўнайман,— деди Базаров.

Аркадий ётган жойидан сал кўтарилиб, тирсагига таяниб олди. Бу гапни эшитиб у ҳам ажабланди, ҳам нима сабабдандир хурсанд бўлди.

— Ҳа, шунинг учун диққат экансан-а?— деб қўйд.

Базаров, бир эснаб олди-да:

— Ҳамма нарсани билаверсанг, тез қарийсан,— деди.

— Анна Сергеевна нима бўлади?

— Нима бўлар эди?

— У сенга жавоб берармикин, демоқчиман.

— Мен унга мардикор бўлганим йўқ-ку.

Аркадий ўйланиб қолди, Базаров эса, девор томонга бурилиб ётди.

Бир лаҳзадан кейин Аркадий бирдан:

— Евгений!— деди.

— Хуш?

— Эртага мен ҳам сен билан жўнайман.

Базаров ҳечнима деб жавоб қайтармади.

— Лекин мен уйимга кетаман,— деди Аркадий,— Хохловлар қўрғончасигача (виселки<sup>1</sup>) бирга борамиз-да, у ерда сен Федотдан от оласан. Меч сизларни-

<sup>1</sup> Қўшни қишлоқларда яшовчи деҳқонларнинг бир қисмининг ажратиб кўчириладиган янги қишлоқ.

кига жон деб барардим-ку, лекин уларни ҳам, сени ҳам ташвишга солиб қўймай дейман. Кейин ўзинг бизникига яна қайтиб келарсан-ку?

— Мен сизларникида нарсаларимни қолдириб кетувдим,— деди Базаров, ҳамон деворга қараб ётганича „Нимага кетаяпсан, деб сўрамайди-я? Мен ҳам унга ўхшаб тўсатдан кетаяпман-ку, ахир?“ деб ўйлади Аркадий. Кейин яна: „Дарвоқи, мен нима учун кетмоқчиману, у нима учун кетаяпти экан?“ деб ўйлади. Аркадий бу саволига қаноат ҳосил ётарлик бир жавоб бераолмас, юраги эса ғоят увишар эди. У одатланиб қолгани бу ҳаётдан ажралиш ўзи учун нақадар оғир бўлажagini сезар эди, лекин Базаров кетгандан кейин ёлғиз қолиши ҳам унинг учун нучукдир ғалати туюлар эди. „Уларнинг ўртасида бир гап ўтганга ўхшайди“ дер эди Аркадий ичиди. „Базаров кетгандан кейин Анна Сергеевнанинг кўз олдида қўнқайиб туришимнинг нима кераги бор? Уни тозаям безор қиламан; кейин сўнгги умидларимданам маҳрум бўлиб қоламан“ деб ўйлар эди. Аркадий Анна Сергеевнани кўз олдига келтирабошлади, бироздан кейин бу гўзал ёш тул аёлнинг сиймоси орқали секин-аста бошқа бир чеҳра кўринабошлади.

Аркадий ёстиққа бошини тикиб: „Катяга ҳам увол“ деб шивирлаб қўйди, кўзидан ёстиққа бир томчи ёш ҳам томди. У, бирданига бошини кўтариб, баланд овоз блан:

— Бу аҳмоқ Ситников қайси гўрдан ҳам пайдо бўлиб қолди?— деди.

Базаров аввало бир қимирлаб қўйди, кейин:

— Ҳали ҳам ақлинг кирмапти, ука, Ситников сингарилар биз учун жуда зарур-да. Билиб қўйки, менга шундай телбалар керак. Ахир, хурмачаларни хумдонда худонинг ўзи пиширмайдику!.. — деди.

Аркадий ўйлаб:

„Э-ҳе!“ — деди ва Базаровнинг бениҳоят худбинлигини яна шунда яққол кўрди. „Демак, биз худо эканмиз-да, я’ни сен худою, телба деганинг яна мен булмай?“

Базаров бояги сўзни такрорлаб дўнғиллади:

— Сенинг ақлинг йўқ ҳали,— деди.

Эртасига Аркадий Анна Сергеевнага ўзининг Базаров билан кетажигини билдирганида, Анна Сергеевна бунга кўпда ажабланмади. У паришон ва чарчгандай кўринар эди. Катя унга индамай ва жиддий қараб қўйди, Княжна эса ҳатто шал рўмоли остида чўқиниб олди, буни Аркадий пайқади. Аммо Ситников бутунлай шошиб қолди. У, бу сафар славянчасига эмас, балки бошқача олифта кийиниб эндигина ноништа қилгани тушган эди. Худди кечагина у олиб келган энгил бошининг кўплиги билан хизматида бўлган хизматкорни ҳайрон қолдирган бўлса-ю, тусатдан ҳамроҳлари уни ташлаб кетса-я! Ситников худди қўрққан қуёндай типирчилаб ва кўзларини аланглатиб, бирданига чўчган ва қўрққансимон, ўзининг ҳам кетмоқчи бўлганини айтди. Одинцова уни қолинг деб қистаб ҳам ўтирмади.

Бетоли' ёш йигит Аркадийга қараб:

— Менинг коляскам жуда тинч, сизни обкетишим мумкин, Евгений Васильич эса сизнинг тараптасингизда кетсин, шундай бўлса ўнгайроқ ҳам бўлар,— деди.

— Овора бўлманг, сизнинг йўлингиз бошқа, бизникига узоқлик қилади.

— Майли, ҳеч зарари йўқ, менинг вақтим бемалол, шу билан бирга ўша томонда ишим ҳам бор.

Аркадий бу сафар жуда нафрат билан:

— Ижара (откуп) ишларидир-да?— деб сўради.

Аммо Ситников шундай хафа эдики, у ҳатто одатдаги сингари кулиб ҳам қўймади. У ўзинча тўнғиллаб:

— Менга ишонингки, коляскам жуда бемалол, ҳаммамизга ҳам жой етади,— деди.

Анна Сергеевна гапга араллашиб:

— Ситников жанобларининг гапларини қайтариб, бу кишини хафз қилманг,— деди.

Аркадий Анна Сергеевнага қараб қўйди-да, ма'ноли қилиб бош эгди.

Ноҳуштадан кейин меҳмонлар кетдилар, Одинцова Базаров билан хайрлашаётиб, унга қўлини чўзди ва:

— Тагин кўришармиз-а?— деди.

— Ихтиёр ўзларида,— деди Базаров.

— Ундай бўлса, кўришамиз.

Аркадий зинага ҳаммадан бурун чиқди: у Ситниковнинг коляскасига чиқиб ўтириб олди. Дворецкий уни ҳурмат блан чиқариб қўйди. Аркадий эса алаמידан уни савалашга ённки йиғлаб юборишга тайёр эди. Базаров тарантасга чиқиб олди. Хоҳлов қишлоғига етгач, Аркадий мусофирхона эгаси Федот от қўшгунча кутиб ўтирди ва тарантас олдига келди-да, илгаригидай жилмайиб, Базаровга қараб:

— Евгений, мени ҳам оливолсангчи, сеникига бораман,— деди.

Базаров беҳафсалагина қилиб:

— Чақ, ўтир,— деди.

Ўз коляскаси ёнида ҳуштак чалиб юрган Сятников бу сўзларни эшитгач анқайиб қараб қолди. Аркадий эса, буюмларини унинг коляскасидан олди-да, Базаров ёнига келиб ўтирди ва ўзининг собиқ йўлдошига таъзим қилиб, кучерга хитобан: „Ҳайда!“ деб қичқирди. Тарантас физиллаганича жўнаб кетди ва бир пасда кўздан ғойиб ҳам бўлди... Ситников жуда хижолат бўлиб, кучерига қараб қўйди, лекин кучер ҳечварсага парво қилмасдан, отнинг думи устида қамчисини ўйнатиб турар эди. Шунда Ситников коляскасига сакраб чиқиб олди-да, ўткинчи иккита деҳқонга қараб: „Шапкаларингни кийиб олинглар, аҳмоқлар!“ деб дўқ уриб, шаҳарга қараб жўнаб кетди. Ситников шаҳарга жуда кеч етиб келди. Эртасига у Кукшинаникига бориб, иккита „ярамас мутакаб-бир ва жоҳил“ни тоза сўкиб ўтирди.

Аркадий Базаровнинг тарантасига чиқиб ўтириб олгандан кейин, унинг қўлини қаттиқ сиқди-да, анчагача индамай ўтирди. Базаров унинг қўл сиқишини ҳам, жим ўтиришини ҳам тушунган ва бунинг маъносига тушунгандай кўринар эди. Базаров ўтган кун кечаси ҳеч мижжа қоқмаган, чекмаган, бирнеча кундан бери ҳечнарса емган эди. Унинг ориқлаб қолган юзи бостириб кийилган шапкаси остидан чўзилиб олға чиқиб турар эди. Ниҳоят, у гап бошлаб:

— Қани, оғайни, сигаркавгдан берчи... Тилимни ҳам кўргин, нима бало, сарғайиб кетибдими?— деди.

— Ҳа, сарғайибди, — деди Аркадий.

— Ҳа... сигарка ҳам оғзимга ёқмаётпти. Мазам йўқ.

— Ростдан ҳам кейинги кунларда анча ўзгариб кетдинг.

— Зарари йўқ, тузалиб қолармиз, фақат шуни-си борки, онам жуда жонкуяр: қорин қўймасанг ва кунига ўн марта овқат емасанг ҳеч қўймайди. Аммо отам тузук, чунки у дунёнинг аччиқ-чучугини татиган киши... Йўқ, чекиб бўлмаскан, — деди-да, сигаркасини ташлади.

— Сенинг қўрғонинг бу ерга йигирма беш чақирим келадими? — деб сўради Аркадий.

— Ҳа, йигирма беш чақирим келади. Буни мана бу донишманддан сўрасанг ҳам бўлади, — деди Базаров Федотнинг аравада ўтирган хизматкорини кўрсатиб.

Аммо „донишманд“, „Ким билади дейсиз, биров ўлчапими“ деб жавоб берди ва ўртага қўшилган отни мунча бош силкайсан, деб койиб борар эди.

Базаров яна гап бошлаб:

— Шунақа гаплар, сиз учун сабоқ, ёш дўстим, ибратли бир мисол. Бу қандай сафсата ахир! Ҳар-бир киши қил устида турса-ю, ҳар онда жарга йиқилай деб турса-ю, у бўлса яна ўзи учун ҳархил номақулчиликлар ўйлаб чиқаради, ўз ҳаётини ўзи бузади, — деди.

— Сен буни нимага киноя қилиб гапираяпсан? — деб сўради Аркадий.

— Мен ҳечнарсанга киноя қилаётганим йўқ, мен тўғрисиини айтаяпман, биз икковимиз ҳам ўзимизни жуда ёмон тутдик. Буни тушунтириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ! Лекин мен келинмикадаёқ сезган эдим: кимки ўз оғриғига жаҳл қилса оғриқни албатта енгади.

— Гапингга унчалик тушунаолмаяпман Ҳечнарсадан шикоят қиларлик жойинг йўқ эди шекилли, — деди Аркадий.

— Агар гапимга тушунолмай турган бўлсанг, мен сенга шуни айтай: менингча, аёл кишига тирноғинг-ни ҳам бой бергандан кўра кўчада тош чақиб ўтир-

ганинг яхшироқ. Ғу ҳаммаси... — Базаров бу ерда ўзининг яхши кўрган „романтизм“ деган сўзини айтишига сал қолди, лекин айтай деганда ўзини тутиб:— сафсата, — деди.— Сен ҳозир менга ишонмайсан, лекин мен сенга шуни айтай: мана, икковимиз хотинлар суҳбатига кириб қолдик, авча кўнгилли бўлди. Лекин бундай суҳбатни ташлаб кетиш — иссиқ кунда совуқ сувга чўмилиш блан барабар. Эркакларнинг бундай бе'мани ишлар блан шуғулланишга вақти йўқ, испан халқининг: эр киши бераҳм бўлиши лозим, деган гўзал бир мақоли бор.— Базаров аравакаш мужикка қараб,— мана сен ақлли йигитсан, айтгинчи, хотининг борми?— деди.

Мужик ўзининг ялпоқ ва ожиз кўзли юзини дўстларга ўгирди-да:

— Хотиним дейсизми? Бор. Нима учун хотиним бўлмасин?

— Қалай, сен уни урасанми?

— Хотинимни дейсизми? Ҳархил бўлади. Сабабсиз урмайман.

— Жуда соз. У-чи, сени урадимми?

Мужик отларнинг тизгинини тортабошлади.

— Ғалати гапларни гапираяпсиз-а, тақсир. Тегишсини яхши кўрасиз дейман-а... — афтидан мужик хафа бўлди шекилли.

— Эшитаяпсанми, Аркадий Николаевич! Сен блан мени эса савалашиб жўнатишди .. ўқимишли одам бўлишнинг оқибати мана шу экан-да.

Аркадий зўрма-зўраки кулиб юборди. Базаров эса, тескари ўгирилди-да, бутун йўл бўйи сра оғиз очмади.

Йягирма беш чақирим йўл Аркадийга худди эллик чақиримдай бўлиб кўринди. Ниҳоят, суйри адрнинг этагида Базаровнинг ота-онаси яшайдиган кичкина бир қишлоқ ҳам кўринди. Қишлоқ ёнида ёш қайинзор ва унинг ичида томи похол блан ёпилган битта дворян уйи кўриниб турар эди. Қишлоққа киришда, биринчи уй ёнида, шапка кийган иккита мужик бир-бири блан сўкишиб турарди. Уларнинг бири: „ўзинг кап-катта тўнғизсан-у, лекин кичкина чўчқа боласидан баттарсан“ деб иккинчисини сўкар эди. Иккин-



чися эса: „Сенми, сенинг хотининг жодугар“ дер эди.

Базаров Аркадийга мурожаат қилиб:

— Буларнинг бир-бири блан эркин муомала қилишдан ва қочиріқ гапларидан отам унчалік қаттиққўл эмаслигини билишинг мүмкин. Мана, отамнинг ўзи зинапояга чиқди, қўнғироқ товушини эшитган бўлсалар керак. Отамнинг ўзи, худди ўзи, қад-бастидан танийман. Оббо! Анча қариб қолибди-ку, бечора! — деди.

## XX

Базаров тарантасдан бошини чиқазди, Аркадий эса, уртоғининг елкасидан бўйини чўзиб, қўрғоннинг зинапоясида, сочлари пахмайган, қирра бурун, этаги очіқ ҳарбий пиджак кийган, қотмагина, новча биркишини кўрди. У, оёқларини кериб, офтобдан кўзларини қисиб, узун трубка чекиб турар эди.

Отлар тўхтади.

Базаровнинг отаси, ҳамон чекиб ва трубкасини бармоқлари ораларида ўйнатиб:

— Келар экансан-а! Қани, буёққа туш, бир қучоқ-лашайликчи, — деди.

У ўғлини қучоқлади... Ичкаридан аёл кишининг „Енюша, Енюша“ деган ингичка қалтироқ овози эшитилди. Эшик ланг очилиб, бўсағада, устига калта ола кофта ва бошига оппоқ чепчик кийган, пакана, дум-думалоқ бир кампир кўринди. У, вой деди, оёқлари қалтиради, агар Базаров келиб ушлаб қолмаганида йиқилиб кетиши аниқ эди. Кампир юмшоқ ва семиз қўллари блан дарҳол Базаровнинг бўйнидан қучди, бошини унинг кўкрагига қўйди. Ҳамма жим бўлди. Фақат кампирнинг пиққиллаши эшитиларди.

Кекса Базаров оғир нафас олар, кўзлари боягидан ҳам баттар жимирлашар эди. У, тарантас олдида индамай турган Аркадий блан кўз ураштириб олиб:

— Бўлди, бўлди Ариша! Бас қил, йиғининг хосияти йўқ. Бўлди, бўлди, — деди. Аравакаш мужик кампирга қараб туралмай тескари ўгирилиб олди.

— Оҳ, Василий Иванович, — деди кампир зўрга, — жонгинам, кўзичогим Енюшникани қачондан бери

энди кўрдим...— деди ва қўлларини олмай, кўз ёшлари оқиб ҳул бўлган мулойимгина юзини Базаровдан тортди, кўзларини мўлтиратиб, аллақандай севинч блан яна унга ёпишиб олди.

— Ҳа, албатта, табиий нарса,— деди Василий Иванович:— юринглар, уйга кирайлик, мана Евгений блан бирга меҳмон ҳам келибдилар,— кейин Аркадийга қараб хиёл та'зим қилди.— кечирасиз, ўзингиз тушунасиз-ку, хотинларнинг кўнгли буш бўлади, бунинг устига оналик меҳри ҳам...— деди.

Лекин ўзининг лаблари титрар, қошлари учар... афтидан, ўзини тутиб олмоқчи ва ҳечбир ҳаяжонланмагандай кўринмоқчи булар эди. Аркадий ҳам та'зим қилди.

— Ростданам, юринг, онажон уйга кирайлик,— деди Базаров ва ҳолдан тойган кампирни уйга олиб кирди, уни юмшоқ курсига ўтқизди-да, отаси блан тезгина яна бир марта қучоқлашиб олди ва кейин уни Аркадий блан таништирди.

Василий Иванович Аркадий блан танишаркан:

— Танишганимизга беҳад хурсандман, броқ айбга буюрмайсиз: бизникида ҳамма нарса ҳарбийча, оддий тартибда. Арина Власьевна, бўлди энди, ўзингни тутгин. Меҳмон жаноблари айб қиладилар,— деди.

Кампир йнги аралаш:

— Вой, исмлари нечук...— деб қўйди.

Василий Иванович вқор блан:

— Аркадий Николаевич,— деб унинг исмини айтиб берди.

Кампир бурнани қоқди-да, бошини дам ўннга, дам чапга қийшайтиб, кўзларини бирма-бир яхшилаб артиб олганидан кейин:

— Мен бефаҳми кечиринг. Кечиринг мени. Қўзи... чо ... гимни кўролмай ўлиб кетаманми,— деб ўйловдим.

— Мана эсон-омон кўрдик, бекачим,— деди Василий Иванович. Кейин эшик орқасида кўрқиб қараб турган, оч қизил читдан кўйлак кийган ўн уч яшар чамасидаги яланг оёқ бир қизга қараб:— Танюшка, баринага патнисда бир стакан сув опкел, эшитдингми?— деди. Сўнгра меҳмонларга мурожаат қилиб,

аллақандай эскича ҳазил блан: — сиз жаноблар, исте'-  
фодаги кекса жангчининг кабинетига марҳамат қилса-  
ларинг девдим, — деб қўшиб қўйди.

Арина Власьевна инграб:

— Енюшечкам, кел яна бир қучоқлай, — деди.  
Базаров унга томон энгашди: — қандай чиройли йигит  
булибсан, болам.

Василий Иванович унинг сўзини бўлиб:

— Чиройликка-ку чиройлик эмас, лекин француз-  
лар айтмишли оммфе<sup>1</sup> бўлган... Энди, дейман, сен  
Арина Власьевна, ўзининг оналик меҳрингни қон-  
дириш блан, қадри меҳмонларингнинг қорнини  
тўйғазиш тўғрисида ҳам ҳам есанг бўларди, деб ўй-  
лайман, чунки ўзингга ма'лум: булбулни масал блан  
боқиб бўлмайди.

Кампир креслодан турди.

— Ҳозир, Василий Иванович, ҳозир дастурхон ёзи-  
лади, ўзим ошхонага чиқиб самовар қўйдираман.  
Ҳаммаси бўлади, ҳаммаси. Ахир уч йилдан бери ун  
кўрмаган бўлсам, едирмаган-ичирмаган бўлсам, осон  
тутасизми, ахир?

— Хўп дедяк-ку, лекин ишянгни билиб қил, уялиб  
қолма. Жаноблар, қани марҳамат. Ана Тимофеич  
ҳам сен блан кўришгани келди, Евгений. Бу имонсиз  
ҳам хурсанд бўлганга ўхшайди. Хўш? Хурсанд бўл-  
дингми, қани, марҳамат, буёққа марҳамат қилинглар.

Шундай қилиб, Василий Иванович эски туфлиларини  
топиллатиб олға босди.

Унинг уйи, бор-йўғи олтига кичик-кичик бўлмадан  
иборат эди. Улардан бири, я'ни ҳозир меҳмонларни  
олиб кетаётгани, кабинет деб аталар эди. Чангдан,  
худди тутундан қорайгандай, қорайиб кетган қогоз  
уйилиб ётган йўғон оёқли стол бутун икки дераза  
орасини эгаллаб олган эди; деворларда турк милтиқ-  
лари, қамчилар, қилч, иккита жуғрофия харита-  
си, анатомия расмлари, Гуфеланднинг<sup>2</sup> сурати, би-  
ровнинг қора рамка ичига солинган ва қилдан тўқил-  
ган исмлари (вензель) ва ойна ичига солинган диплом

<sup>1</sup> Оммфе (французча) — этилган, вояга етган эркак.

<sup>2</sup> 1762 — 1836 йиллардаги машҳур немис доктори.

осилиб турар эди. Яхши карель қайинидан ишланган иккита каттакон жавон орасида, бирхил ерлари ботиб ва йиртилиб кетган чарм диван турар эди. Токчаларда китоблар, қутичалар, қотириб қўйилган қушлар, банкалар, шишалар бетартиб равишда уйилиб ётар эди. Бир бурчакда синиқ электр машинаси турарди.

— Мен сизга айтган эдим шекилли, азиз меҳмон, бизлар худди лагерьдагидай<sup>1</sup> яшаймиз... — деди Василий Иванович.

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Қўйсангчи, узр сўрашнинг нимаси! Бизнинг бадавлат эмаслигимизни, уйнинг саройдек эмаслигини Кирсанов ўзи жуда яхши билади. Уни қаёққа жойлаштирамиз, шуни айтсанг-чи? — деди.

— Шошмагин, ахир, Евгений, менинг ёнхужрамда жуда яхши бир бўлма бор, меҳмонга жуда қулай.

— Ёнхужранг ҳам борми ҳали?

Тимофеевич гапга аралашиб:

— Ҳа, ҳаммомдаги-чи, — деди.

— Ҳаммом ёнидаги дегин, — деди Василий Иванович, — ҳозир ёз вақти... мен ҳозир у ерга бориб тайинлаб келай. Сен-чи, Тимофеевич, меҳмонларнинг буюмларини ичкарига опкиргин. Сенга, Евгений, албатта ўз кабинетимни бераман. *Sunt cuique*<sup>2</sup>.

Василий Иванович чиқиб кетиши блян Базаров:

— Ана холос! Жуда аломат ва яхши чол-да, худди сенинг отангга ўхшайди-ю лекин сал бошқачароқ, жуда сергап, — деди.

— Онанг ҳам жуда яхши хотинга ўхшайди, — деб қўйди Аркадий.

— Ҳа, онам содда хотинлардан, ҳали қараб тур, бизни қандай меҳмон қилади.

Шу орада Базаровнинг чемоданни олиб кирган Тимофеевич:

— Сизларни бугун келмайсизлар, деб ўйлаб эдик, тақсирлар, шу сабабдан сўқим гўшти опкелишмапти, — деди.

<sup>1</sup> Вақтияча, шунинг учун уйимиз бетартиб ма'носида.

<sup>2</sup> *Sunt cuique* (латинча) ҳаркимга ўзиники.

— Сўқим гўштисиз ҳам бўлаверади, йўқнинг айбми йўқ, камбағаллик айб эмас, дейдилар.

Аркадий тўсатдан:

— Отанга неча жон қарайди?— деб сўради.

— Мулк уники эмас, онамники, эсимда бўлса, ўн бештача жон қарайди.

— Йигирма иккита деяверинг, — деди Тимофеевич норозироқ бўлиб. Туфлиснинг шипиллаши эшитилиб, яна Василий Николаевич пайдо бўлди. У, тантанана блан:

— Бирнеча минутдан кейин булмангиз тайёр бўлади, Аркадий... Николаевич. Исми-шарифингиз шундай эди, шекилли? — деди, кейин: — Мана сизга хизматкор ҳам тайёр, — деди у, ўзи блан бирга опкирган, сочини калта қилиб қирққан, тирсақлари йвртиқ ҳаворанг чакман ва оёғига катта этик кийиб олган болани кўрсатиб: — оти Федька. Ўғлим ман'этса ҳам яна такрорлаб айтаман, айбга қўшмайсиз. Айтгандек, трубкага тамаки солишни билди. Тамаки чексангиз керак-а?

— Мен кўпроқ сигарка чекаман, — деди Аркадий.

— Жуда яхши қилар экансиз. Мен ўзим ҳам сигаркани яхши кўраман, лекин бизнинг бу жойларимизда топиш жуда ҳам қийин.

— Бўлди энди, булбулдек сайрашинг, — деб Базаров яна унинг сўзини бўлди, — яхшиси мана бу ерда, диванда ўтир, дийдорингни кўриб тўяй, ахир.

Василий Иванич, бир кулди-да, диванга ўтирди. Унинг афти ўғлиникига жуда ўхшар эди, фақат пешонаси пастроқ ва торроқ, оғзи эса каттароқ эди.

Василий Иванич тивмай ҳаракат қилар, худди кийими қўлтиғини сиқаётгандай елкаларини қисар, кўзларини пирпиратар, йўталар ва бармоқларини ўйнатиб қўяр эди, ўғли эса безпарво, оғир табиатлиги блан ажралар эди.

Василий Иванич ўғлининг сўзини қайтариб:

— Сайраш дегин-а! — деди. — Сен, Евгений, ўйламагин, биз мана шундай бир гўшада, узоқ ерда яшаймиз деб, меҳмонга нолимоқчи эмасман. Аксинча, мен: фикр қилучи киши учун гўша, узоқ деган нарса

бўлмайди, деган фикрдаман. Шунинг ҳам айтайки, мен ҳарҳолда мумкин қадар моғор босмасликка, яъни замонамиздан орқада қолиб кетмасликка ҳаракат қиламан.

Василий Иванович, Аркадийга бўлма тайёрлаш учун чопиб юрган маҳалида чўнтагига солиб олган сариқ янги шойи даструмолини чўнтагидан олиб ўзини елиб, сўзида давом қилди:

— Мен, масалан, ўзимга жабр қилиб бўлса ҳам, мужикларга ёрдам қилай деб, уларни оброкга ўтказганим ва ерларимни ярим ҳосил бараварига уларга бериб қўйганим тўғрисида гапириб ҳам ўтирмайман. Мен буни ўз бурчим деб билар эдим, бошқа ер эгалари бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаган бўлсалар-да, бундай аҳволда кишилик ақлининг ўзи шунга мажбур қилади. Мен илм ва маърифат тўғрисида гапираяшман.

— Ҳа, шундай, мана мен сизда 1855 йилги „Друг здравия“ журнали борлигини кўриб турибман, — деди Базаров.

Василий Иванович дарров:

— Менга уни қадрдон бир ошнам к.бориб туради, — деди. Кейин кўпроқ Аркадийга қараб ва жавон устидаги ганчдан ясашиб, рақамлик тўртбурчакларга бўлинган кичик бир бош суягини кўрсатиб:— Брок биз, масалан, френология<sup>1</sup> ҳақида ҳам тушунчага эгамиз, биз Шенлейн<sup>2</sup>, Радемахер<sup>3</sup> лардан ҳам унча-мунча хабардормиз, — деб қўшиб қўйди.

— \*\*\* губернасида ҳали ҳам Радемахерга ишоншадими? — деб сўради Базаров.

Василий Ивановичнинг йўтали тутиб қолди.

Губернада... албатта, сиз жаноблар, яхшироқ билсаларинг керак, сизларга етиб олишга йўл бўлсин? Ахир, сизлар бизнинг ўринбосарларимиз сизлар-

---

<sup>1</sup> *Френология*—кишининг ҳарактерини унинг беш суягининг тузилишига қараб белгилаб бўлади, деган илм.

<sup>2</sup> Касалликларнинг классификациясини тузишга тутунган немис доктори (1793—1861 йиллар).

<sup>3</sup> 1772—1849 йиллардаги немис доктори; бу киши ўз илмий асарларида ўзига қадар бўлган докторлик намини ни қор қилган.

ку. Менинг давримда ҳам бирон гуморалист<sup>1</sup> Гофман<sup>2</sup> ённки витализмни<sup>3</sup> тарғиб қилучи Броун<sup>4</sup> сингарилар кулгидай бўлиб кўринарди, ваҳоланки: замонасида улар ҳам шуҳрат чиқарганлар. Ҳозирда сизларда Радемахер урнига бирон янгиси чиқар экан, сизлар унга бош эгасизлар, лекин йигирма йилдан кейин эса ҳам кулишлари эҳтимол.

— Мен сенга шуни айтиб қўяй: биз ҳозир умуман медицинани бир кулги деб ҳисоблаймиз ва ҳечбир кимса олдида бош эгмаймиз, — деди Базаров.

— Бу нима деган гап? Ахир сен доктор, доктор бўлмоқчи эмасмисан?

— Бўлмоқчиман, лекин бири иккинчисига халақит бермайди.

Василий Иванович, ичида ҳали иссиқ кули бор трубкасига ўрта бармоғини тикди-да, сўзида давом этди:

— Эҳтимол, шундайдир, лекин баҳслашиб ўтирмайман, ўзим кимман? Исте'фо берган штаб — табибман<sup>5</sup> холос, ҳозирда эса агроном бўлиб олдим. Мен бобонгиз қўлида бригадада хизмат қилганман, — деди у, Аркадийга қараб. — Шундай, ўз давримда кўпни кўрдим. Қандай жойларда бўлмадим, кимлар билан дуч келмадим! Мен княз Виттенштейн<sup>6</sup> билан Жуковскийнинг<sup>7</sup> томирларини ушлаб кўрган одамман! Мен ўша жану-

<sup>1</sup> Касалликлар узвий ҳужайраларнинг фаолиятини билан зоҳир бўлишини тушунтиручи фан.

<sup>2</sup> 1860—1742 йиллардаги машҳур немис доктори; бу ҳозирда ҳам исте'мол қилинадиган машҳур „гофман томчиси“ дорини ихтиро қилган.

<sup>3</sup> *Витализм* — ҳарбир организмнинг тирик бўлиш сабаби жон деб билган идеалистик бир та'лимот.

<sup>4</sup> 1735—1788 йиллардаги инглиз доктори; бу киши ҳарбир касалликнинг зоҳир бўлишига қизиқишнинг кўпчилиги ёки озаги сабаб бўлади, деб да'во қилган.

<sup>5</sup> Ҳарбий докторларнинг бир даражаси.

<sup>6</sup> 1768—1884 йиллардаги рус генерал-фельдмаршали. Бу киши 1812 йилда француз императори Наполеон I га қарши бўлган урушда донг чиқарган.

<sup>7</sup> Машҳур рус шоири.

Ўбий қўшиндаги ўн тўртинчиларнинг<sup>1</sup>, тушинсангиз керак (шу ўринда Василий Иванович лабини тишлаб қўйди), ҳаммасини беш бармоғимдек билар эдим. Ҳа, менинг ишим фақат бир чекада туриш эди; ланцетимни<sup>2</sup> билардим холос, вассалом! Бобонгиз эса, жуда олийжаноб бир киши, чинакам ҳарбий одам эди.

— Тўғриси, галварс бир одам эди, десангчи, — деб қўйди Базаров эричаклик блан.

— Вой, Евгений, шунчалик уйламасдан гапирасан-а! Тўғри, генерал Кирсанов шундай одамлардан эдики...

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Хўп, бу гапларни қўй. Мен бу ерга келаётганимда қайинзорингни кўриб жуда хурсанд бўлдим, яхши ўсипти, — деди.

Василий Иванович жойланиб кетди.

— Сен ҳали боғимни бир кўрсанг эди! Ҳарбир дарахтни ўз қўлим блан ўтқиздим. Мева дарахтлари ҳам бор, резовар мевалар ҳам бор, ҳархил дорй ўсимликлар ҳам бор. Сиз, жаноб ёшлар, нима десаларинг дейинглар-у, аммо лекин кекса Парацельский<sup>3</sup> ўзининг: „Ўсимликлар, тошлар ва гап блан даволаш керак“ деган сўзлари блан жуда авлиёлик қилган. Биласан, мен даволаш ишидан воз кечганман, ҳафтага бир-икки марта эски ҳунарни ишлатишга тўғри келади. Маслаҳат сўраб келган кишилар бўлади, келган кишини қандай қилиб ҳайдаб юбораман, камбағалларнинг ёрдам сўраб келишлари бўлади. Ундан кейин бу ерларда ҳечбир доктор йўқ, шу ерлик қўшнилاردан бири, ҳалиги истефо берган бир майор бор, у ҳам даволайди. Мен бу киши докторликка ўқиганми, деб сўрасам, йўқ, ўқиган эмас, бу киши кўпроқ буни филантропия<sup>4</sup> юзасидан

<sup>1</sup> 1825 йилнинг 14 декабрида қўзғолон кўтарган декабристлар. Декабристларнинг „Жанубий жамият“ а'золари, жанубий қўшинда хизмат қилганлар.

<sup>2</sup> Жарроҳликда ишлатиладиган пичоқ, тиг, ништар.

<sup>3</sup> Швейцарияли машҳур доктор ва тарбиячи.

<sup>4</sup> Бойларнинг камбағалларга икки юзламалик қилиб кўрсатадиган арзимас моддий ёрдамлари.



қилади, деб айтадилар. Ҳа, ҳа, ҳа, филантропия юзасидан. Қандай? Буни қаранг-а! Ҳа, ҳа, ҳа!

— Федька! Трубкама тамаки солиб бер! — деди Базаров қовоғини солиб.

Василий Иванович қизишиб сўзини давом этдириб:

— Бу ерга бсшқа бир доктор ҳам касаллар олдига келиб-кетиб туради; касал эса аллақачон қулоғи тагида қолган бўлади, шунинг учун касалнинг яқин кишиси докторни ичкарига киритмайди, энди керак эмас деб қайтаради. Бундай бўлишини кутмаган доктор уялиб қолади ва: „Қалай, ўлим олдидан марҳумнинг ҳиқичоғи тутдими?“ деб сўрайди. „Ҳа, тутди“, „кўп тутдими?“ „жуда кўп тутди“, „ҳа, ундай бўлса, яхши бўлишти“ деб келган томонига қараб жўнаб кетади, ҳа, ҳа, ҳа!

Чол якка ўзи кулди, Аркадий жилмайгандай бўлди. Базаров бўлса трубкасини тортибгина қўйди. Сўхбат шу тарзда бир соатча давом қилди. Аркадий ўзининг бўлмасига ҳам бориб келди. Бу бўлма ҳаммомнинг ёнида бўлиб, жуда озода ва яхши эди. Ниҳоят, Танюшка кириб, овқат тайёр бўлганини айтди.

Энг олдин Василий Николаевич турди.

— Қани, марҳамат қилинглар, меҳмонлар! Зериктирган бўлсам, марҳамат қилиб, кечирасизлар. Кампиримиз шояд сизларни мендан зиёда роқ кутиб олиб, кушвақт қилса, — деди.

Обед шошиливиқроқ тайёрланган бўлса ҳам, лекин жуда яхши ва мўл-кўл бўлди, фақат винодан бироз айб топиш мумкин эди: Тимофеевичнинг шаҳардаги таниш савдогаридан сотиб олиб келган қорамтил херес виносидан сақич ёки мис мазаси келиб турар эди; пашшалар ҳам жонга тегарди. Бошқа вақтларда бу пашшаларни шу ҳовлидаги асранди бола катта новда блан қўғиб турар эди, аммо бу сафар Василий Иванович ёш авлодларнинг таънасидан қўрқиб, унга жавоб бериб юборган эди. Арина ясениб ҳам улгурган, у, ипак лентали катта челчик кийиб, елкасига гулли зангор шёлрўмол солиб олган эди. У, ўғли Енюшани кўрган замони яна йиғлаб юборди, брқ,

бу сафар эрига, уни юпатиш тўғри келмади, чунки шайрўмолни доғ қилмаслик учун кўз ёшларини ўзи тезда артиб қўяқолди. Овқатни ёлғиз ёшлар ер эдилар, чунки уй эгалари аллақачов овқат қилиб ёулишган эди. Меҳмонларга Федька хизмат қилиб турар, лекин қўпол этиги уни қийнаган бўлса керак, унга Анфисушка деган эркак тақлид, кўзлари гилай бир хотин ёрдамлашарди. Бу хотин уйча омборчи, парранда боқиш ва кыр ювиш ишларини ба- жарар эди. Василий Иванович овқат маҳалида уй ичида уёқ-буёққи юриб туриб, беихтиёр ва ҳаттоки хурсанд бир чехра блан, Наполеоннинг снёсати ва Италия масаласининг чувалиб кетиши блан ўзида туйилган хавфлардан гапирар эди. Арина Власьева Аркадийга эгибор қилмасди, уни олинг-олинг деб қистамасди ҳам; бўртиб чиққан нимранг лаблари, икки чаккаси блан қошлари устидаги холлара жуда оқ кўнгил қилиб кўрсатган думолоқ юзини кичкина мушту- мига тираб, ўғладан сра кўзини узмас ва ҳамон оқ тортар эди. Унинг бутун фикр-ёли ўғлининг қанча вақтга келганини билишда бўлса-да, брөқ сўрашга ботинаолмасди. „Агар иккч кунгагина келдим деса-я, унда нима бўлади“ деб ўйларди ва юраги арзиқиб кетар эди. Қовурма ейилгандан кейин Василий Ива- нич чиқиб кетиб, оғзи очилган ярим шиша шампанс- кий олиб келди. У, гарчи биз қоронғи гўшада яша- сак ҳам, бундай тантанали вақиларди ўзимизни хурсанд қиларлик нарсаларимиз бор, деди. У, учта қадаҳ блан би:та рюмкани тўлдириб шампанский қуйиб, „бебаҳо меҳмонларга“ соғлиқ тилаб, ўзининг қадаҳини, ҳарбийларча, бир кўтаришда ичиб юборди, рюмкдаги майнинг бир томчисини ҳам қолдирмасдан ичишга Арина Власьевнани мажбур қилди. Мураб- бога навбат етганда, Аркадийнинг шириликка тоби бўлмаса ҳам уй эгалари хафа бўлмасин деб, янги- гана пиширилган тўрт хил мураббодан бирма бир татиб кўришга мажбур бўлди. Базаров эса, мураббо ейишдан бутунлай бош тортиб, дарҳол сигара чек- ди. Кейин қаймоқ, мой ва тешик кулчалар блан чой келтирилди. Чойдан кейин Василий Иванович кечки манзарани тамоша қилдириш учун ҳаммани боққа

обчиқди. У бир скамейка олдидан ўтиб кетаётганда, Аркадийнинг қулоғига шивирлаб:

— Шу ерда мен қуёшнинг ботишига қараб, фалсафа сотиб ўтиришни яхши кўраман, саҳройи кишининг одати шундақа бўлади, ҳув анави ерда Горація<sup>1</sup> яхши кўрган дарахтлардан бирнечасини ўтқазиб қўйганман, — деди.

Базаров бу гапни эшитиб:

— Қандақа дарахт? — деди.

— Нима эди... акация дарахтлари-да.

Базаров эснади.

— Энди саёхатчилар ором боғини сайр қилишса ҳам бўлар дейман, — деди Василий Иванович.

Базаров унинг сўзини игиб олиб:

— Я'ни ухлаш вақти демоқчисан-да, гапинг тўғри, дарҳақиқат ухлаш вақти бўлди, — деди.

Базаров онаси блан хайрлашиб, унинг пешонасидан ўпди, онаси эса, уни қучоқлаб, орқасидан киши билмас узоқ дуо қилиб турди. Василий Иванович Аркадийни бўлмасига узатиб борди ва унинг ҳам „шундай бахтли ёшлик чоғларида ўзи татиб кўрган роҳатни“ татишини тилади. Аркадий ҳаммом ёнидаги бўлмасида ҳақиқатан ҳам яхши ухлади: ундан ялпиз ҳидлари келар, печка орқасида худди Аркадийни аллалаган каби иккита чигиргика тарафма-тараф чириллаб турарди. Василий Иванович Аркадийнинг олдидан ўз кабинетига қайтиб келди-да, ўғли блан бироз гурунглашиб ўтирмоқчи бўлиб, диванда ётган ўғлининг оёқ томонига ўтирди, броқ Базаров уйқам келаётипти. деб уни жўнатди, аммо ўзи эса эрталабгача ухламай чиқди; кўзларини катта очиб, ғазабланиб қоронғиликка қарар эди; болалик хотиралари унча ҳукмиронлик қилмас, кейинги аччиқ таассуротлардан ҳали қутилганича йўқ эди. Арина Власьевна аввало хўп ибодат қилди, кейин Анфисушка блан узоқ, жуда узоқ суҳбатлашиб ўтирди, Анфисушка эса бой хотин (барина) елиди худди қоққан қозикдек тик туриб ва ўзининг ягона кўзини унга тикиб, Евгений Васильевич ҳақидаги ўзининг бутун фикр ва муло-

<sup>1</sup> Машҳур қадимги румо шоири.

ҳазаларини аллақандай сирли шивирлаш блан унга етказарди. Шодликдан, винодан ва сигара тутундан кампирнинг боши бутунлай айланиб қолган эди. Эри у блан гаплашмоқчи бўлган эди-ю, лекин қўл силтаб, индамай қўяқолди.

Арина Власьевна бурунги замон ҳақиқий рус дворян хотинларидан эди. У, бундан бир-икки юз йил илгари, қадимги Москва даврларида яшаса бўлар эди. У, жуда диндор ва юмшоқ кўнгил бўлиб, ҳархил ирим-чиримларга, фолларга, дуоларга, тушларга ишонарди, девоналарга, девларга, алвастиларга, ёмон учрашувларга, бало - қазоларга, эми-димларга ва тезда охир замон бўлишига ишонар эди; агар пасха кечаси бутхонада шамлар ўчмаса қора буғдой яхши унум беришига ва агар қўзиқоринга одамнинг кўзи тушса, қўзиқорин бутунлай ўсмай қолишига ишонар эди; яна: ажина сув бор жойни яхши кўради ва ҳарбир жуҳуднинг кўкрагида қон доғи бўлади деган гапларга ишонади; сичқонлардан, илонлардан қурбақалардан, чумчуқлардан, зулуклардан, момоқалдироқдан, совуқ сувдан, шамол бўлишидан, отлардан, эчкилардан, сариқ одамлардан ва қора мушуклардан қўрқарди ва чигиртка блан итларни ифлос ҳайвонлар жумласига қўшарди, на бузоқ гўшти, на каптар гўшти, на қисқичбақа, на пишлоқ ва на қуён гўшти ерди; тарвузни ҳам емасди, чунки сўйилган тарвуз Иоанна Предтеганинг бошини эсига солар эди, денгиз бақаси ҳақида сескаимасдан гапираолмас эди; овқат ейишни яхши кўрар, рўзани бўлса қанда қилмас эди. Бир кеча-кундузда ўн соат ухлар эди, агар Василий Ивановичнинг боши оғриб қолса ҳеч ётмас ва ухламас эди, умрида Алексеев<sup>1</sup>, ёки Ўрмондаги кулбадан бўлак ҳечбир китоб ўқимаган, йилда бир, кўп бўлса икки марта хат ёзиб турар эди, ўзи қўл урмаса ҳам ва умуман жойидан истар-истамасгина қимирласа ҳам, лекин хўжалик бобида, я'ни қатирма қилиш ва мураббо пиширишни яхши билар

---

<sup>1</sup> Француз ёзувчиси Дикре-Димен томонидан ёзилган қадимги, ҳиссиётли ҳикоя (1761—1819 йиллар).

эди. Арина Власьевна жуда меҳрибон ва ўзича бефаҳм хотинлардан эмас эди. У, дун'ёда буйруқ беручи хўжайинлар блан бирга хизмат қилиб туручи оддий фуқоро борлигини биларди, шунинг учун кушомад қилишга ҳам, та'зим қилишга ҳам нафрат кўзи блан қарамас эди, броқ ўзига тоби' бўлган одамлар блан мулойим ва беозор муомала қилар, ҳарқандай гадойни хайрсиз жўнатмас, гийбатни яхши кўрса ҳам, лекин ҳечқачон бировни ёмонламас эди. У, ёшлигида жуда ёқимли бўлиб, клавикард чалар ва бироз французча билар эди, лекин ўз ихтиёридан ташқари теккан эр блан, кўп йиллар шаҳарма-шаҳар юриш натижасида семириб кетган ва музика блан француз тилини эсидан чиқариб қўйган эди. У, ўғлини севар ва ундан жуда қўрқарди. Ер-сувни идора қилиб туришни Василий Иванович ихтиёрига топшириб қўйган ва шундан буён ҳеч нарсага аралашмас эди, агарда чолкелгусида бўладиган ислохотлар ва ўз планларидан сўз очиб қолса, у оқ тортиб, рўмолчасини силтаб, уни яқинига келтирмас ва қўрққанидан қошларини тобора юқора кўтарар эди. У, сервизима хотин бўлиб, доим аллақандай фалокат бўлишини кутар ва бирор қайғули нарсани эсига туширган замон дарров йиглаб юборар эди... Бундай хотинлар энди бу дун'ёдан сафар қиладилар, бунга қувониш керакми, йўқми — худо билади!

## XXI

Аркадий жойидан туриб деразани очиб юборди ва унинг кўзига дастлаб кўринган нарса Василий Иванович бўлди. Чол бухорча тўн кийиб, белини рўмол блан боғлаб олиб, полизда зўр бериб ишлар эди. У, ўзининг ёш меҳмонига кўзи тушиб қолди-да, белкурагига суяниб туриб:

- Салом, яхши ухлаб турдиларми? — деди.
- Шукур. — деди Аркадий.

— Цингиннат<sup>1</sup> каби кечки шолгом эҳкани жўяк олаяпман. Ҳозир шундай замон келдики, — бунисига ҳам худога шукур! — ҳарким ўз қўли билан овқат топиб ейиши керак, бировларга ишониб ўтириш ярамайди: ҳарбир киши ўзи пешона тёри тўкиши лозим. Бинобарин, Жан-Жак Руссонинг<sup>2</sup> айтгани тўғри эканда. Бундан ярим соат илгарироқ сиз мени, афандим, бутунлай бошқа бир аҳволда кўрган бўлар эдингиз. Бир хотин, унинг ўзича қилиб айтганда бостириқ, бизча айтганда — ич кетар касалига мубтало бўлган экан... сизга қандай қилиб тушунтирсам экан... Уни аф'юн билан даволадим. Яна бир хотиннинг тишини суғуриб олдим. Бунисига эфиризация<sup>3</sup> таклиф қилган эдим, лекин бунга кўнмадим. Бу ишларни мен фақат бир ҳаваскор сифатида пулсиз қиламан. шундай бўлса ҳам бу ажабланурлик эмас, чунки мен қора халқдан, хотиним сингари аслзода дворянлардан чиққан эмасман... Бу ерга чиқиб, ноништа вақтигача ссяда, эрталабки соф ҳаводан баҳраманд бўлсангиз бўлмайдими?

Аркадий унинг олдига чиқди.

Василий Иванович қўлини, ҳарбийларча, ёғ босган қалпоғига қўйиб:

— Яна бир карра айтай, хуш келдингиз! Албатта, сиз майшатга, завқ қилишга ўрганиб қолгансиз, броқ бу дун'ёнинг буюк зотлари ҳам қисқа умрларини шундай кулбада ўтказишдан жирканмайдилар, — деди.

— Кечирасиз, — деди Аркадий, — мен нега бу дун'ёнинг буюк зоти бўлар экамман? Зеб-зийнатга ҳам одат қилганим йўқ.

<sup>1</sup> Миллодан бурун V асрда ўтган румо давлат арбобларидан бўлиб, раис жумдур бўлгандан кейин ўз ихтиёри билан қишлоққа қайтган ва умрини деҳқончилик билан ўтказган киши.

<sup>2</sup> 1712—1778 йиллардаги машҳур француз ёзуғиси. Бу киши ўзининг жамоат ва та'лим-тарбия характерида ёзган бирқанча асарларида, кишини табиатга боғлаб тарбия қилиш, уни мустақил ва ишчан қилиб етиштириш керак, деган фикрни олға сурган ва шу фикрлар билан буюк француз янқилоби арафасида турган табақа халқ орасида катта та'сирни бўлган.

<sup>3</sup> Эфир ёғдами билан оғриқни битириш.

Васильй Иванвич мулойим қилиб унга э'тироз билдирди:

— Рухсат этинг, рухсат, мен ҳозир энди қатордан чиқиб қолган бўлсам-ла, ўз давримда кўпни кўрган кишиман, қушларни парвозидан биламан. Мен ҳам ўзимга яраша психологу, физиогномистман<sup>1</sup>. Агар мен, сизга айтсам, шундай қобилиятга эга бўлмаганимда эди, аллақачонлари хароб бўлиб кетар эдим, мендек кичкина одамни оёқ ости қилиб кетган бўлар эдилар. Хушомад тариқасида эмас-у, тўғриси айтиш: сиз блан ўғлим ўрталагинда бўлган дўстликни кўриб, жуда-жуда хурсандман. Мен ҳозир ўғлим блан кўришдим: у, балки сизга ҳам ма'лум бўлган одатича, жуда эрта туриб атрофга сайр қилгани чиқиб кетди. Сиздан бир нарсани сўрашга рухсат этсангиз; сиз Евгений блан кўпдан бери танишмисиз?

— Ўтган қишдан буён.

— Жуда сўз. Сиздан яна бир нарса сўрашга рухсат этинг. Утириб олсак қандай бўлар экан? Энди ота бўлиш сифатим блан сиздан яна бир нарсани очиқ сўрашга рухсат этинг: сиз менинг Евгенийим ҳақида қандай фикрдасиз?

Аркадий унга чаққон жавоб қайтарди:

— Сизнинг ўғлингиз шу вақтгача мен учратган одамларнинг энг ажойибларидан биридир, — деди.

Буни эшитган Василий Ивановичнинг кўзлаги бирдан катта очилди, юзи бироз қизарди, қўлидаги белкураги тушиб кетди.

— Демак, сизнинг фикрингизча... — деб гап бошлаган эди, Аркадий сўзини бўлиб:

— Менинг фикримча, ўғлингизни, шубҳасиз, буюк истиқбол кутади ва у сизнинг исмингизни албатта шон-шараф блан қоплаяжак. Мен бунга у блан биринчи учрашганимиздаёқ ишонч ҳосил этган эдим, — деди.

Василий Иванович қувончдан сўзини зўрға гапириб:

— Бу... бу қандай бўлди? — деди.

---

<sup>1</sup> Кишининг афтига қараб унинг хулқини белгиловчи.

Унинг камоли завқланганидаги жилмайиши кенг лабларини каттароқ очди ва у жилмайганича қолди.

— Сиз бизнинг қандай қилиб учрашганимизни билмоқчи бўласизми?

— Ҳа... умуман муносабатингизни...

Аркадий Базаров ҳақида, Одинцова билан мазуркага танца қилган кечаси қандай қизиқиб гапирган бўлса, ҳозир ундан ҳам кўпроқ қизиқиб, зўр завқ билан гапира кетди.

Василий Иванович унинг гапига қулоқ солар, қулоқ сола туриб бурнини қоқар, дастурмолини қўлида уйнатар, йўталар, сочларини ёзар эди, ниҳоят чидаб тураолмади: Аркадий томон энгашиб, унинг елкасидан ўлди; кейин ҳамон жилмайишини қўймай:

— Сиз мени ниҳоятда хурсанд қилдингиз, мен сизга шуни айтишим керакки, мен... Уғлимни гоёт ҳурмат қиламан, кампирим хусусида гапириб ҳам ўтирмайман, чунки она деган нарса ўзингизга ма'лум. Брок, мен унинг олдида ўз туйғуларимни очиқ сўзлай олмайман, чунки Евгений буни яхши кўрмайди. У кўнгил бушатишни умуман ёмон кўради; кўплар уни ҳатто бағритош, туйғусизлик ёки мағрурлик аломати дейишди, лекин бунингдай одамларни бошқалар билан баравар қилиб бўлмади, шундай эмасми? Мана, масалан, унинг ўрнида бошқа одам бўлса, ота-онасидан ҳадеб пул олаверар эди; у-чи, хошнинг, хошноманг, дун'ёга келгандан бери биздан бир тийин ҳам ошиқча пул олгани йўқ!

— У жуда бетама', тўғри одам,— деди Аркадий.

— Бетама' бўлганда қандай денг! Мен эси, Аркадий Николаевич, уни тақдир этишим уёқда турсин, у билан фўхрламан ва мен шуни истайманки, вақти келиб унинг таржимаий ҳолида: „Оддий бир штаб-табибининг ўғли бўлса-да, отаси, унинг буюк киши бўлишини бурундан сезган ва унинг тарбияси учун ҳечнарсани аямаган...“ деган сўзлар ёзилсин.

Шу сўзлардан кейин чол сўзини давом этдираолмади.

Аркадий унинг қўлини қисди.

Бироз жим қолганидан кейин Василий Иванович:



— Сиз қандай деб ўйлайсиз, у, сиз айтган шуҳратга медицина соҳасида эришмаса керак?—деб сўради.

— Албатта бу соҳада эмас, лекин медицина соҳасида ҳам биринчи олимлардан бўлажак.

— Бўлмаса қайси соҳада эришади, Аркадий Николаевич?

— Ҳозир буни айтиш қийин, лекин у машҳур одам бўлади.

Чол Аркадийнинг сўзини қайтариб:

— У машҳур одам бўлади!—деб қўйди ва ўйга боғди.

Қўлида катта тозоқда янгигина терилган малина кўтарган Афсусушка уларнинг ёнидан ўтиб кетаётди:

— Арна Власьева сизларни чойга тактиф қилаётирлар,—деди.

Василий Иванович бир чўчиб тушди.

— Малина бля. ейишга муздек қаймоқ ҳам бўладими?

— Ҳа, бўлади.

— Муздек бўлсин-а!.. Уялиб-нетиб ўтирманг, Аркадий Николаевич, ўз уйингиз бу ер. Нега Евгений келмаяпти-а?

Аркадий бўлмасидан Базаровнинг:

— Мен бу ердан,—деган овози эшитилди.

Василий Иванович дарров унга бурилиб қаради-да:

— Эҳе! Ўртоғингнинг олдига кирдингми, афсуски кечикиб қолибсан, дўстим, биз бу киши билан анча суҳбатлашиб ҳам олдик. Энди бориб чой ичиш керак, онанг чақираётир. Айтгандай, сен билан бироз гаплашадиган гапим бор эди.

— Нима тўғрида?

— Бу ерда иктер касалига дучор бўлган бир мужик бор...

— Я'ни сариқ касалигами?

— Ҳа, жуда оғир, эскидан давом этиб келаётган иктерга йўлиққан. Мен унга турли даволар қилишни буюрдим, сабзи ейишга буюрдим, сода бердим; бром булар ҳаммаси ҳам вақтинчалик даволардир, бошқа дурустроқ чора толиш керак, сен медицинадан кулсанг ҳам менга фойдали маслаҳат бераолар-

сан деб ўйлайман. Лекин бу ҳақда сўнграқ гаплашамиз. Ҳозир эса чойга борайлик.

Василий Иванович скамейкадан чаққон ирғиб турди ва Робертдан<sup>1</sup> ашула айтабошлади:

«Қонун—қонун, ўзимизга қонуя тузамиз.  
Роҳ... роҳ... роҳатда яшаймиз!»

Базаров дераза олдидан кетатуриб:

— Ажойиб бардам чол!—деди.

Туш пайти бўлди. Қуёш оппоқ кумуш булутларнинг нозик пардаси ўта куйдирар эди. Ҳаммаёқ жим-жит: қишлоқда биргина хўрозлар қаттиқ қичқирар ва уларнинг товушларини эшитган ҳарбир кимсанинг эринчақлиги тутар ва зерикарди, яна аллақаердаги баландликдан, дарахт тепасида ўтирган қирғайн боласининг чийиллаши эшитиларди. Аркадий блан Базаров, қуруқ бўлса ҳам ҳали кўмкўк, хушбуй ўтдан икки қучоғини остларига солиб, кичкина пичан ғарами соясида ётардилар.

Базаров гап бошлаб:

— Анави тоғ тераги менга ёшлигимни эслатади, у терак ғишт омбордан қолган чуқур бўйида эди, мен ўша вақтларда, бу чуқур блан шу терак қандайдир тилсим деб ўйлардим, мен ўша ерда ўйнаб ҳеч зерикмасдим. Ўша вақтда бола бўлганлигим учун зерикмаслигимни тушунмас эдим. Мана энди бўлса мен катта бўлиб қолдим, энди менга тилсимлар та'сир этмайди,—деди.

— Ҳаммаси бўлиб бу ерда қанча вақт турдинг?—деб сўради Аркадий.

— Бир йўла икки йил, сўнгра келиб кетиб юрар эдик, умримиз кўчиб юриб ўтарди, кўпинча шаҳар-ма-шаҳар юрардик.

— Мана бу уй қай вақтдан бери бор?

— Аллақачондан бери, буни бувам, онамнинг отаси солган.

---

<sup>1</sup> Роберт—«Роберт-Иблис»— француз композитори Мейер-лергинг (1781—1864 йиллар) операси.

— Буваыг ким эди?

— Ким биледи дейсан, аллақандай секунд-майор<sup>1</sup> булган. Суворовда<sup>2</sup> хизмат қилган, Альп тоғларидан ўтишганини ҳикоя қилар эди. Ёлгон аралаштирган бўлса керак.

— Шунинг учун меҳмонхонангизда Суворовнинг сурати осиглик экан-да, мен эски бўлса ҳам, сизларники сингари иссиқ уйларни яхши кўраман. Буларнинг ҳиди ҳам аллақандай, бошқача.

Базаров эснаб:

— Лампадка<sup>3</sup> мойи блан донник<sup>4</sup> ҳиди келиб туради. Бу сеvimли уйларда яна пашшанинг кўплиги-чи... Оҳ!— деди.

Бироз сукутдан кейин, Аркадий гап бошлаб:

— Айтчи, ёшлигингда сенга ҳеч озор берганми-лар?— деди.

— Ўзинг кўриб турибсан-ку, ота-онамнинг қанақалигиви қаттиққўл эмас.

— Сен ота-онангни яхши кўрасанми, Евгений?

— Яхши кўрмай-чи!

— Улар сеңи шундай яхши кўрадиларки!

Базаров бироз индамай турганидан кейин:

— Мен нима тўғрида ўйлайман, биласанми?— деди ниҳоят, қўлларини боши остига қўйиб.

— Йўқ, нима тўғрисида ўйлайсан?

— Ота-онам хўп яхши яшайди-да дейман! Отам олтмиш ёшга кириб ҳам серҳаракат, ҳархил „муваққат“ даволардан баҳс этади, одамларни даволайди, деҳқонларга мурувват кўрсатади, хуллас—давр суради. Онамга ҳам яхши: эртаю-кеч икр-чикр ишлар блан шу қадар бандки, бошқа нарсалар тўғрисида ўйлагани қўли ҳам тегмайди. Мен эса...

— Хуш, сен-чи?

— Мен ўйлайманки, мана мен ҳозир шу ғарам тагида ётибман... Бу ерда мен ишғол қилган кичкина жой, мен бўлмаган ва менга ҳечбир алоқаси

<sup>1</sup> Бурунги ҳарбий даражалардан бири.

<sup>2</sup> Машҳур рус саркардори; бошқа хизматлари блан бирга; 1799 йида Альп тоғларидан ўтишда ҳам ном чиқарган.

<sup>3</sup> Бутлар олдиға ёндириб қўйиладиган мой — ёғоч мойи.

<sup>4</sup> Дорига ишлатиладиган сиёҳ.

бўлмаган зўр кoinнотга таққослаб қараганда заррача умрим адабиётга нисбатан шу қадар қисқа, аҳамиятсизки, бу адабиётда мен йўқман ва бўлмаяжакман... Аммо бу атомда, бу математика нуқтасида қон юриб туради, мия ишлайди, бу ниманидир истайди... Бу нима деган гап! Қандай бема'нилик!

— Сенга шуни айтайки, Евгений, сен айтаётган нарсалар умуман ҳамма одамларга ҳам оиддир...

Базаров Аркадийнинг сўзини илиб олиб:

— Тўғри айтасан, мен шуни айтмоқчи бўлган эдимки, мана, я'ни, масалан, ота-онам шу қадар бандки, ўзларининг арзимас одамлар эканликлари ҳақида ўйлашга ҳам вақтлари йўқ ва бу нарса уларни ташвишга ҳам солмайди... Мен-чи... Мен нуқул диққат, тажанг бўламан.

— Тажанг бўламан? Нимага энди?

— Нимага десан-а, эсингдан чиқдимми?

— Ҳаммаси эсимда, лекин шундай бўлса-да, тажанг бўлишингга ўрин йўқ. Толиам йўқ деганинг тўғри, лекин...

— Э, Аркадий Николаевич, кўриб турибман, муҳаббатни сен ҳозирги ёшлардек тушунасан, ма, ту-ту-ту товугим-у, товук олдинга келса, худо оёққа қувват берсин! Мен бундай кишилардан эмасман. Хайр, бу хусусда бас қилайлик энди. Ёрдам қилиб бўлмайдиган иш тўғрисида гапириш ҳам уят — деди-ю, у ёнбошига ағдарилди. — Вой, анави азамат чумолини кўр, чала ўлик пазшани судраб кетаяпти. Судра, биродар, судра! Унинг ўжарлик қилишига қараб турма; жонивор сифатида азоб тортиш туйғусини рад қилишга ҳақлисан, бизлар каби ўз жонини қийновчи одамларга ўхшамайсан.

— Бу гапни сеп гапирмасанг ҳам бўлар эди, Евгений, қачон сен ўзингни қийнаганинг бор?

Базаров бошини кўтарди.

— Мен шу блаш фахр қиламанда. Ўз-ўзимни қийнаганим йўқ, демак, хотин зоти ҳам мени қийнай олмас. Омин! Бу гап тамом! Бундан кейин бу ҳақда мендан бир оғиз ҳам гап эшитмайсан.

Иккала дўст бирнеча вақт жим ётишди.

Базаров гап бошлади:

— Ҳа, инсон деганинг ғалати махлуқ-да, „Оталарнинг“ бу ғушада кечирган ҳаётларига узоқдан қарасанг, бундан ҳам яхши ҳаёт борми, деган фикр туғилади. Егин, ячгин ва шу блан энг тўғри, энг ақлли йўл тутаётибман деябер. Броқ шундоқ қилиб бўлмайди, кишини ғусса енгади. Кўнгил одамлар блан машғул бўлишни, сўкишиб бўлса ҳам машғул бўлишни истайди.

Аркадий бироз ўйлаб:

— Ҳаётни шундай йўлга қўйсангки, унда ҳарбир лаҳза ҳам ма'нолик бўлса,— деди.

— Шу гап сендан чиқаётитими! Ма'нолиги соҳта бўлса-да, ширин бўлади, аммо ма'носизроғига ҳам кўниш мумкин... Икр-чикр деган нарса ... бу бир балойи азим.

— Агар инсон унга қулоқ солмайман деса, унинг учун икр-чикр деган нарса йўқдир.

— Ҳим... сен бу ерда умумий қарама-қарши нуқтани айтдинг.

— Нима? Бу блан нима димоқчи бўласан?

— Бу шундай, масалан: маориф фойдали десак, бу—умумий нуқта бўлади, агар маориф зарарли десак, буниси умумий қарама-қарши нуқта бўлади. Бу ... бир қадар нозик кўрикса-да, зотан ҳаммаси бир нарса.

— Ҳақиқат-чи, ҳақиқат қаерда, қайси томонда?

— Қаерда дейсанми? Мен сенга акс садо сингари жавоб бераман: қаерда?

— Сен бугун савдойроқ кайфиятдасан, Евгений.

— Ростдан-а? Офтоб мени ланж қилганга ўхшайди, энди малинани ҳам унча кўп ейиш ярамайди.

— Ундай бўлса, бироз ухлаб олиш ҳам зарар қилмас,— деб қўйди Аркадий.

— Яхши бўлади, лекин сен менга қарама: ухлаган вақтда ҳарқандай кишининг афти хунук бўлади.

— Сенинг ҳақингда нима деб ўйласалар, сенга барибир эмасми?

— Сенга нима дейишимни билмайман. Асл одам бу тўғрида ташвиш тортмаслиги лозим, асл одам шундай бўладяки, унинг ҳақида ҳечким ҳеч нарса

ўйламайди, фақат ё унга итоат қилади, ёки уни ёмон кўради.

— Қизиқ-а! Мен ҳечкимни ёмон кўрмайман, — деди Аркадий бироз ўйланиб.

— Мен эса кўп одамларни ёмон кўраман. Сен позик табият, бачкана одамсан, сен қандай қилиб бировни ёмон кўралгин!. Сен кўрқоқсан, ўзингга ишончинг кам...

— Сен-чи, — деб Базаровнинг сўзини бўлди Аркадий, — сен ўзингга ишонасанми? Сен ўзингни олийжаноб деб ҳисоблайсанми?

Базаров ҳечнима демади.

Ниҳоят, Базаров сўзларини бўлиб-бўлиб гапира-бошлади:

— Мен сўзидан қайтмайдиган кимсани учратсам ўз ҳақимда бошқача фикрда бўламан. Ёмон кўрмоқчи Мана, масалан, бугун оқсоқолимиз Филиппнинг оппоққана, яхшигина уйи ёнидан ўтиб кетаётганимизда сен: мана, ҳарбир энг камбағал деҳқон ҳам шундай уйга эга бўлган тақдирдагина Русия такомил топажак, шунинг учун биз ҳарқайсимиз шунга ёрдам этишимиз керак, деган эдинг. Мен эса сен айтган ўша энг камбағал деҳқонлардан бўлган Филиппини ёнвки Сидорини — барибир ёмон кўриб қолдим, нега мен унинг учун жонкуярлик қилармишман, у менга раҳмат ҳам демас экан... Менга унинг раҳматининг нима ҳожати бор? Хўш, у оппоқ уйда яшайверади, менинг қабрим устини бўлса тиконлар бўсади, хўш, ундан кейин-чи?

— Қўйсангчи, Евгений... бугун сенинг гапларингга қулоқ солаберсам, сизларда принцип йўқ деб та'на қилучи кишилар блан воилож қўшилишга тўғри келади.

— Сен амакингнинг гапларини гапираяпсан, принцип деган нарса умуман йўқ, шу чоққача буни пайқамабсан-да! Унинг ўрнига сезги деган нарса бор. Ҳамма нарса шу сезгига боғлиқ.

— Бу қандақ бўлди?

— Шундай. Мана, масалан, мени олайлик: мен сезги кучи туфайли инкор қилиш йўлини тутаман. Инкор этишдан лаззатланаман, демак, менинг миям

шундай тузилган, вассалом! Нечун менга ким'ё ёқади? Нечун сен олмани яхши кўрасан? Бунинг сабаби ҳам ўша сезги. Булар ҳаммаси бир нарса. Одамлар ҳечвақт бундан нарига ўтолмаслар, буни сенга ҳарбир киши ҳам айтабермайди, шунингдек мен ўзим ҳам буни сенга иккинчи марта айтмайман.

— Демак, ҳалоллик ҳам сезгими?

— Бўлмаса нима булар эди?

— Евгений,—деди ма'юсона бир овоз блан Аркадий. Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Ҳа, нима, ёқмаяптими дейман? Йўқ, дўстим! Ҳаммасини кесишга тутунгандан кейин ўз оёғингни ҳам қолдирма!.. Лекин анчагина фалсафа сотдик. Пушкин, „Табиат уйқу сукутини аллавайди...“ деган.

— У ҳечқачон ундай деганмас,—деди Аркадий.

— Хур, айтмаган бўлсин, лекин шоир бўлгани учун шундай деб айтиши мумкин ва шарт эди. Айтгандек, у ҳарбий хизматда бўлган шекилли.

— Пушкин ҳечқачон ҳарбий бўлган эмас!

— Кечирасан, унинг ҳарбир саҳифасида: „Жангга, жангга, Русия шарафи учун!“ деган сўзлар учрайди.

— Нима бўлди сенга, шундай бўлмагур гапларни тўқийсан-а! Ахир бу бухтон-ку.

— Бухтон! Аҳамияти йўқ. Қўрқитмоқчи бўлиб айтган сўзингни қара-я! Инсонга қандайгина бухтон тақмагин, ҳақиқатда у, бундан беш баттар бўлиб чиқади.

— Кел, яхшиси, ухлайлик!—деди Аркадий ўз сўзига ўқиниб.

— Жоним блан,—деди Базаров.

Лекин Базаровнинг ҳам, Аркадийнинг ҳам кўзига уйқу келмас эди. Ҳар иккала ёш йигитнинг қалбини аллақандай душманлик ҳиссига яқин бир ҳисчулғаб олган эди. Беш минутчадан кейин иккови ҳам кўзини очиб, индашмасдан бир-бирига қараб олди.

Аркадий бирдан гапга кириб:

— Қарагин, қайиннинг қуруқ барги узилиб ерга тушаяпти. Унинг учиб тушиши худди капалакнинг училишига ўхшайди-я, гапга-а? Энг кўнглисиз ва ўлик бир нарса энг наш'али ва жонли нарсага ўхшайди.

— Оҳ, дўстим, Аркадий Николаевич!— деди Базаров, сендан бир нарсани сўрайман: чиройлик қилиб гапирма.

— Билганимча гапирамав... Ундан кейин бу зовимлик-ку, ахир. Миямга бир фикр келганда нега уни сўзламай?

— Хўп, шундоқ бўлсин; нима учун мен ҳам миямга келган фикрни айтаолмайман? Менингча, чиройлик гапириб яхши иш эмас.

— Яхшиси қандақа бўлади? Сўкишишим?

— Ҳай, ҳай! Кўриниб турибдики, сен аниқ амакининг изидан бормоқчи бўласан, агар сенинг гапларингни эшитса, у аҳмоқ қандай хурсанд бўларди-я!

— Павел Петровични нима дединг?

— Мен уни аҳмоқ деб отадим.

— Бунингга энди чидаб туриб бўлмайдил!— деди Аркадий.

Базаров пинагини бузмай:

— Ҳа-ҳа! Қариндошчилик туйғуларига тегибдида. Мен пайқаганман: бу туйғу инсонларга қаттиқ синган бўлади. Инсон ҳар нарсадан, ўзининг бутун эътиқодларидан воз кечишга тайёр, лекин қариндошлик тўғрисига келганда ожизлик қилади. Масалан; бировларнинг дастрўмолини ўғирлаб юрган укасини у ҳечвақт ўғри деб айтишга тили бормайди. Дарвоқи, менинг укам, гарчи доҳий бўлмаса-да, меники... мумкинми ахир шундай бўлиши?

Аркадий жаҳл блан эътироз қилиб:

— Қариндошлик туйғуси эмас, балки энг оддий адолат туйғуси қўзғади. Аммо сен бу туйғунинг авталамайсан, сенда бу сезги йўқ. Шунинг учун бу тўғрида бир нарсая деяолмайсан ҳам.

— Бошқача айтганда, Аркадий Кирсанов биз англамайдиган кўкларда парвоз қилар экан, бунга бош ёғиб, жим утирамыз.

— Қўйсангчи энди, Евгений, бекорга уришиб қоладиганга ўхшаймыз.

— Оҳ, Аркадий! Кошки шундоқ бўлса-ю, қий-пи-чоқ бўлгунча муштлашиб олсак.

— Аҳвол шу бўлса шундай ҳам бўларки...

Базаров Аркадийнинг сўзини илиб:



— Муштлашишин? Нима қипти? Бу ерда пичан устида, шоврона бир шаронгда, дун'ёдан ва одамлар қўзидан узоқ бир жойда ёқалашсак зарари йўқ, лекин менга кучинг етмас... Мен сени гиппа бўғизингдан оларман дейман...

Базаров ўзининг узун ва қаттиқ бармоқларини ёзди... Аркадий унга томон бурилди-да, худди ҳазиллашаётгандай, қаршилик қилишга ҳозирланди... Аммо дўстининг афти унга шундай даҳшатли кўринар ва унинг лабларидаги илжайиш блан ёниб турган кўзларида шундай таҳдид кўринар эдики, беихтиёр кўрқиб кетди.

Худди шу пайтда Василий Ивановичнинг:

— Эҳе! Зап ғалати жойни топиб олибсизлар-ку!— деган овози эшитилди. Кекса штаб-табиби хонаки тўқилган мовут пиджак блан қўлда тўқилган похол шляпа кийгани ҳолда ёш йигитлар олдида пайдо бўлиб қолди.— Мен сизларни тоза қидирдим-а... лекин жуда яхши жой топиб олиб, маэза қилиб суҳбатлашаётганга ўхшайсизлар-а. „Ерга“ ётиб, „осмонга“ тикилиш-а... Биласизларми, бунда айрим бир ма'но бор.

Базаров тўнғиллаб:

— Мен акса ургим келгандагина осмонга қарайман, — деди ва Аркадийга қараб, астагина: — Афсуски, халак берди-да, — деб қўшиб қўйди.

Аркадий шивирлаб:

— Бас қил энди, — деди ва яшириқча ўртоғининг қўлини қисди, лекин бундай можараларга ҳечқандай дўстлик узоқ чидамаса керак.

Шу орада Василий Иванич, ўз қўли блан бурама қилиб ясаган ва тутқичига турк нусхаси ишланган ҳассасига қўлларини чалмаштириб таягани ҳолда, бошини чайқаб:

— Ёш суҳбатдошларим, сизларга ҳавасим келади. Сизларда нақадар куч-қувват, гуллаб турган ёшлик, исте'дод ва қобилият бор-а! Хуллас ... Кастор блан Поллукс<sup>1</sup>нинг ўзгинасисизлар! — деди.

---

<sup>1</sup> Қадимги юнон сўзигида ака-ука ва ажралмас дўстлик ма'носига.

Базаров:

— Буни қара, мифология<sup>1</sup>дан кетди-ку! Ўз дав-  
рида кучли латинчилардан<sup>2</sup> бўлгани дарҳол сезилиб  
турипти! Эсимда бор, сен латинча ёзган бир асаринг  
учун кумуш медаль олган эдинг-а? Шундай эмасми?

Василий Иванович ўз сўзини такрорлаб яна:

— Диоскуралар, диоскуралар-эй!— деб қўйди.

— Бас энди, ота, кўп ширинсўз бўлма.

Чол гудурланиб:

— Биров мартагина мумкиндир, — деб қўйди. —  
Лекин жаноблар, мен сизларга ширин сўзлик қилиш  
учун сизларни қидирган эмасман, балки тезда обед  
қиламиз, деб хабар қилиш учун келдим. Сўнгра,  
Евгений, сени бир иш тўғрисида огоҳлантириб қўй-  
моқчи эдим... Сен ақлли кишисан... Сен одамларни  
ва шу жумладан хотин кишини ҳам биласан, шунинг  
учун кечирасан... Келишинг шарафига онанг ибодат  
маросими қилмоқчи эди. Тағин сен, ибодатга ишти-  
рок қилиш учун мени чақиргали келган деб ўйлама-  
гин, маросим тамом бўлди, брок падар Алексей...

— Поппя?

— Ҳа, поп; у бизникида... овқат қилади. Мен  
буни кутмаган, ҳатто маслаҳат ҳам бермаган эдим...  
Лекин нечукдир шундай бўлиб қолди... у менга  
тушунмади... Ундан кейин Арина Власьева ҳам...  
Бундан ташқари, у бизнинг жуда яхши ва мулоҳа-  
зали бир кишимиз бўлади.

— Обед маҳалида менинг ҳиссамни еб қўймас-а?—  
деб сўради Базаров.

Василий Иванович кулиб юборди:

— Омон бўл, нималар даяпсан?

— Бўлак ҳеч нарса талаб қилмайман. Мен ҳар-  
қандай киши билан ҳамдастурхон булишга тайёрман.

Василий Иванович шляпасини тузатиб қўйди ва га-  
шира кетди:

— Мен сенинг ҳарқандай эски фикрлардан холи  
эканлигингни илгаридан билардим. Мана мени қара,

<sup>1</sup> Бурунги халқларнинг худолари блан ботирлари тўғрисидаги афсона ва ривоятлари.

<sup>2</sup> Латин тилини ва адабиётларини билучи киши.

олмиш икки ёшга кирган бир чол бўлатуриб, мен ҳам булардан холиман. Василий Иванович маросим қилишни ўзи хоҳлаган бўлса ҳам, буни иқдор этишга жур'ат қилаолмас эди... Диндорликда у хотинидан ҳеч қолишмас эди.

Аммо падар Алексей сен блан танишмоқни жуда истади. У сенга ёқади, кўрарсан. У қарга уйнашдан ҳам қочмайди, ҳатто... лекин буниси ўз ўртамизда қолсин... тамаки ҳам чекади.

— Майли, обеддан кейин аралаш<sup>1</sup> ўйнагани ўтирармиз, мен уни албатта ютаман.

— Ҳе-ҳе-ҳе, кўрамиз! Кампир ошириб гапирар.

— Нима? Ё эски даврни эсга туширмоқчимисан дейман? — деди Базаров та'кидлаб.

Василий Ивановичнинг мисранг юзи биров қизаринди.

— Уят эмасми сенга, Евгений... Ўтган ишга савот! Тўғри, мен ўз айбимни мана бу киши олдида ҳам иқдор қилишга тайёрман. Менда бу дард ёшлигимда ҳам бор, бунинг учун хўп та'зимини еганман! Ҳаво мувчаям иссиқ. Ёнларингга утирсам бўлар-а? Ҳалал бермасман дейман?

— Ҳечбир, — деди Аркадий

Василий Иванович йўтала-йўтала пичан устига ўтирди.

— Сизларнинг мана шу ётган жойларингиз, афандилар, менга ўзимнинг ҳарбий, кучманчи ҳаётимни ва шундай ғарамлар олдида жойлашган яра бойлаш нуқталарини кўз олдимга келтиради.— У оғир вафас олди.— Мен ўз умримда жуда кўп нарсаларни кўрдим. Мана, масалан, ижозат берсаларинг, мен сизларга Бессарабияда бўлган вабо тўғрисида қизиқ бир воқияни айтиб бераман.

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Иштирок қилганинг учун Владимир нишони олганинг воқиа эмасми? Биламиз, биламиз... Айтгандай, нега тақиб юрмайсан? — деди.

Василий Иванович тўнғиллаб:

— Ахир мен сенга хурофотдан холиман демадимми? — деди (у кечагина нишон лентасини кийимидан

<sup>1</sup> Аралаш — қарта ўйинларидан бири.

об ташлашни буюрган эди) ва вабо воқнасини ҳикоя қилишга киришди. У, Базаровга ишора қилиб, Аркадийнинг қулоғига: — ухлаб қолди-ку, — деди. Сўнгра баланд овоз блан гапирди: — Евгений! Тур, обед қилгани борамиз...

Падар Алексей яхшилаб таралган қалин сочли, белбоғли бинафшаранг ряса<sup>1</sup> кийган, совлатли ва семиз бўлиб, жуда абжир ва эпчил бир киши эди. У, Базаров блан Аркадийнинг ўз фотихасига муҳтож эмасликларини олданоқ билгандай, шошиб-пишиб улардан олдиноқ ўзи қўл узатди ва ўзини умуман эркин тутди. У, ўзи сир бермади, бошқалар блан ҳам иши бўлмади; пайти келганда семинариядаги<sup>2</sup> латин тилидан кулиб ўтирди ва ўзи архереясини<sup>3</sup> ёқлаб сўзлайди; икки рюмка вино ичди-ю, учинчисини рад қилди; Аркадий берган битта сигарани олди-ю, лекин уйимга олиб кетаман, деб чекмади. Унинг қўли блан астагина бетига уриб нашшатутиб ўлтириши ва ба'зан уларни эзиб ўлдиришигана бошқаларга ёқмас эди. У, яшил стол<sup>4</sup> ёнида ҳузур қилиб ўтирди ва натижада Базаровнинг 2 сўм 50 тийин қоғоз пулини ютиб олди. Арина Власъевнанинг уйда тангани пул ҳисоблашмас эди... Арина Власъевна (у қарта ўйнамас эди) юзиви боягидек муштумчасига тираб, ўғли ёнида ўтирар ва фақат бирор янги ширинлик олдириб келиш учунгина ора-сра ўрнидан турарди. У, ўғлини эркалашга қўрқар, ўғли ҳам буни ёқтирмас ва унинг эркалашига йўл қўймасди. Шу блан бирга Василий Иванович ҳам Арина Власъевнага — ўғлининг кўпам „безовта қилаверма“, „ёшлар буни яхши қўрмайдилар“ деб пишиқтириб қўйган эди. Бу кунам обеднинг қандай бўлгани тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, чунки махсус черкас суқим гўшти олиб келгани Тимофеевичнинг ўзи тонг маҳалида отлиқ борган эди. Оқсоқол эса, ҳархил балиқ ва қисқичбақа ахтариб, бошқа томонга жўнаган эди.

<sup>1</sup> Поплар княдиган махсус узун кийим, Сели тор жубба.

<sup>2</sup> Эски вақтда поплар тайёрлаб чиқарадиган руҳоний мактаб, буларда латин тили энг муҳим дарслардан санаалган.

<sup>3</sup> Губернада барча руҳонийлар бошлиғи.

<sup>4</sup> Қарта ўйнаш учун мовут қоплаб ишланган махсус стол.

Қўзиқориннинг ўзи учунгина хотинларга чақа блан 42 тийин тўланган эди. Аммо Арина Власьевнанинг Базаровга тикилиб қараб турган кўзлари биргина садоқат ёки меҳрибонликни билдирмас, балки бу кўзларда мароқ ва қўрқув аралашган маҳзунлик, аллақандай ўпка асари борлиги ҳам кўринар эди.

Аммо Базаров онасининг кўзлари нимани ифода қилаётгани блан иши йўқ эди. У онаси блан жуда кам гаплашар ва шунда ҳам қисқа-қисқа саволлар берар эди. Бир марта у, „ё бахт“ деб онасининг қўлини сўради; онаси юмшоққина қўлини унинг қаттиқ ва каттакон кафтига оҳистагина қўйди-да:

— Хуш, бўлмадимми? — деб сўради бир пасдан кейин.

Базаров илжайиб:

— Ундан ҳам баттар бўлди, — деди.

Падар Алексей Базаровни аягандай бўлиб:

— Бу киши жуда таваккал қилаяптилар, — деб ўзининг чиройли соқолини силаб қўйди.

Василий Иванич унинг сузини илиб олиб:

— Наполеон қондаси, падар Алексей, Наполеон қондаси, — деди ва қартанинг тузидан бошлаб юрди.

Падар Алексей:

— Уни Святая Елена оролига<sup>1</sup> олиб борган нарса ҳам уша қондасидир, — деди ва Василий Ивоновичнинг тузани козир блан ёпди.

Арина Власьева Базаровга қараб:

— Қорағат сувидан ичасанми, Еншечка? — деб сўради.

Базаров фақат кифтини учирибгина қўйди.

---

Эртасига Аркадий блан гаплашиб ўтириб, Базаров:

— Бўлмади! Эртага кетаман, зерикаяпман, кишининг ишлагиси келади, лекин бу ерда ишлаб бўлмайди. Яна сенинг қишлоғингга бораман. Мен бутун

---

<sup>1</sup> Атлантик океандаги ороллардан бири бўлиб, бу оролга француз императори Наполеон I сургун қилинган ва шу ерда ўлиб кетган.

препаратларимни<sup>1</sup> ўша ерда қолдирганман. Сизлар-  
никида холироқ ишлаб бўлади. Бу ерда отам: „Ме-  
нинг кабинетим бугун сенинг ихтиёрингда, сенга  
ҳечким ҳалал бермайди“ деса ҳам, ўзи менинг олдим-  
дан бир қадам ҳам нари кетмайди. Ундан кейин,  
отадан қочиб ўлтириш ҳам аллақандай уят туйилади.  
Отам ҳам худди шундай. Мен унинг девор орқаси-  
да оҳ-воҳ қилиб ўтирганини эшитаман. Аммо олдига  
кирсам, унга айтадиган сўз ҳам топилмайди.

— Отанг ва айниқса онанг жуда хафа бўлади-да.—  
деб қўйди Аркадий.

— Яна қайтиб келаман.

— Қачон?

— Петербургга жўнашим олдидан.

— Мен айниқса онангга ачинаман.

— Нега энди? Ё резавор мевалари ёқиб қолдимиз?

Аркадий ерга қараб деди:

— Сен онанг қадрини билмайсан, Евгений, у ях-  
ши хотин бўлиши устига яна жуда ҳам ақлли хотин.  
Бугун мен у блан ярим соатча суҳбатлашиб ўтир-  
дим, шундай ажойиб, шундай қизиқ фикрлар баён  
этдики...

— Ҳа деб менинг ҳақимда гапирган бўлса керак?

— Йўқ, бир сенинг тўғрингдагина эмас.

— Эҳтимол, четдан сенга яхшироқ кўринар. Хотин  
киши ярим соат суҳбат қилаолса, бу яхши аломат.  
Шундай бўлсаям барибир кетаман.

— Кетиш хабарини уларга билдириш сенинг учун  
қийин бўлар. Улар, бизнинг икки ҳафтадан кейин ни-  
ма қилишимиз ҳақида муҳокама қилаётирлар.

— Албатта, қийин бўлади. Бугун отамнинг жиғи-  
га тегиб чакки қилибман-да: яқинда у, ўзининг му-  
жикларидан бирини савалашга буюрибди, лекин жуда  
яхши иш қилибди, ҳа, ҳа:— менга унақа бақрайиб  
қарама,— жуда соз қилибди, чунки у ўғри ва бориб  
турган пияниста мужик. Аммо лекин отам менинг бу  
ишдан хабардор бўлиб қолишимни сра кутмаган экан,  
жуда уялиб қолди. Бунинг устига яна ўзимнинг ке-

---

<sup>1</sup> Органик нарсаларнинг тузқилишларини ўрганиш учун, улар-  
нинг маълум усул билан ишлаб қўйилган қисмлари.

тишимни айтиб уни хафа қилишга тўғри келади... Зарари йўқ! Жойига келиб қолади.

Базаров „зарари йўқ!“ деб айтса ҳам, ўзининг кетиш ниятини Василий Ивановичга кун бўйи айтолмасдан юрди. Энг охир, ухлаш олдидан отаси блан кабинетда хайрлашаётиб, жуда бепарволик блан:

— Ҳа... эсимдан чиқаёзипти... Эртага отларни бекатга Федотга юборсанг, ўша ердан олмоштириб кетилар.

Василий Иванович ҳайрон қолиб:

— Э, Кирсанов жаноблари кетмоқчимилар? — деди.

— Ҳа, мен ҳам кетаман.

Василий Иванович турган жойида бир айланиб олди.

— Кетасан?

— Ҳа... кетишим керак. Отларни тайинлаб қўйсанг.

Чол дудуқланиб:

— Хўп, Федотга... хўп... Лекин... Нега бундақа қилаяпсан? — деди.

— Аркадийникига бир бориб келишим керак.

— Шундайми? Кўп турмасдан... Хўп. — Василий Иванович чўнтагидан дастрўмолини олди-да, жуда пастэнгашиб бурнини қоқди. — Хўп бўлмаса... Мен бу ерда... Кўпроқ турарсан деб ўйловдим. Уч кун-а... Уч йилга бир марта келиб уч кун туриш жуда оз, жуда оз. Евгений!

— Сенга айтяпман-ку, дарров қайтиб келаман деб. Зарур ишим бор.

— Зарур дегин-а... Ҳа, майли! Зарур бўлса бориш керак. Демак, отларни юборайми? Хўп. Онанг икковимиз бундай бўлади деб, ҳеч кутмаган эдик. Онанг қўшянимизникидан гул олиб, сенянг бўлмангни ясатмоқчи эди (Василий Иванович бу ўринда ўзининг ҳар куни саҳар мардонда туриб, сарпойчаанг Тимофеич блан маслаҳатлашганларини, қалтироқ қўллари блан йиртиқ қоғоз пулларни кетма-кет чиқазиб, Тимофеичга ҳархил нарсалар ва айниқса ҳархил овқатлик нарсалар блан бирга, ёшлар яхши кўрадиган қизил винолардан олиб келишни буюрганларини гапириб ўтирмади).

— Энг муҳими эркивлик, менинг тутган йўлим шу... Эрк бериш керак...

У бирданига жим бўлди-да, эшикка томон юрди.

— Яна тезда кўришармиз, ота.

Броқ Василий Иванович бурилмади, фақат қўлини силтади-да, чиқиб кетди. У, ётоғига қайтиб кирганида хотини ухлаб ётар эди, уни уйғотмаслик учун, ётарда ўқийдиган дуосини шивирлаб ўқий бошлади. Шундай бўлса ҳам хотини уйғониб қолди.

— Сенми, Василий Иванович?— деб сўради.

— Мен, онаси!

— Евгенийнинг олдидан келаяпсанми? Биласанми. мен нима деб ташвиш қилаяпман: у диванда тинч ухлай олармикан? Мен Анфисушкага айтиб эдим. Евгенийга сенинг сафар кўрпачангни солиб, янги ёстиқ қўйиб бер, деб буюрган эдим. Мен унга ўзимизнинг пар тўшагимизни берардим-у, лекин у юмшоқда ётишни яхши кўрмайди.

— Зарари йўқ, онаси, ташвиш тортма. Яхши ётипти, — деди Василий Иванович, — ё парвардигорим, биз гуноҳкорларингга раҳм қил, — деб шивирлаб дуосини давом этдирди. У, кампирини аяди, ўзини қандай хафалик кутаётганини унга кечаси айтгуси келмади.

Базаров блян Аркадий эртасига жўнаб кетишди. Уйдагилар ҳаммаси эрта бландан бошлаб хафа эди. Анфисушканинг қўлидан ядишлари тушиб кетар эди, ҳатто Федька ҳам ҳайратда қолганлигидан беихтиёр этигини ечиб ташлади. Василий Иванович ҳар вақтдагидан ҳам кўра кўпроқ ивирсир эди. У, тетик бўлиб кўрнинишга тиришар, қаттиқ гапирар ва ер тепинар, аммо унинг юзи сўлиган ва ўғлига қарамас эди. Арина Власьева оҳистагина йиғларди; эри эрта блан икки соат уни юпатмаганида, эҳтимол, бутунлай довдираб қолиб, ўзини тутолмаган бўлар эди. Базаров кўп бўлса бир ойдан кейин қайтиб келишга қайта-қайта ва'далар бериб, зўрға онасининг қучоғидан қутилиб тарантасга чиқиб олди. Отлар қўзғолди, қўнгироқ жиринглади, тарантас юриб кетди ва бир пасдан кейин унинг орқасидан кўтарилган чанг ҳам босилиб қолди; улар кўринмай кетгач, Тимофеич



ҳам тамом букчайди-ю, зўрга оёғини судраб ҳужра-сига қайтиб кетди. Мана шундан кейин чол блак кампир, ўзларининг гўё бирданига кўнишиб ва кексайиб қолган каби бўлган уйларида ёлғиз қолдилар, бундан бирнеча дақиқа бурун зинапояда ўзини бардам тутиб, дастурмолини ҳилпиллатиб турган Василий Иванович бошини қуйи солиб, курсига ўтирди. „Ташлаб кетди бизларни, ташлаб кетди, бизнинг олдимизда зерикиб қолди“ деди. Кейин, сўзларини бирнеча бор такрорлаб ва ҳар сўзида кўрсаткич бармоғини кўрсатиб „энди ёлғиз қолдирди!“ — деди. Шундан сўнг Арина Власьевнанинг олдига келиб, ўзининг оқарган сочли бошини унинг оқ сочли бошига қўйиб: „Нима ҳам қиламиз, Вася! Ўғил қанот чиқарган қуш. У, лочиндай гап: хоҳласа учиб келади, хоҳласа учиб кетади. Биз эса, дарахт қавагида ўсиб чиққан қўзиқориндек жойимизда ҳечбир қимирламай ўтираемиз. Мен учун фақат сен умрлик рафиқ бўлганинг каби, мен ҳам сен учун умрлик рафиқа бўлиб қоламан“ деди.

Василий Иванович юзидан қўлини олди-да, хотинини, рафиқасини шундай қаттиқ қучоқладики, ёшлигида ҳам уни бундай қаттиқ қучоқламаган эди: рафиқаси унинг қайғусига ўртоқлашиб, уни юпатди.

## XXII

Икки ўртоқ ора-сирагина бир-икки оғиз гапириб, Федот бекатига етиб келди. Базаров ўз қилмишидан бироз норози эди. Аркадий ундан норози эди. Бунинг устига Аркадий дилида жуда ёш йигитларгина маълум бўлган сабабсиз ғашлик борлигини ҳис қилар эди. Кучер отларни чиқарди ва янги отлар қўшгандан кейин ўз жойига чиқиб ўлтириб, қаёққа юрамиз: ўнггами, чапгами, деб сўради.

Аркадий сескавиб кетди, ўнг томонга кетган йўл шаҳарга ва ундан Аркадийнинг уйига, чап томонга кетган йўл Одинцованикига олиб борар эди.

Аркадий Базаровга қараб:

— Евгений, чапгами? — деб сўради.

Базаров эса тескари ўгирилиб, тўнғиллади:

— Бу қандай бема'нилик? — деди.

— Бема'нилик эканини биламан, лекин нима зарари бор? Биринчи марта боришимиз эмас-ку? — деди Аркадий.

Базаров шапкасини пешанасига тушириб олди.

— Билганингни қил, — деди виҳоят.

— Чапга юравер, — деб қичқирди Аркадий кучерга.

Тарантас Никольскийга қараб йўл олди.

Броқ, дўстлар бема'ниликка қарор қилгандан кейин ҳам асло гапиришмас ва ҳатто бир-бирига зарда қилгандай кўринар эди.

Одинцова уйининг зинапоясида қарши олган дво-рецкийнинг авзойидан дўстлар, тўсатдан мияларига келган хаёлга берилиб, келиш блан нақадар нома'қулчилик қилганликларини билишлари мумкин эди. Уларнинг хелишини, афтидан, ҳечким кутмаган эди. Улар меҳмонхонада анча вақт ёлғиз ва анграйиб ўтирдилар. Ниҳоят, Одинцова чиқди. У, одатича, буларни очиқ чеҳра блан қарши олди, броқ буларнинг шунча тез қайтиб келишларига ажабланганини ва унчалик хурсанд бўлмаганини секин ҳаракати ва секин гапиришидан сезиш мумкин эди. Улар фақат йўл-йўлакайгина кирганликларини ва тўрт соатлардан кейин шаҳарга жўнаб кетишларини билдиришга шошилдилар. Одинцова „Шундайми“ деб қўяқолди ва Аркадийга мевдан отангизга салом айтнинг деди ва холасини чақартирди. Бироздан кейин, ҳозир уйқудан тургани учун ажив босган афти яна ҳам баджаҳдроқ кўринган княжна кириб келди. Катя, сал тоби йўқ экан, уйдан чиқмади, Аркадий Анна Сергеевнани қанчалик кўргиси келган бўлса Катяни ҳам шунчалик кўргиси келганини тўсатдан ҳис қилди. Нарибери гаплар блан тўрт соат ҳам ўтиб кетди. Анна Сергеевна бошқаларнинг гапини жилмаймасдан тинглаб ўтирди, ўзи гапирганда ҳам жилмаймади. Фақат хайрлашаётгандагина унинг қалбида влгариги хушмуомалалиги қўзғолгандек бўлди. У, меҳмонларга мурожаат қилиб:

— Кайфим йўқроқ, сизлар бунга аҳамлят берманглар, яна келинглар, икковларинг яна келинглар,— деди.

Базаров ҳам, Аркадий ҳам унинг гапларига фақат таъзим блан жавоб бердилар, кейин тарантасга чиқиб утирдилар, ҳечбир ерда тўхтамасдан тўғри уйга, я'ни Марьинога жўнашди. Бу ерга эртаси кечқурун эсон-омон етиб келдилар. Бутун йўл бўйи Базаров ҳам, Аркадий ҳам Одинцованинг исмини ҳеч тилга олмади, хусусан Базаров ҳатто оғиз ҳам очмади, у зўр бериб, доим четга, йўлдан узоқ жойларга қарар эди.

Марьинода уларнинг келишига ҳамма жуда хурсанд бўлди. Уғлининг узоқ йўқолиб кетиши Николай Петровични ташвишга солабошлаган эди. Феничка хурсанд бўлиб, унинг олдига югуриб кирди ва „ёш жанобларнинг“ келганини хабар қилгач, Николай Петрович қичқириб юборди ва оёқларини силкитиб ўтирган диван устига чиқиб сакради; ҳатто Павел Петрович ҳам қайтиб келган сайёҳларни кўриб қалбида бир қадар ёқимли ҳаяжон ҳис қилди ва мулойим табассум блан уларнинг қўлларини силкиб кўришди. Гап-сўз бошланди. Ҳаммадан кўп Аркадий гапирди. Хусусан ярим кечадан ҳам узоққа чўзилган унинг вақтида жуда кўп гапирди. Николай Петрович унингга эндиғина Москвадан келтирилган бирнеча шиша пиво олиб келишни буюрди ва ўзи шу қадар кўп ичдики, бетлари қизариб кетди. Узи эса бола ёхуд асабий кишига ўхшаб ҳадеб кулгани кулган бўлди. Умумий шодлик хизматкорларда ҳам сезилар эди: Дуняша, кирганда-чиққанда эшикни тарақлатиб, жиннидек уёқдан-буёққа чопиб юрар эди. Петр эса, ҳатто соат тунги иккидан ошган бўлса ҳам, гитарада вальс — казак<sup>1</sup> куйини чалишга урянар эди. Гитаранинг торлари сокин ҳазода жуда мунгли ва ёқимли жаранглар, броқ ўқимингли комердинёр

<sup>1</sup> Гоҳ тез ва гоҳ секин ҳаракатлар блан бажарилатурган бир танца.

кичик бир бошлангич фиоритурадан<sup>1</sup> бошқа ҳеч нарсани билмасди: табиат уни бошқа қобилиятлар билан бир қаторда музика қобилиятидан ҳам маҳрум қилган эди.

Аммо Марьинода ҳаёт жудаям жойида эмас, бечора Николай Петровичнинг аҳволи ёмон эди. Ферманинг ташвиши — кўнгилсиз ва беъмани ташвиши кундан-кун ортмоқда эди. Ёлланиб ишловчи ишчилар билан иш қилиш жуда қийин бўлиб қолган эди. Ба'зилари жавоб беришни ёки ойлқни оширишни талаб қилар, бошқа бировлари зақолатга пул олиб, ишлардан кетиб қолар эди. Стлар касал бўлар, эгар-жабдуқлар ўтда куйдиргандек куйиб, ишдан чиқар, ишлар пала-партиш қилинар эди. Москвадан олиб келтирилган ғалла янчиш машинаси оғир бўлганидан ишга ярамасди, иккинчисини эса бир ишлатишдаёқ бузиб қўйишди; дворовойлардан бир кўр кампир, ўз сигирини тутунга ислатай деб шамол турган кун молхонага ёниб турган салани олиб кирганида молхонанинг ярми куйиб кетди... Аммо, кампирнинг айтишига қараганда, бутун бало Николай Петровичнинг сигир асраб аллақандай сут маҳсулотлари тайёрлашни ўйлаб чиқарганидан бўлган эмиш. Саркор бирданига ялқовлашиб, „текин нон“ топган ҳарбир рус сингари семирабошлади. У, йироқдан Николай Петровичнинг келаётганини кўриб, ўз жонқуярлигини унга кўрсатиш учун, олди-дан чопиб ўтаётган чўчқа боласига кесак отар ёки ярим-яланғоч болага дўқ қилар, лекин ўзи вақтни кўпинча ухлаб ўтказар эди. Оброк тўлайдиган мужиклар тегншли пулни муддатида тўламас, ҳа деб дарахтларни ўғирлаб кесар эди. Қоровуллар деярлик ҳар кечаси „фермага қарашли“ пичанзорлардан деҳқонларнинг отларини ушлаб олар, ба'зан эса отларни деҳқонлар билан жанжаллашиб ҳайдаб олиб келар эдилар. Николай Петрович экинларни пайхон қилгани учун от бошига пул жарима ҳам белгилаб қўйган эди, лекин одатда бу иш шу билан тамом бўлар эдики, ушланиб олинган отлар бир-икки кун хўжайинниқида боқилганидан кейин эгаларига қайтариб

<sup>1</sup> Ашулада кўйи бсайдиган қўшимча усул.

Бериларди. Бунинг устига мужиклар бир-бирлари блан жанжаллашиб қолар, ака-укалар мулк тақсим қилишни талаб қилар, уларнинг хотинлари бир уйда чиқишаолмас эди. Бирданига муштлаш бошланиб, худди команда берилгандай, ҳамма қўзғолиб қолар, тупланяшиб контора олдига келар, аксари мушт еган афглари блан маст ҳолда хўжайин олдига киришар ва ҳақиқат қилиб жазо беришни талаб қилишар эди. Натижада шовқин-сурон кўтарилар, оҳ-воҳ овозлари ва эркакларнинг сўкишлари орасида хотинларнинг чийиллаган товушлари эшитилар эди. Хусумат қилишиб қолган кишиларнинг ишини текшириш, тўғри бир қарорга келиш мумкин эмаслигини олдинданок билатуриб, томоғи хириллагунча хўжайин ўзи бақириси керак бўлар эди. Экин ўриш учун ҳам ўроқчилар етишмасди, афти-боши жуда ёқамли бир қўшни одноворел<sup>1</sup> десятинасига икки сўмдан ўроқчилар топиб беришни келишиб, кейин ўтакетган инсофсизлик блан алдади. Николай Петровичнинг ўзига қарашли хотинлар ҳаддан зиёда ошиқ баҳо сўрар эдилар; ўроқ иши судралиб, галла ерга тўкилмоқда, бунинг устига Васийлар кенгаши<sup>2</sup> пўписа қилиб, тегишли процентларни дарҳол ва боқимандасиз тўлашни талаб қилар эди...

Николай Петрович аксари вақт умидсизланиб:

— Сра мадорим қолмади. Ўзим муштлашаолмайман. Миршаб чақиртириш тутган йўлимга тўғри келмайди, аммо жазо бериш блан қўрқитмай туриб ҳечнима қилиб бўлмайди!— дер эди.

Бунга қарши Павел Петрович:

— *Du sois te, du sois te*<sup>3</sup>,— деб қўяр, аммо ўзи эса ҳуруллар, қовоғини солиб мўйлабини сийпаларди.

Базаров бу „говур-ғувурлардан“ ўзини четда тутар эди, ундан кейин, меҳмон бўлагуриб бировларнинг ишига аралашини ҳам тўғри келмасди. Марьянога келган кунларининг эртасидан бошлаб, у,

<sup>1</sup> Майда дворянлар уруғига мансуб киши.

<sup>2</sup> Инқилобдан илгариги Русияда етим-есирлар ва ҳоказоларнинг моддий таъминотига оид ишларни идора қилучи олий муассаса.

Тинчлик, тинчлик (я'ни тинч бўлиш керак, тинч).

ўзининг бақалари, инфузорияси,<sup>1</sup> ким'ёвий составлари блан шуғулланишга киришди ва доим шу ишлар блан овора эди. Аркадий эса, аксинча, отасига ёрдам қилиш мақсади блан бўлмаса ҳам, ақалли ўзининг унга ёрдам қилишга тайёр эканини кўрсатиш учун, оз-моз унинг ишларига аралашабошлади. Отаси бир иш ҳақида гап очиб қолса унинг гапларини тоқат қилиб тинглаб турар ва бир марта унга бир маслаҳат ҳам берди, буни ҳам, албатта, ўз гапига кирсинлар деб қилмади, балки отасининг ишларига ўзининг иштирок қилаётганини кўрсатиш учун қилди. У хўжайинлик қилишдан жирканмас, ҳатто агрономлик фаслияти тўғрисида жон деб уйлар эди, брок шу онда унинг мянисида бошқа фикрлар туғлиб қолди. Аркадий доим Никольский тўғрисида ўйлаётганига ўзи ҳам ҳайрон эди, агар бундан илгари унга бирор киши, сен Базаров блан бир жойда, яна қандай жойда дегин, ўз ота-онанг уйида турсанг диққат бўлиб қоларсан деб айтса, у ажабланар, фақат кифт қоқибгина қўйган бўлар эди, аммо ҳозир у ҳақиқатан диққат бўлар ва уйдан чиқиб кетгуси келар эди. У чарчагучча кезар, лекин бу ҳам ёрдам қилмасди. Бир куни гаплашиб ўтириб, отасининг қўлида бир вақтлари Одинцованинг онаси томонидан ўзининг мархума онасига ёзилган жуда қизиқ хатлар борлигини билиб қолди: бу хатларни отасидан олиш учун уни ҳол-жонига қўймади ва охири, Николай Петрович ўзининг йигирматача яшик ва сандиқларини титкилаб, ўша хатларни топиб беришга мажбур бўлди. Ярим чириган хатларни қўлга киритгандан кейин, Аркадий, мақсадига эришгандай хотиржам бўлди. У шивирлаб нуқул: „Ўзи икковларинг ҳам келинлар“ деган эди, деб такрорлар эди. „Бораман албатта, бораман!“ дер эди. Брок у сўнгги марта борганларида совуқ кутиб олинганликларини ва ўшанда чеккан ҳижолатини хотирлади. Аммо ёшликнинг „таваккали“ бахт толини пинҳона синаб кўриш истаги, ўз кучингни яккама-якка, бировларнинг ҳимоясисиз салмоқлаб кўриш орзуси

---

Бир хўжайинлик жониворлар.

охир уни енгди. Марьинога қайтиб келишига ҳали ун кун ҳам бўлмасдан, у, якшанба кунги мактабларнинг иш усулини ўрганиш баҳонаси билан яна шаҳарга ва ундан Никольскийга қараб от чоптириб кетди. У, худди жанг майдонига толпинаётган ёш офицерсингари, ҳа деб ямшчигини қистар эди. У ҳам қўрқар, ҳам вақти чоғ бўлар, сабрсизлик уни бўғар эди. У ўз-ўзига: „Энг муҳими — уйлаш керак эмас“ деярдди. Унинг ямшчиги жуда чаққон одам чиқди, у учраган ҳарбир майхона олдида тўхтаб: „чўқиштирамизми?“ деярд, чўқиштириб олгандан кейин отларни сра аямас эди. Ниҳоят, таниш уйнинг баланд томи ҳам кўринди... Тўсатдан Аркадийнинг бошига: „Нима қилаётирман?“ деган савол келди. „Энди орқага қайтиб бўлмайди!“ Уч отлик тарантас визиллаб чопар, ямшчик ҳайқирар ва ҳуштак чалар эди. Мана тарантас гумбирлаг: ница кўприкдан ҳам ўтди, мана тепаси текис қилиб қирқилган арча хиббони ҳам яқинлашди... Дарахтлар орасида пуштиранг аёл кўйлагини ҳам кўриниб қолди, енгилгина зонтик попуклари тагидан бир ёш чеҳра бўй бериб қаради... Аркадий унинг Катя эканлигини билди. Катя ҳам уни таниди. Аркадий ямшчикка қизишиб кетган отларни тўхтатишни буюрди, тарантасдан сакраб тушди-да, Катянинг олдига келди. Катя унга қараб бироз қизариб: „Сиз экансиз-у! Юринг, опамнинг олдига борайлик, шу ерда, богчада; у, сизни кўриб жуда хурсанд бўлади“ деди.

Катя Аркадийни богчага олиб кетди. Катя билан учрашув Аркадий учун алоҳида бир бахт аломатидай кўринди. У, Катяни кўриб, худди қардошини кўргандай севинди. Ҳамма иш ўнгидан келди қўйди: уни дворедкий ҳам қарши олмади, унинг келганлиги ҳақида ҳечким хабар ҳам етказмади. Йулканинг муйилишида Аркадий Анна Сергеевнани кўрди. Анна Сергеевна орқаси билан турар эди, оёқ товушини эшитиб, секингина ўгирилди.

Аркадий яна довдираб қолаёзди, лекин Анна Сергеевнанинг биринчи сўзларини эшитиб, дарров ўзини босиб олди. Анна Сергеевна мулоим, ёқимли овоз билан „эсонмисиз, қочоқ!“ деди-ю, сфтоб билан шамол-

дан кўзларини қиса-қиса жилмайиб унга томон келар экан: „Катя, бу кишини қаердан топдинг?“ деди.

— Мен сизга бир нарса олиб келдим, Анна Сергеевна, лекин сиз бу нарсани ҳечбир кутмаган бўлсангиз керак...—деб гап бошлади Аркадий.

— Келганингизнинг ўзи ҳамма нарсадан яхшироқ.

### XXIII

Базаров Аркадийни истеҳзоли таассуф блан, унинг шаҳарга боришдан асл мақсади нима эканлигидан хабардорлигини унга билдириб узатганидан кейин бутунлай ёлғиз қолди ва буткул ишга берилиб кетди. Павел Петрович блан у энди баҳслашмас эди. Хусусан Павел Петрович унинг олдида ўзини ялғаригидан ҳам баттарроқ аристократ тутар ва ўз фикрларини сўз блан эмас, балки кўпроқ товуш блан баён этар эди. Павел Петрович бир куни Нигялист блан баҳслашмоқчи бўлиб, ўша вақтларда расм бўлган масалалардан остзей<sup>1</sup> дворянларининг ҳуқуқлари тўғрисида сўз очиб қолди-ю, лекин бирдан гапдан тўхтаб, совуққина тавози блан: „Аммо, биз бир-бировимизнинг гапимизга барибир тушунмаймиз, ҳарҳолда мен ўзим сизнинг гапингизга тушуншдан йироқдаман“ деб қўйди.

— Ҳа, шундай!—деди Базаров — одамнинг ҳамма нарсага—фазода нималар юз бераётганига ҳам, қуёшда нималар содир бўлаётганига ҳам ақли етади, лекин ба'зи одам ҳарқимни ҳам ўзидақа деб фаҳмлаб, бировлар бошқача йўл тутганлигига ақли етмайди,— деди.

— Гапни ўричлатдим дерсиз-да? — деди Павел Петрович ва бир четга кетди.

Аммо, ба'зан Павел Петрович, Базаровдан ижозат сўраб, унинг илмий тажрибаларига қатнашар, ҳатто бир марта ўзининг атр селган ва а'ло нав' дори блан ювган юзини Базаровнинг микроскопига

<sup>1</sup> *Остзей дворянлари* — 1914 йилги урушгача Русияга қарашли Болиқ буйи дворянлари; бу ердаги немис дворянлари рус дворянларига қараганда биринча бошқача ҳуқуқлардан фойдаланганлар.



яқин олиб келиб, унда битта шаффоф инфузория қандай қилиб кўк гардни чайнаб ютиб юборганини жўрди. Базаровнинг олдига ўз акасидан кўра кўпроқ Николай Петрович кириб турар эди; агарда хўжалик ишлари билан кўп овора бўлмаганида ўзи айтмоқчи „ўрганиш“ учун ҳар кунни унинг олдига кириб турган бўлар эди. Николай Петрович ёш табиатшуноста халал бермас эди: у бўлманинг бир бурчагига ўтириб олиб, диққат билан тамоша қилар ва ҳар замон секингина бирор савол бериб қўяр эди. Обед ва ужин вақтларида Николай Петрович кўпроқ физика, геология ёки ким'ё ҳақида баҳс очишга ҳаракат қилар эди, чунки барча бошқа масалалар, сиёсий масалалар бир ёқда турсин, ҳатто хўжалик масалалари ҳам кўп вақт ўзаро жанжал чиқишига, ҳеч бўлмаса ўзаро морозилик туғилишига сабаб бўлар эди. Николай Петрович акасининг Базаровни боягидек ёмон кўриб юришини пайқар эди. Бошқа воқиалар қаторида бўлиб ўтган кичкина бир воқиа унинг бу фикрини тасдиқлади. Атроф қишлоқларда вабо касали пайдо бўла бошлади ва ҳатто Марьяннинг ўзидан ҳам икки кишини „олиб кетди“. Кечаси Павел Петровични қаттиқ тутаноқ тутиб, эрталабгача азоб тортиб чиқди-ю, лекин Базаровдан ёрдам сўрамади — эртасига уни кўрганида ва у „нега менга одам юбортирмадингиз“ деганида, ранги ҳануз оқаринган, лекин сочларини силлиқ тараб ва соқолини қириб олган Павел Петрович: „Сиз ўзингиз медицинага ишонмайман деб айтган эмасмидингиз?“ деб жавоб берди. Кунлар шу тарзда ўтиб турар эди. Базаров астайдил ишлар ва қовоғи солиқ эди... Аммо Николай Петровичнинг уйида бир зот яшар ва Базаров бу зот билан зерикканидан эмас, балки бажонидил суҳбатлашарди... Бу зот эса Феничка эди.

Базаров Феничка билан аксари эрталаб вақтлик боғчада ёки ҳовлида учрашар эди; Базаров унинг бўлмасига кирмас ва Феничка ҳам унинг эшиги олдига фақат бир мартагина келиб, „Митяни чўмилтириш мумкинми, йўқми?“ деб сўраб кетган эди. Феничка Базаровга ишониш ва ундан ҳайиқиш бир ёқда турсин, балки унинг олдига ўзини Николай Петро-

вичнинг олдидагидан ҳам кўра эркинроқ тутар эди. Бунинг сабабини айтиш қийин, эҳтимол, Базаровда кишини ўзига ҳам тортадиган, ҳам ҳуркитадиган уша дворянлик олий мартабалиги йўқлигини овғсиз равишда ҳис қилувдан келиб чиққан бир нарсадир. Базаров унинг кўзига ҳам жуда яхши бир доктор, ҳам жуда содда бир киши бўлиб кўринар эди. Базаров олдида у ҳечбир уялиб-нетиб ўтирмасдан боласи билан овора бўлар эди; бир кунни тўсатдан боши айланиб, оғриб қолганда унинг қўлидан бир қошиқ дори ҳам ичган эди. Николай Петрович олдида у, Базаровдан ётсирагандай бўлар, лекин буни муғомбирликдан эмас, балки одоб юзасидан қилар эди. Павел Петровичдан уилгаригидан ҳам баттарроқ кўрқадиган бўлиб қолди; у бирмунча вақтдан буён Феничкани кузатадиган ва аксари бехосдан, гўё ер остидан чиққандек, ўзининг сўютини кийинган ҳолда қўлларини чўнтагига тикиб, орқасида пайдо бўлиб қоладиган бўлди. Феничка Дуняшага: „Худди устинга совуқ сув қуйгандек бўласан, киши“ деб шикоят қилар, Дуняша эса унинг шикоятига жавобан фақат оқ тортар ва бошқа бир „ҳиссиз“ киши тўғрисида ўйлар эди. Базаров, ўзи беҳабар, Дуняша учун шафқатсиз эолим бўлиб қолган эди.

Базаров Феничкага ёқиб қолди. Шунингдек, Феничка ҳам Базаровга ма'қул эди. Феничка билан гаплашганида ҳатто Базаровнинг ранги ўзгариб кетар эди: чеҳраси очилар, меҳрибонлик акс этар ва одатдаги э'тиборсизлиги қандайдир ҳазиломиз диққат ва э'тиборга айланиб кетар эди. Феничка кун сайин очилмоқда эди. Ёш жувонларнинг ҳаётида, худди ёздаги атиргул сингари, бирданига гуллаб ва очилиб кетадиган мавсуми бўлади, Феничканинг ҳам худди яна шундай мавсуми келган эди. Ҳамма нарса, ҳатто шу вақтдаги июль иссиқлари ҳам бунга кўмаклашар эди. Кийган енгил оқ кўйлагини ичида у оқроқ ва енгилроқ кўринар эди; унинг бадани офтобдан қораймаган, лекин қочиб қутулаолмагани иссиқ кунлар та'сири билан бет ва қулоқлари сал-пал қизариб, бутун вужудига ялқовлик сингган ва хуми эр кўз тариди эса уйқусираш аломатлари акс этар эди. У, ҳеч ишлаш олмас, қўллари ҳадеб

тиззаларига сирғалиб тушар эди. У зўрға юрар ва ажиб бир мадорсизлик блан доим оқ тортар ва зорланарди.

— Сен тез тез чўмилиб турсанг бўлар эди,—деяр эди Николай Петрович унга. Николай Петрович ҳали қуриб қолмаган ҳовузларидан бирида, сурф блан уратиб, катта чўмилиш жойи қилган эди.

— Уф, Николай Петрович! Ҳовузга етгунча иссиқдан ўлиб кетиш мумкин, қўйишда ҳам худди шундай, ўлиб бўласан киши. Боғчада соя жой йўқ, ахир,—дер эди Феничка.

Николай Петрович унга жавобан:

— Гапнаг тўғри, ҳақиқатан соя жой йўқ,—дер ва қошларини артиб қўяр эди.

Бир кун эрталаб соат еттиларда, Базаров айланиб келаётиб, аллақачон гуллари тўкилган, лекин ҳали қуюқ ва кўкариб турган қалампиргулли шийпонда Феничкани кўриб қолди. Феничка одатдагича бошига оқ рўмол солиб скамейкада ўтирарди, унинг ёнида ҳали шудрингдан қуримаган бир бойлам қизил ва оқ атиргул ётар эди. Базаров у блан эсонлашди.

— Ҳа! Евгений Васильевич!—деди Феничка ва Базаровга қарамоқ учун рўмолининг четини салгина кўтариб қўйди, шунда қўли тирсагигача очилиб қолди.

Базаров унинг ёнига ўлтираётиб:

— Хўш, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз, гул бойлаясизми?—деб сўради.

— Ҳа, ноништа вақтида столга қўйиш учун, Николай Петрович яхши кўради.

— Ноништа маҳалига ҳали анча бор. Эҳа, қанча гул узибсиз-а.

— Мен буларни ҳозиргина уздим, бўлмасэ, кун иссиқдан кейин чиқиб ҳам бўлмайди. Фақат ҳозир нафас олиш мумкин, холос. Иссиқдан бутунлай тинкам қуриди. Касал бўлиб қолмасмиканман, деб қўрқаман.

— Нима бу, қандақа ваҳима! Қани, томирингизни беринг, бир ушлаб кўрайчи.—Базаров унинг қўлини олиб, текис уриб турган томирини топиб, ушлаб кўр-

ди ва ҳатто неча марта уришни ҳам санамасдан, унинг қўлини қўйиб юбораётиб:—юз йил яшайсиз,— деб қўйди.

— Вой, худо сакласин!—деди Феничка.

— Нима? Узоқ умр кўришни истамайсизми?

— Юз йил, ахир! Бизнинг саксон беш ёшга кирган бувимиз бўлар эди, шўрлик қандай азоб чекар эди-я? Қошқорайиб кетган, кар, букри, доим йўталгани-йўталган эди. Ўзи учун турган-битгани азоб. Шу ҳам ҳаёт бўлдими?

— Демак, ёш бўлиш яхшими?

— Бўлмасачи?

— Ёшликнинг нимаси яхши? Қани, айтиб берингчи менга?

— Нечик нимаси? Мана мен ҳозир ёшман, ҳамма ишви қилаоламан: ўзим бораман, ўзим келаман, керак нарсани ўзим кўтариб келтираман, хуллас, ҳечкимнинг ёрдамига муҳтож эмасман... Шуниси тузук эмасми?

— Менга, ёшмиман ёки қаримиман — барибир.

— Қандай қилиб буни барибир дейсиз? Бундай бўлиши мумкин эмас, нега бундай дейсиз?

— Сиз ўзингиз ўйлаб кўринг, Федосия Николаевна, ёшлигимнинг менга нима кераги бор? Мен ёлғизман, бола-чақам йўқ...

— Бу ҳарвақт ўзингизга боғлиқ нарса.

— Бу менинг ихтиёримга боғлиқ нарса эмас. Ақалди бирор кимса менга ачинса эди...

Феничка Базаровга қия боқиб қўйди-ю, ҳечнарса демади, бир пасдан кейин:

— Қўлингиздаги қандақа китоб?—деб сўради.

— Буми? Бу дарслик китоби, ҳикматли нарса.

— Сиз ҳали ҳам ўқийсизми? Зерикмайсизми-а?

Сиз бусиз ҳам ҳамма нарсани билсангиз керак.

— Кўришиб турибдики, ҳамма нарсани эмас. Сиз буни бироз ўқиб кўрингчи.

Феничка оғир муқовали китобни икки қўллаб олаётди:

— Мен ундан ҳеч нарса тушунмасам керак. Қандай қалин китоб-а,—деди ва:—Русча ёзилганми?—деб сўради.

— Ҳа, русча.

— Барибир мен ҳеч нарса тушунмафман.

— Мен ҳалиям буни сизга тушуниш учун бера-  
ётганим йўқ. Мен фақат сизнинг ўқишингизни кўр-  
моқчиман. Сиз ўқиган вақтингизда бурунчангизнинг  
учи жуда галати ҳаракат қилиб туради.

Феничка китобни очиб, „криозот ҳақида“ деган  
бир мақолани секингина ўқий бошлади, лекин дар-  
ров кулиб, китобни ташлаб юборди... Китоб скамей-  
кадан сирғаниб ерга тушиб кетди.

Базаров унга қараб:

— Мен сизнинг кулишингизни ҳам яхши кўра-  
ман,—деб қўйди.

— Қўйсангизчи.

— Мен сизнинг гапиришингизни ҳам яхши кўра-  
ман. Овозингиз қўвғироқдай.

Феничка юзини четга ўгирди ва қўлидаги гуллар-  
ни ўйнар экан: „Қўйсангизчи, сиз шундай ақлли хо-  
нимлар билан гаплашган одамсиз“ деди.

— Эҳ, Федосья Николаевна! Бутун дун'ёдаги ҳам  
ма ақлли хонимлар тирногингизга ҳам арзимади  
десам ишонаберинг.

Феничка шивирлаб:

— Ана холос, яна нималар деяпсиз!— деди ва  
қўлларини қовуштирди.

Базаров ерда ётган китобни олди.

— Бу табиблик китоби, нега сиз уни ерга таш-  
лайсиз?

— Табиблик китобими?— деди Феничка ва унга  
ўгирилди.

— Биласизми нима? Сиз менга ўша дорини бер-  
гандан кейин, эсингиздами, Митя жуда яхши ухлай-  
диган бўлиб қолди. Мен энди қандай қилиб сизни  
рози қилишимни билмай юрибман: чиндан ҳам сиз  
меҳрибон одамсиз.

Базаров кулимсираб:

— Қонда шундай: табибларга ҳақ тўлаш керак.  
Ўзингиз биласиз, табиблар тама'гар бўладилар.

Феничка Базаровга қаради, унинг кўзлари юзининг  
юқоряги қисмига тушиб турган оқимти.1 шу'ладан

янада қорароқ бўлиб кўринар эди. У, Базаровнинг ҳазилашибми, ёки чиндан айтганини билмас эди.

— Агар қабул қилсангиз, биз ҳеч нарсани аямай-миз... Николай Петровичга айтиш керак...

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Сиз мени пул тама' қилаётипти деб ўйлайсизми? Йўқ, истаган нарсам пул эмас,— деди.

— Бўлмаса нима?— деди Феничка.

— Нималигини ўзингиз ўйлаб топинг, — деди Базаров.

— Мен нима, фолбинмиман?

— Ундай бўлса ўзим айта қолай: мен... Ана шу атиргулингиздан биттасини сўрайман.

Базаровнинг истаги Феничкага қизиқ туйилди, у яна кулиб юборди ва ҳатто қўлларини ўйнатиб қўйди. У кулар ва айни вақтда Базаровнинг хушомадидан талтаяр эди. Базаров эса унга тикилиб турар эди.

Ниҳоят, Феничка сўз бошлаб:

— Марҳамат қилинг, марҳамат,— деди ва скамейкага энгашиб, гулдан танлай бошлади.

— Қанақасини хоҳлайсиз, қизилиданми, ёхуд оқидан?

— Қизилидан, лекин жуда ҳам каттаси бўлмасин.

Феничка қоматини ростлаб:

— Мана олинг,— деди, лекин чўзган қўлини дарров тортиб олди-да, кейин лабини тишлаб шийпоннинг кираверишига қаради, кейин энгашиб, қулоқ сола бошлади.

— Ўзи нима гап? Николай Петровичми? — деб сўради Базаров.

— Йўқ, у киши далага кетдилар... Мен улардан кўрқмайман ҳам... Манави Павел Петрович... Кўрингандай бўлди.

— Нима?

— Менга ўша киши шу ерда юргандай бўлиб кўринди. Йўқ, ҳечким йўқ экан... Мана олинг.

Феничка Базаровга атиргулни берди.

— Нима учун сиз Павел Петровичдан кўрқасиз?

— У киши доим мени кўрқитадилар. Гапиришга бўлса ҳеч гапирмайдилар, лекин қарашлари жуда

салати. Сиз ҳам у кишини ёмон кўрасиз-ку. Эсингизда борми, илгаралари сиз у блан доим баҳслашар эдингиз. Мен сизларнинг нима ҳақида баҳслашганингизни билмайман-у, лекин уни дам уёққа, дам буёққа айлантирганингизни кўрар эдим...

Феничка, ўз фикрича, Базаровнинг Павел Петровични қандай қилиб айлантирганларини қўли блан кўрсатди.

Базаров кулди ва:

— Агарда у мени енгабошласа, сиз менга ёрдам берармидингиз?—деб сўради.

— Қандай қилиб мен сизга ёрдам бераоламан? Йўқ эй, сизга ҳечким бас келаолмайди.

— Ҳали шундай денг? Мен шундай бир қўлни биламанки, агар у истаса мени бир бармоғи блан ағдариб ташлайди.

— Қандай қўл экаву?

— Гуё сиз буни билмайсиз-а? Менга берган атиргулингизни искаб кўрингчи, қандай хушбўй-а?

Феничка бўйинини чўзиб, юзини гулга яқинлаштирди... Бошидаги рўмоли елкасига тушиб қопқора, ялтироқ ва сал тўзигаң сочлари кўринди.

Шошманг, мэн ҳам сиз блан шу гулни искамқчиман,—деди-да, энгашди ва унинг очилиб турган лабларидан қаттиқ ўлди.

Феничка сесканиб кетди ва икки қўлини Базаровнинг кўкрагига тиради. Лекин қаттиқ қаршилик кўрсатмади ва Базаров уни яна бемадол ўла берди...

— Қалампур гули орқасидан йўталган товуш эшитилди. Феничка дарров скамейканинг нариги четига сурилди. Шийпон олдида Павел Петрович пайдо бўлди-да, энгилгина бош эгиб, аччиқ бир изтироб блан: „Сиз бу ердасиз“ деди ва ўз йўлига кетди. Феничка дарров гулларни йиғиштириб олиб, шийпондан чиқиб кетди. У кетаётиб: „Уялмайсизми, Евгений Васильевич“ деб шивирлаб қўйди. Унинг бу сўзлардан самимий ўпкалаш онглашилар эди.

Базаров яқиндагина бўлиб ўтган бўлак бир воқияни хотирлади ва ўз-ўзидан уялиб, пушаймон эди. Броқ у шу очдаёқ бошини силкиб, истеҳзоли бир

суратда, ўз-ўзини „расмий суратда селадон<sup>1</sup> бўлиши блан“ табрик қилди-да, ўз бўлмасига қараб қайтди.

Павел Петрович эса боғчадан чиқиб кетди ва секин-аста қадам босиб ўрмонга борди. У ўрмонда узоқ юрди ва ноништа маҳалида қайтиб келганида Николай Петрович унинг саломатлигини сўради, чунки унинг юзи жуда қорайиб кетган эди.

Павел Петрович унга оҳиста жавоб бериб:

— Узинг биласанки, ба'зан сафро голиб келиб, азоб чекаман,— деди.

## XXIV

Орадан икки соатча ўтгандан кейин Павел Петрович Базаровнинг эшигини тақиллатди ва бўлмага киргандая кейин дераза олдидаги курсига ўлтириб, фил суягидан ишланган гўзал нақшли ҳассага икки қўли блан суягани ҳолда (одатда у таёқсиз юрар эди) сўз бошлади:

— Мен сизнинг илмий ишларингизга халақит бераётганим учун ўтинияшим лозим, лекин беш минут вақтингизни олишга рухсат этишингизни сўрашга мажбурман... беш минутдан ошиқ эмас.

— Бутун вақтим сизнинг ихтиёрингизда, марҳамат қилинг,— деди Базаров. Павел Петрович уйга кириб келиши блан Базаровнинг юраги шув этиб, юзида аллақандай бир ўзгариш пайдо бўлган эди.

— Менга беш минут кифоя. Мен сизга битта савол бермоқчи бўлиб кирдим.

— Савол? Нима ҳақда?

— Хўп, марҳамат қилиб қулоқ солинг. Сиз укамнинг уйига келган кунларингизда, ҳали мен сиз блан суҳбатлашиб юрган вақтларимда сизнинг жуда кўп нарсалар тўғрисидаги муҳокамаларингизни эшитган эдим, аммо на иккаламиз ўртамизда ва на умуман дуэль ҳақида ҳечбир сўз бўлгани йўқ эди. Бу ҳақда сиз қандай фикрдасиз, билиш мумкинми?

---

<sup>1</sup> Селадон — француз ёзучиларидан Юрфе, 1567—1625 йилларнинг Астрей деган романидан олинган ўтакетган хотинлар типид.



Павел Петровични қарши олиш учун ўрнидан турган Базаров кўлларини тиззасига чалмаштириб, стол четига ўлтирди.

— Менинг фикрим шундай: назарий жиҳатдан дуэль ма'носиз бир нарса, энди амалий нуқтани назардан қарасак бошқа масала.

— Я'ни, агарда гапингизни тўғри англаган бўлсам, сиз шундай демоқчи бўласиз: дуэль ҳақида назарий фикрингиз қандай бўлса ҳам, лекин амалда ҳақорат да'во қилиб, ҳақорат қилган кишини дуэльга чақирасиз?

— Сиз менинг фикримни тўғри англадингиз.

— Жуда соз. Мен ҳам сиздан шуни эшитмоқчи эдим. Сизнинг сўзларингиз мени нотайинликдан халос этади.

— Жур'атсизликдан демоқчимисиз?

— Барибир, тақсир, мен ўз сўзимни бошқалар учун англарилик қилиб гапираман; мен... семинария каламуши эмасман. Сизнинг сўзларингиз мени ба'зи бир кўнгилсиз заруратдан халос этади. Мен сиз билан отишмоққа қарор қилдим.

Базаровнинг кўзлари олайиб кетди.

— Мен блан?

— Албатта сиз блан.

— Нима учун?

— Сабабини сизга баён қилишим мумкин эди-ю, лекин бу ҳақда оғиз очмасликни афзал кўраман. Менингча, сиз бу ерда ортиқча бир кишисиз; сизни кўргани кўзим йўқ, сиздан нафратланам ва агар сиз учун бу ҳам камлик қилса...

Павел Петровичнинг кўзларига қон тўлди...

Базаровнинг ҳам кўзлари қизариб кетди.

— Жуда яхши,— деди Базаров— бўлак гапинг ҳожати йўқ. Ўзингизнинг рицарьлигингизни менга кўрсатиш хаёлига тушибсизда.— Мен бундай роҳатдан сизни маҳрум этишим мумкин эди, лекин майли, мевдан нима ҳам кетади!

— Сиздан миннатдорман, мени бошқача тadbирга мурожаат қилгани мажбур этмай, чақиримни қабул этарсиз деб умид қилсам бўлади.

Базаров совуққонлик блан:

— Я'ни, киноясиз айтганда, шу таёққа мурожаат қилмасдан демоқчисиз-да? Бу жуда тўғри. Ҳақорат қилишингизнинг асло зарурати йўқ; кейин бу унчалик хавфсиз ҳам эмас. Сиз ўз жентельментлигингизда тураберинг... Чақиригингизни мен ҳам жентельментларча қабул қиламан,—деди.

— Жуда яхши,—деди Павел Петрович ва ҳасасини бурчакка суяб қўйди.—Ҳозир биз дуэлимизнинг шартлари тўғрисида қисқаса гаплашиб олишимиз керак, аммо мен даставвал шуни билмоқчи бўлар эдим: сизнингча қандай, дуэльга чақиришимга баҳона бўладиган кичкинагина бир расмий жанжал чиқаришимиз керакми, ё йўқ?

— Йўқ, яхшиси, расмиятсиз.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Ундан кейин бизнинг можараларимизнинг асл сабабларини текшириб ўлтиришни ҳам ўринсиз деб биламан. Биз бир-биримизни кўргани кўзимиз йўқ-ку, ахир. Бундан ортиқ яна нима керак?

Базаров унинг сўзларини истехзо блан такрорлаб:

— Бундан ортиқ яна нима керак?—деди.

— Энди дуэлийнинг шартларига келсак, бизда секундантлар<sup>1</sup> бўлмайди, чунки уларни қаердан топади киши?

— Шундай, қаердан топади киши?

— Мен сизга шундай шарт таклиф қиламан: эртага эрталаб, масалан соат олтида, чакалакзорнинг нариги томонига чиқиб тўлпонча блан отишамиз, барьер<sup>2</sup> ўн қадам...

— Ўн қадам? Бу қандай бўлади: биз бир-биримизни бу масофада кўраолмаймиз.

— Саккиз қадам бўлиши ҳам мумкин,—деб қўйди Павел Петрович.

— Мумкин, албатта.

---

<sup>1</sup> *Секундант* — икки киши дуэльга чиққанда, улардан биринининг вакили сифатида гувоҳ бўлиб туручи, икки тарафнинг секундантлари ўзаро келишиб дуэль шартларини белгилайдилар.

<sup>2</sup> *Барьер* — дуэelda бир-бири блан отишувчилар орасидаги масофа (одатда 10 қадам бўлади).

— Ҳарбиримиз икки мартадан отамиз; аммо ҳар эҳтимолга қарши ҳарқайсимиз ўз киссамизга хат ёзиб қўяйлик ва бу хатда ҳарким ўз ўлимида ўзини ўзи айбласин.

— Мен бунга унча рози бўлаолмайман. Бироз французлар романига ўхшаб кетмайди, аллақандай ҳақиқатдан узоқ бўлиб чиқади, деди — Базаров.

— Балки, лекин ўзингиз бир уйлаб қаранг, бировнинг қотили деган шубҳага дучор бўлиши яхшими?

— Яхши эмас. Лекин кўнгилсиз та'надан қутилиш чораси бор. Бизда секундантлар бўлмаяжак, лекин гувоҳ бўлиши мумкин.

— Ким гувоҳ бўлаолади, билиш мумкинми?

— Анавий Петерчи?

— Қайси Петер?

— Укангизнинг камерденери. Бу киши ҳозирги замон ма'рифатининг юқори поғонасида туради ва ўз вазифасини бундай вақтларда, бутун зарур шартларга мувофиқ, бениқсон бажаради.

— Сиз ҳазиллашаётганга ўхшайсиз, мухтарам афандим.

— Ҳечбир. Менинг таклифимни муҳокама қилиб кўрсангиз, ақлга мувофиқ ва содда эканини ўзингиз ҳам билиб қоларсиз. Олни этак блан ёлиб бўлмас. Петерни тегишинча тайёрлаб, жанг майдонига олиб боришни мен ўз зиммамга оламан.

Павел Петрович курсидан тураётиб:

— Сиз ҳали ҳам ҳазил қилаяпсиз, брэк розилик билдирганингиздан кейин, сизга бошқа да'во қилишга ҳаққим йўқ... Демак, гап тамом... Айтгандай, сизда тўппонча йўқми?

— Менда тўппонча қаёқдан бўлсин, Павел Петрович? Мен аскар эмасман-ку.

— Ундай бўлса мен ўз тўппончамни сизга берман. Хотиржам бўлинг, беш йил бўлдики, мен бир марта ҳам ўқ отганим йўқ.

— Хуш тасалли бердингиз-да.

Павел Петрович ҳассасини қўлига олди...

— Демак, мухтарам афандим, шу блан сизга ташиқкур баён этаман, марҳамат қилиб ўз ишингизни

давом этдираберинг. Хайр.

Базаров меҳмонни узатаётиб:

— Кўришгунимизгача хайр, мухтарам афандим,— деди.

Павел Петрович чқяб кетди, Базаров эса бир лас эшик олдида туриб қолди ва бирданига ўз-ўзича: „Туф сенга, шайтон! Нақадар чиройли ва нақадар бе'мано гап. Қаранг, биз қандай комедия ўйнадик-а? Ургатилган итлар шу сингари орқа оёқлари устида танда қиладилар. Аммо рад қилишнинг иложи йўқ эди; нима ҳам яхшилик кутасан, эҳтимол, у мен урар ва бу чоғда... (Бу фикрни ўйлаши блан у оқариниб кетди, сочлари тиккайди), у чоғда уни мушук боласидек бўғиб ўлдиришга тўғри келар эди“ деди. У, ўз микроскопи олдига қайтиб келди; лекин унинг юраги бесаранжом бўлди, ўз ишларини давом этдириш учун зарур бўладиган осойишталигини йўқотди. „Букун бизни кўрипти. Ноҳот укаси учун шунчалик қилаётган бўлса? Битта ўпибман, нима бўлипти? Йўқ, бу ерда бошқа бир сир борга ўхшайди, Ҳа! Ўзи жазман эмасмикан-а? Афтидан, жазманга ўхшайди, бу — қандай равшан. Ўйлаб қаранг, нақадар ишқал!“ деб ўйларди. Базаров—хунук! Қайси томондан қарасанг ҳам хунук; аввало, пешовангни ўққа тутиб беришга тўғри келар, ҳарқандай бўлганда ҳам кетиш керак; буёғи Аркадий... ва бу дарвиш. Николай Петрович. Хунук, хунук“.

Кун жуда жим-жит ва ланж ўтди. Феничканинг сояси ҳам кўрилмади. У, нинга қариб писиб ётган сичқон боласидай, ўз бўлмасида ўтирди. Николай Петрович ўз ташвиши блан банддай кўринарди. Кўп ҳосил кутган буғдойига қора куя тушипти. Павел Петрович ҳаммани, ҳатто Прокофични ҳам ўзининг утакетган совуқ назокати блан эзар эди. Базаров отасига хат ёзмоқчи бўлди-ю, лекин йиртиб стол остяга ташлади. У: „Ўлсам ўлганимни эшитарлар, йўқ, мен ҳали ўлмайман. Йўқ, мен ҳали дун'ёда узоқ ивирсиб юраман“ деб ўйларди. У Петерни чақириб, эрталаб тонг отарда келишга буюрди,— жуда муҳим иш бор,— деди; Петер Базаров мени Петербургда олиб кетмоқчи бўлса керак,—деб ўйлади.

Базаров жуда кеч ётди ва тун бўйи ҳархил чалкаш тушлар кўриб, азобланиб чиқди... Унинг кўз олдига Одинцова айланиб юрар эди, Одинцова унинг онаси эмиш. Одинцованинг орқасидан эргашиб, қолқора мўйлабли мушук юрар ва бу мушук Февичка эмиш. Павел Петрович эса катта ўрмон эмиш, шундай бўлса ҳам у блан отишиш керак эмиш. Петер келиб, уни соат тўртда уйғотди; у дарҳол кийиниб, Петер блан ташқарига чиқди.

Эрталаб ҳаммаёқ гўзал ва мусаффо эди, тиниқ кўк юзи парча-булак булутлар блан қопланган; япроқлар ва ердаги ўтларни майда шудринг томчилари босган, ўргимчак уялари кумуш тўр сингарн ярқирайди; нам қора тупроқ, ҳануз тонг шафағининг акси уриб тургандай, сал қизариниб турар, ҳаммаёқдан тўрғайларнинг сайрагани эшитиларди. Базаров чакалакка етди ва сояга ўтирди-да, Петерга уни қандай мақсад блан олиб келганини ва ундан нима истганини гапириб берди. Ма'рифатли хизматкор улар даражада қўрқиб кетди; аммо Базаров „Сен узоқдан қараб турасан, бошқа ҳеч иш қилмайсан ва ҳечқандай мас'улиятга тортилмайсан“ деб уни юпатди; яна қўшимча қилиб: „Кўрдингми, сенинг олдинда қандай катта вазифа туради“ деди. Петер ҳайрон бўлиб кўзларини ерга тикди ва юзи бутувлай яшил тус олиб, қайин дарахтига суяниб қолди.

Марьино йўли кичкинагина ўрмондан айланиб ўтар, уни кечадан бери на ғилдирак ва на оёқ изи бузмаган енгил чанг қоплаб ётар эди. Базаров ихтиёрсиз равишда ўша йўл бўйларига қарар, кўкатларни олиб олиб чайнаб ташлар ва: „Қандай тентаклик!“ деб ўз-ўзинга гапирар эди. Эрталабки салқин ҳаво уни бир-икки марта сескантирди... Петер, мунгайиб унга қаради, лекин Базаров фақат кулибгина қўйди... у қўрқмас эди.

Йўлдан от туёқларининг товуши эшитилди... Дарахтлар орасидан бир мужик кўринди. У, иккита тушовли отни олдига солиб ҳайдаб келар эди, Базаровнинг олдидан ўтаётиб, телпагини олмасдан, унга

ғалати қилиб қараб қўйди. Мужикнинг бундай қараши, афтидан, Петернинг назарига бехосиятдай кўринди. Базаров мужикка қараб: „Мана бу ҳам эрта турибди, лекин иши бордир; аммо бизчи?..“ деб уйлади.

Петер бирданига:

— Келаётганга ўхшайдилар,—деб шивирлади.

Базаров бошини кўтариб Павел Петровични кўрди. У, енгил катак пиджак, оқ чалвар кийган, қўлтиғига кўк мовутга ўроғлик яшиқ қистириб тез-тез қадам босиб келар эди.

У дастлаб Базаровга, кейин Петерга (Павел Петрович шу онда Петерни секундант ўрнида ҳурмат қилар эди) салом бериб:

— Афв этасиз, мен сизни кутдириб қўйдим шекилли. Мен ўз хизматкоримни уйғотгим келмади,—деди.

— Зарари йўқ, биз ўзимиз ҳам ҳозиргина келиб эдик,—деди Базаров.

— Ҳа-ҳа! Ундай бўлса яна яхши!—Павел Петрович атрофга кўз ташлади.—Ҳечким кўринмайди. Ҳечким халақат бермайди... Бошласак бўладими?

— Майли, бошлайлик.

— Бошқа изох талаб қилмассиз?

— Йўқ, талаб қилмайман.

Павел Петрович яшиқдан тўппончаларни олаётиб:

— Ўқлайсизми?—деб сўради.

— Йўқ, ўзингиз ўқланг; мен барьерни ўлчайман. Менинг оёқларим узунроқ,—деб қўшиб қўйди Базаров кулиб.—Бир, икки, уч...

— Ўзингиз айтган эдингиз, Евгений Васильевич, мен четроққа бориб тураман,—деди Петер сўзини зўрға гапириб (у безгак тутгандек қалтирар эди).

— Тўрт... беш... бор, оғайни, бор, ҳатто дарах панасига ўтиб, қулоқларингни беркитсанг ҳам майли, фақат кўзингни юммасанг бўлди; бирортамиз йиқилсак, дарров келиб кўтариб олгин... Олти... етти... саккиз... —Базаров тўхтади ва Павел Петровичга мурожаат қилиб:—бўладими, ёки яна икки қадам қўшайми,—деди.

Павел Петрович тўппончага иккинчи ўқни солаётди:

— Ихтиёр узингизда, — деб қўйди.

— Хўп, ундай бўлса яна икки қадам қўшамиз, — деди Базаров ва этигининг учи билан ерни чизиб, — мана, барьер ҳам бўлди. Айтгандай: ҳарқайсимиз барьердан неча қадам нарига чекинамиз? Бу ҳам муҳим масала. Бу ҳақда кеча гаплашганимиз йўқ эди, — деди.

Павел Петрович иккала тўппончани Базаровга бераётди:

— Менинча ўн қадам бас... Марҳамат қилиб, биттасини сайлаб олинг, — деди.

— Хўп. Павел Петрович, бизнинг дуэлимиз жуда ғалати, кулгига ўхшайди. Секундантимизнинг афтига бир қараг.

— Сиз ҳамон ҳазиллашмоқчи бўлсиз... — деди Павел Петрович. — Мен дуэлимиз ғалати бўлишини инкор этмайман, аммо сиз билан мен чинакам отишмоқчиман ва буни сизга айтиб қўйишни ўзимнинг бурчим деб биламан. *A bon enten deur, Solut!*<sup>1</sup>.

— О! Мен бир-биримизни ўлдаришга қарор қилганимиз тўғрисида асло шубҳа қилмайман: лекин нега биров кулиш ва *utile dulci*<sup>2</sup> бирга қўшиш ярамайди? Шундай: сиз менга французча гапирдингиз, мен эса сизга латинча.

Павел Петрович яна такрорлаб:

— Мен чинакам отишмоқчиман, — деди ва ўз жойига кетди. Базаров ҳам ўз томонидан ўн қадам санаб тўхтади.

— Тайёрмисиз? — деб сўради Павел Петрович.

— Буткул тайёрман.

— Бошласак бўлар?

Базаров секингина олга юрди. Павел Петрович ҳам чап қўлини чўнтагига тикиб ва тўппончанинг оғзини секин-аста кўтарганича унга қараб борди... Базаров „У менинг қоқ бурнимдан мўлжалляпти ва

<sup>1</sup> Яхши тушунганга салом, гапни яхши тинглаган одам — идрок қилсин. (Французча).

<sup>2</sup> Ёқимли ишни фойдали вш билан (Латинча).

қандай тиришиб кўзини қисаяпти, қароқчи! Одам аллақандай бўлар экан. Мен унинг соатининг занжирига қараб борай...» деб ўйлади. Базаровнинг худди қулоғи тагида бир нарса жаранглаб кетди ва уша ондаёқ ўқ товуши ҳам эшитилди. Базаровнинг бошига бирдан: «Эшитдим, демак ҳечнарса бўлмади», деган фикр келиб кетди. У яна бир қадам олға босди ва ҳечбир мўлжалламасдан тўппончанинг тепкисини босиб юборди.

Павел Петрович андак титраб кетди ва сонини ушлади. Унинг оқ чалваридан қон оқар эди.

Базаров дарҳол тўппончани ташлаб, рақибни олдига қелди ва:

— Ярадор бўлдингизми? — деб сўради.

— Сиз мени барьерга чақиршига ҳақли эдингиз. Бу яра ҳеч гап эмас. Шартимизга мувофиқ, ҳарқайси миз яна бир мартадан отаоламиз, — деди Павел Петрович.

— Йўқ, энди кечирасиз, бошқа вақтга қолдирайлик, — деди Базаров ва ранги оқаришиб кетаётган Павел Петровични ушлаб олди. — Энди мен рақиб эмасман, докторман аввало сизнинг ярангизни кўришим керак. Петер! Қани бу ёққа келчи, Петер! Қаёққа қочдинг!

Павел Петрович сўзини бўлиб-бўлиб:

— Бу ҳаммаси беҳуда... Мен ҳечкимнинг ёрдамига муҳтож эмасман... бошқатдан... — деди. У, мўйлабини бурамоқчи бўлган эди, броқ қўли бўшашиб кетди ва кўзлари ичига ботиб, ҳушидан кетди.

Базаров, Павел Петровични кўкат устига ётқизиб, бенхтиёр:

— Ана янгиллик, ҳушидан кетди-ку! Ҳушдан кетарлик нима ҳам бўлди? Қани, кўрайликчи, нима бор экан? — деди ва чўнтагидан рўмолчасини олди, яра-нинг қонини артиб, атрофини ушлаб кўрди ва секин — суюя бутун, ўқ баданга чуқур кирмасдан юзадан тешиб ўтган, биргина мускулга, *Va stus externus*га теккан холос. Уч ҳафтадан кейин кўрмагандай бўлиб кетади. Нега ҳушдан кетди экан? Асабий кишилар-да, териси нақадар юпқа, — деди.



Петер, унинг орқасидан туриб, қалтираган товуш блан шивирлаб:

— Улиб қолдиларми, тақсир? — деб сўради.

Базаров орқасига қаради.

— Чопиб сув олиб кел, биродар, бу киши сен блан мендан ҳам узоқроқ яшайди.

Броқ камолга эришган хизматкор, Базаровнинг сўзияга тушунмагандай жойидан қўзғолмади. Павел Петрович астагина кўзларини очди. Петр шивирлаб, „Жон бераяпти!“ деди-да, чўқинабошлади.

Ярадор джентельмен зўрма-зўраки кулиб:

— Тўғри айтган экансиз... Бунинг башарасини қаранг! — деди.

Базаров, Петерга бақиряб:

— Сув олиб келсангчи, ахир, ла'нати! — деди.

— Керак эмас. Бу фақат бир минутлик vertige<sup>1</sup>... Ёрдам қилинг, ўтириб олай... Мана шундай... Бу тирналган жойни бирор нарса блан салбойлаб олинса кифоя, шу блан мен уйга пиёда қайта бераман, бўлмаса орқамдан арава юбориш мумкин. Дуэль, агар истасангиз, такрорланмайди. Сиз бугун... бугун олийжаноблик қилдингиз.

— Ўтган ишга салават, келгуси ҳақида бўлса, бу ҳақда ҳам бош қотириш арзимамайди, чунки мен тез кетмоқчи бўлаётирман. Қани энди сизнинг оёгингизни бир бойлаб қўяйчи, ярангиз қўрқинчли эмас, шундай бўлса ҳам қонини тўхтатган яхши. Аммо, аввал бу ўликни ҳушига келтириш керак.

Базаров Петерни ёқасидан ушлаб силкиди-да, аравани опкелишга юборди.

Павел Петрович унга:

— Ҳой, менга қара, укамга айтиб уни қўрқитиб ўтирма-я. — деди. Петер ўқдай учиб аравани опкелгани кетди. Ҳар иккала рақиб бир-бирига индамасдан ерда ўлтирарди. Павел Петрович Базаровга қарамасликка ҳаракат қилди, у, ҳарҳолда Базаров блан ярашишни истамас эди. У, ўзининг қўрслигидан ва муваффақиятсизлигидан уялар, қачон бўлсада яхшилик блан тугамаслигини билатуриб, шу ишани бош-

<sup>1</sup> Бош айланиш. (Франдузча).

лаганидан изза тортар эди. У, „ҳеч бўлмаса бу ердан кетар-ку, шунисига ҳам шукур“ дея ўз-ўзини овутар эди. Оғир ва ўнғайсиз сукут узоққа чўзилди, иккаласи учун ҳам оғир эди.

Ҳарқайсиси ҳам „кўнглимдагини бу билиб турипти“ деб ўйлар эди. Дўстлар учун шундай деб ўйлаш ёқимли, дўст бўлмаганлар, айниқса бир-бирига ичидагини айталмайдиган, ажралиб ҳам кеталмайдиган кишилар учун бу жуда ёқимсиздир.

Ниҳоят, Базаров:

— Ярангизни жуда қаттиқ бойлаганим йўқми? — деб сўради.

— Йўқ, жуда яхши, — деди Павел Петрович ва бир пастдан кейин: — укамни алдаш жуда қийин, биз унга, сиёсат устида жанжаллашиб қолдик деб айтишимиз керак бўлади, — деб қўшиб қўйди.

— Жуда яхши. Сиз унга мени айблаб, ҳамма англшманларни<sup>1</sup> сўкди, десангиз бас, — деб қўйди Базаров.

— Жуда яхши, лекин мана бу одам бизнинг тўғримизда нима деб ўйлар экан? — деди Павел Петрович боя, дуэльдан бурунроқ тушовли отларни ҳайдаб ўтиб кетган мужикни кўрсатиб. Мужик ҳозир қайтишда „жаноблар“ни кўриб, бошидан шапкасини олиб салом берди.

— Ким билади! — деб жавоб берди Базаров — ҳечнима деб ўйламаса керак. Рус мужиги бир вақтлар Ратклифф<sup>2</sup> хоним жуда кўп ёзган сирли, номаълум бир кимсадир. Унга ким тушунаолади, у ўзи ҳам ўзига тушунмайди.

Павел Петрович:

— Ҳа, ҳали шундоқ денг! — дея гап бошлаган эди, йўлга кўзи тушди-ю бирданига — Ие! тентагингизнинг қилган ишини қаранг, укамнинг ўзи келаяпти-ку! — деди.

<sup>1</sup> Иаглизларга хос нарсаларни яхши кўручи, уларга тақлид этувга тиришувчи юқори табақа.

<sup>2</sup> 1764—1824 йиллардаги инглиз ёзучиси. Унинг романлари сирли ҳодисалар билан бошланиб, кейин секин-аста бу сирлар очилиб боради, 1800—1820 йилларда Ратклифф асарлари Русияда катта шухрат қозониб, бирнеча марта таржима қилинган ва уларга тақлид қилиб кўп асарлар ёзилган.

Базаров орқасига қаради ва ранги оқариб кетган Николай Петровични кўрди. Арава тўхтаб улгурмасданоқ у сакраб тушиб акасига қараб отилди ва ҳовлиқиб:

— Нима гап ўзи Евгений Васильевич? Бу қандай гап?

— Ҳечнарсга бўлгани йўқ, сени бекорга овора қилибдилар. Базаров афанди блан бирозгина жанжаллашиб қолдик, бунинг учун мен бироз шикаст едим... — деди Павел Петрович.

— Тавба, бу нимадан чиқди?

— Нима десам экан? Базаров жаноблари сэр Роберт Пиль<sup>1</sup> ҳақида ножўя гаплар гапирди. Броқ, бу ишда ёлғиз мен ўзим гуноҳкорман, Базаров жаноблари ўзларини жуда яхши тутдилар. У кишини дуэльга мен чақирдим.

— Ана у ерингдан қон оқаётпти-ку?

— Томиримда қон ўрнида сув деб уйлаганминдиг? Бунақа қон олдириш менга ҳатто фойдали. Шундай эмасми, доктор? Сен мени аравага чиқариб қўйишга ёрдам қил, ваҳима қилма. Эртага тузалиб кетаман. Ҳа, балли, жуда соз. Ҳайда кучер.

Николай Петрович арава кетидан юрди; Базаров орқада қолмоқчи бўлди...

Николай Петрович унга мурожаат қилиб:

— Шаҳардан бошқа доктор олиб келганларига қадар акамга ёрдам бериб туришингизни сўрайман,— деди.

Базаров индамай, бош эгди.

Бир соатдан кейин, Павел Петрович, оёғи жуда усталик блан боғланган ҳолда тўшакда ётар эди. Бутун уй ичи тўс-тўполон бўлиб кетди, Феничканинг кўнгли озди. Николай Петрович бўлса, бошқаларга сездирмай, бетоқатликдан нима қилишини билмай юрар, Павел Петрович эса кулар, ҳазиллашар, айниқса Базаров блан кўп ҳазиллашар эди. У юпқа батист кўйлак, эрталаб кийиладиган чиройлик камзулча ва

<sup>1</sup> 1788—1850 йиллардаги инглиз давлат эрбоби. Бу киши йirik sanoat буржуазиясининг манфаатларини ҳимоя қилиб, эркин савдо руҳида қонулар чиқартирган.

фас кийиб ётар, дераза пардаларини туширгани қўймас, овқат емаслиги кераклигидан тегишиб шикоят қилар эди.

Аммо кечаси Павел Петровичнинг иситмаси ошиб кетди, боши оғрий бошлади. Шаҳардан доктор келди. (Николай Петрович акасининг гапига қулоқ солмай шаҳардан доктор чақирган эди. Базаров ҳам шуни хоҳлаган эди. Базаров юзи бутунлай сарғайиб ва аччиқланган ҳолда кун бўйи ўз бўлмасида ўлтирди ва фақат жуда қисқа муддатга бирнеча бор бемор олдига кириб чиқди; у бир-икки марта Феничка билан учрашиб қолди, лекин ҳар учрашганида Феничка ундан қўрқиб қочиб кетар эди). Доктор Павел Петровичга совуқ ичимлик ичишни маслаҳат берди ва шу билан бирга Базаровнинг, — ҳечқандай хавф-хатар йўқ деган сўзини тасдиқлади. Николай Петрович унга: акам эҳтиётсизлик орқасида ўзини-ўзи ярадор қилиб қўйди, — деди. Доктор бунга „ҳим“ деб қўяқолди. Аммо 25 сўлкавойни олганидан кейин:

— Буни қаранг-а! Бундай ҳодиса ҳақиқатан кўп бўлиб туради, — деди.

Уй ичидагилардан ҳечким шу кеча кийимини ечмади, ухламади ҳам. Николай Петрович ҳар замон-ҳар замонда оёқ учида акасининг олдига кириб-чиқиб турар эди: акаси гоҳо ўзидан кетар, гоҳо астагина инқиллар, укасига французчалаб: „*Сachez-vous*“<sup>1</sup> деяр ва ичгани бирор нарса сўрар эди. Николай Петрович бир марта Феничкани унга бир стакан лимонад олиб келишга мажбур этди. Павел Петрович Феничкага тикилиб қаради-да, стакандаги лимонадни батамом ичди. Эртасига эрталаб ҳарорати бироз кўтарилди ва сал алақлай бошлади. Павел Петрович аввал қовушмаган гапларни гапирди; кейин бирданига кўзларини очди, тўшаги ёнида укаси ташвишманд энгашиб турганини кўриб: „Николай, Феничканинг аллақаери Неллига ўхшамайдими?“ деб сўради.

— Қайси Неллига, Паша?

<sup>1</sup> Етнинг.

— Билмайсанми? Княгина Р...га. Хусусан бегининг юқориси Неллига жуда ўхшайди. C'est de la même famille<sup>1</sup>.

Николай Петрович жавоб қайтармади, аммо кишида эски туйғулар шу қадар узоқ сақланганига бироз таажжубланиб: „Шу вақтда эсига тушди-я“ деб қўйди.

Павел Петрович инграб:

— Оҳ шу пуч зотни мен нақадар яхши кўраман-а! — деб қўйди. Бир пасдан кейин у яна — мен бирор беҳаёнинг унга қўл етказишига ҳечқачоқ чидаб тураолмайман, — деди.

Николай Петрович фақат оғир бир нафас олди. У, Павел Петровичнинг сўзлари кимга қаратиб айтилганини сезмас ҳам эди.

Базаров эртасига соат саккизларда унинг олдига кирди. У энди ҳамма нарсасини йиғиштириб, ўзининг бақаларини, ҳашаротларини ва қушларини озод қилиб юборган эди.

Николай Петрович унга қарши ўрнидан туриб:

— Сиз мен билан хайрлашгани келдингизми? — деди.

— Балли.

— Мен сизнинг ваз'иятингизни фаҳмлайман ва қарорингизни батамом ма'қуллайман. Менинг бечора акам, албатта, гувоҳкор: бунинг учун жазосияни ҳам тортаётир. Сизни шунга мажбур қилганини менга ўзи гапириб берди. Бу дуэлянинг... бу дуэль чиқишига сабаб бўлган нарса ораларингдаги доимий фикрий қарама-қаршилиқдир, иш шу даражага етмай иложи бўлмаганини ўзим ҳам биламан. (Николай Петрович гапини йўқотиб қўяр эди). Акам эски замон одами, қизиққон ва уjar. Худога миляг қатла шукурки, иш шу билан тамом бўлибди. Бу сирни ошкоро қилмаслик учун мен бутун зарур чораларни кўриб қўйдим...

— Агар бирор гап чиқиб қолса деб эҳтиётан мен сизга ўз адресимни қолдириб кетаман, — деб қўяқолди Базаров.

<sup>1</sup> Уша типдан.

— Мен умид қиламанки, ҳечқандай гат чиқмас, Евгений Васильевич... Мен сизнинг ўз уйимда турганингизнинг оқибати шундай... Шундай бўлиб чиқишига таассуф этаман. Менинг учун янада қайғулироқ бўлгани шу сабабданки, Аркадий...

Ҳархил „баёнот“ ва „шарҳлар“ га сра тоқати бўлмаган Базаров:

— Мен у блан кўришсам керак, акс ҳолда менадан унга салом айтишингизни сўрайман ва сизга ўзимнинг таассуфимни билдираман, — деди.

— Мен ҳам сўрайманки... — деди, Николай Петрович бош эгиб. Базаров унинг гапи тугаганини кутмасдан чиқиб кетди.

Павел Петрович Базаровнинг кетишини билиб, уни кўришни йстади ва, кўриб, унинг қўлини қисди. Броқ Базаров шунда ҳам муздек бўлиб тураберди; у Павел Петровичнинг олийжаноблик қилмоқчи бўлганини фаҳмлар эди. Базаров Феничка блан хайрлашаолмади, у блан фақат теразадангина қарашиб олди. Феничканинг юзи унга хафт кўринди. У ўз-ўзига: „Нобуд бўлмасми экан... хайр, бир илож қилиб қутилар“ деди. Базаровнинг кетишига Петр шу қадар хафа бўлдики, ҳатто унинг елкасига осилиб йиғлади ва фақат Базаровнинг: „Кўзларинг сув очиб кетдимиз?“ деган саволидан кейингина бироз совунди. Дуняша эса ўз ҳаяжонини яшириш учун чакалакзорга қочиб кетишга мажбур бўлди. Бу қайғунинг сабабчиси аравага чиқиб ўлтириб, сигарасини чекди ва тўрт чақирим йўл босгандан кейин, бурилишда кўзига сўнгги марта, Кирсановларнинг янги уйи блан бир қатордаги кўрғончалари кўринганда тупуриб қўйди ва „ла'нати бойваччалар“ деб тўнғиллаб, шянелига бурканиб олди.

Павел Петрович ҳадемай тузалабошлади; лекин тўшакда бир ҳафгача ётди. У, ўз та'бирича, ўзининг асирлигини анча сабр блан ўтказди, лекин ётган чоғида жуда ҳам ортиқча пардоз-андоз блан овора бўлар ва ҳадеб одеколон сепишни буюрар эди. Николай Петрович унга журналлар

Ўқиб берар, Феничка илгаригидек хизмат қилиб унга шўрва, лимонад, илитма тухум ва чой келтириб турар, лекин Павел Петровичнинг бўлмасига кирганида ҳардам юрагига яширин қўрқув тушар эди. Павел Петровичнинг кутилмаган бу қилмиши уй ичидагиларни, айвиқса Феничкани анча чўчятиб қўйган эди. Фақат Прокофьевичгина бунга ҳайрон бўлмади, у, „бизнинг замонимизда фақат зодагон тўраларгина бир-бирлари билан олишар эди, бунақа олифталарни дағал муомалалари учун отхонага қаматиб қамчилатар эдилар“ деб тушунтирар эди.

Феничка виждонан қийналса ҳам, лекин жанжалнинг асл сабаби тўғрисидаги фикр ба'зан уни қийнар, бунинг устига Павел Петрович ҳам унга қандайдир жуда ғалати қарар эди... Ҳатто Феничка унга орқаси билан ўгирилганида ҳам, унинг ўзига қараб турганини ҳис қилар эди. У донмий ички ташвишдан арриқлаб, яна ҳам сўлимроқ бўлиб қолган эди.

Бир кун, эрталаб Павел Петрович ўзини яхши сезиб, тўшакдан диванга келиб ётди. Николай Петрович эса ундан хабар олганидан кейин хирмонга кетган эди. Феничка бир пиёла чой олиб келди ва уни столга қўйиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Павел Петрович уни тўхтатди.

— Бунча қаерга шошиласиз, Федосья Николаевна, бирор зарур вшингиз борми дейман?

— Йўқ... Ҳа... Чой қўйиб беришим керак.

— Дуняша ўзи қилаверадилар: касал одам билан бироз ўлтирсангизчи. Сиз билан гаплашадиган гапим бор.

Феничка индамасдан креслоннинг бир четига ўлтирди.

Павел Петрович мўллабини бураб:

— Федосья Николаевна, мен сиздан кўпдан бери бир нарсани сўрамоқчи эдим: сиз худди мендан кўрқадиғандайсиз? — деди.

— Менми?

— Ҳа, сиз. Худди виждонингиз соф эмасдек ҳеч-қачон кўзимга қарамайсиз.

Феничка қизаринди, лекин Павел Петровичга қаради. Унинг кўзига Павел Петрович ғалати кўришиб кетди ва юраги шув этиб кетди.

— Виждонингиз соф-ку, ахир?

— Нега соф бўлмасин? — деди Феничка шавирлаб.

— Ким билади? Сиз кимнинг олдида ҳам гуноҳкор бўлишингиз мумкин? Менинг олдимда-ми? Бу аҳтимолдан узоқ. Уй ичидаги бошқа кишилар олдидами? Бу ҳам шубҳали. Укам олдида бўлиши мумкин, лекин сиз уни яхши кўрасиз, шундай эмасми?

— Шундай, яхши кўраман.

— Бутун жонингиз, бутун дилингни бланми?

— Мен Николай Петровични бутун юрагим блан севаман.

— Ростми? Қани бўлмаса менга бир қаранг-чи, Феничка (у биринчи марта уни Феничка деб атади)... Биласизки, ёлгон гапириш катта гуноҳ.

— Мен ёлгон гапираётганим йўқ, Павел Петрович. Николай Петровични севамагандан кейин, менга дун'ёда туришнинг ҳам қизиғи йўқ.

— Сиз уни ҳечкимга олмоштирмайсиз ҳамми?

— Кимга ҳам олмоштираолардим?

— Топилмайди дейсизми! Мана, масалан, бу ердан жўнаб кетган жанобни олайлик.

Феничка ўридан турди:

— Вой худо! Нега мени мунча қийнаётибсиз, Павел Петрович, мен сизга вима гуноҳ қилдим? Ноҳот шундай десангиз?

Павел Петрович қайғули бир товуш блан:

— Феничка, ахир, ўзим кўрдим-ку... — деди.

— Нимани кўрдингиз?

— Ҳув анави ерда... шийпонда.

Феничка бутунлай қип-қизариб кетди.

— Айб мендами? — деди у зўрға.

Павел Петрович ўридан бироз кўтарилди.

— Айб сизда эмасми? Ҳеч айбингиз йўқми?

— Дун'ёда мен ёлғиз Николай Петровичнигина севаман ва абадий севажакман! — деди Феничка бирдан ўзини тетик тутиб. Унинг ўпкаси тўлди. — Сиз кўрган иш бўлса, мен қиёмат кунинда ҳам, бу ишда



менинг гуноҳим йўқ ва бўлган ҳам эмас, деб айтажакман. Мени шундай ишда айблаш мумкин бўлар экан, ўлганим яхши, йўқса, қандай қилиб мен ўзимга шунчалик яхшилик қилган Николай Петрович олдида...

Лекин Феничканинг дами ичига тушди ва шу онда Павел Петровичнинг қўлини ушлаб қисиб олганини ҳис қилди... Феничка унга қаради ва турган ерида қотиб қолди. Павел Петровичнинг юзи боягидан ҳам баттар бўзарди; кўзлари чақнади ва ҳаммадан ҳам кўпроқ шуниси қизиқ эдики, унинг бетидан бир дона каттакан ёш томчиси думалаб тушди.

У қандайдир ғалати шивирлаб:

— Феничка! Севинг, севинг укамни! У жуда яхши ва меҳрибон киши! Дун'ёда уни ҳечкимга олмоштирманг, ҳечкимнинг гапига қулоқ солманг! Ўзингиз ўйлаб кўринг, бировни севсанг-у, сени севмаса, бундан ҳам ёмонроқ нарса бўлиши мумкинми? Бечора Николайдан ҳечқачон юз ўгирманг, — деди.

Феничка шу қадар ҳайратда қолдики, кўз ёши тухтади, кўрқуви тамоман йўқолиб кетди. Лекин Павел Петрович, шу Павел Петровичнинг ўзи унинг қўлига лабларини қўйиб, ўпмасдан, фақат энтикиб оғир нафас олиб турганда Феничка қай аҳволга тушганини худонинг ўзи билади.

„Вой худо, буни тутқаноқ тутиб қолмадимикан?“ деб ўйлади Феничка.

Аммо Павел Петровичнинг қалбида шу он сўниб кетган бутун бир ҳаёт жовланмоқда эди.

Зинапойдан биров тез-тез чиқаётганлиги эшитилиб қолди... Павел Петрович дарҳол Феничкани ўзидан нарига итариб юборди ва бошини орқага, ястиққа ташлади. Эшик очилди ва бўлмага хушвақт, ранг-рўйи қип-қизил Николай Петрович кириб келди. Ўзига ўхшаш юзлари қип-қизил, кўйлакчан Митя отасининг қишлоқча пальтосининг тугмэларига оёқларини тираб унинг бағрида толпинар эди.

Феничка бирдан унга ўзини ташлади ва уни ҳам, ўғлини ҳам қучоқлаб олиб, бошини унинг елкасига

қўйди. Николай Петрович ҳайрон бўлди: уятчан ва юғир Феничка, бошқалар олдида ҳечқачон эркаланмас эди.

— Сенга нима бўлди? — деди Николай Петрович ва акасига қараб ўғлини Феничкага берди, кейин Павел Петровичга яқин келиб: — дурустмисан, кай-финг жойидами? — деб сўради.

Павел Петрович юзини батист рўмолча блан қоплади.

— Тузук... Кайфим анча яхши, — деди.

— Сен шошилиб диванга бекор ўтибсан, — Николай Петрович Феничкага томон ўгирилиб: — Сен қаерга кетаётирсан, — деди. Лекин Феничка аллақачон чиқиб, эшикни ёнган эди. — Мен сенга полвоинини кўрсатай деб олиб келган эдим; амакисини соғиниб қолибди. Нега уни Феничка олиб кетди энди? Хўш, сенга нима бўлди? Ё ораларингда бирор гап ўтдимми?

— Ука! — деди Павел тантана блан.

Николай Петрович сесканиб кетди. Унинг юрагига кўрқув тушди, лекин нима сабабдан шундай бўлганини ўзи ҳам билмас эди.

— Ука, — деди Павел Петрович яна, — сенга бир илтимосим бор, шуни бажаришга ва'да бер.

— Қандай илтимос? Айтчи.

— Илтимосим жуда муҳим, менимча, сенинг бутун бахтинг шунга боғлиқдир. Мен сенга ҳозир айтмоқчи бўлган гапим ҳақида кўп ўйладим... Ука, сен ўз вазифангни, виждонли ва соф кўнглили инсон вазифасини адо эт, шундай яхши, бошқаларга ибрат бўладиган одам бўлатуриб хунук кўринадиган ишни қилма, бас қил.

— Нима демоқчи бўласан, Павел?

— Феничкани олгин... У сени севади. У, ўғлингнинг онаси...

Николай Петрович бир қадам орқага чекинди ва ҳайратда қолди.

— Бу гапни сен гапирэтирсанми, Павел? Мен сени ҳамавақт бу хилда никоҳларга энг қарши одам деб юрар эдим! Бу гапни сен айтдингми! Менинг вазифам этиб жуда тўғри айтганинг бу ишни мен

шу кунгача фақат биргина сени ҳурмат қилганим учунгина қилмаганимни билмайсанми!

Павел Петрович зўраки бир табассум блан унга э'тироз билдириб:

— Бу масалада мени бекор ҳурмат қилгансан. Мен, Базаров мени аристократ деб тўғри та'на қилган экан деб қўйдим. Йўқ энди, азиз укам, олам ҳақида уйлаб бош қотиришимиз етар: биз энди қариб қолган одамлармиз, ҳархил беҳуда нарсалар орқасидан чопишни ташлашимиз лозим. Бундан кейин, худди шу сен айтган вазифани ўтайлик, сен қараб тур, бунинг орқасида яна бахтли ҳам бўлармиз.

Николай Петрович укасининг бўйнига ташланиб, уни қучоқлаб олди.

— Сен батамом кўзимни очиб қўйдинг! Сени дун'ёда энг меҳрибон ва энг ақлли одам деб юришим бежиз эмас эди. Энди қанчалик софдил бўлсанг, шунчалик олийжаноб бир одам эканингни ҳам кўриб турибман.

Павел Петрович унинг сўзини бўлиб:

— Секинроқ, секинроқ. Элликга кираёзиб пропорщик<sup>1</sup> сингари дуэль қилган олийжаноб акангнинг оёғига озор берма. Демак, масала ҳал. Феничка менинг velle soeui<sup>2</sup> бўлади, — деди.

— Азизим Павел! Аркадий нима дер экан?

— Аркадийми? У шубҳасиз хурсанд бўлади. Никоҳ унинг принципларига тўғри келмаса ҳам, лекин тенглик тарафдори бўлгани учун қувонади. Ҳақиқатан ҳам, ўн тўққизинчи асрда олий табақаю паст табақа деб ўтириш нима деган гап ўзи?

— Оҳ, Павел, Павел! Қани яна бир мартаба ўлай сени! Қўрқма, астагина ўпаман.

Ака-ука қучоқлашди.

— Қалай дейсан, бу ниятни Феничкага ҳозир айтсак нечук бўлар экан? — деб сўради Павел Петрович.

— Шошилишнинг нима кераги бор? Ё ораларингда шундай гап бўлдимиз?

<sup>1</sup> прапорщик — чор армиясида паст даражали офицер.

<sup>2</sup> келиним. (Французча).

— Бизнинг орамизда гап? Quelle idee<sup>1</sup>

— Хўп бўлмаса жуда соз. Аввало тузалиб, ол, бу нарса қочмайди, яхшилаб ўйлаш, мулоҳаза қилиш керак.

— Сен қарор бердинг-ку, ахир?

— Албатта, қарор бердим. Самимий равишда сенга ташаккур баён этаман. Энди мен чиқай. Сен дам ол. Ҳарқандай ҳаяжон ҳозир сенга зарарли... Ҳали бу тўғрида кўп гаплашамиз. Ухла, жоним, худо сенга эсонлик берсин.

Павел Петрович ёлғиз қолгандан кейин: „Нима учун у менга бунчалик ташаккур баён этапти, гўё бу иш унинг ўз ихтиёрида бўлмагандай. Мен эса, уйлангандан кейин, дарров узоқроқ бир жойга, Дрезденга ёки Флоренцияга кетиб, ўлгунимга қадар ўша ерда туриб қоламан“ деб ўйлади.

Павел Петрович пешонасига одекolon суркади ва кўзларини юмди. Унинг тиниқ кундузги ёғду блан ёритилган чиройли, қоқ суяк бўлиб қолган боши оқ ястиқ устида, ўлган кивининг бошига ўхшаб ётарди... Чиндан ҳам у тирик ўлик эди.

## XXV

Никольскоеда, боғчада, баланд шумтол соясида, чим скамейкада Катя блан Аркадий ўлтирарди, уларнинг олдида ерда, ўзининг узун танасини чўзиб, овчилар ўртасида машҳур бўлган „қуён ётиши“ блан чиройли бўлиб, Фифи ётар эди. Аркадий ҳам, Катя ҳам жим ўлтирарди. Аркадий кўлига ярим очиқ ҳолда китоб ушлаган. Катя эса сават тагида қолган оқнон ушоқларини териб, худди оёғи тагида, қўрқалиса сакрашиб ва чирқиллашиб юрган бир гала чумчуқларга ташлар эди. Майин шабада, шумтол япроқларини титратиб, соя йўлкада ҳам, Фифининг сариқ сиртида ҳам оқсил-олтинсимон ёғду нуқталарини аста-секин нари-бери силжитиб, ўйнатиб турарди. Аркадий блан Катяни қуюқ соя қоплаб олган, фақат онда-сондагина Катянинг сочлари япроқлар орасидан тушган

<sup>1</sup> бу қандай гап, (Французча).

қуёш нурларидан ярқираб турар эди. Иккови ҳам жим ултирарди. Лекин уларнинг мана шу жимгина ёнма-ён ултиришларидан бир-бирларига ишонч блан яқинлашганликлари сезилиб турар эди: иккови гўё бир-бири ҳақида ўйламагандай бўлса ҳам, бирга ўтирганига ич-ичидан яширинча хурсанд бўлар эди. Биз сўнгги мартаба кўрганимиздан бери анча ўзгариб қолган эди, Аркадий босиқроқ, Катя эса жонлироқ ҳам дадилроқ бўлиб кўринар эди.

Аркадий гап бошлаб:

— Сиз нима деб ўйлайсиз? Шумтол дарахтига русча ясен<sup>1</sup> деб яхши ном берилган; ҳечқандай дарахт орқали ҳаво бундай равшан кўринмайди, — деди.

Катя юқорига қараб: „ҳа“ деди. Аркадий эса: „Мана бу қиз мени чиройли гапиради, деб та’на қилмайди“ дея хаёлидан кечирди.

Катя кўзи блан Аркадийнинг қўлидаги китобчага ишора қилиб:

— Мен Гейненинг<sup>2</sup> кулганини ҳам, йиғлаганини ҳам ёқтирмайман; унинг маҳзун ва ўйчан бўлган вақтини севаман, — деди.

— Мен унинг кулган вақтини яхши кўраман, — деди Аркадий.

— Бу сизда эски сатирик<sup>3</sup> маслагингиздан қолган та’сир... (Аркадий: „Эски та’сир; Базаров уни эшитса нима деяр эди“ деб ўйлайди). Шошмай туринг, биз ҳали сизни бу йўлдан қайтарамиз.

— Ким қайтаради, сизми?

— Ким булар эди? Опам; энди жанжаллашма’диган бўлганингиз Парфирий Платонич, утган куни черковга узатиб қўйганингиз холам.

— Қанақа қилиб йўқ дер эдим! Анна Сергеевна бўлсалар, ўзингиз биласиз, Базаровнинг кўп фикрларига қўшилар эди.

— У вақтда опам ҳам, сизга ўхшаш, унинг та’сирга берилган эди.

<sup>1</sup> Ясен — равшан, очиқ ма’носида ҳам келади.

<sup>2</sup> Гейне Генрих (1797—1856 йиллар)—лирик ва сатирик ше’рлар ёзган машҳур немис шоири.

<sup>3</sup> Сатира бирор ижтимоий гуруҳнинг айбларидан ва камчиликларидан кулиб ёзилган бадий асар, сатирик — сатира ёзуви, танқидчи.

— Менга ўхшаш: сиз ҳали мени унинг та'сиридан қутилган деб ўйлайсизми?

Катя ҳеч нарса демади. Аркадий сўзини давом этдириб:

— Мен биламан, у сизга ҳечқачон ёққан эмас эди, — деди.

— Мен унинг ҳақида ҳеч нарса деялмайман.

— Биласизми, Катерина Сергеевна, ҳаргал бундай жавобни эшитганимда, мен бунга ишонмайман... Ҳеч-бир одам йўқки, унинг тўғрисида бирор нарса деялмасак! Бу фақат бир баҳона.

— Бўлмаса мен сизга айтақолай: у... Менга ёқмайди эмас, уни ўзимга, ўзимни унга ёт сезаман... Сиз ҳам унга ётсиз.

— Сабаб?

— Сизга нима десам бўлар экан...

— У йиртқич, биз бўлсак қўлга ўрганган одамлармиз.

— Мен ҳам қўлга ўрганганим?

Катя бошини ирғаб қўйди.

Аркадий қулоғининг орқасини қашиб қўйди.

— Катерина Сергеевна, бу ахир, одамга қаттиқ тегади-ку.

— Наҳот йиртқич бўлишни истасангиз?

— Йиртқич бўлишни эмас, кучли, ғайратли бўлишни истар эдим.

— Буни истаб бўлмайди... Сизнинг дўстингиз бунга истамайди ҳам, аммо унда бу нарса бор..

— Ҳим! Демак, сиз Анна Сергеевнага унинг та'сирини зўр бўлди деб ўйлайсизми?

— Ҳа. Лекин опамга ҳечким узоқ та'сир қилаолмайди, — деди Катя секин.

— Нега сиз бундай деб ўйлайсиз?

— У жуда ўзига мағрур... Мен бундай демоқчи эмас эдим... у, ўзининг мустақиллигини жуда қадрлайди.

— Мустақилликни ким қадрламайди? — деб сўради Аркадий, аммо бошига лип этиб: „бунинг нима кераги бор?“ деган фикр келди ва Катя ҳам шундай деб ўйлади. Бир-бирлари блан тез-тез ва дўстона учрашиб юручи ёшларнинг бошига ҳар доим бир хилдаги фикрлар келиб туради.

Аркадий кулимсиради ва Катяга яқинроқ ўтириб, секингина: „ақроқ эдинг, сиз ундан бироз ҳайиқа-сиз“ деди.

— Кимдан?

Аркадий та'кидлаб:

— Анна Сергеевнадан, — деди.

— Сизчи? — деди Катя.

— Мен ҳам, билиб қўйинг, мен ҳам дедим.

Катя бармоғи билан таҳдид қилиб:

— Бу нарса мени ажаблантиради, опам ҳечқачон сизга ҳозиргидек ҳусни таважжу' қилган эмас эди, биринчи марта келган вақтингиздагидан кўра ҳозир яқинроқ.

— Ҳали шундай денг.

— Сиз буни сезганингиз йўқми? Сизни бу нарса суюнтирмайдими?

Аркадий ўйга толди.

— Мен нима хизмат билан Анна Сергеевнанинг илтифотига сазовор бўлдим экан? Ёки марҳума она-нингизнинг хатларини олиб келганим туфайлимикин?

— Бу билан ҳам, бошқа сабаблар билан ҳам, лекин мен уларни сизга айтмайман.

— Нега айтмайсиз?

— Айтмайман.

— Биладан, жуда қайсарсиз.

— Қайсарман.

— Зийрак ҳамсиз.

Катя Аркадийга кўз қирини ташлади.

— Эҳтимол, шундайдир, бу сизга ёқмайдими? Нимани ўйлаяпсиз?

— Мен сизнинг шунчалик зийрак бўлишингизнинг сабабини ўйлайман. Сиз жуда қўрқоқ, кишига ишонмайдиган, ҳаммадан ўзингизни тортасиз...

— Мен ёлғизликни кўп кўрганман; беихтиёр ҳар нарсани ўйлашга урганасан киши. Мен ҳаммани ёт кўрмайман-ку?

Аркадий миннатдорлик билан Катяга қараб қўйди.

— Булар ҳаммаси жуда яхши, лекин сизнинг ўрнингизда бўлган, я'ни айтмоқчиманки, сизнинг каби мол-дун'ёси кўп одамлар бундай қобилиятга жуда кам эга бўладилар? Ҳақиқатнинг уларга бориб ети-

ши, подшоҳларга бориб етиши сингари қийиндир.

— Мен бой эмас-ку.

Аркадий ажабланди ва Катянинг сўзини дарров тушунмади. Унинг бошига: „Ҳақиқатан ҳам бутун мулк опасиники эмасми?“ деган фикр келди, бу фикр унга ёқимсиз туюлди.

— Жуда тўғри айтасиз! — деди Аркадий.

— Нега?

— Яхши айтдингиз, уялмай-нетмай тўппа-тўғри-сини айтдингиз қўйдингиз. Мен, ўзининг камбағаллигини билиб: мен камбағалман, деб айтадиган кишининг кўнглида алоҳида бир ифтихор бўлиши керак деб ўйлайман.

— Опамнинг марҳамати соясида мен бундай нарсани ҳечбир татиб кўрганам йўқ, мен ўзимнинг аҳволим тўғрисида фақат сўз ўрни келгани учун гапириб қўйдим.

— Хўп, лекин мен айтган ифтихорнинг бир жуз'и сизда ҳам бор, буни иқрор этишингиз керак.

— Масалан?

— Масалан, сиз, саволим учун кечиринг, сиз бой одамга тегмайсиз, шундай эмасми?

— Агар мен уни жуда севсам... Йўқ, у тақдирда ҳам тегмасдим шекилли.

— Ана! Кўрлингизми! — деди Аркадий ва бир пасдан кейин, — хўш нима учун унга тегмас эдингиз? — деб қўшиб қўйди.

— Чунки ҳатто ашулаларда ҳам ўз тенгига тегмаган қиз ҳақида куйланади.

— Сиз, эҳтимол, ҳокимлик қилмоқчи ёки...

— Йўқ эй! Бунинг нима кераги бор? Аксинча, мен итоат этишга тайёрман. Фақат тенгсизлик оғир. Ўзингни камситмай туриб бўйсунсанг тузук, буни мен тушунаман, бу — бахт; лекин тоби' бўлиб яшаш... йўқ, шуниси ҳам етар.

Аркадий Катянинг сўзини такрорлаб:

— Шуниси ҳам етар, — деди ва сўзини давом этдириб: — ҳа, ҳа, сизнинг Анна Сергеевна блан бир қондан бўлишингиз бежиз эмас, у қандай мустақил бўлса, сиз ҳам шундай мустақилсиз, лекин сиз унга қараганда „ичимдан топ“ сиз. Менинча, сиз ўз туй-



Ғунгизни, у қандайгина кучли ва муқаддас бўлмасин, ҳечбир вақт айтмайсиз... — деди.

— Бўлмаса қандай бўлсин? — деб сўради Катя.

— Сиз ҳам опангиз сингари ақллисиэ, сизда ҳам, агарда кўпроқ бўлмаса, унда бўлган фе'л бор ..

Катя унинг сўзини дарров бўлиб:

— Сиз мени зинҳор опам блан тенглаштирмангиз, мен ютқизаман. Шуни эсингиздан чиқармангки, опам ҳам чиройли, ҳам ақли, ҳам... хусусан сиз, Аркадий Николаевич, бундай сўзларни, тагин бу қадар жиддий қиёфада сўзламасаңгиз бўлар эди, — деди.

— Хусусан сиз, деганингиз нимаси? Хўш, нима учун сиз, мени ҳазиллашаяпти деб ўйлайсиз?

— Албатта, ҳазиллашаяпсиз.

— Сизнингча шундайми? Агар мен, чинакам гапирётган бўлсам, нима дейсиз? Агар мен, ўз фикримни кучлироқ қилиб айталганим йўқ деб ўтирган бўлсам нима дейсиз?

— Мен сизга тушунмаяпман.

— Ҳали шундайми? Энди кўриб турибманки, сизнинг зифраклигингизга ортиқча баҳо берган эканман.

— Қандоқ?

Аркадий жавоб қайтармади ва юзини тескари ўгирди. Катя эса сават тагидан яна бирнеча донанон ушоқларини топиб, чумчуқларга ташладди, лекин нон ушоқни ташлаганида қўлини баландроқ кўтаргани учун чумчуқлар пириллаб учиб кетди.

Аркадий тўсатдан гап бошлаб:

— Катерина Сергеевна! Сизга бу нарса аҳтимоли барибирдир; лекин билиб қўйингки, мен сизни опангизгагина эмас, балки дун'ёда ҳечкимга ҳам олмоштираман, — деди.

У, ўрнидан турди ва ўз оғзидан чиққан сўзлардан ўзи қўрққан каби, дарров кетди.

Катя эса саватни блан бирга яккала қўлини тизларига тушириб юборди ва бошини энгаштириб, Аркадийнинг кетидан узоқ қараб қолди. Секин-аста бетлари бироз қизарди, лекин лаблари кулумсирамас ва қора кўзлари ҳайратда қолганликни ва ҳозирча ма'лум бўлмаган бир туйғу ҳис қилганлигини кўрсатиб турар эди.

Унинг ёлғизасидан Анна Сергеевнанинг:

— Ўзинг ёлғизмисан? Боққа Аркадий билан биргачиққан эдинг шекилли,— деган товуши эшитилди.

Катя секингина опасига қаради (нафис ва назокат билан кийинган Анна Сергеевна, очилган зонтик учи билан Фифининг қулоқларини қимирлатиб йўлакда турар эди) ва шошилмасдан:

— Ёлғизман,— деди.

Анна Сергеевна жулиб:

— Ёлғиз эканингни, ўзим ҳам кўриб турибман, демак Аркадий бўлмасига кириб кетган экан-да.

— Ҳа, шундай.

— Бирга китоб ўқидиларингми?

— Ҳа.

Анна Сергеевна Катяни янгидан ушлаб, юзини салгина кўтариб қўйди.

— Уришганларинг-ку йўқдир?

— Йўқ,— деди Катя ва секингина опасининг қўлини янгидан олди.

— Мунча ҳам керилиб жавоб бермасан! Шу ерда бўлса бирга айланиб келайлик деган эдим. Анчадан бери илтимос қилиб юрган эди. Сенга шундан ботинка келтиришди, бориб кийиб кўр, ботинканиг йиртилганини кеча кўрувдим. Оёқларинг шундай чиройликку, оёқ кийимига ҳеч аҳамият бермайсан. Қўлларинг ҳам яхши... фақат бироз каттароқ; демак оёққа эҳтиёт бўл. Ҳафсаланг йўқ.

Анна Сергеевна чиройли кўйлагини сал-пал шалдиратиб йўлакдан кетди. Катя ҳам скамейкадан туриб, Гейнени қўлига олиб кетди, лекин ботинкани кийиб кўриш учун кетмади. У, айвоннинг қуёш нурида қизиган тош зинапоясидан секин-аста қадам босиб чиқаркан: „Чиройли оёқ... дейсиз... у, шу чиройли оёққа бош қўяди“ деб ўйларди.

Лекин бу хаёлдан ўзи уялди ва чолиб, юқорида чиқиб кетди.

Аркадий коридор бўйлаб ўз бўлмасига кетди, унинг кетидан дворецкий етиб олиб, бўлмасида Базаров ўлтирганини билдирди.

Аркадий қўрққансимон тўнғиллаб:

— Евгений! — деди ва, — келганига кўп бўлдимиз? — деб сўради.

— Ҳозиргина ташриф этдилар ва Анна Сергеевнага айтдирмасдан, ўзларини сизнинг бўлмангизга олиб боришга буюрдилар.

Аркадий: „Уйимизда бирор фалокат бўлдимикан“ деб ўйлади ва зинапоядан шошилиб чиқиб, бирдан эшикни очиб юборди.

Тажрибалироқ кўз кутилмаган меҳмоннинг илгаригидек кучли, лекин арриқланган жуссасидан унинг кўнгли нотинч эканини пайқатиш мумкин бўлса ҳам, у Базаровни куриши билан тинчланди. У эгнига чанг босган шинель ва бошига картуз кийгани ҳолда дераза тагида ўтирар эди; Аркадий келиб, шовқин-сурон билан бўйнига ташланганда ҳам ўрнидан қўзғолмади.

Аркадий, ўзини хурсанд деб тасаввур этуви ва буни бошқаларга ҳам билдирувга тиришучи одам сингари, ўзини қаерга қўйишини билмай:

— Мана кутилмаган меҳмон! Қандай шамол учирди, уйдагилар соғ-саломат ва тинчми? — деди.

Базаров унга жавоб бериб:

— Ҳаммаси тинч, лекин ҳаммаси ҳам соғ-саломат эмас. Кўп шақиллай берма, айт, менга квас келтирсинлар. Мен сенга қисқача бўлсада, таъсирлигина бир гапни гапириб берай, — деди.

Аркадий жим бўлди, Базаров эса унга ўзининг Павел Петрович билан қилган дуэли ҳақида гапириб берди. Аркадий жудаям ҳайрон бўлди, ҳаттоки хафза ҳам бўлди, лекин буни Базаровга билдиришни лозим кўрмади. У фақат амакимнинг яраси ҳақиқатан ҳам хавфли эмасми? деб сўради ва Базаровнинг, амакиннинг яраси жуда ажойиб, броқ медицина жиҳатидан эмас, деган жавобини олиб, зураки жилмайиб қўйди. Аммо юраги аллақандай бўлиб, хижолат торггайдай бўлди. Базаров буни фаҳмлади шекилли:

— Ҳа, ука, феодаллар<sup>1</sup> билан яшасанг шундай бў-

<sup>1</sup> Феодал — аристократ катта ер эгачарига мансуб дворян.

лади. Ўзинг ҳам феодал бўлиб қолсан ва рицарь турнирларида<sup>1</sup> ҳам қатнашсан, — деди.

— Хўш, шундай қилиб, мен уйга қараб жўнадим, — деди Базаров, — йўлакай бу ерга келдим... Агарда фойдасиз ёлғонни аҳмоқлик деб билмасам, бу ерга шу гапларни айтиш учун келдим дер эдим. Бу ерга нима учун келганимни ўзим ҳам билмайман. Биласанки, одам ўзининг кокилидан ушлаб, жўякда ўсиб ётган турпни суғургандай ўзини тортиб чиқарса, баъзан фойдали бўлади; броқ мен ўзимни тортиб чиқарган жойимни, илгари ўлтирган жўягимни яна бир марта кўришни истадим.

— Мен ишонаманки, бу гапларнинг менга тааллуқи йўқдир, — деди Аркадий ҳаяжон блан. — Мендан ажралмоқчи эмасдирсан деб умид қиламан.

Базаров унга қаттиқ тикилиб қараб қўйди.

— Шундоқ бўлса гўё хафа бўласан-а? Назаримда сен мендан алақачон ажралишгандай кўринасан. Сен жуда очилиб кетибсан... Анна Сергеевна блан ишинг жуда жойидага ўхшайди.

— Анна Сергеевна блан менинг қанақа ишим бор?

— Сен бу ерга уни деб шаҳардан келмадингми? Айтгандай якшанбалик мактабларнинг иши қалай экан? Анна Сергеевнага ошиқ эмасмисан? Ё энди толмовсирайдиган бўлиб қолдингми?

— Евгений, ўзинг биласанки, мен сендан ҳечқачон сир яширганним йўқ, онт ичиб айтаманки, сен янглишсан.

Базаров паст товуш блан:

— Ҳим! Янги гап, — деб қўйди, — лекин қизишмасанг ҳам бўлади, мен учун барибир. Менинг ўрнимда бирорта романтик бўлганда: „Иккаламиз икки томонга қараб кетаётибмиз“ деган бўлар эди. Аммо мен тўппа-тўғрисиани айтаман: бир-биримиздан тўйдик.

— Евгений...

---

<sup>1</sup> Турнир — ўрта асрларда Фаръий Оврупода рицарь турнирлари (рицарские турниры) — катта феодалларнинг ижро қилган ҳарбий юришлари.

— Жоним, ҳечқиси йўқ, дун'ёда одам деганинг нималардан тўймайди! Энди видо'лашсак ҳам булар дейман? Мен бу ерга келганимдан бери худди Гогольнинг Калуга губернаторининг хотинига ёзган хатларини ўқиб чиққандай ўзимни жуда ёмон ҳис қилаяпман. Ҳа, айтгандай, отни аравадан чиқармай тур деган эдим.

— Қўйсангчи, бўлмаган гап.

— Сабаб?

— Мени қўявер, аммо келганингни эшитса албатта кўришни истайдиган Анна Сергеевна ранжийди.

— Ҳеч ҳам ундай эмас, янглишасан.

— Аксинча, мен ўз фикримни жуда тўғри деб биламан. Нима учун сен ўзингни билмасликка соласан? Мен ҳам очигини айтсам, сен ўзинг бу ерга Анна Сергеевнани деб келган эмассанми?

— Шундай бўлиши мумкин, тўғри, лекин ҳарҳолда янглишасан.

Лекин Аркадий тўғри айтган эди. Анна Сергеевна Базаров билан кўришмоқчи бўлиб, уни дворецкий орқали ўз ҳузурига чақиртирди. Базаров унинг ҳузурига бориш олдидан, аввало кийимларини олмоштириб олди: унинг янги кийимлари чемоданида энг устга қўйилган эди.

Одинцова уни, Базаровнинг кутилмаган ҳолда ўзига муҳаббат изҳор этган бўлмасида эмас, балки меҳмонхонада қабул қилди. Одинцова лутфан унга қўлини узатди, лекин чеҳрасидан ихтиёрсиз чирапанлик сезилиб турар эди.

— Анна Сергеевна, — деди Базаров ошиқиб, — аввало мен кўнглингизни тинчитишим керак. Ҳузурингизда ўзи ҳам кўпдан эсини йўғиб олган ва бошқалар ҳам унинг аҳмоқликларини шояд унутгандирлар деб умид қилучи осий бир банда турипти. Мен кўпга кетаётирман, шунинг учун, гарчи, юмшоқ табиатли одам бўлмасам-да, сиз мени хотирингизга олганда албатта мендан жирканасиз деган фикр билан кетишим мен учун роят кўнгилисиз, — деди.

Анна Сергеевна баланд тоққа зўрға чиққан кишидай чуқур нафас олди ва юзида табассум пайдо

бўлди. У, Базаровга бошқатдан қўл чўзди ва унинг қўл қисинига жавобан қўлини қисиб қўйди.

— Эски гапни эсига олганнинг кўзи чиқсин, — деди у. — Инсоф блан айтганда, ўшанда айб ўзимдан ўтди, карашма қилмаган бўлсам ҳам булак бир нарса блан сизни шунга далолат қилдим. Бундан кейин илгаригидек дўст бўлайлик. Ўтган нарса, тушдай ўтди, кетди, шундай эмасми? Туш кимнинг эсида қолади, дейсиз?

— Туш кимнинг эсида қолади? Ахир муҳаббат...  
Сунгги бир туйғу-ку.

— Шундайми? Бу гап сизнинг оғзингиздан чиқши менга жуда ёқди.

Анна Сергеевна шу равишда гапчрар, шунингдек Базаров ҳам шундай гапирар эди, уллар икковлари ҳам ростиви айгдик деб ўйлар эдилар. Уларнинг гапи тўғри, том ма'носи блан тўғрими? Буни уларнинг ўзлари ҳам билмас эдилар, шундақ бўлгандан кейин автор қаёқдан билсин. Броқ уларнинг суҳбати шундай қизиқ кетдики, гўё булар бир-бирларига батамом ишонган эди.

Анна Сергеевна, сўз орасида Базаровдан: Кирса! Новларникида нима қилиб юрдингиз, — деб сўради. Базаров Павел Петрович блан қилган дуэли ҳақида гапирэзди-ю, лекин Анна Сергеевна муболағат қилдетишти деб ўйлар, деган хабарга бориб, айтмади ва унинг саволига: бутун вақтимни иш блан машғул бўлиб ўтказдим, деб қўяқолди.

Анна Сергеевна:

— Мен, худо билади, нимагадир, кайфсизланиб юрдим, ҳаттоки четэлга кетмоқчи ҳам бўлдим, — қаранг. Кейин бу савдолар ўтиб кетди, дўстингиз Аркадий Николаевич келиб қолди ва мен янгидан ўз изимга тушдим, ролимни бажарабошладим.

— Бу қандай роль экан, билиш мумкинми?

— Холалик, мураббиялик, оналик роли дейсизми, хоҳлаганингизча атай бering? Айтгандай, била сизми, мен сизнинг Аркадий Николаевич блан яхши дўст эканлигингизни билмас эдим, мен уви анчайин бир киши деб билар эдим. Энди эса уни яхши билдим, шу блан бирга унинг ақлли киши экандиги

ҳам ишондим... Энг муҳими шуки, у ёш, ҳали ёш... Сиз блан мен каби эмас, Евгений Васильевич.

— У сизнинг ҳузурингизда ҳали ҳам тортинадими?— деб, сўради Базаров.

Анна Сергеевна:

— Наҳот у... — дея сўз бошлаган эди, лекин бироз ўйланиб:

— У ҳозир тортинмайдиган, мен блан гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолди. Илгарилари мендан ўзини тортар эди. Лекин мен ҳам унинг суҳбатига унчаллик иштиёқманд эмас эдим. У кўпроқ Катя блан дуст.

Базаровга алам қилди. У, „хотин киши ҳайла қилмасдан иложи йўқ!“ деб ўйлади ва совуққина табассум блан:

— У мендан тортинвар эди дейсиз, лекин унинг сўзга ошиқ бўлганлигидан, албатта, беҳабар эмас эрси, — деди.

Анна Сергеевна бирдан:

— Нечик? У ҳамми?— деб юборди.

Базаров ювошгина бош эгиб:

— У ҳам, — деб такрорлади. — Наҳот билмасангиз-у, мендан эшитаётган бўлсангиз?

Анна Сергеевна ерга қаради.

— Янглишасиз, Евгений Васильевич.

— Янглишмасам керак. Лекин буни, эҳтимол, айтмаслигим керак эди, — Базаров узича: „Сен ҳайла қилма“, деб қўйди.

— Нега айтмаслик керак эди? Лекин мен, сиз ҳар масалада ҳам бир лаҳзадик таассуротга жуда қатта аҳамият бераёсиз деб ўйлайман. Ҳар нарсаини муболаға қиладиган одатингиз бёр-эқан, деб шубҳалана бошладим.

— Яхшиси, бу ҳақда сўзлашмайлик, Анна Сергеевна.

— Нима учун? — деди Одинцова, аммо ўзи гапни бошқа ёққа буриб юборди. У, Базаровга ҳам, ўзига ҳам „ўтган ишга салават“ деган бўлса ҳам, ҳар қалай, у блан суҳбатлашиб ўлтиришга ўнғайсизланди. Базаров блан энг оддий гапларни гапйришиб, ҳатто у блан ҳазиллашиб ўтирган ҳолда ҳам, Анна Сер-

геевна, бироз қўрқув ҳис этар эди. Одамлар пароходда, денгизда кетаётиб бир-бирлари блан худди ердаги сингари беғам суҳбатлашадилар, кулишадилар, лекин пароход салгина тўхтаб қолса, сал-пал хавф аломати сезилса, ҳамманинг юзида дарров алоҳида бир ваҳима аломати пайдо бўлади, бу эса уларнинг доимо хавф остида бўлиб, буни доимо сезиб турганликларини англатади.

Базаров блан Анна Сергеевнанинг суҳбати узоққа чўзилмади. Анна Сергеевна доим ўйга толар ва Базаровнинг сўзларига паришонлик блан жавоб берар эди, ниҳоят, залга чиқайлик, деб таклиф қилди. Улар залга кирганларида, у ерда княжна блан Катя ўтирар эди. Анна Сергеевна улардан: „Аркадий Николаевич қани?“ деб сўради ва унинг бир соатдан ошиқ вақтдан бери кўринмаганини билиб, унга одам юборди. Уви дарҳол топиш қийин бўлди: у боғчанинг бир бурчагига бориб, нягини қўлларига тираб, хаёлга чўмиб ўтирар эди. Унинг хаёллари жуда чуқур ва муҳим, лекин кўнгилсиз хаёллар эмас эди. У Анна Сергеевнанинг Базаров блан холи ўтирганини билар ва илгаригидай рашк қилмас эди, аксинча, секин-аста унинг юзи ёришар, қандайдир бир нарсага ажабланар, шодланар ва қандайдир бир ишга жазм қилгандай бўларди.

## XXVI

Марҳум Одинцов янгилекларни ёмон кўрар, лекин „ба’зибир олий табиат дидларининг завқига“ йўл қўяр эди. Шу сабабдан у ўз боғчасида, кўчатхона блан ҳовуз ўртасига, рус гишидан юнонча портик<sup>1</sup> солдирган эди.

Бу портикнинг ёки галлериянинг орқа деворига ҳайкаллар қўйиш учун олти тахмон қилинган эди. Ҳайкалларни Одинцов чет эллардан олдирмоқчи бўлди. Бу ҳайкаллар Узлат, Сукут, Тафаккур, Сав-

<sup>1</sup> *Портик* — олдинги томонда колонналар, устулар блан қилинган галлерия (ҳайкаллар жойлаштирилган махсус шийпон).



дойлик, Уятчанлик ва Ҳиссиёт деган мазмунларни ифода қилиши лозим эди.

Улардан биттаси — бармоғи блан лабларини ушлаб турган сукут илоҳиси — олиб келиниб жойлаштирилмоқчи эди, лекин хизматкорларнинг болалари келтирилган кунёқ унинг бурнини тош блан уриб синдирдилар, гирчи қўшни сувоқчи унга „илгаригидан икки қарра яхшироқ“ бурун қилиб беришни ўз устига олмоқчи бўлган бўлса ҳам, Одинцов бунга унамаган ва ҳайкални олиб чиқишга буюрган эди. Натижада бу ҳайкал оғборнинг бир бурчагига ташланиб, хурфотга ишонган хотинларни қўрқитиб, кўп йиллар бўйи ўша ерда қолиб кетган эди. Порткининг олдинги томонини аллақачон бута босиб кетган ва яшил ўсимликлар орқасидан фақат колонналарнинг капительларигина<sup>1</sup> кўриниб турар эди. Порткининг ўзида, ҳатто туш вақтида ҳам, салқин бўлар эди. Анна Сергеевна у ерда бир марта сариқ илон кўриб қолганидан бери, у ерга бормайдиган бўлиб қолган эди; аммо, Катя, тахмонлардан бири олдига ясаб қўйилган катта тош скамейкага ҳарзамон келиб ўтирар эди. У соф ҳаво ва сояда ўтириб китоб ўқир, иш тикар ёки батамом сукунат дар'ёсига фарқ бўлиб ўлтирарди; бу, ҳарқимга маълум бўлса керак, бунинг гўзаллиги бизнинг атрофимизда ва ҳам бизнинг ўзимизда узлуксиз кечаётган кенг ҳаёт тўлқинларини эндигина онглай бошлаб, уларни жимгина кузатиб туришдан иборатдир.

Базаров келган кунининг эртасига Катя ўзининг севиан скамейкасида ўлтирар ва унинг ёнида бу сафар ҳам Аркадий бор эди. Аркадий ундан „порткика“ бирга борайлик, деб ўтинди.

Ноништага бир соатча вақт қолган эди, шудрингли эрта иссиқ кунга айланган. Аркадийнинг юзи ҳавуз кечаги қиёфада, Катя бироз ташвишманд кўринар эди. Опаси, чойдан кейиноқ уни ўз кабинетига чақириб олди ва бироз эркалагандан кейин (Катя опасининг эркалашидан ҳар доим бир қадар қўрқар эди), унга Аркадий блан юрганда эҳтиётроқ бўлиш-

<sup>1</sup> Капитель — колоннанинг (устунининг) кқориги қисми.

ни ва айниқса, гўё-хотаси ҳамда бутун уй-ичи сезиб қолган ишдан, яъни Аркадий блан хилватда суҳбат кўриб ултиришдан ўзини-тортишни маслаҳат берди. Бундан ташқари Анна Сергеевна кечқурун, бироз хафадай эди, Катя ҳам, худди ўз айбини сезгандай, хижолатда эди. Шунинг учун Аркадийнинг илтимосига рози бўлаётиб, ўзига: „Бу — охири-тя боришим бўлсин“ деб қўйди.

Аркадий уялгансимон сўз бошлаб:

— Катерина Сергеевна, сиз блан мен бир ҳовлида туришга муяссар бўлганимдан бери сиз блан кўп нарсалар тўғрисида суҳбатлашдим, лекин менинг учун... жуда муҳим бўлган бир масала тўғрисида шу кунгача оғиз очганим йўқ,— деди ва Катянинг ўзига савол назари блан тикилиб қараб турганини кўриб, унинг кўзига қарамасликка тиришиб:— кеча сиз, мени „бу ерда у йўлдан қайтаришди“ деган эдингиз. Ҳақиқатан ҳам, мен кўп жиҳатдан ўзгардим, буни сиз ҳаммадан яхшироқ биласиз ва ўзгаришимга сабаб бўлган киши зотан сиз: бўлдингиз,— деб қўшиб қўйди.

— Мен?... — деди Катя.

Аркадий сўзини давом этдирди:

— Мен энди илгариги, бу ерга келган вақтимдаги сингари қўрс бир бола эмасман, менинг йигирма уч ёшга киришим ҳам бежиз эмас, мен илгаригидек фойдали бир киши бўлишни, ўзимнинг бутун куч-қувватимни ҳақиқат йўлига бағишлашни истайман, лекин ўз гояларимни энди илгари қидирган жойларимдан қидирмайман. Гояларим менга... анча яқин бўлиб кўринади. Шу вақтгача мен ўз-ўзимни тушунмас эдим, мен ўз оқдимга қўлимдан келмайдиган вазифаларни қўяр эдим... Менинг кўзим яқиндагина бир туйғу туфайли очилди... Мен ўз фикримни етарли даражада аниқ қилиб айтаолмайман, лекин сиз мени тушунарсиз, деб умид қиламан...

Катя ҳечнарсга демади, лекин кўзини Аркадийдан олди.

— Менингча,— деди Аркадий яна ҳам ҳаяжонлироқ товуш блан. Буларнинг тепасида қайин япроқлари орасида қизилтўш беғам сайраб турарди,— ҳар-

Бир тўғри одам ўзининг... ўзининг... хуллас, ўзининг яқин кишилари билан сир яширмаёдан сўзлашувчи лозим, шунинг учун мен... менинг ниятим...

Лекин чулдираб қолди; гапидан адашди, нима дейишни билмасдан гапгаб қолди ва бир пас Жим қолишга мажбур бўлди. Катя ҳануз унга қарамас эди. У, Аркадийнинг нима демоқчи бўлганини гўтушунмай, нима дер экан, деб қулоқ солиб тургандай эди.

• Аркадий куч тўплаб, янгидан сўзга киришди:

— Мен сизни ҳайрон қолдираётганимни сезиб турибман, чунки бу тўғри бир даража... диққат этинг, бир даража сизга тегишли, — Аркадий ботқоққа ботган ва тобора кўпроқ ботиб кетаётганини сезса ҳам, ундан тезроқ чиқиш умидида, ҳамон олға шошилиб толпынаётган одам сингари сўзини давом этдириб: — сиз мени кеча, менда етарли даражада жиддийлик йўқ деб та'на қилган эдингиз, бу та'на кўпинча ёшларга, ҳатто улар бу нарсага сазовор бўлмасалар ҳам ёшларга қаратилади; агарда мен ўзимга ишонган бўлсам... (Аркадий бетоқат бўлиб ичида: «Ахир ёрдам қилсангчи, ёрдам қил!» — дер, лекин Катя ҳануз боягича унга қарамас эди). Агар мен умид қилаолсам эди...

Худди шуон бирдан Анна Сергеевнанинг:

— Агарда мен сиз айтган сўзларнинг тўғри бўлишига тўла ишонсам эди, — деган товуши эшитилди.

• Аркадий дарров жим бўлиб қолди, Катянинг бўлса ранги бўзариб кетди. Худди портикни қоплаб турган буталар ёнида бир йўлка бор эди. Анна Сергеевна, Баваров билан бирга, шу йўлқадан келар эди. Аркадий билан Катя уларни кўрмас, лекин сўзларини, кўйлакнинг шалдираган товушини ва ҳатто пафас олишларини ҳам аниқ эшитар эди. Улар бирнеча қаддам олға юриб, жўрттага қилгандек, худди портик олдига келганларида тўхтадилар. Анна Сергеевна сўзини давом этдириб, деди:

— Мана, кўрдингизми, иккаламиз ҳам янглишибмиз; иккаламиз ҳам, хусусан мен, ёшликнинг биринчи даврини кечирганмиз; ёшимизни бирмунча яшатганмиз, чарчаганмиз; яширишнинг нима ҳожати бор,

иккаламиз ҳам ақллимиз: бошда бир-бировимизга қизиқдик... аммо кейин...

Базаров унинг сўзини илб олиб:

— Аммо кейин мен сўниб қолдим,— деди.

— Бизнинг ўртамизда сўз қочишига сабаб бўлган нарса бу эмас, буни сиз яхши биласиз. Броқ қандайгина бўлмасин, биз бир-бировимизга муҳтож эмас эдик, асосий сабаб шу; бизда... қандай деса булар экан... бизда ортиқ даражада бир-бировимизга ўхшашлик бор эди. Биз буни бошда сезмаган эдик. Аркадий эса аксинча...

— Сиз унга муҳтожмисиз?— деб сўради Базаров.

— Қўйсангизчи, Евгений Васильевич. Сиз уни менга ошиқ деб айтасиз, мен ўзим ҳам буни сизган эдим. Мен унга хола бўлишга лойиқ эканимни билман, лекин кейинги вақтларда унинг ҳақида кўпроқ ўйлаганимни сиздан яширмайман. Бу ёш ва соф туйғуда қандайдир гўзаллик бор...

Базаров унинг сўзини бўлиб:

— Бундай ўринларда латофат сўзи ишлатилса мувофиқроқ бўлади,— деди, унинг осойишта, бўғиқ товушидан дилида заҳар қайнаб тургани сезилар эди,— Аркадий кеча негадир мендан сирини яшириб ўлтирди,— на сизнинг тўғрингизда гапирди, на синглингиз тўғрисида... Бу муҳим бир аломат.

— Уларнинг бу қадар яқинлашувларига йўл қўйишим, эҳтимол, чаккидир. Лекин икковининг акасингилдай бўлиши менга ма'қул,— деди Анна Сергеевна.

Базаров сўзини чўзиб-чўзиб:

— Опа бўлганингиз учун... Шундай деяпсизми?— деди.

— Албатта... Лекин нега биз тўхтаб турибмиз? Юринг. Биз қандай ғалати нарсалар тўғрисида гаплашаяпмиз-а, шундай эмасми? Мен сиз блан шундай гапиришарман, деб кутганмидим? Биласиз-ку, мен сиздан қўрқаман... ва айти замонда сизга ишонаман, ҳам, чунки сиз зотан яхши одамсиз.

— Аввало, мен яхши одам эмасман, сўнгра, мен сизнинг олдингизда бутун аҳамиятимни йўқотган бир кишиман; тағин сиз мени яхши одам дейсиз... Бу

нарса уликнинг бошига гулдаста қуйиш билан саб-баравар.

Анна Сергеевна:

— Евгений Васильевич, бизда қудрат йўқ... — деярдан экан, дарахт япроқларини шилдиратиб бирданига шамол кўтарилди ва унинг сўзларини учириб олиб кетди.

Бироздан кейин Базаров:

— Сиз эркин кишисиз-ку, — деди. Бундан бешқа ҳеч нарса онглаб бўлмади, қадамлар узоқлашди... ва ҳеч нарса эшитилмай қолди.

Аркадий Катяга қаради. У, бояги ҳолатда ўлтирар, фақат бошини яна ҳам қуйроқ солган эди. Аркадий қалтираган товуш билан гапириб:

— Катерина Сергеевна, мен сизни абадий ва доимо севаман ва ҳечвақт сиздан бўлак ҳечкимни севмайман. Мен шуни сизга айтиб ва фикрингизни билиб, қўлингизни сўрамоқчи эдим, чунки мен бой ҳам эмасман, жонимни фидо қилишга ҳам тайёр эканимни сезаман... Нега жавоб бермайсиз? Менга ишонмайсизми? Сиз мени енгилтактик қилиб гапиратир деб ўйлайсизми? Ахир шу сўнгги кунларни бир эсиңизга олсангизчи! Қўзимга сиздан бешқа ҳеч нарса, ҳечбир нарса кўринмаслигига наҳот қаноат ҳосил қилмаган бўлсангиз? Менга қаранг, менга бир оғиз сўз айтинг... Севаман... мен сизни севаман... менга ишонинг ахир! — деди.

Катя жиддий ва очиқ чеҳра билан Аркадийга қараб қўйди ва узоқ хаёдан сўнг, бироз кулимсираб:

— Ҳа, — деди.

Аркадий скамейкадан ирғиб турди, — Ҳа! Ҳа дедингиз-а, Катерина Сергеевна! Бу сўзнинг ма'носи нима? Сен мени севасан, менга ишонаман деганиңизми, ёки... уёғини айтишга тилим бормайди.

— Ҳа, — деди Катя яна ва бу сафар Аркадий тунди. У дарров Катянинг катта, гузал қўлларини маҳкам ушлаб, шодлигидан нафаси бўғилгани ҳолда кўкрагига қисиб олди. У, зўрга тикка турар ва фақат: „Катя, Катя...“ деб такрорлар эди. Катя эса ма'сумона йиғлаб, йиғлаганига ўзи секингина кулар эди. Севгилсининг кўзларидан шу хилда ёш оққа-

дини ҳечбир кўрмаган одам, бу ёшнинг кўрғай кишининг қанчалик миннатдор бўлишини ва ўзини қанчалик бахтиёр сезишини билмайди.

Эртасига эрталаб Анна Сергеевна Базаровни ўз кабинетига чақиртириб олди ва зўрма-зўраки кулиб унга икки букланган бир тахта қоғозни узатди. Бу қоғоз Аркадий томонидан ёзилган бир хат эди: Аркадий Анна Сергеевнадан синглисининг қўлини сўраб ёзган эди.

Базаров чаққон кўз югуртириб хатни ўқиб чиқди ва дарҳол ўз дилида пайдо бўлган ичи қоралик ҳиссини сездирмаёликка тиришди.

— Шундай денг, кечагина икковининг муҳаббати ака-сингил муҳаббатидай деган эдингиз шекилли? Хўш, энди, нима қилмоқчи бўласиз?

Анна Сергеевна ҳамон кулар экан:

— Сиз қандай маслаҳат берасиз?— деб сўради.

Гарчи Базаров учун бу асло кўнгилли бўлмаса-да, у ҳам Анна Сергеевна каби ҳеч кулгиси келмагани ҳолда кулиб туриб:

— Менинча, ёшларга фотиҳа бериш керак. Иккаласи ҳам бир-бирига ҳар жиҳатдан мос келган. Кирсановнинг бойлиги катта, отасининг ёлғиз ўғли, бунинг устига отаси ҳам яхши киши, қарши турмас,— деди.

Одинцова нари-бери юрди. Унинг юзи қизариб-оқариб турар эди.

— Сиз шундай фикрдамисиз? Мен ҳечқандай мони'лик кўрмайман... Мен Катя учун... Аркадий Николаевич учун ҳам хурсандман... Албатта, мен отасининг жавобини кутаман. Мен ўзининг отаси олдига юбораман. Мана, менинг кечаги, биз иккаламиз ҳам қариб қолганмиз деган гапим тўғри чиқди... Қандай қилиб, мен пайқамай қолибман-а? Бу менга таажжубда қолдиради.

Анна Сергеевна яна кулиб юборди ва дарҳол орқасини ўгирди.

Базаров ҳам кулиб:

— « Ҳозирги ёшлар жуда ҳайлакор бўлиб қолган, — деб қўйди. У бир пас сукут қилганидан кейин яна сўзга киришиб: — хайр энди, бу ишингизнинг оқибати бахайр бўлсин, мен бўлсам йироқдан туриб хурсанд бўларман, — деди.

Одинцова дарҳол унга ўғирилди.

— Сиз кетасизми ҳали? Нима учун қолмайсиз? Энди? Қолинг... Сизнинг билан суҳбатлашиб ўтириш кўнгилли... Худди таги йўқ жарликнинг четидан юргандай бўласан киши. Бошда қўрқасан, кейин қардан ботирлик пайдо бўлганини билмай қоласан. Қолинг.

— Таклифингизга, Анна Сергеевна ва менинг гапга усталигим ҳақида яхши фикрда бўлишингизга, ташаккур. Брок мен, ҳатто ҳозир ҳам, ўзим учун ёт бўлган бир муҳитда жуда узоқ айланиб қолдим, деб ўйлайман. Учар балиқлар бирмунча вақт ҳавода тураолишлари мумкин, лекин бир пасдан кейин новлож шалоп этиб сувга тушиб кетмасдан иложлари йўқ, энди менга ҳам шу каби ўз стихиямга<sup>1</sup> чўмишга рухсат этинг.

Одинцова Базаровга қараб қўйди. У заҳарханда оқарган юзини тирштириб турар эди. Одинцова: «Бу мени севар эди» деб ўйлади ва Базаровга ачиниш қўлини узатди.

Лекин Базаров ҳам уни тушунди. У: «Йўқ! — деди-да, бир қадам орқага чекилди, — мен камбағал одамман, лекин шу вақтгача садақа сўраган эмасман. Хайр, соғ бўлингиз».

Анна Сергеевна беихтиёр жойидан қўзғолиб:

— Бу кўришувимиз сўнгги марта эмасдир, — деди.

Базаров унга жавобан:

— Дун'ёда нималар бўлмайди дейсиз! — деди ва бош эгиб, чиқиб кетди.

Уша куни Базаров нарсаларини чемоданга солаётиб Аркадийга:

— Демакки, сен ўзингга уя солмоқчи бўлибсан-да? Нима қипти, яхши иш. Лекин беҳудага муғом-

<sup>1</sup> Стихия — табиий оқим, ҳаёт.

Бирлик қилдинг. Мен сени бутунлай бошқа иш тутасан, деб ўйдаган эдим. Ёки бошинг айланиб қолдими?

— Мен сендан ажралиб кетаётганимда буни кутмаган эдим, нега сенинг ўзинг буни „яхши иш“ деб пичинг қиласан, мен никоҳ ҳақида қандай фикрда бўлганингни биламан-ку.

— Эҳ, қадрдон дўстим, — деди Базаров, — ғалати гапларни гапирасан-а? Кўраяпсанми, мен нима қилаётирман: чемоданда бўш жой бор экан, шуни пичан блан тўлғазаётиман; бизнинг ҳаёт чемоданимиз ҳам шундай, уни қандайгина нарса блан тўлғасанг ҳам барибир — фақат бўш жойи қолмаса бўлган. Зинҳор хафа бўлма, сен Катерина Сергеевна ҳақида доим қандай фикрда бўлганимни билсанг керак. Бир хил қизлар ақлли оҳ тортиш блан ақллиликка ном чиқаради, аммо сенинг қизинг ўзини ҳимоя қила билажак ва шундай ҳимоя қила билажакки, ҳатто сени ҳам ўз қўлига олажак, — аслда шундай бўлиши ҳам керак. — Базаров чемоданини тақ этдириб ёпиб, ўрнидан турди. — Мана энди хайрлашаётиб, сенга қайтариб айтаманки... алданиш керак эмас, биз сен блан абадий видо'лашмаяпмиз, буни ўзинг ҳам сезаяпсан... Мен сенга яна бир марта айтаманки, ақлли иш қилдинг, сен бизнинг аччиқ, нордон, бехонумон ҳаётимиз учун яратилган эмассан... Сенда сурбетлик, ёвузлик деган нарса йўқ, сенда фақат ёшлик жасорати ва ёшлик гайрати бор; бу бизнинг тутган йўлимизга тўғри келмайди. Сиз дворянлар олийжаноб юввошликдан ёки олийжаноб жушқинликдан нари ўтаолмайсизлар, биз учун бу пуч гап. Сизлар, масалан, муштлашмайсизлар ва муштлашмасдан туриб, ўзларингни йигит деб ҳисоблайсизлар, биз бўлсак муштлашишни истаймиз. Нимасини айтаман! Бизнинг чангимиз сенинг кўзингни ачитади, киришимиз сени ифлос қилади, сен бизнинг даражага ўсиб етганинг ҳам йўқ, сен ўзингни кўриб, ўзинг беихтиёр суюнасан, сенга ўзингни ўзинг сўкишнинг ёқади; бизга бунинг қизинги йўқ — бизга бошқаларни рўпара қил! Биз бошқаларнинг буйинини сандиришимиз керак! Сен ях-



ши йигитсан, лекин, ҳарқалай, юмшоқсан, либераль  
бойваччасан, отам айтмоқчи — эволату<sup>1</sup>!

Аркадий хафа бўлиб:

— Мен блан абадий видо'лашаётибсанми, Евгений?  
Менга айтадиган бошқа гапинг йўқми?— деди.

Базаров бўйинини қашиб қўйди.

— Бор: бошқа сўзларим ҳам бор, Аркадий, лекин,  
уларни сенга айтмайман, чунки бу романтизм, ша-  
карғуфторлик бўлиб кетади. Сен тезроқ уйлан, ўзинг-  
га уя сол ва бола-чақани кўпайтир. Болаларинг  
ақлли бўлади, чунки вақтида туғилади, улар, сен  
блан биздай бўлмайди. Ие, отлар ҳам тайёр бўлап-  
ти. Энди жунаш керак! Мен ҳамма блан хайрлаш-  
дим... Хўш, қучоқлашайликмикан?

Аркадий ўзининг собиқ халфаси ва дўстининг  
бўйнига ташланди, унинг кўзларидан бирданига дув  
этиб ёш оқиб кетди.

Базаров оҳистагина:

— Ёшлик шундоқ-да! Мен Катерина Сергеевнага  
нишонаман. Кўрасан, сени дарров овутади!— деди.

Базаров аравага чиқиб олгандан кейин Аркадий-  
га қараб:

— Хайр, энди, оғайни!— деди ва отхона томида  
ёнма-ён қўниб турган иккита зағчани кўрсатиб:— ма-  
на кўр, ибрат ол!— деб қўшиб қўйди.

— Бу нима деганинг?— деб сўради Аркадий.

— Билмайсанми? Табиий тарихдан шунчалик бе-  
хабармисан, ё зағчанинг энг му'табар овлапарвар  
бир парранда эканини эсингдан чиқариб қўйдингми?  
Сенга ибрат!.. Хайр, синьюр!<sup>2</sup>

Арава ғириллаб, жунаб кетди.

Базаровнинг гаплари тўғри чиқди. Аркадий кеч-  
қурун Катя блан гаплашиб ўлтирар экан, ўзининг  
халфасини бутунлай эсидан чиқарди. У, энди Катяга  
итоат қилабошлади, Катя ҳам буни сезар ва бунга  
ажабланмас эди. Эртасига у, Марьинога, Николай  
Петрович ҳузурига кетиши лозим эди. Анна Серге-

<sup>1</sup> Вассалом.

<sup>2</sup> Синьюр—афанди—жаноб.

евна ёшларга халақит бергиси келмас, фақат одоб юзасидангина уларни жуда узоқ ёлғиз қолдирмас эди. У олийжаоблик қилиб княжнани улардан узоқлаштириб қўйди. Тўй бўлажagini билиб княжна хафа бўлди ва кўзлари ёш билан тўлди. Анна Сергеевна бошда, ёшларнинг бахтини бирга қўшиш тамшаси ўзи учун бирмунча оғир бўлар деб қўрқди, аммо тамом тескариси бўлиб чиқди. Бу тамоша унинг учун оғир бўлмади, балки бу ишга у чиндан берилиб кетди ва бу иш унинг кўнглини юмшатди. Анна Сергеевна бунга ҳам хурсанд, ҳам хафа бўлди. У: „Рост, Базаров ҳақли; мароқ, ёлғиз мароқ, ҳам тинчликни севиш, ҳам эғанзм...“ дея хаёл қилди. У жаҳл билан:

— Нима дейсизлар, болалар, муҳаббат бир сун'ий туйғуми?—деди.

Броқ Катя ҳам, Аркадий ҳам унинг гапini англамади. Улар Анна Сергеевнадан тортинишар эди, бехосдан эшитган сўзлари қулоқларидан нари кетмас эди. Лекин Анна Сергеевна уларни тинчитиб қўйди; унинг учун бу нарса қийин ҳам бўлмади: унинг ўзи ҳам тинчиб қолди.

## XXVII

Кекса Базаровлар уғилларини қанчалик зориқиб қутган бўлсалар, унинг тўсатдан қайтиб келишига шувчалик хурсанд бўлдилар. Арина Власьева шу қадар шошиб, типирчилаб қолдики, Василий Иванович уни „какликка“ ўхшатди: унинг калта кофтаси ҳақиқатан ҳам унга қуш тусини бериб турар эди. Василий Иванович қаҳрабо трубкасини оғзининг бир четига қўйиб, худди бошим жойида маҳкам турибдими дегандай, бўйинини икки қўллаб ушлаб, бошини чайқар ва бирданига оғзини катта очиб, товуш чиқармай кулар эди.

— Мен бу сафар олти ҳафтага келдим, дада, мен ишламоқчиман, шунинг учун сўрайман, менга халаъ берма,—деди Базаров.

— Мен сенга шунчалик халал бермайки, қорамни ҳам кўрмагин!— деди Василий Иванович.

У, ва'дасида турди, ўглини илгаригидек ўз кабинетига жойлаштирди; ўглига кўриниш уёқда турсин, хотинини ҳам унга ортиқча меҳрибончилик қилишдан тийди. У, хотинига: „Биз, онаси, Енюшка биринчи келганида уни бироз безор қилувдик, энди ҳуш-ёр бўлишимиз лозим“ деди. Арина Власъевна эрининг гапига кирди, лекин бундан кўп фойда кўрмади, чунки ўглини фақат дастурхон устидагина кўрар ва у блан гаплашишга бутунлай қўрқар эди. У, ба'зан „Енюшенька!“ дейдию, ўгли қарагунча дарҳол редикулянинг ипларини ўйнаб: „Йўқ, ҳеч гапим йўқ, мен шундай, ўзим“ дер, кейин Василий Иванович олдига борар ва юзини муштумига тираб: „Енюшадан сўраш керак эди: бугун обедга шўрва ичадими, боршчми?“ дер эди.

Бунга эря: „Нима учун ўзинг сўрамадинг!“ дер, Арина Власъевна эса: „Безор қиламанда!“ деб жавоб берарди. Лекин тездан Базаровнинг ўзи ҳам улардан қочмайдиган бўлиб қолди; ишга қўли бормайдиган, диққати ошадиган, кўнгли ғаш бўладиган бўлиб қолди. Унинг бутун ҳаракатида ғалати ҳорғинлик сезилар эди, ҳатто шағдам ва дадил юриши ҳам ўзгарди. У айлангани ҳам ёлғиз чиқмайдиган бўлди, улфат ахтарди, чойни меҳмонхонада ичадиган, полизга Василий Иванович блан чиқиб айланиб юрадиган ва у блан худди „дим-дим“ уйнагандай индашмасдан тамаки чекадиган бўлди. У, бир кун Алексей отани сўраб қолди. Василий Иванович ундаги бу ўзгаришларни кўриб, бошда шодланди, лекин унинг шодлиги узоққа чўзилмади. У, яширикча хотинига: „Енюша тўғрисида тинчимаётибман, у бир нарсадан порози ёки аччиқлангангина эмас, шундай бўлса-ку майли эди-я, балки қаттиқ ранжиган, диққат кўрилади, мана буниси ёмон. У, ҳеч гапирмайди, ақалли бизни сўксачи-я; ариқлаётир, ранги-рўйи не аҳволда“ дер эди. Кампир эса: „Ё худо, ё худо! Мен унинг бўйнига тумор тақиб кўяр эдим, лекин кўнмайди-да“ деб оҳ тортар эди. Василий Иванович жуда ҳам эҳтиёткорлик блан ўглидан бирнеча мар-

та ишини, соғлиғини ва Аркадийни сўради, лекин Базаров ҳар сафар унга истар-истамас жавоб берар эди. Бир куни отаси уни гапга солиб, секин-аста ундан нималарнидир билиб олишни истаганини сезиб Базаров хафа бўлди ва: „Нима учун сен менинг олдямда оёқ учи блан юргандай юрасан? Бу қилиғинг илгаригидан ҳам баттар“ деди. Бечора Василий Иванович шошиб-пишиб: „Хўп-хўп-хўп, билмабман“ деб жавоб берди. Унинг сиёсий киноялари ҳам натижасиз қолди. Бир куни, яқин ўртада деҳқонлар озод қилинажаги ва бунинг орқасида тараққиёт даври бошланажаги тўғрисида сўз очиб, ўғлининг бу фикрга қўшилишини умид қилган эди, лекин у совуққовлик блан: „Кеча мен девол ёнидан ўтиб кетаётиб, деҳқон болаларининг бирон эски ашула ўрнига: „А с л з а м о н л а р к е л а д и , ю р а к м у ҳ а б б а т с е з а д и . . . “ деб бақирганларини эшитиб қолдим... Мэна сенга тараққиёт“ деб қўйди.

Базаров ба'зан қишлоққа борар ва одатдагича тегишиб, бирор мужик блан гаплашиб қолар эди. У, мужикка: „Қави, сен менга ўзингни ҳаётга қарашингни бир айтиб берчи, биродар; айтадиларки, Русиянинг бутун кучи ва келажаги сизларнинг қўлингизда, тарихда янги давр сиздан бошланажак, сиз бизга ҳақиқий тил ва қонун берар эмишсизлар“ деяр эди. Мужик ё ҳеч жавоб бермас, ё бўлмаса: „Ҳа, биз ҳам... қўлимиздан келади, масалан... бизда қандай, масалан, тахминан чегара...“ деб гулдирар эди. Базаров унинг сўзини бўлиб: „Сен менга шуни тушунтириб берчи: сизнинг мир<sup>1</sup> деганингиз ўзи нима демак? Бу мир ўша уч балиқ устида турадиган мир эмасми?“ деди.

Мужик патриархаль-соддалиги блан унга тушунтирган бўлди:

— Уч балиқ устида ер туради, тақсирим бизнинг мир, турган гап, боярлар қўлида туради, шунинг учун ҳам сизлар бизга ота бўласизлар. Бояр қанча қаттиққўл бўлса, мужик шунча мулойим бўлади, — деб жавоб берар эди.

<sup>1</sup> Мир — 1) дун'ё ва 2) жэмов, деҳқонлар жэмовси.

Базаров бир кунн шундай сўзни эшитиб, нафрат блан елкасини қисди ва орқасига бурилди, мужик эса кетаверди.

Бу мужикнинг Базаров блан гаплашиб турганини узоқдан, ўз уйининг остонасидан кўриб турган ўрга ёшлардаги ва қовоғи солиқ иккинчи бир мужик унга мурожаат қилиб:

— Нима дейди? Боқиманда тўғрисида гапирдимми? — деди. Биринчи мужик унга жавоб бериб:

— Э, биродар, боқимандани гапирармиди! У-бу деб лақиллади; тили кичигандир-да. Бояр-да; бу нарсаларни билармиди? — деди. Мужикнинг овозида ҳозир бояги патриархаль соддалик эмас, аксинча, қандайдир ғазаб оҳанги бор эди. Иккинчи мужик унга:

— Қаёқдан билсин! — деди. Шундан кейин ҳар иккала мужик, телпаklarини қоқиб ва белбоғларини сал бўшатиб ўз ишлари ва эҳтиёжлари тўғрисида гаплаша кетдилар. Ҳайҳот! Нафрат блан елкасини қисган, мужиклар блан гаплаша билган (Павел Петрович блан баҳслашган вақтида у шундай деб мақтанган эди), ўз-ўзига ишонган Базаров мужикларга масхара бўлганини хаёлига ҳам келтирмади...

Шундай қилиб у, ниҳоят, ўзига машғул топиб олди. Бир кунн Василий Иванович бир мужикнинг яра оёғини бойламоқчи булган эди, қўллари қалтираб, боғлолмади; Базаров унга ёрдамлашди ва шундан бошлаб отасининг даволаш ишларига қатнаша бошлади. Айни замонда у, ўзи маслаҳат берган деволаридан ҳам, бу деволарни отаси дарҳол ишлатишидан ҳам ҳамон кулар эди. Лекин Базаровнинг кулиши Николай Васильевични асло хафа қилмас, балки уни юпатар эди. У, мойи чиқиб кетган чопонини икки бармоғи блан қорни устида ушлаб туриб ва трубкасини чекиб, кайф қилиб, Базаровнинг сўзларини тинглар эди. Базаровнинг қилиқлари кишига нақадар қаттиқ тегадиган бўлса, унинг бахтиёр отаси шунчалик хурсанд бўлар ва ўзининг қора тишларини кўрсатиб, астайдил қаҳқаҳа уриб кулар эди. У, ҳатто уғлининг ба'зан тўмтоқ, бема'ни шу қилиқларини такрорлар эди. Масалан, бирнеча кун сидрасига у, ҳечнарсдан ҳечнарсга йўқ: „Мана бу туқ-

қизинчи\* дея такрорлар эди, чунки ўғли унинг эрталабки ибодатга борганини билиб, бир кун шундай деб қўйган эди. У, хотинига шивирлаб: „Худога шукур, энди кайфи жойига келиб қолди, бугун мени хўп расво қилди-да!“ деди. Лекин шундай ёрдамчига эга бўлгани учун ғоят шодланар ва фахрланар эди. У бирор касал хотиннинг қўлига дори берар экан: „Сен, жоним, бу ерда менинг ўғлим меҳмон бўлиб турганига минут сайин худога шукур қил. Ҳозир сен энг яхши илмий ва янги усул блан даволанмоқдасан, фаҳмлайсанми буни, француз императори Наполеоннинг ҳам бундай яхши доктори йўқ“ дер эди. „Санчиқ турди“ деб келган (бунинг ма’носига ўзи ҳам тушунмас эди) хотин фақат бош эгар ва чочиққа ўралган тўртта тухумни олиб бериш учун қўйнига қўл тикар эди.

Базаров ҳатто бир марта ўткинчи бир читфурушнинг тишини суғурди ва гарчи бу тиш оддий бир тиш бўлса-да, Василий Иванович уни нодир, топилмайдиган бир нарса ҳукмида, сақлаб қўйди ва Алексей отага кўрсатиб:

— Бунинг илдизини кўринг-а! Евгенийнинг хўп кучи бор-да. Читфуруш бир кўтарилиб тушди... Бу торттишда дуб дарахти бўлса ҳам кўпорилар эди!.. — дер эди.

Алексей ота ҳаддан зиёда шодланган чолга нима жавоб қилишни билмай гапни қисқа қилиш учун:

— Офарин! — деб қўйди.

Бир кун қўшни қишлоқли бир мужик, Василий Ивановичга кўрсатмоқ учун, терлама касали блан оғриган укасини олиб келди. Бир боғ похол устида мукка тушиб ётган шўрлик касал жон бермоқда эди; унинг баданини қоп-қора доғлар қоплаган, у аллақачон ҳушидан кетган эди. Василий Иванович шу вақтгача касални докторга кўрсатилмаганига таассуф қилиб, энди нажот йўқлигини билдирди. Дарвоқи касал уйгача етмай, йўлда аравада ўлиб қолди.

Орадан тахминан уч кун ўтгандан кейин Базаров, отасининг олдига кириб, лясс борми? — деб сўради.

— Бор, нима қиласан?

— Яра чиқипти... Куйдириш керак.

— Кимга чиқпти?

— Ҳзимга.

— А? Нега яра чиқади? Қанақа яра? Қаерингга?

— Мана, бармоғинга. Мен бугун ўша терлама касали блан орриган мужикни олиб келгани қишлоққа борувдим. Нимагадир ўликни ёриб кўрмоқчи бўлибдилар, мен анчадан бери ўлик ёрмаган эдим.

— Ҳуш?

— Шундай қилиб, мен уезд докторларидан ижозат сўрадим ва ўликни ёрдим, ёрдим, шунда қўлимни жесиб олдим.

Василий Ивановичнинг ранги бирданига оқариб кетди ва яндамай, ўзининг кабинетига қараб югуриб кириб, бир бўлак ляс олиб келди. Базаров уни олаб жетмоқчи бўлган эди, Василий Иванович тўхтади:

— Худо ҳақи, кел, ўзим суртай,— деди.

Базаров кулиб қўйди.

— Тажрибани бунча ҳам яхши кўрмасанг.

— Қўй, ҳазиллашма. Бармоғингни кўрсат. Яранг унча катта эмас. Оғримайдими?

— Яхшироқ бос, кўрқма.

Василий Иванович тўхтаб қолди.

— Нима дейсан, Евгений, темир қиздириб боссак яхшироқ бўлмасми экан?

— Буни илгарироқ қилса бўлар эди, ҳозир, тўғриси яна айтганда ляснинг ҳам кераги йўқ. Агар менга касал юққан бўлса, энди вақт ўтди.

Василий Иванович зўрга:

— Нечук... вақт ўтди... — деди.

— Албатта! Тўрт соат вақт ўтди.

Василий Иванович ярани яна биров куйдирди.

— Уезд докторида ляс йўқмикан?

— Йўқ экан.

— Ё олло, бу нима деган гап! Доктор бўлатуриб шундай зарур нарсаси бўлмас-а!

— Сен унинг ништарларини кўрсанг эди, — деди ва кабинетдан чиқиб кетди.

Кечга қадар ва эртасига кун бўйи Василий Иванович, қандай бўлмасин, ўғлининг олдига кириш ва уни кўриш учун ҳархил баҳоналар қидириб юрди ва, гарчи ўғлига яраси тўғрисида гапиринч эмас, ҳатто

бутунлай бошқа нарсалар тўғрисида гапиришга тиришса ҳам, жуда диққат блан ўғлининг кўзига қарар ва бениҳоят ташвиш тортиб, уни кузатар эди. Буни кўрган Базаров охири чидаёлмади ва бундай бўладиган бўлса кетаман, деб пўписа қилди. Василий Иванович энди кўп киравермайман, деб сўз берди. Арина Власьевна (ундан Василий Иванович бутун сирни, шубҳасиз, яширган эди) унга ҳадеб вижирлаб,— сенга нима бўлди, нимага ухламайсан деябергани учун ҳам шундай қилиш керак эди. Василий Иванович ўғлини ҳамон пинҳона кузатиб унинг ранги ёмон эканлигини кўрса ҳам икки кун бардош қилди.. Лекин учинчи кунни обед вақтида тоқат қилолмади. Ўғли шумшайиб ўтирар, овқатга қўл урмас эди.

Василий Иванович ўзини беғам кўрсатишга тиришиб:

— Нега емайсан, Евгений, овқат жуда яхши бўлганга ўхшайдику?— деди.

— Егим келмаса нима қилай.

Василий Иванович қўрқа-писа сўзини давом этдириб:

— Ё иштаҳанг йўқми? Бошингчи, бошинг оғриятими?— деб сўради.

— Оғриятти. Оғримай нима қилсин?

Арина Власьевна чўчиб кетди.

Василий Иванович сўзини давом этдириб:

— Мени уришма, Евгений, томирингни ушлаб кўрай,— деди.

Базаров ўрнидан қўзғолди.

— Мен ушлаб кўрмасданоқ айтиб қўяқолай: иситмам бор.

— Этинг увишиб эдимми?

— Ҳа, увишган эди. Бориб ётай, жука баргидан чой дамлаб беринглар. Шамоллаган бўлсам керак.

— Шунинг учун кечаси йўталган экансан-да,— деб қўйди Арина Власьевна.

— Шамоллабман,— деди яна Базаров ва чиқиб кетди.

Арина Власьевна жука гулидан чой дамлагани кетди, Василий Иванович бўлса қўшни бўлмага ки-



риб, қўллари блан сочини ушлаб, жим ўлтирганича қолди.

Базаров ўша кунн жойидан турмади ва бутун кечани ярим ҳушсиз, оғир ҳолда ўтказди. Кечаси соат бирларда зўрға кўзини очди ва чироғ ёруғида, тепасида энгашиб турган отасининг оппоқ оқарган юзини кўриб, „бор, ухла“ деди. Отаси чиқиб кетди-ю, у дарҳол оёқ учи блан юриб, астагина қайтиб келди ва жовон эшикларининг орқасига ярим гавдаси блан яшириниб, ҳеч кўзини узмай ўғлига қараганича турди. Арина Власъевна ҳам ҳеч ётмади ва „Енюшенканинг қандай нафас олганини“ тинглаш ва Василий Ивановични кўриш учун тез-тез кабинет эшигини қия очиб қарарди. Арина Власъевна ўғлининг, фақат ҳаракатсиз, букчайган орқасинигина кўра олэр, броқ шу ҳам унга бироз тасалли берэр эди. Эрта блан Базаров ўрвидан туришга ҳаракат қилиб кўрди, лекин боши айланиб, бурнидан қон келди, яна урнига ётиб олди. Василий Иванович индамай унга хизмат қилиб турди, Арина Власъевна унинг олдига кириб, дурустмисан, болам, — деб сўради. У: „тузук“ деб жавоб берди ва деворга ўгирилиб ётди. Василий Иванович иккала қўлини сийлаб хотинига ишора қилди. У йиғламаслик учун, лабини тишлади ва дарҳол чиқиб кетди. Уй ичи бирданга қоронғиланиб кетгандай бўлди, ҳамманинг рангрўйи оляниб қолди ва қандайдир бир галати хомушлик пайдо бўлди. Ҳовлидан кўп қичқирадиган бир-хўрозни қишлоққа олиб кетишди, хўроз нима учун ўзини бундай қилаётганларини тушунаолмас эди. Базаров ҳануз деворга ўгирилгани ҳолда ётар эди. Василий Иванович ҳархил саволлар блан унга мурожаат қилишга уринар, лекин бу саволлар уни зериктирганини сезиб, ҳарзамон бармоқларини қирсийлатиб ўз креслосида жим ўлтиришга мажбур бўлар эди. Кейин у, бир пасгина боғчага чиқди ва чексиз таажжубдан ҳайратда қолгандек (унинг юзидан ҳайрат асари умуман аримас эди): у ерда ҳайкал каби қотиб тургандан кейин, хотинининг саволларига жавоб беришдан қочиб, яна ўғлининг ёнига кирди. Ниҳоят, хотини унинг қўлидан маҳкам ушлаб,

қалтираниб ва дўқ ургандай ундзи: „Унга нима бўлди, ахир?“ деб сўради. У, ўзига келиб, хотинига жавобан, ўзини жилмайишга мажбур этди, лекин жилмайиш ўрнига юзида ғалати бир кулги кўринди. Василий Иванович эрталаб докторга одам юборган эди. Ўғли, аччиғланмаслиги учун, бу ҳақда уни огоҳлантириб қўйишни лозим топди.

Базаров, ётган жойида бирданига отасига ўгирилди ва хира кўзлари билан отасига тикилиб, сув сўради.

Василий Иванович унга сув берди ва шу билан бирга манглайини ушлаб кўрди. Унинг манглайи мисдек қизиб турар эди.

Базаров бўғиқ овоз билан секингина:

— Ҳолим хароб, чол. Касал юқди, бирнеча кундан кейин ўламан,—деди.

Василий Иванович, худди сиров оёғини чалиб юборгандай, қалқиб кетди. У зўрга:

— Евгений! Нега ундай дейсан!.. Худо асрасин! Шамоллагансан...—деди.

Базаров аста унинг сўзини бўлиб:

— Қўйсангчи, доктор бўла туриб шундай дейишинг ярамлайди. Касал юққанлиги кўришиб турипти, ўзинг биласан-ку,—деди.

— Нимадан кўришиб турипти? Евгений... Қўйсангчи!

— Бўлмаса бу нима,—деди Базаров ва енгини бироз кўтариб, қўлига тошган маш'ум доғларни кўрсатди.

Василий Иванович сесканиб кетди ва бадани муздек совуди.

— Хўп, фараз қилайлик... агар... касаллик... юққан десак...

— Пиэмия дегян,—деди Базаров.

— Ҳа... эпидемиядек...

Базаров жаҳли чиқиб, очиқ равишда:

— Пиэмия,—деб такрорлади.—Дафтарингга ёзганларингга ҳам эсингдан чиқардингми?

— Ҳа, ҳа, нима десанг деябер... Лекин ҳар ҳолда биз сени даволаймиз.

— Йўқ, бу гап — лойдан ҳуштак. Лекин гап бунада эмас. Мен шунча тез ўларман деб кутмагил эдим; бу тасодиф, лекин тўғрисица айтиш керакки, жуда ёмон тасодиф. Сиз онам билан иккалангиз ҳам ҳозир диний э'тиқодингиз кучли бўлишидан фойдаланишингиз керак, диний э'тиқодингизни синаб кўриш учун бу жуда яхши воқеа, — у яна бироз сув ичиб олди. — Мен эса, ақли-ҳушим ўз ихтиёримда бўлган чоғимда сиздан бир нарсани ўтинмоқчи бўламан... Ма'лумки, эртаги ёки индин менинг миям исте'фо беражак. Мен ҳозир ҳам гапимни очиқ ва равшан қилиб гапирганимга кўзим етмайди. Ётган чоғимда кўзимга ҳамон қизил итлар югуриб юргандай бўлиб жўрпади. Сен менинг устимда қоққан қоziқдай турасан. Худди мастдайман. Менинг гапимга яхши тушуналяпсанми?

— Қўйсангчи, Евгений, туппа-тузук гапираяпсан.

— Ундай бўлса яна яхши, сен докторга одам юбордим дединг... Бу билан сен ўзингни овутидинг... Энди мени ҳам овут, одам юбор...

Чол унинг сўзини бўлиб:

— Аркадий Николаевичгами? — деди.

Базаров бироз ўйга толгандай бўлиб:

— Ким у Аркадий Николаевич? — деди. — Ҳа, айтгандай, қушчани айтасанми? Йўқ, уни қўй; у ҳозир зағча бўлиб қолган. Ажабланма, мен алаклаётганим йўқ. Одинцовага, Анна Сергеевна деган бир помешчик хотин бор, шунга одам юборгин... Биласанми? (Василий Иванович бош ирғади). Евгений Базаров салом айтиб юборди ва ўлаётганлигини айтишни буюрди десин. Хупми?

— Хуп... лекин шу мумкинми, ноҳот сен ўлсанг, Евгений... Ўзинг ўйлаб қара! Бундай бўладиган бўлса, адолат қайда қолади?

— Бунисини биламан; лекин сен, одам юбор.

— Ҳозир юбораман, ўзим хат ҳам ёзаман.

— Йўқ, нима ҳожиати бор? Айтангки, салом айтди десин, булак ҳечварсанинг ҳожиати йўқ. Мен яна ҳалиги итларни кўрай. Ажаб! Факрими ўлимга сари бурмоқчи бўламан, лекин ҳечнима чиқмайди.

Қандайдир бир доғни кўраман... Бошқа ҳеч нарса кўришмайди.

У яна деворга томон ўгирилди. Василий Иванович кабинетдан чиқиб кетди ва зўра хотиянинг ётоғига етиб бориб, бутлар олдига гурсуллаб тизчўқди-да, фиғон чекиб:

— Худога сизин, Арина, худога сизин! Ўғлимиз улаёттипти, — деди.

Шу орада ҳалиги, ляпс топилмаган уезд доктори келиб қолди. У беморни кўриб, сабр қилиб туришни маслаҳат берди ва ўша ондаёқ беморнинг тузалиши эҳтимоли тўғрисида бирнеча оғиз сўз айтди.

— Менинг аҳволимда бўлган одамларнинг Елисейскга<sup>1</sup> сафар қилмаганларини кўрмаганмисиз?—деб сўради Базаров ва ёнида турган оғир столни оёғидан бирданига ушлаб силкитиб жойидан қўзғотди.

— Куч ҳали ҳам жойида, аммо ўлмай илож йўқ... ўлган чол ҳеч бўлмаганда ҳаётдан безиб улгурган эди, менчи... Мана, ўлимни э'тироф қилмай кўр, у сени э'тироф қилмайди, вассалом! У бир пасдан кейин сўзини давом этдирди.—Ким йиғляпти? Онами? Шўрлик она! Бундан кейин у, ўзининг яхши боршчини кимга ичирар экан? Сен, Василий Иванович, сен ҳам инграяпсан шекилли! Христианлик ёрдам қилмас экан, файласуф бўл, масалан, стойк<sup>2</sup> бўл. Сен файласуфман деб мақтанган эмасмидинг?—деб қўшиб қўйди.

— Қандай файласуф бўла! — деди Василий Иванович ва кўзларидан ёш оқабошлади.

Базаров соят сайин оғирлашаборди, касаллик тез кучаймоқда эдики, хирургия ишида захарланган одамларнинг касали одатда шундай бўлади. У, ҳали эсини йўқотмаган ва гапни тушунар, касаллик блан курашар эди. У, муштларини қисиб: „Алакламайман, бу бўлмаган гап!“ деб шивирлади ва дарҳол: „Хўш, саккиздан ўрни олсак қанча қолади?“ деб қўйди.

<sup>1</sup> Қадимги юнонлар қабристонъ.

<sup>2</sup> *Стойка*—қадимги юнон файласуфларидан стоицизмдан олдинган сўз; руҳан маҳкам, кучли одам—демакдир.

Василий Иванович девоңадек юрар, ҳали ундай, ҳали бундай дори тавсия қилар ва ҳадеб ўғлининг оёқларини ёпар эди. У зўр бериб: „Совуқ чойшабга ўраш керак... қустуртирадиган дори... Қорнига горчишниклар<sup>1</sup>... қон олдириш...“ дея сўзланар эди. Ялиниб-ёлборганлиги орқасига қолган доктор бўлса, унинг сўзларини мақуллаб турар, касалга лимонад ичкизар, ўзи учун эса ё тамаки ёки „бақувват қиладиган, бадан иситадиган дори“, я'ни арақ сўрар эди. Арина Власъевна доим эшик ёнида, пастгина бир скамейкада ўлтирар ва фақат ҳарзамон ибодат қилгани кетар эди. Бундан бирнеча кун аввал қўлидан ойнак тушиб кетиб сивган, буни у, ҳарвақт ёмонлик аломатига йўйиб юрар эди. Анфисушканинг ўзи унга ҳеч нарса айталмас эди. Тимофеич Одиңцованинг олдига кетди.

Кечаси Базаров яна оғирлашди... Уни қаттиқ иситма қийнади. Эрталаб эса аҳволи сал-пал яхшиланди. У, онасини чақириб сочини таратди ва унинг қўлини ўпиб, бир-икки қултум чой ичди. Василий Ивановичга бироз жон кирди.

— Худога шукур, кризис<sup>2</sup> бошланди, кризис ўтди,—деб қўйди.

— Топган гапингни қара-я! Сўз топган бўлиб: „кризис“ дейди ва шу блан хотиржам бўлади. Одамнинг бу сўзга ишониб юргани қизиқ. Унга, масалан, Биров аҳмоқни ҳечким урмайди, деб айтса хафа бўлади. Бировлар уни ақлли деса ва пул бермаса ҳам севинади,—деб қўйди Базаров.

Базаровнинг итгариги „қилиқларини“ эсга туширадиган шу қясқагина нугқи Василий Ивановичнинг кўнглини юмшатди.

— Баракалла! Жуда тўғри гап, жула сози—деди у ва ўзини чапак ургандай қилиб кўрсатди.

Базаров қайғули бар суратда кулиб қўйди.

— Хўш, сенинча, қандай? Кризис ўтдимиз, ёхуд бошландимиз?—деб сўради.

<sup>1</sup> Горчишник — горчицадан ясалган малҳам.

<sup>2</sup> Касалнинг қат'ий ўзгариш даври.

— Бироз тузалдинг, кўриб турибман, мен мана шунга хурсандман,— деди Василий Иванович.

— Хўп бўлмаса, жуда соз, хурсанд бўлиш ҳеч қачон ёмон бўлмайди. У ёққа одам юбордингми?

— Юбордим, албатта, юбордим.

Базаров бироз енгил тортгандай бўлса-да, бу узсқа қормади. Касаллик янгидан кучаябошлади. Василий Иванович унинг ёнида ўлтирар эди. Чол аллақандай бир оғир дард чеккандай эди. У бирнеча марта нимадир сўзламоқчи бўлдию, лекин айтаолмади, ниҳоят:

— Евгений! Ўғлим, жоним, азизим,— деди.

Василий Ивановичнинг бундай дейиши Базаровга таъсир қилди. У, бошини салгина бурди ва ўзини босиб турган оғир ҳушсизликдан қутулишга тиришгандай бўлиб:

— Нима, отам?— деди.

Василий Иванович сўзини давом этдирди:

— Евгений,— деди ва Базаровнинг олдига келиб тиз чўкди, лекин Базаров кўзини очолмас ва уни кўролмас эди.— Евгений, ҳозир дурустмисан; худо хоҳласа тузаласан; броқ шу фурсатдан фойдаланиб бизларни тинчлантир, христианлик бурчингни адо эт! Буни сенга айтиш мен учун жуда оғир, бениҳоят қайғули, лекин... охираг... бундан ҳам кўрқинчлироқ, Евгений... ўзинг ўйлаб қара, қандай...

Чол гапиралмай қолди. Ўғлининг юзида эса, гарчи кўзларини юмиб ётган бўлса ҳам, қандайдир ғалати бир ўзгартириш пайдо бўлди.

— Агар шу нарса сизларни тинчлантирадиган бўлса, майли, лекин, менингча, шошилишнинг кераги йўқ. Ўзинг бироз дуруст бўлдинг деясан-ку,— деди ниҳоят.

— Дурустсан, Евгений, дурустсан; броқ ким билди. Ҳамма иш худонинг иродаси билан бўлади, бурчини адо этгандан кейин...

— Йўқ, мен ҳали бироз сабр қиламан,— деди Базаров отасининг сўзини бўлиб,— кризис бошланди деганинг тўғри. Агарда биз икковимиз янглишган

бўлсэк, майли. Ҳушидан кетган одамларни ҳам хатмиёсин қиладилар-ку.

— Худо сақласин, Евгений...

— Мен сабр қиламан. Ҳозир уйқим келаётир. Сен менга халал берма.

У бошини, аввалги жойига қўйди.

Чол ўрнидан туриб, креслога ўлтирди ва ёгини ушлаб, бармоқларини тишлай бошлади.

Шу орада бирдан унинг қулоғига, узоқ қишлоқ жойларида жуда барала эшитиладиган ресорли экипажнинг тарақлаб келаётган товуши эшитилди. Енгил гилдирак товушлари борган сари яқинлашиб, бир пастдан кейин отларнинг пишқирган товуши ҳам эшитилди... Василий Иванович ўрнидан ыргиб турди-да, деразадан қаради. Унинг қўрасига тўртта от қўшилган икки ўринли бир карета<sup>1</sup> кириб келмоқда эди. У, карета кимники эканлигини уйлаб ҳам кўрмасдан, қандайдир, ма'носиз шодлик блан зинапоёга югуриб чиқди... Ливрея кийган лакей карета эшигини очди, унинг ичидан қора вуаль<sup>2</sup> ёпинган ва қора мантия кийган бир хоним чиқди... У, Василий Ивановичга қараб:

— Мен Одинцова бўламан, Евгений Васильевич тирикми? Сиз унинг отаси бўласизми? Мен доктор олиб келдим,— деди.

— Қадамизгизга ҳасанот,— деди Василий Иванович ва ҳаяжон блан унинг қўлини, ушлаб лабларига босди. Шу он Анна Сергеевна олиб келган, кўзига кўзойнак таққан, немис қиёфали жипкак доктор шошилмасдан каретадан тушди,— ҳали тирик, тирик менинг Евгенийим, энди ўлимдан қутилади! Хотин! Хотин!. Бизга осмондан фаришта тушди...

Кампир меҳмонхонадан даҳлизга югуриб чиқиб:

— Вой худо, нима бўлди, — деб, ҳечнарсига туншмасдан, Анна Сергеевнанинг оёғига йиқилди, беихтиёр унинг этагини ўпабошлади...

Анна Сергеевна қайта-қайта:

<sup>1</sup> Епик, чиройли, юмшоқ арава.

<sup>2</sup> Вуаль — енгил тўр рўмол.

— Сизга нима бўлди! Сизга нима бўлди!— деса ҳам, Арина Власьевна қулоқ солмас, Василий Иванович бўлса фақат: „Фаришта! фаришта!“ деб такрорлар эди.

Доктор бироз ҳайронликдан кейин:

— Wo ist der kranke<sup>1</sup> касал қаерда ахир?—деб сўради.

Василий Иванович эсини бир жойга йиғиб олиб:

— Шу ерда, шу ерда, марҳамат қилинг, буёққа шоринг,—деярди.

— Weztester Herr Colleda!<sup>2</sup>

Немис унга қарши:

— Э!— деди ва тиржайди.

Василий Иванович уни кабинетига олиб кирди.

У, ўғлининг қулоғи тагига энгашиб:

— Анна Сергеевна Одинцовадан доктор келди, Анна Сергеевнанинг ўзи ҳам шу ерда, — деди.

Базаров бирданига кўзини очди.

— Нима?

— Анна Сергеевна Олинцова шу ерда, мана шу жаноб докторни олиб келипти.

Базаров теварак-атрофга жовдираб қаради.

— Келдими... Кўрай.

— Киради. Евгений, лекин аввало жаноб доктор билан суҳбатлашиш керак. Мен бу кишига касалнинг тарихини сўзлаб берай, чунки Сидор Сидорич кетиб қолган (уезд докторини шундай дейишарди), кичкинагина кенгаш қилиб оламиз.

Базаров немисга бир қараб қўйди.

— Хўп, лекин тезроқ суҳбатлашинглар, фақат латинча гапиришманг, мен ҳам Jam moritur<sup>3</sup>, нима эканини тушунаман.

Луқмоннинг янги шогирди, Василий Ивановичга мурожаат қилароқ:

— Der Herr scheint des Dentsehen mächtig zu sein!<sup>4</sup>— деди.

<sup>1</sup> Касал қаерда.

<sup>2</sup> Мухтарам ҳамкасаба.

<sup>3</sup> Улайтипти.

<sup>4</sup> Жаноблари немисчани биладилар шекилли.



Чол унга жавобан:

— Их... габе<sup>1</sup>, яхшиси русча гапиринг,— деб қўйди.

— А, а! шундайми... мумкин,— деди немис. Шу блан консултация бошланди.

Ярим соатдан кейин Анна Сергеевна Василий Иванович блан бирга кабинетга кириб келди. Доктор шу он унинг қулоғига шивирлаб, касалнинг тузалишига умид қилиб бўлмаслигини айтди... Анна Сергеевна Базаровга қаради... унинг шишган ва айни замонда мурданинг юзидек юзини, тикилиб турган нурсиз кўзларини кўриб, эшик олдида данг қотиб қолди. Унинг юрагига қандайдир совуқ ва оғир қурқув тушди; унинг бошига бирдан, агарда бу кишини севган бўлсам эди, ўзимни бундай ҳис қилмаган бўлар эди, деган фикр келиб кетди.

Базаров зўр блан:

— Раҳмат, мен бунни кутмаган эдим. Бу — катта лутф. Биз яна кўришармиз деган эдингиз, мана кўришдик,— деди.

— Анна Сергеевнанинг шунчалик марҳамат қилиб... — деб Василий Иванович сўз бошламоқчи эди, Базаров унинг сўзини бўлди:

— Ота, икковимизни холи қолдирсангиз. Анна Сергеевна, рухсат қиласизми? Ҳозир, энди...

У боши блан ишора қилиб, ўзининг чўзиқ заиф гавдасини кўрсатди.

Василий Иванович чиқиб кетди.

Базаров сўзини такрорлаб:

— Кўп раҳмат,— деди.— Шоҳона иш қилдингиз. Шоҳлар ҳам ўлаётган одамни кўргани борадилар деб айтадилар.

— Евгений Васильевич, мен умид қиламанки...

— Эҳ, Анна Сергеевна, тўғриси гапиришайлик. Мен тамом бўлдим. Филдирак тагида қолдим. Демак, келажак тўғрисида ўйлашнинг ҳеч кераги йўқ. Ажал ўзи эски бир нарса бўлсаям, лекин ҳарким учун

<sup>1</sup> Мен. . . (немисча)

янги нарсадир. Ҳозиргача ҳам кўрқмайман... кейин эса ҳуш кетажак ва шу блан фюнтъ<sup>1</sup> (у, дармонсиз суратда қўл силтади). Ҳўш, энди мен нима деяй сизга... Мен сизни севар эдим деяйми? Бу гапнинг илгари ҳам ҳечқандай аҳамияти йўқ эди, ҳозир бўлса, ичунун. Муҳаббат — шакл, менинг ўз шаклим эса ирий бошлади. Яхшиси, шуни айтайки: сиз жуда яхши хотинсиз! Мана сиз ҳозир кўз ўнгимда турибсиз, қандай чиройликсиз-а...

Анна Сергеевна бейхтиёр сескавиб кетди.

— Майли, ташвишланманг... Ўша ерда ўлтиринг... Менга яқин келманг, касалим юқумли касал.

Анна Сергеевна дарҳол тўрга ўтиб, Базаров ётган диван ёнида турган креслога ўтирди.

Базаров шивирлаб:

— Олийжанобсиз! — деди. — Оҳ, нақадар яқин, нақадар ёш, нақадар соф ва беғубор... бу ифлос уйда... Хайр, алвидо! Узоқ умр кўринг, яхшиси шу; вақтни ганимат билиб, ҳаётдан фойдаланинг. Буни кўринг, нақадар хувук манзара; ярим янчилган қурту, тағин сўз бермайди. Бу ҳам кўп иш қиларман, ўлмайман деган! Қиладиган ишим бор, мана мен турибман-ку. Меянинг ишим эса, ҳечкимнинг бу блан иши бўлмаса ҳам, қандай қилиб бўлса-да яхшироқ улиш гамидан иборатдир... Барибир: дум қилдиллатмайман.

Базаров жим бўлиб қолди ва стаканни қули блан пайпаслаб кўрди. Анна Сергеевна, қулқопини ечмасдан ва қўрқа-қўрқа нафас олиб, унга сув берди.

Базаров яна гап бошлаб:

— Мени эсингиздан чиқарасиз, ўлик тирikka ошна бўлолмайди. Отам сизга, мана Русия қандай одамдан ажралаётир, деб айтар... Бу беҳуда гап, лекин чолни ўз ишончидан совутманг. Сиз биласизки, бола нима блан юпанса ҳам майли, фақат йиғламаса бас. Онамни ҳам юпатинг. Улар каби одамларни кундуз кун чироғ блан қидирсанг ҳам топиб бўлмайди... Мен Русия учун керак эмишман; йўқ, керак эмасга ўхшайман. Ҳўш, унга ким ҳам керак? Этикдўз керак, тикучи керак, қассоб... қассоб гўшт со-

<sup>1</sup> Вассалом.

тади, қассоб... тўхтанг адашайлман. Бу ерда ўрмон бор...

Базаров қўлини манглайига қўйди.

Анна Сергеевна унга энгашди.

— Евгений Васильевич, мен бу ерда...

У дарҳол унинг қўлини ушлаб, бошини кўтарди ва тўсатдан баланд овоз блан:

— Алвидо', — деди ва кўзлари энг сўнгги нур блан ятираб кетди. — Алвидо'... Менга қаранг... Ушанда мен сизни ўлмаган эдим-ку... Сўнаётган чирогни пуфланг, учақолсин...

Анна Сергеевна энгашиб, лабларини унинг манглайига қўйди...

— Энди бўлди! — деди Базаров ва бошини ястиққа қўйди. — Энди... Қоронғилик...

Анна Сергеевна астагина бўлмадан чиқиб кетди. Василий Иванович шивирлаб, ундан:

— Хўш, қандоқ? — деб суради.

Анна Сергеевна эшитилар-эшитилмас:

— Ухлади, — деб жавоб берди.

Базаровга уйғониш насиб қилмаган эди. Кеч томон у бутунлай ҳушидан кетиб, эртасига ўлди. Алексей ота диний маросимни адо этди. Ибодат маросими бўлиб турганда, унинг кўкрагига муқаддас миро<sup>1</sup> суркалганда бир кўзи свл очилиб, ўз олдида черков кийимлари кийган поп турганини, исриқ тутатилганини ва бутлар олдида шамлар ёниб турганини кўриши блан ўликдай юзида қандайдир қўрқув аломати кўрингандай бўлди. Ниҳоят, у сўнгги нафасни чиқарганида, уй ичидагилар дод-фар'ёд кўтаришди, Василий Иванович эса беҳосдан ақлдан озиб қолди. У, юзи қипқизарган ва қийшайган ҳолда, худди бировга дўқ қилган сингари муштини дулайиб, „мен шикоят қилажакман, деган эдим, шикоят қилажакман, шикоят қилажакман!“ деб хириллаб қичқи-рабошляди.

Арина Власьева, кўзлари жиққа ёшга тўлиб, унинг бўйнига осилди ва иккови ҳам муккасига йиқилди. Кейин, хизматкорлар уйида гаплашиб ўти-

---

<sup>1</sup> Хушбўй черков мойи.

риб, Анфисушка „Шундай қилиб улар, кун қизиги вақтидаги кўзилар сингари, бошларини қуйи солиб, бир жойда ёнма-ён туриб қолишди“ деб ҳикоя қилар эди.

Броқ кун қизиги ўтиб, кеч киради, унинг орқасидан тун киради ва шундан кейин, тинч уйга қайтиб, азоб чеккан ва чарчаган одамлар ширин уйқуга толдилар...

## XXVIII

Орадан олти ой ўтди. Оппоқ қиш, қаҳратон совуқ, зич қалин қор оёқ остида ғирчиллайди, дарахтларни пуштиранг қиров босган, осмон зумраддай, мўрилар устини тутун қоплаган, бир лаҳзага очилиб кетган эшиклардан қуюқ буғ отилиб чиқади, одамларнинг юзлари қип-қизил, совқотган отлар чираниб чопади.

Январь кунлари тугаб қолмоқда; кечки совуқ ҳаракатсиз ҳавони янада кучлироқ сиқар, қонли шафақ эса тез сўниб кетмоқда эди. Марьинодаги уйларнинг деразаларида чироғлар кўринди; Прокофьеч, устига қора фрак ва қўлларига оқ қўлқоп кийиб олгани ҳолда, алоҳида бир тантана блан етти кишига дастурхон ёзмоқда. Бундан бир ҳафта бурун, кичкина маҳалла черковида жимгина ва ҳечқандай шохидсиз, икки никоҳ: Аркадий блан Катянинг ва Николай Петрович блан Феничканинг никоҳи бўлган эди, худди ўша куни Николай Петрович, иш блан Москвага кетаётган акаси Павел Петрович шарафига хайрлашиш зиёфати берди. Анна Сергеевна ҳам туй ўтгандан кейин ёшларга катта улуш ажратиб, дарҳол Москвага жўнаб кетган эди.

Роса соат учда ҳамма дастурхон ёнида ҳозир бўлди. Митяни ҳам шу ерга ўтқиздилар, ҳозир энди унинг шойи қалпоқ кийиб юрадиган дояси ҳам бор эди. Павел Петрович Катя блан Феничка ўртасига утирди. „Эрлар“ ўзларининг хотинлари ёнларига ултиришди. Бизнинг танишларимиз кейинги кунларда анча ўзгарган: ҳаммалари қандайдир чиройли ва етилагандай кўринар, фақат Павел Петровичгина

арриқлаб қолган эди, лекин бу унча кўпроқ гўзаллик ва унинг ажойиб ифодали чеҳрасига совлат бериб турар эди... Феничка ҳам ўзгача бўлиб қолган эди. Устига янги ипак кўйлак кийган, бошига кенг батис рўмол ўраган ва бўйнига олтин занжир осиб олгани ҳолда у, ўз-ўзига ва атрофидаги ҳамма нарсаларга эҳтиром билан жимгина қараб ўлтириб, шундай жилмаяр эдики, гўё „сиз мени кечиринг, мен айбдор эмасман“ демоқчи бўлгандай туюлар эди. Ёлғиз угина эмас, бошқалар ҳам жилмайишар ва улар ҳам афв ўтингандай бўлишар эди; ҳаммалари учун хиёл ўнғайсиз, хиёл кўнгилисиз, лекин аслда ҳаммалари учун ҳам жуда яхши эди. Ҳаммаси бир-бирига айрим илтифот кўрсатар, гўё ҳаммаси бир бўлиб қандайдир оқ кўнгил бир комедия ўйнашга аҳдлашгандай кўринар эди. Катя ҳаммадан ҳам хотиржамроқ: у, ўз теварак-атрофига комил ишонч билан кўз ташлар, четдан қараганда, Николай Петровичнинг уни аллақачон жуда ҳам яхши кўриб қолганлигини сезиш мумкин эди. Обед тамом бўлиши олдидан Николай Петрович урнидан турди ва қадаҳ кўтариб, Павел Петровичга мурожаат қилди:

— Сен бизни ташлаб кетаяпсан... Сен бизни ташлаб кетаяпсан, жоним акам; албатта, кўпга бўлмаса керак, лекин шундай бўлса ҳам мен сенга шу нарсани айтмай ўтаолмайманки, мен... биз... модомики мен... модомики биз... мана кўраяпсан, бутун фожа шундаки, тамторақли сўзлашни билмаймиз! Аркадий, сен гапир.

— Йўқ, отажон, мен тайёрланганим йўқ.

— Мен яхши тайёрланганман! Туғридан-туғри сени қучоқлаб, оқ йўл тилашга рухсат эт, ака, ва тезроқ қайтиб кел!

Павел Петрович ҳамма билан, турган гапки, Митя билан ҳам ўпишди; у, Феничканинг қўлини ҳам ушди. Феничка ҳали қўл беришни яхши билмас эди. Павел Петрович иккинчи марта қуйилган қадаҳни ичар экан, оғир бир нафас олди-ю: „Қўша қаринглар, қадрдонларим! Farewell!<sup>1</sup>— деди. Унинг „хайр“ де-

<sup>1</sup> Хайр.

ганини ҳечким пайқамасди, лекин ҳамма мутаассир бўлди.

Катя эрининг қулогига шавирлаб: „Базаров хотираси учун“ деди ва қадаҳ уриштиради. Унга жавобан Аркадий унинг қўлини маҳкам қисди, лекин бу қадаҳни баланд овоз билан таклиф қилишга жур'ат қилмади.

Шу билан ҳикоя тамом бўлса керак эди. Лекин китобхонлардан ба'зибировлари, эҳтимол, бу асарда кўрсатилган шахслар ҳарқайсибири шу кунларда, худди шу кунларда нима иш қилаётганини билмоқчи буларлар. Биз уларнинг талабини қондиришга тайёрмиз.

Анна Сергеевна яқиндагина эрга тегди, лекин севиб эмас, э'тиқод билан тегди, унинг эри келажакдаги рус арбобларидан бўлиб, жуда ақлли, қонуншунос, пишиқ, тажриба соҳиби, маҳкам иродали ва сўзга ғоят даражада печан, ўзи ҳали ёш, муминқобил ва муздекгина бир киши эди. Улар бир-бировлари билан жуда иноқ турадилар ва бора-бора, эҳтимол, бахтли ҳам буларлар. Эҳтимол, бир-бировларини севишиб ҳам қоларлар. Княжна Х... ўлди ва ўша кунинёқ ҳамманинг эсидан чиқди кетди. Ота-бола Кирсановлар, Марьинода туриб қолдилар. Уларнинг ишлари тузалиб бормоқда. Аркадий жуда тиришқоқ хўжайин бўлиб кетди ва „ферма“ анча катта фойда келтирадиган бўлди. Николай Петрович яраштиручи воситачи<sup>1</sup> бўлиб қолди ва бутун кучини сарф қилиб, шу йўлда хизмат қилади; ҳар доим ўз участкасига қарашли қишлоқларга бориб-келиб юради; узундан-узоқ нутқлар сўзлайди (у, мужикларга „ақл киритиш“ керак, я'ни ҳадеб бир хил сўзни такрорлай бериб, уларни зерикадиган ҳолга солиб қўйиш керак, деган фикрда) ва шундай бўлса ҳам, тўғриси айтганда, гоҳ дабдаба ва гоҳ савдойилик билан („ан“ни „анг“ деб бурун ичидан чиқариб) манципация<sup>2</sup> тўғри-

<sup>1</sup> Яраштиручи воситаси (мировой посредник) — Русияда деҳқонларни крепостнойликдан озод қилганидан кейин, улар билан солиқ хўжайинлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун та'сис этилган мансаб.

<sup>2</sup> Манципация ва мужципация — эманципация (озод қилиш) сўзининг бузиб айтилган шаклидир.

сида сўзловчи ма'рифатли дворянларни ва такаллуфсиз равишда „бу муниципацияни“ сўкиб юручи ма'рифатсиз дворянларни ҳеч қаноатлантираолмасди; ҳар иккала томон учун ҳам у ортқ даражада юмшоқ. Катерина Сергеевна ўғил туғди, унинг исми Коля. Митя бўлса энди югуряб юради ва жуда гапдон бўлиб қолди. Феничка, Федосия Николаевна аввало эри блан Митяни, кейин келинни жуда яхши кўради ва келини пианино чолганда кун бўйи унинг ёнидан нари кетмайди. Петр ҳақида ҳам зикр қилиб ўтайлик. У, тентаклиги ва гердайганлигидан бутунлай қотиб қолди, у ҳамавақт е ни ю қилиб айтади: тепсрь<sup>1</sup> сўзини тюрпюр, обеспечен<sup>2</sup> сўзини обюзпючюн деб гапиради, лекин у ҳам, сепи кўпгина яхши бир қизга, шаҳарлик бир резаворчиннинг қизига ўйланди. Бу қизни Петрдан аввал иккита яхши куёв сўраб келган бўлса ҳамки, фақат уларнинг соатлари бўлмагани учун, тегмаган. Петрнинг эса соатигина эмас, ҳатто амиркон этиги ҳам бор эди.

Дрезден шаҳридаги Брюлев тепалигида, соат икки блан тўртлар ўртасида, сайр қилиш учун зодагонлар энг яхши кўрадиган вақтда сиз, элик ёшларга борган ва сочлари бутунлай оқариб подагра<sup>3</sup> касалига мубтало бўлган каби, лекин ҳали ҳам бўлса чиройли, нафис кийинган ва ўша, фақат кўп йиллардан бери юқори табақа орасида яшаб келган одамлардагина бўладиган алоҳида кўркем чеҳрали бир одамни учратишингиз мумкин. Бу одам, ҳаммамизга ма'лум, Павел Петрович бўлади. У, ўзининг саломатлигини тузатиш учун Москвадан чет элга кетиб, Дрезден шаҳрида туриб қолди. Бу ерда Павел Петрович кўпроқ инглизлар ва шу ерга келган руслар блан улфатчилик қилди. Инглизлар олдида у ўзини содда тутати, қариб шикаста нафслик қилади, лекин ўзини ўз даражасига муносиб тутати, инглизлар уни бироз кўнгилсиз деб биладилар. Лекин та-

<sup>1</sup> *Теперь* — энди.

<sup>2</sup> *Обеспечен* — та'минланган.

я Қўл-оёқ бўғинларининг зирқчоғи хасталиги.

комвляшган жентльмен—а perfect gentleman<sup>1</sup> бўлгани учун ҳурмат қиладилар. Руслар блан унинг муомаласи бетакаллуфроқ, заҳарли тилига эрк бериб, ҳам ўзидан, ҳам улардан кулиб ўлтиради. Броқ унинг бу қилиқлари ҳардоим кўнгилга ёқимли, ҳам илтифотсиз, ҳам одобли бўлиб чиқади. У, славянпарастлик назарларини ёқлайди: маълумки, зодагонлар ўртасида бу нарса tresdistingue<sup>2</sup> ҳисобланади. У русча ҳеч нарса ўқимайди, лекин ёзув столи устида мужик чабатасига ўхшатиб ясалган кумуш кулдон туради. Туристларимиз унинг кетидан жуда кўп судралиб юришади. Вақтинча оппозицияда бўлган Матвей Ильич Колязин, Богемия сувларига<sup>3</sup> бораётиб, камоли муҳаббат блан уни зиёрат қилди; ерли халқ эса, Павел Петрович гарчи улар блан оз кўришса ҳам, уни жуда ҳурмат қилади. Сарой капиллосига, театрга ва халқни танлаб киритиладиган ибодатхона ва бошқа шунинг сингари жойларга билетни ҳечким der Her Wagon von Kirsanoff<sup>4</sup> каби осон ва тез ололмайди. У, ҳамма нарсани қўлидан келгани қадар яхшилик блан қилади, ҳали ҳам бўлса оз-моз овоз чиқариб туради: бир вақтлари унинг арслон бўлганлиги ҳам бежиз эмас; лекин яшаш унинг учун оғир, ўзи гумон қилгандан ҳам оғирроқ... Рус черковида унга кўз солинса бас: бу ерда у ҳар доим бир чекада деворга суяниб ва ожизона бир суратда лабларини қисиб, узоқ вақт қимирламай ўйга толиб туради; кейин бирданига ўзига келиб қолади-да, қарийб ҳечким сезмайдиган қилиб чўқинабошлайди.

Кукшина ҳам чет элга кетди. У, ҳозир Гедельбергда туради ва бу ерга келганидан бери табиий фанларни бир ёққа қўйиб, архитектурани ўрганабошлади. Ўзининг гапига қараганда бу бобда у янги қонунлар кашф қилган эмиш. У, қадимгидай студентлар блан аралашиб юради ва хусусан бу ерга келганидан кейин бошда соддадил немис профессор-

<sup>1</sup> Такомиллаган жентельмен.

<sup>2</sup> Жуда келишимли, яхши.

<sup>3</sup> Богемияда (ҳозир Чехословакияда) мавжуд бўлган машҳур курортлар.

<sup>4</sup> Барон фон Кирсанов жаноблари.



ларини, ўзларининг ҳар нарсага жуда ҳуш'ёр қарашлари билан, кейин эса ўша профессорларни ўзларининг ўтакетган хуш'ёқмасликлари ва мутлақо ялқовликлари билан таажжубга қолдирадиган жуда кўп рус ёш физик ва химиклари билан аралашиб юришни яхши кўради. Шундақа, я'ни кислородни азотдан ажратаолмайдиган, лекин ҳар нарсани инкор этиб, ўзларини юқори тутадиган иккита-учта химик ва буюк Елисевич билан бирга Ситников ҳам буюк одам бўлишга уриниб Петербургда оралаб юради ва унинг ўз сўзига қараганда, у Базаровнинг „ишини“ давом қилдиради, яқиндагина кимдир уни урган деб гапирадилар, лекин у ҳам индамай қолгани йўқ: бир қоронғи журналчада босилган қоронғи бир мақола-часида у киноя тариқасида ёзиб, ўзини урган одамни кўрқоқ деган. У, буни қочириқ деб отайди. Отаси, уни қадимгидай ишга солиб туради, хотини бўлса уни аҳмоқ... ва адиб деб ҳисоблайди.

Русиянинг узоқ бурчакларидан бирида битта кичкинагина қишлоқ қабристонни бор. Ҳамма қабристонларимизга ўхшаш бу қабристон ҳам қайғули бир манзара касб этади. Унинг атрофидаги зовурларни аллақачоноқ ўт босиб кетган, ёғочдан қилинган кулранг бутлар турли томонга энгашиб, бир замонлари бўялган томлари тагида чириб ётадилар; ялпоқ қабр тошлари, ер тагидан туриб биров итараётгандай, ҳаммаси жойидан қўзғолиб, бир четга сурилиб қолган; пўстлоғи шилинган иккита-учта майда дарахт зурга сал-пал кўланка ташлаб туради, қўйлар қабрлар устида бемалол ўтлаб юради. Лекин бу қабрлар ўртасида киши қули етмайдиган, ҳайвонлар топтамайдиган бир қабр бор: унинг устига ёлғиз қушлар қўнади, тонг маҳалида сайрайди. Унинг атрофи панжара, ҳар иккала бошига ёш арчалар ўтқазилган: бу қабрга Евгений Базаров дафн қилинган. Яқин қишлоқчадан бу ерга тез-тез иккита кекса одам — эр ва хотин келиб туради. Улар бир-бирларини қўлтиқлашиб, оғир қадам ташлаб йўл босадилар, панжара ёнига келганларидан кейин тез чўкиб ўтирадилар, узоқ ва аччиқ-аччиқ йиғлайдилар, тагида ўғиллари ётган тилсиз тошга анчагача диққат билан

қараб қоледилар; қисқа-қисқа сўзлашадилар, тош устига қўнган чанглари артадилар, кейин арча шохларини тузатиб қўядилар, яна дуойи-фотиҳа қиладилар ва бу жойни, гўё ўз ўғилларини ёдлаш учун яқинроқ бўлган бу жойни ташлаб кетолмайдилар... Ноҳотки уларнинг ибодатлари, тўккан кўз ёшлари чиндан ҳам самарасиз бўлса? Ноҳотки муҳаббат, муқаддас ва чин муҳаббат деган нарса ҳақиқатан ҳам заиф бир нарса бўлса? Асло ундай эмас! Қабрда қандай ҳиссиётли, гуноҳкор, ис'ёнкор юрак бекиниб ётмасин, унинг устида ўсиб турган гуллар ўзларининг гуноҳсиз кўзлари билан бизга сокин ва жим қараб турадилар. Улар бизга ёлғиз абадий тинчлик, ўша „бепарво“ табиатнинг буюк тинчлиги ҳақидагина гапирмайдилар, улар яна абадий тотувлик ва мангу ҳаёт тўғрисида ҳам гапирдилар.



*На узбекском языке*

**И. С. ТУРГЕНЕВ**

**ОТЦЫ И ДЕТИ**

*Госиздат УзССР  
Ташкент—1966*

Редактор А. Қаҳҳор  
Рисом И. Икромов  
Техредактор Н. Уманский

---

Теришга берилди 6. X 1948. Босишга  
рухсат этилди 22/XI 1948. Р 24386. Фор-  
мат 84x84/16. Учет. аът. л. 12,6. Пе-  
чат. л. 15,75. 1 печат. листида 32064 ҳарф.  
Ўзбекистон. Шартнома № 39—48. Индекс  
и/а. Тиражи 5000. Бяхоси 6 с. 80 т.  
Муқофаси 1 с.

---

Тошкент, 1-чи босмахона. 1948  
Заказ № 841.